


Ўзона



ИСТИҚЛОЛНИНГ УЛУФ ОДИМЛАРИ

ИСЛОМ ЗИЁСИ ЎЗБЕГИМ СИЙМОСИДА



**ИСЛОМ ЗИЁСИ
ЎЗБЕГИМ СИЙМОСИДА**



1830805
Davlat
2012

263424

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI**

Биз боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзод руҳий дунёсида имон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз.

Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беихтиёр Яратгувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда Худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. «Шукр» деган каломни ҳар кун айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «шукр» ва «тавба» деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, элу юртимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб ўсаётгани учун Аллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз. Тугилганда қулоғимизга азон айтилади, оила қурганимизда шаръий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқилади. Ҳатто, диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий туйғусиз яшай олмайди.

Бизнинг мусулмончилигимиз, Аллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадикки, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қилади.

Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш этиш учун эмас, имонимиз, эътиқодимиз амри билан адо этамиз. Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай таъсирот билан чиқариб бўлмайди.

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкин, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда.



Юртимизда мустақилликнинг ўн тўрт йили мобайнида эришилган муваффақиятлар асрларга татигуликдир. Хусусан, динимиз равнақи, унутилган улуг алломаларимиз ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, уларнинг нафақат мусулмон олами, балки бутун жаҳон афкор оммаси тан олган асарларини халқимизга қайтариш, исломий билимларни теран ўрганиш имконини берувчи янги билим даргоҳларини очиш, хорижий мамлакатлар билан турли соҳаларда кенг алоқалар боғлаш бўйича юз йиллар қамрай олмас миқёсда хайрли ва эзгу ишлар амалга оширилди. Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номи, у кишининг оқилона сиёсати билан боғлиқдир.

Ушбу китобга юртимизда динимиз ривожини бўйича қабул қилинган фармонлар, қонунлар ҳамда Йўлбошчимизнинг халқаро анжуманлар, турли йиғинлар ва учрашувларда билдирган қимматли мулоҳазалари, эълон қилинган асарларидан иқтибослар жамланган.

И80 “Ислом зиёси ўзбегим сиймосида” /Масъул муҳаррир: З.Хусниддинов; Расмлар муаллифлари: Ф.Қурбонбоев ва бошқ. Тўлдирилган иккинчи нашри. — Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005. 360 б.

ББК 66.3(5У)+86.38

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2005.

СИЗЛАРНИНГ ОРАНГИЗДАН БУЮК-БУЮК ИНСОНЛАР ЧИҚИШИГА ИШОНАМАН

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг Тошкент ислом университетининг очилиши маросимида сўзлаган нутқидан)

Нима учун, не мақсадда бундай нуфузли исломий илм ва билим маскани таъсис этилди? Бу саволга жавобни ўтган 8 йил ичида ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳалардаги, авваламбор маънавиятимиздаги амалий ишларимизда, ҳаётимиз қиёфасини, маъно-мазмунини мутлақо ўзгартираётган ислоҳотларда топиш мумкин. Миллий ва диний қадриятларимизни қайта тиклаётган, буюк аждодларимизни рўёбга чиқариб, ўрганиб, татбиқ этаётган бир пайтимизда навбат ушбу олий, диний таълим даргоҳини таъсис этишга келди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмас. Агарки, оддий бир фикрни чуқурроқ ва кенгроқ англамоқчи бўлсак, «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган рисолада таъкидланганидек, бизнинг ўзбек халқимизни эътиқодини, маъно-мазмунини ифодаловчи, ҳар биримизнинг табиатимизга мансуб бир хусусиятимизга эътиборингизни жалб қилмоқчиман, яъни бизнинг миллатимизни мана шу барчамиз учун муқаддас ота-боболаримиз динидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз десам, асло хато бўлмайди.



Ислом динимиз ота-боболаримизнинг муқаддас дини эканлигини, уни ҳаётимизда тутган ўрни, буюклиги ва илоҳийлигини инобатга олиб, шу олий билимгоҳ орқали бу азалий ҳақиқатни яна бир бор исботлаш, унинг ривожига ҳисса қўшиш, мухтасар этиб айтганда, Аллоҳ олдидаги бурчимизни адо этиш, муқаддас динимизни, Қуръони карим оятлари ва ҳадисларни чуқур ва кенг ўрганиш, тарғибот қилиш, халқимиз, миллатимиз, ёш авлодимизни бу бебаҳо хазиналардан баҳраманд бўлишига шароит туғдириш, шу аснода маънавий ҳаётимизни юксалтириш, мана шундай савобли вазифаларни бажо этиш олий даргоҳ раҳбарияти, домла-ўқитувчилари, илмий ходимларининг асосий вазифалари деб биламан.

Мамлакатимизда маълум сабабларга кўра ҳукм сураётган диний билимлар, диний маданият бўйича чаласаводликни йўқ қилиш, зеро, шу чаласаводлик, жаҳолат, эътиқодсизлик туфайли қандай фожиалар содир бўлиши мумкинлигини ҳаёт тажрибасида кўрмоқдамиз ва кўрдик.

Шу олий илм даргоҳида таҳсил кўрган, билим олган, тарбия топган ёшларимиз ичида, менинг фарзандларим орасида янги-янги бухорийлар, замахшарийлар, термизийлар, нақшбандийлар тайёрлаб чиқариш, ўйлайманки, мана шу олий даргоҳнинг асосий мақсади деб ҳисобласак, бу ҳеч қандай хато бўлмас.




Динни фақат бир ёқлама эмас, балки уни дунёвий фанлар билан уйғунлашган ҳолда ўрганиб, ўзлаштириб, ҳосил қилинган билим ва тажрибалар асосида маънавият ва маърифатнинг ривожига ўз диёримизда ва дунёда тинчлик ва осойишталикни барқарорлаштириш ишига, одамзоднинг бир-бирига ҳурмат ва эҳтиромини, меҳру оқибатни уйғотиш каби олийжаноб ишга ўз ҳиссамизни қўшиш. Бу нуфузли илм маскани муаллиму мударрисларига катта-катта омад, катта-катта муваффақият тилашга рухсат бергайсиз.

Алоҳида мана шу ўтирган ёшларнинг юзига, чехрасига қараб айтмоқчиманки, мен сизларга ҳозир рўбарў бўлиб, юзма-юз, ҳавас билан завқ билан қарайман. Мен мана шу бинода 45 йил олдин таълим олганман, шунинг учун, иншаоллоҳ, мана шу кунларни бизлар кўп-кўп ҳавас қилиб, шунга интилиб, шунга ўзимизни катта-катта имкониятларимизни ишлатиб, керак бўлса, ҳар томонлама мана шу кунларни орзиқиб кутиб, мана шу кунларга етганимиз, мана шу кунларни кўриб, сизлар билан рўбарў бўлиб ўтирганим, яна бир бор менга куч-қувват багишлайди ва яна бир бор Сизларга, барчангизга мурожаат қилиб айтмоқчи эдимки, фақатгина Яратганимизга, Аллоҳ таолога шукроналар айтишимиз керакки, шу кунларга бизларни етказгани учун.

Ҳақиқатан ҳам ишонаманки, Сизларнинг орангиздан буюк-буюк инсонлар, буюк-буюк зотлар, буюк-буюк олимлар етишиб чиқади ҳамда Сиз Ватанимизнинг таянчи, суянчи, ифтихори, гурури бўлиб ўсасизлар ва агар бизларга ҳам озгина умр берса, мен ишонаман, беш йилдан кейин ўзим келиб, сизлар билан дийдор кўришиб, Сизларни бағримга босиб, Сизларга диплом топшираман деган яхши ниятдаман.





Ўзбекистон! Келажакнинг биноларинг каби юксак бўлсин!



1990

1990 - 2005

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

1. СССР Президенти Фармойишини ижро этиш юзасидан Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармасининг Ўрта Осиё регионида истиқомат қилувчи 500 кишидан иборат бир гуруҳ мусулмонларни 1990 йил 19 июндан 10 июлгача ҳаж қилувчилар сифатида Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги илтимосига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Фуқаро авиацияси бошқармаси (ўртоқ Рафиқов) ҳаж қилувчиларни келишилган маршрут бўйича Жидда шаҳрига (Саудия Арабистони) олиб бориб қўйиш ва олиб келишни таъминласин, ана шу мақсадлар учун ИЛ-86 ва Ил-62 тайёралари ажратилиб, уларни доимий истиқомат жойларига етказиб қўйишни ҳам таъминласин.

3. Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирлиги (ўртоқ Йўлдошев) рухсатномалар ва қайд этиш бўлими, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазирлиги (ўртоқ Азимов), Ўзбекистон жумҳурияти боғхонаси (ўртоқ Тарасов), СССР Вазирлар кенгаши ҳузуридаги Ўзбекистон ССЖ бўйича диний ишлар кенгаши билан биргаликда тегишли йўл ҳужжатларининг жадал расмийлаштирилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ўртоқ Баҳромов) ҳаж қилувчиларга зарур дори-дармонлар ажратиб, ҳаж жойларида бўлиш даврида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон ССЖ Савдо вазирлиги (ўртоқ Усмонов) Ўрта Осиё ва Қозогистон мусулмонлари диний бошқармаси билан биргаликда ёдгорлик буюмлари, эсдалик совгалари харид этишда ҳаж қилувчиларга кўмаклашсин.

6. Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси (ўртоқ Шоабдурахимов) мусулмонлар диний бошқармасининг талабномасига кўра ҳаж қилувчилар жўнаб кетиши олдидан ва Саудия Арабистонидан қайтганидан кейин уларни Тошкент шаҳридаги меҳмонхоналарда жойлаштирилишини таъминласин.

*Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳурияти Президенти*

И.КАРИМОВ
1990 йил 2 июнь.



АДОЛАТ ВА ДИЁНАТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман қатнашчиларига табрик

Улуғ аллома, ҳадис илмининг мўътабар намояндаларидан бири, эзтандошимиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонга ташриф буюрганингиз, анжуманда қатнашаётганингиз учун жумҳуриятимиз аҳли номидан самимий қутлайман.

Шуни мамнуният билан қайд этмоқ керакки, бугунги кунга келиб давлат билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари анча яхшиланди. Ўзбекистон ҳукумати мўминларнинг истакларини инобатга олиб, мусулмон дунёсининг энг муқаддас ёдгорликларидан бири — халифа Усмон «Мусҳаф»ини улар ихтиёрига қайтиб берди. Қатор тарихий обидалар диний ташкилотлар ихтиёрига ўтказилди. Янги масжидлар очилмоқда. Давлат диний асарларни чоп этишга ёрдам берапти. Макка ва Мадинани зиёрат этишга бораётган мусулмонлар кўпайди. Дин пешволари матбуот, радио ва телевидение орқали ўз қарашларини эмин-эркин баён этмоқдалар.

Тақдирга шоён таҳсинларким, ҳозирги даврга келиб халқаро сиёсатда мафкуравий иқлимлар юмшади, сиёсий жоҳиллик, ялпи шуҳратпарастлик ортга чекиниб, ўзаро дўстлик, ишонч ва биродарликка кенг йўл очилмоқда. Биз бутун мамлакатимиз қатори хориж аҳли билан, тарихимиз ўзаро узвий боғланган қўшни давлатларнинг халқлари билан илм, маданиятнинг ҳамжиҳатлик соҳаларидаги муносабатларимизни янада яхшилаш тарафдоримиз.

Давр куннинг зарур муаммоларини ҳал этишга интилиш баробарида она тарихнинг илгор анъаналаридан сабоқ олишни ҳам тақозо этади.

Қадимий Мовароуннаҳр ва Хуросон фарзандларининг жаҳон илму ҳикмати тарихига зарварақлар ила битилган асарлари оз эмас. Имом ал-Бухорий, ал-Беруний, ибн Сино, ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Рудакий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа юзлаб зотларни жаҳон яхши биледи. Бу асарлар силсиласида Имом ат-Термизийнинг азиз номлари ҳам ёруғ юлдуздай чарақлаб турибди.

Бугунги кунда Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли ҳикमत орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асар-



ларидан «Китоб ал-Жомий ас-саҳиҳ» ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи гоялари сердолга давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда замонавий аҳамият касб этади.

Қадимги Шарқ халқларининг илмий-маданий алоқалари кучли эди. Бу ҳамкорлик янада ривожланиб, халқаро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Термизий Ватанига келган барча меҳмонларни яна бир бор муборакбод этаман. Муътабар анжуман иштирокчиларининг инсоний қадриятларини улуғлаш йўлидаги фаолиятларига барака тилайман.

1990 йил 14 сентябрь.





1991

1990 - 2005

11 апрель — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан «Рамазон ҳайити» дам олиш куни деб эълон қилинди.

14 июнь — Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

20 июнь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Қурбон ҳайити» дам олиш куни деб эълон қилинди.

Июль — Буюк юртдошимиз, муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорийнинг исломда Қуръондан кейинги иккинчи китоб ҳисобланган «ал-Жомий ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) асарларининг биринчи жилди илк бор Зокиржон Исмоил томонидан ўзбек тилига ўтирилди ва Қомуслар Бош таҳририяти томонидан 200 минг нусхада чоп этилди.

Сентябрь — Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги «Кўкалдош» (Тошкент шаҳри), «Мулла Қирғиз» (Наманган шаҳри) ва «Фахриддин ар-Розий» (Урганч шаҳри) Ислом ўрта махсус билим юртлари фаолият кўрсата бошлади.

Ноябрь — Ўзбекистон телевидениесига биринчи диний-маърифий кўрсатув — «Маърифатнома» намойиш этила бошланди.

18 декабрь — Вазирлар Маҳкамасининг «Диний ташкилотлар уставларини рўйхатга олиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларини, рўйхатга олинганлик учун йигимларни олиш тартибини ва уларнинг миқдорини тасдиқлаш тўғрисида» 313-сон қарори қабул қилинди.

350 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

*Диний байрам «Қурбон Ҳайити»ни
дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида*

Мусулмонларнинг кўплаб истак ва хоҳишларини қондириш ҳамда Ўрта Осиё мусулмонлари Диний Бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва меҳр-оқибатини юксалтириш мақсадида «Қурбон Ҳайити» («Ийд ал-адҳа»)ни бу йил 22 июнь куни ва кейинги йилларда эса «Қурбон Ҳайити»нинг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин.

*Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳурияти Президенти*

И.КАРИМОВ
1991 йил 20 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

*Анъанавий миллий байрам — «Рўза Ҳайити» муносабати билан ва меҳнаткашларнинг
кўндан-кўп талаб ва истакларини эътиборга олиб:*

1. Республика фуқароларига 1991 йилнинг 16 апрелида уларнинг хоҳишига мувофиқ ишга чиқмасликка ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг маъмурияти ва касаба уюшмалари комитетлари билан келишилган ҳолда бу кунни кейинчалик ~~ишлаб~~ беришга рухсат берилсин.

2. Қорақалпоғистон МССР Вазирлар Кенгаши халқ депутатлари ~~мажлиси~~ кенгашларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР ~~вазирликлари~~ ва идоралари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари мазкур Фармоннинг биринчи банди бажарилишини таъминласинлар.

*Ўзбекистон Совет Социалистик
Жумҳурияти Президенти*

И.КАРИМОВ
1991 йил 11 апрель.





Тошкент, Наманган, Бухоро шаҳарларидаги диний bilim масканларида фарзандларимиз ислом аҳқомларини, тарихини, маданиятини ҳадикларсиз, эмин-эркин ўқиш-ўрганиш имконига эга бўдилар.



Этиқоди мустаҳкам Бухорий авлодлари — Тошкент ислом институти талабалари.



Namangan Davlat
Universiteti
263424

1992

1990 - 2005

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI**
Axborot-resurs markazi

4 январь — Мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи бор Республика Президенти иннаугурацияси (қасамёди)да Конституция ва Куръони карим билан қасам ичиш анъанаси жорий қилинди.

25-26 февраль — Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон) ва Қозоғистон мусулмонларининг навбатдан ташқари бешинчи қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қарорига биноан Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идораси «Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси» деб атала бошланди.

7 март — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилиш тўғрисида» ПФ-359 Фармони қабул қилинди.

27 март — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Руза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» Фармони чиқди. Ушбу Фармонга мувофиқ кейинги йилларда ҳам «Руза ҳайитининг биринчи кунини дам олиш кунини деб эълон қилинди.

2 апрель — Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этиш тўғрисида»ги 159-сон қарори қабул қилинди.

3 апрель — Тошкентдаги машинасозлик лойиҳа бюроси муҳандислари (конструкторлик бюроси раҳбари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Шавкат Воҳидов) ёрдамида Мовароуннаҳр мусулмонлари бошқармасининг ташаббуси билан Саудия Арабистонининг Макка шаҳридаги энг қутлуғ даргоҳ — катта масжидда «Рамазон ҳайити» намози ўқилиш маросими Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилди.

9-10 май — Туркменистон пойтахти Ашхободда Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Эрон, Туркия ва Покистон давлат ва ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

11-17 май — Тошкентда «Ўрта Осиё ва жаҳон цивилизацияси» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди.

16-23 июнь — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Корея, Малайзия ва Индонезия республикаларига ташриф буюрди.

24 июнь — Туркистон шаҳрида Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев Яссавий мақбарасини зиёрат қилдилар.

27- июнь — Ўзбекистон ва Покистон Ислом Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги Шартнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

28 июнь — Тошкентда Покистон Ислом Республикасининг элчихонаси очилди.

11-14 апрель — Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси расмий ташриф билан Саудия Арабистони Подшоҳлигида бўлди. Подшоҳ Фаҳд бин Абдулазиз ал-Сауднинг делегация аъзоларига кўрсатган эҳтироми ўлароқ, улар Каъбатуллоҳ — Аллоҳнинг уйига кириб зиёрат қилишга мушарраф бўлдилар.

29-30 апрель — Тошкент шаҳрида Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг иккинчи епархиал қурултойи бўлиб ўтди.

Июль — Буюк юртдошимиз, муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳиҳ» (Ишонarli тўплам) асарларининг тўртинчи жилди Абдулгани Абдуллоҳ томонидан ўзбек тилига ўгирилди ва Қомуслар Бош таҳририятида 200 минг нусхада чоп этилди.

Август — Куръони карим маъноларининг биринчи ўзбек тилидаги таржимаси Алоуддин Мансур томонидан тайёрланди ҳамда «Чўлпон» нашриётида 100 минг нусхада чоп этилди.

8 сентябрь — Тошкентдаги немис Евангел-лютеран черкови Адлия вазирлигида расмий рўйхатдан ўтказилди.

Сентябрь — Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги «Жўйбори Калон» (Бухоро шаҳри), «Хожа Бухорий» (Қашқадарё вилояти), «Саййид Муҳиддин Махдум» (Андижон вилояти) ва «Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний» (Нукус шаҳри) Ислом ўрта махсус билим юртлари фаолият кўрсата бошлади.


17 октябрь — Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Ватикан ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши тўғрисида қўшма ахборот қабул қилинди.

28 октябрь — Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги 497-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга биноан, барча тадбирлар учун Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан йигирма беш миллион сўм ажратилди.

24-25 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Жумҳуриятига расман ташриф буюрди.

28 ноябрь — Исломободдаги иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Ўзбекистон Покистон, Эрон ва Туркия томонидан илгари асос солинган ушбу минтақавий ташкилотга расман аъзо бўлиб кирди.





16 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Қоҳирадаги (Миср Араб Республикаси) «Ал-Азҳар» университетининг фахрий доктори унвони берилди. Университет илмий кенгаши ушбу унвонни И.Каримовга «ислом динининг ҳимояси ҳамда мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун» берди.

Декабрь — Ўзбекистон радиоси «Ватандош» радиостанциясининг «Жума учрашувлари» эшиттириши ташкил этилди.

500 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.

«Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, ундай миллатнинг, ундай давлатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар».

Ислом КАРИМОВ

ДИН ОДАМЗОДНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ЁМОН ЙЎЛГА БОШЛАМАЙДИ

Мустақил давлатимизнинг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, ислом динимизни албатта назарда тутишимиз керак. Негаки, дин турмуш тарзимизга, маънавий қадриятларимизга, кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

* * *

Юксак маънавий бурчлар кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. Улар инсониятнинг минг йиллик тарихи, ота-боболаримизнинг неча-неча авлодлари тажрибаси давомида юзага келган.

Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нукул пул ва фойда кетидан қувсақ-да, аммо одамларимиз тубан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Ўзбекистон мустақиллик сари йўл олар экан, дастлабки кунлариданоқ ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклаш, ноҳақ жабрланган инсонларнинг муборак номларини юзага чиқариш, миллий онгни ўстириш каби вазифаларни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйдик.

Динга, диний ташкилотларга кенг йўл очиб берилди. Буюк ҳажга илгари нари борса беш-олти киши борарди. Энди ҳар йили минглаб одамлар муқаддас жойларга эмин-эркин зиёратга боришяпти.

Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишига, яхши из қолдиришга ундаб туради.

Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади.



Айни замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирмақчимиз; дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар худога ёқмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсукумлиikka ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир, деб талашиб юришлар бизга тўғри келмайди.

Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин. Кимнинг фазилати қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканини Яратганнинг ўзи ажрим қилиб беради у дунёда.

Дин пешволарига яна бир илтимосимиз бор. Уламолар сафига турли бақироқлар, куни кеча партбилетни кўтариб райкомга юрган, бугун саллани қийшиқ ўраб мачитга йўрғалаган бебурд кимсалар адашиб кириб қолмасин. Яхши одам ҳар куни эътиқодни алмаштирмайди. Эътиқод ва имон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг.

* * *

Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, исломга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлмоқда.

* * *

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

— Ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яққаҳоқимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқоди ва динга амал қилиш, ўзининг диний маросимларини бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлгон ва риёкорликдан покланишга, юксак ахлоқий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмоқда. Ислом — ота-боболаримизнинг дини — мусулмонларнинг онги,

*Ёқиб юборилган, қабристонларга кўмилган, дарёларга оқизилган
китобларнинг аламини унутиш мумкинми!..*

*«Қуръони карим», «Ҳадиси шариф», улуғларимизнинг юзлаб табарруқ асарлари ис-
тиқлол шарофати билан яна халқимизга қайтарилди.*



туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради.

Ўзбекистон бошқа мусулмон давлатлари билан ҳам ўзаро муносабатларни — шу жумладан кўп томонлама асосда чуқурлаштиришга интилмоқда. Бу йўлда ҳам ҳозирдаёқ муайян силжишлар бор. Ўрта Осиёдаги мамлакатлар, Қозогистон, Эрон, Покистон, Туркиянинг Ашхобод учрашуви яхши умид туғдирмоқда. Ана шу учрашув давомида Трансosiё темир йўл магистралини биргаликда қуриш тўғрисида аҳдлашувга эришилди. Бу лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистоннинг Жаҳон океанига, халқаро савдо марказларига чиқиш йўлини очади, ташқи иқтисодий фаолият йўналишларини танлашда ҳаракат эркинлигини анча оширади.

Араб мамлакатлари билан, аввало Саудия Арабистони билан қалин алоқалар ўрнатиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Ўзбекистон халқи маданий ва диний меросдан баҳраманд бўлиш, савдосотиқ, туризмни ривожлантириш, кадрларни ўқитиш имконини олди.

* * *

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир.

Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

*«Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура»
китобидан. Т.1. Т., «Ўзбекистон», 1996*

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОТАШҚАЛЬ ФАРЗАНДИ

Бобокалонларимиз — Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади.

*«Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура»
китобидан. Т.1. Т., «Ўзбекистон», 1996*

АЛЛОҲ ТАОЛОНИНГ ҶИЗИ БИЗЛАРГА МАДАД БЕРСИН!

Ошиқча қарсақбозликнинг кераги йўқ, азиз дўстлар. Унинг ўрнига бугунги кунда гоят долзарб бўлиб турган яна бир масала хусусида фикрлашиб олайлик.

Табиб табиб эмас, бошдан ўтказган табиб, деган нақл бор. Қўлда бут бўлиб турган бахтнинг қадрини инсон ҳар доим ҳам сезавермайди. Вақт ўтиб, бошга иш тушганида тушунади. Тинчлик ва осойишталик қадрини яқинлардан жудо бўлган чоғда чуқурроқ англаймиз. Ёнимизда юрган тенгдошларимиз ёки ганимат бўлиб турган мўсафидларимиз қадрини ҳам, минг афсуски, жуда кеч, вақт бой берилган пайтда тушуниб етамиз.

Бировга бир огиз ширин сўз айтмоқ ёки бир лаҳзалик эътибор кўрсатмоқ кишидан катта нарса талаб этмайди. Келинлар, биродарлар, оқибатлироқ бўлайлик. Тирикларнинг иззатини жойида сақлаб, ўтганларнинг охирати обод бўлишини тилайлик.

Боягина шу залда Тожикистондан келган Абдуғофур отанинг гапларини эшитдик. У киши айтган гапларнинг барчасини ҳам тушуниб, ҳар биримиз юрагимиздан ўтказдикми? У киши Тожикистондаги фожиа ҳақида қаттиқ қайгуриб, юраги қон бўлиб гапирдилар. Ўйлаб кўринлар, Тожикистонда бир ярим миллион ўзбек яшайди, улар — ўз миллатимиз, тожиклар ҳам бизга бегона эмас, ўз қардошларимиз, туғишганларимиз. Бугун Тожикистон халқи бошига огир мусибат тушди. Энди уларнинг ҳаёти, келажаги нима бўлади?

Эсингизда бўлса, бундан ярим йил ва ҳатто бир йил олдин биз бугун бўлаётган фожиалардан огоҳ этган эдик. Афсуски, фожианинг олди олинмади. Тожик халқи — қадимий халқ. Тарихи ва маданияти гоят бой халқ. Агар бу халқ парчаланиб кетса — энг катта тарихий гуноҳ шу бўлади. Аллоҳ таоло бунинг учун бизни асло кечирмайди.

Азиз биродарлар! Юрагимда йигилиб юрган, айтсам ҳам ҳеч адо бўлмайдиган аламли бир нидо борки, уни яна бир бор такрор айтмасликнинг иложи йўқдир. Тинчлик ва бутлик қадрига етайлик, азизларим. Яқдил ва ҳамнафас бўлайлик. Нечоғлик мураккаб бўлмасин, биз кечираётган ҳаётнинг яхши фазилатлари жуда кўп. Бунинг учун Аллоҳга шукрона айтмоқ жоиздир.

Гумроҳликдан огир гуноҳ йўқ. Халқ жипслиги учун ҳар қанча хизмат этсак, шахсий фароғатдан воз кечсак арзийди. Мен сизларни шунга ишонтирмоқчиман, азиз дўстлар.



Илгари бу гапни айтмаган эдим. Аммо бугун сўзламоқ пайти келди. Майли, айтаман. Маккага сафар қилган чоғимизда, Каъба ичига киришдек шарафга муяссар бўлганимизда, мен халқимнинг бугуни ва келажагини бер, дея худога илтижо қилдим. Кўнглимда бир ишонч бор эдики, биз бу ерга бежиз келмадик, бежизга бизни бу қадар эҳтиромга лойиқ кўришмади. Бизга кўрсатилган барча ҳурмат ва иззат — Аллоҳнинг буюк инояти. Мен Каъбатулло зиёратида улуғ бир рамз кўрдим, Ўзбекистоннинг келажаги муқаррар тарзда порлоқ бўлишига имон келтирдим.

Мен бугун шу буюк ишончимга тенг шерик бўлинглар, дея даъват этаман, азиз ватандошларим! Шу ишонч кўнглимизда фурғон янглиг қад кўтарар экан, инонингки, бизнинг куч-қудратимиз минг чандон ошажак!

Бу буюк ишонч бизга Ўзбекистонда, нафақат Ўзбекистонда, балки буткул кўҳна Туркистонда тинчлик ва осойишталикни сақлашда бизга мадад бергуси.

Қарсақбозликка, боя айтганимдек, мутлақо қарши эдим-у, аммо бу гал ўзим ҳам қарсақ чалишга ихтиёр сезяпман, азиз дўстлар! Ҳар бир оила, ҳам бир хонадоннинг тинчлигини сақлай билсак — марра бизники. Жуда оддий, аммо энг улуғ вазифа аслида шу ўзи. Барча оқсоқолларимизни, фахрийларимизни, диндорларимизни, масжидларда хизмат қилаётган мўътабар имомларимизни ҳам шунга даъват этсак. Юртимиз аҳлини бирлаштиришда уларга сидқидилдан ёрдам берсак, ўзбек халқи ёруғ кунларга шунчалик тезроқ етажак!

Билиб қўйинглар, бир-икки йил ўтиб, ўзимизни ўнгласак, елкамизга офтоб тегса, ўшанда Ўзбекистон ўзининг неларга қодир эканини дунёга намойиш этади!

Илоё, шундай чоғларга тус-тугал, сафларимиз тўкис бўлиб етайлик. Бу йўлда Аллоҳ таолонинг ўзи бизларга мадад берсин!

*«Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура»
китобидан. Т.1. Т., «Ўзбекистон», 1996*





1992 йил апрель ойида, яъни мустақилликка эришганимиздан сўнг саккиз ой ўтгандайёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Саудия Арабистони қироллигига ташириф буюрди. У кишини Саудия қироли Малик Фаҳд бин Абдулазиз кутиб олди.



Президентимизга Саудия қироли томонидан совға қилинган Каббануш — юксак эҳтиром рамзи.

«Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз», — дейдилар Юртбошимиз. Албатта шундай. Бироқ Шўро даврида диёримиз аҳли хориждаги диндош биродарларидан зўрлик билан ажратиб қўйилган, ҳатто турли сабаблар билан муҳожирликка кетган қавму қариндошлари билан юз кўришмоқ имкониятидан маҳрум этилган эди.



Мустақиллик сизларга ҳам муборак бўлсин!



Мамлакатимиз раҳбари Саудиядаги ватандошлар билан учрашди.

КУЧ-ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 1 йиллигига бағишланган тантаналарда сўзланган нутқдан

Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил кўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда.

Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табийий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади.

1992 йил 31 август.

ДИНГА МУНОСАБАТИМИЗ ЎЗГАРДИ

XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 9 сессиясида сўзланган нутқдан

Маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Тарихни тикладик. Она тилимизни англадик. Улуғ боболаримиз руҳини шод этдик. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари халқ жигарбандларининг номи, иззат-икромни, хурмати ўз жойига қўйилди.

Удумларимиз, қадриятларимизга қайтдик. Юртимизга Наврўз кириб келди. Рамазон, Қурбон ҳайитларига етдик.

Динга муносабатимиз ўзгарди. Ўртадаги тушунмовчилик, қарама-қаршилик йўқолди. Бунинг ўрнига ҳамкорлик, ҳамжиҳатликка ўтдик. Ошкоралик, демократия йўлида биринчи, лекин дадил қадамлар қўйдик. Бир сўз билан айтганда, ўзлигимизни англадик. Аниқроқ қилиб айтсам, ўзлигимизга қайтдик.

1992 йил 4 январь.



БАРЧА МУСУЛМОНЛАР — БИРОДАРЛАРДИР

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи қатнашчиларига табрикнома

Муҳтарам уламолар!

Азиз меҳмонлар!

Қадрдон ватандошлар!

Маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўладиган қурултойингиз билан сизларни чин дилдан табриклайман.

Ўйлайманки, сизнинг бу анжуманингиз нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг диққат марказида турибди. Чунки бу қурултойда эл-юртнинг маънавий камолоти, миллатнинг бахт-саодати йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган, қалблари илоҳий туйғулар нури билан мунаввар бўлган, имони бутун, эътиқоди мустаҳкам фозилу фузалолар иштирок этмоқдалар.

Сизлар барча мусулмонларни, биродарларни ҳалол, пок яшашга, бегараз, инсофли, кечиримли, ҳамжиҳат, аҳил бўлишга, мансабу бойлик кетидан қувмасликка, ватан, халқ, дин манфаатларини ҳар қандай шахсий таъмадан, иззат-нафслардан баланд кўйишга даъват этасизлар. Эл-юрт бу даъватларга жону дили билан қулоқ солишига ишонаман.

Ҳеч кимга сир эмас, биз ҳозир тарихий тақдиримизнинг ниҳоятда муҳим ва мураккаб даврини бошдан кечирмоқдамиз. Бутун дунёдан олган мустақиллигимиз туфайли асрлар оша давом этган даҳшатли таназзул ва мустамлака балоларидан халос бўлмоқдамиз. Қуръони каримда ўзининг чуқур ифодасини топган инсонни имонли, эътиқодли, виждонли, ҳалол, пок, меҳр-оқибатли қилиш биз олиб бораётган сиёсатнинг асоси бўлиб туради.

Лекин бизнинг яна кимларгадир қарам бўлишимизни истайдиган маккор ва қўпоровчи кучлар, кимсалар тарих саҳнасидан кетган эмас. Улар ёшларимизни ўз игволари домига тортиш йўли билан ўз қора ниятларини амалга оширишга интилмоқдалар. Бизнинг эркинлигимиз ва мустақиллигимизни кўролмайдиган бахил кишилар ҳатто баъзан дин аҳлини низо гирдобига тортишга, мазҳаблар орасида жанжал кўтариб, фожиа чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бунинг учун барча хушёр бўлиши зарур. Муътабар ота-оналаримиз, улуғларимиз, маҳалла оқсоқолларимизнинг бу ишдаги қўмаги беқиёс бўлади.

Виждон — олий ҳакамдир. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ. Бизда барчага қонун йўли билан виждон эркинлиги берилган. Имон-эътиқод дахлсизлиги учун тегишли имкониятлар яратилган.





Ўрта Осиё халқларининг дўстлиги мустақиллик йиллари янги, аввалгидан юксакроқ босқичга кўтарилди. Бу дўстликнинг туб моҳияти Юртбошимизнинг мана шу сўзларида ўз аксини топган: «Азиз биродарлар, Ватанимизнинг тинчлигини, қўшинларимиз, бутун халқларнинг осойишталигини, барча муулмонларнинг яқдиллиги ва аҳиллигини кўз қорачиғимиздай асрайлик».

Куръони каримда жами мусулмонлар биродарлардир, дейилгани сизларга яхши маълумдир. Шундай экан, имон-этиқоддаги жузъий фарқларни низога айлантирмай, бағри кенг ва кечиримли бўлайлик. Барча билан ога-инидек иноқ яшаш, ҳамжиҳатликда меҳнат қилиш доимо, айниқса, ҳозир ҳалқимизга сув билан ҳаводек зарурдир.

Узоқ-яқиндаги азиз ватандошлар ҳам бизнинг меҳримизда, қалбимиздадир. Уларга бағримиз ҳам, эшигимиз ҳам очиқ.

Ватан озодлиги ва фаровон ҳаёт — ҳар бир инсоннинг олий мақсади. Маълумингизким, муборак ҳадислардан бирида «Хуббул ватан минал имон», яъни ватанни севган одамгина мукамал имон соҳибидир, дейилган.

Шундай экан, келинлар, азиз биродарлар, ватанимизнинг тинчлигини, қўшниларимиз, бутун халқларнинг осойишталигини, барча мусулмонларнинг яқдиллиги ва аҳиллигини кўз қорачигимиздек асрайлик.

Шуни унутмайликки, дунёга донг таратган Исмоил Бухорий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий каби сиймолар сиз қурултой ўтказаётган шу мўътабар замин фарзандларидир.

Биз шу улуг сиймоларнинг ворислари сифатида халқимизнинг маънавий камолоти, тинч ва фаровон ҳаёти учун жавобгармиз.

Мана шу улкан масъулият ҳисси остида қурултой ўз олдида қўйган вазифаларни, муаммоларни донолик, вазминлик, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишига эл-юрт ишонч билан кўз тикиб турибди.

Қурултой ишига яна бир бор муваффақият тилашга ижозат бергайсиз.

Ҳаммамизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

1991 йил 26 февраль.

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанада сўзланган нутқдан

Асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.

Ана шу миллий онг, ана шу миллий гурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўма-



рис. Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улугбек каби улуг зотлар асос солганлар.

Бобоқалонларимиз — Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуг бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади...

Халқимиз руҳиятининг сарчашмаларидан бўлмиш қадимий ва навқирон Наврӯз айёми, диний қадриятларимиздан бўлмиш Рӯза ҳайити ва Қурбон ҳайити қайтадан ҳаётимизга кириб келди...

Сўнгги йиллар мобайнида биз тарихимиз, динимиз, маданиятимиз ва маънавий ўтмишимизни ўрганишда муайян ишлар қилдик. Тарихий, диний рисоаларни нашрдан чиқардик. Урф-одатларимизни, миллий маросимларимизни кенг тарғиб этдик. Борлигимизни, бойлигимизни, қадриятларимизни дунёга аён қилмоқдамиз. Лекин бир нарсани ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак: бу дунёда ҳақиқат ва адолат албатта қарор топади...

1992 йил ноябрь.

ҲАЁТБАХШ ТАЪСИР

*ХII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
ўн биринчи сессиясида сўзланган нутқдан*

Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаетган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динга амал қилиш ёки ҳеч қайси динга амал қилмаслик ҳуқуқига эга.

* * *

Мен бугун мамнуният билан таъкидламоқчиманки, халқимизнинг кўнглини кўтаришда, унинг қаддини ростлашда кўпчилик дин вакиллари, юзлаб имом-хатибларимиз бизга яқиндан ёрдам беряптилар. Бошқа айрим мусулмон республикаларидаги диндошларидан фарқли ўлароқ улар халқни бирлаштиришни, ўзаро низо ва нифоқлардан йироқ туришни тарғиб этмоқдалар. Бунинг натижасида бошқа ижтимоий-сиёсий тадбирларни ҳам уйғун этган ҳолда, биз жумҳуриятимизда бугунги энг катта бойликни — тинчликни барқарор этишга эришдик.

1992 йил 8 декабрь.





Дин арбоблари, уламолар Юртбошимизнинг исломни ривожлантириши борасидаги саъй-ҳаракатларидан мамнундирлар.





1993

1990 - 2005

Январь — Тошкентда замонавий ислом санъати кўрғазмаси ўтказилди. Унда беш ўзбек рассомининг асарлари намойиш этилди.

2 март — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида» қарори эълон қилинди.

3 май — Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи немисларнинг диний эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш мақсадида немис Евангел-лютеран черкови Кирхасини «Видергебурт» Немис маданият марказига мақсадга мувофиқ тарзда ишлатиш учун бериш» ҳақидаги 138-Ф сонли Фармойиши қабул қилинди.

16 август — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов мамлакатда меҳмон бўлиб турган Туркия Республикасининг Диёнат ишлари вазири Меҳмет Нури Йилмаз бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Август — Буюк юртдошимиз, машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» («Танланган ҳадислар») асарлари илк бор Абдулгани Абдуллоҳ томонидан ўзбек тилига ўгирилди ва 50 минг нусхада чоп этилди.

16-18 сентябрь — Бухоро вилоятидаги Баҳоуддин Нақшбанд масжиди мажмуасини таъмирлаш ишлари якунланди ва аллома таваллудининг 675 йиллик тантаналари нишонланди.

23-24 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори ва Буюк Британия Оксфорд университети иштирокида «Имом ал-Бухорий ҳаёти ва даври» мавзуида халқаро илмий анжуман Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

30 октябрь — Тошкентда «Абадий қадриятлар ва Аҳмад Яссавий» мавзуидаги халқаро илмий-маърифий конференция очилди.

22 ноябрь — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 96-қарори билан «Ҳадичаи Кубро» (Тошкент шаҳри) номли аёл-қизлар Ислон ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсата бошлади.

Ноябрь — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Нонни азиз тутиш ҳақида»ги Фатвоси қабул қилинди.

1500 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЕЛАЖАГИ БУЮКЛИГИГА ИШОНЧИМ КОМИЛ!

*Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги хорижий мухбирлар халқаро
уюшмаси аъзолари билан Тошкентда бўлиб ўтган суҳбат*

Александр Меркушев, «Ассошиэйтед пресс» агентлиги, АК»: Президент жаноблари, Сизнинг мамлакатингизда ислом дини қонун-қоидалари тикланиши яққол намоён бўлмоқда. Айни вақтда Сиз Ўзбекистондаги барқарорлик учун ислом ақидапарастлиги энг катта хавф эканлигини бир неча бор айтдингиз. Рисоладагидек ислом билан барқарорлик ва тинч турмушни бузадиган жангари ислом ўртасида чегара борми?


ПРЕЗИДЕНТ: Бултур мен асосий дини ислом бўлган кўпгина мамлакатларга бориб келдим. Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварада, Эронда, Малайзияда, Индонезия, Покистон, Мисрда бўлдим. Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним комил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга мураса билан қараш тарғиб қилишини жуда яхши билди. Мен мусулмон мамлакатларининг ислом динига ихлосманд раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммалари мутаассибликни, экстремизмни қоралайдилар. Ислом дини инсонни гуноҳлардан фориғ қилишига ишонаман. Ҳар бир киши муқаддас нарсага ишонмоғи керак. Қўпол сўз билан айтсам, кечирасиз-у, шунга ишончи йўқ киши ҳайвонга ўхшайди. Буюк файласуфимиз Аҳмад Яссавий шундай фикрларни билдирганлар.

Шу сабабли одамларда динга эътиқод уйғонишини асло қоралаб бўлмайди. Бизда масжидлар тикланмоқда. Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир.

Хўш, бунинг нимаси ёмон? Илгари одамлар Қуръон сураларини ёд олишарди-ю, бу китобда баён этилган гапларнинг чуқур маъносини кўпинча тушунишмас эди. Энди ҳар бир киши она тилида ислом динининг моҳиятини уқиб олиши мумкин.

Аммо мен диннинг мутаассиблик мақсадларига, экстремизмга хизмат қилишига бутунлай қаршиман. Мисрда содир бўлаётган портлашларга, қўшни Тожикистонда рўй берган фожиаларга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки Мисрда ҳам, Тожикистонда ҳам битта мақсад — муқаддас ислом динидан фойдаланиб, ёвуз ниятли кимсалар ва кучлар ўз манфаатларига эришмоқчилар. Мансабпараст ва амалпарастлар одамларнинг динга бўлган ихлоси, муқаддас ишончи, пок умидларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланяпти-





Улуғ ва муътабар ишларимизда Аллоҳ таоланинг ўзи мададкор бўлгай.

лар. Тоҷикистон мисолида худди шундай гаразли режалар учун қанча-қанча бегуноҳ инсонларнинг умрини ҳазон қилиб, ҳеч кечирилмайдиган қурбонларга олиб келинганини кўриш мумкин.

Мавриди келганда шуни айтиб ўтмоқчиман: афсуски, бу борада оммавий ахборот воситалари, жумладан: «Останкино» телевидениеси жуда хунук роль ўйнади. Унинг мухбирлари тогдан тушиб келган кишиларни «Ислом демократлари» ва улар партократияга қарши курашмоқдалар, деб атади. Аммо ҳеч ким Душанбедаги Шоҳидон майдонида турган кишиларга катта пул тўланганини айтгиси келмади. Кейин нима бўлгани ҳаммага маълум — минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлди, беҳисоб қон тўкилди. Бунинг учун демократия Тоҷикистонда бир ниқоб сифатида керак эди. «Демократлар» ҳокимиятга етиб борганларида, автоматлар ишга солинганида шиорлар улоқтириб ташланди.

Ибратли бир мисол. Тоҷикистон демократик партиясининг раиси Шодмон Юсуф Тоҷикистондаги русларни гаровга ушлаб турилган бандитлар деди. Ақидапарастлар ҳатто мактаб ўқувчиларини гаровга олишдан ҳам қайтмадилар. Шунда ҳам уларни демократлар деб аташди.

Ҳамиша ҳам бузиш осон, янги уй қуриш анча мураккаб. Шунинг учун ҳам ислом ақидапарастлиги Ўзбекистонга хавф соляптими, деган саволга: хавф солаяпти, деб жавоб қайтаришим мумкин. Айниқса, биз эркин демократик давлатлар қураётган ҳозирги пайтда ҳар қандай шаклдаги ақидапарастлик мақбул эмас, деб ҳисоблайман.

Луиджи Сандри, Анса, Италия: ислом ақидапарастлигига муносабатингиз қандай? Жаноб Президент, ақидапарастликнинг таъсири Ўзбекистонга ҳам тарқалади, деб ҳисобламайсизми?

ПРЕЗИДЕНТ: Назаримда, «ақидапарастлик» тушунчасининг ўзи кенг қамровлидир. Ислом ақидапарастлиги бор, коммунистик ақидапарастлик бор... Булардан иккови ҳам бизга мақбул эмас. Бу ўта номаъқул оқимлар чинакам демократик жамият қураётган давлат учун сира тўғри келмайди. Ўзбекистонда ислом ақидапарастлиги хавфи бор ва бу хавф ортиб бормоқда. Мен мазкур масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Сиз демократик матбуот вакилларисиз, сиз ўз конституциясида озодликни олий қадрият деб эълон қилган мамлакатларнинг фуқаросисиз, лекин мен саволингизга савол билан жавоб бермоқчиман: — сиз ақидапарастлик, экстремизм билан курашмоқ йўлида биз билан биргамисиз?




Бу ерда мухолифчилар эслатиб ўтилди. Ўзбекистонга ёрдам бериш тўхтатилсин, деб жар солаётган ана шу мухолифатга тушуниш мумкинми? Буни қарангки, ана шу мухолифчиларнинг фикрича, гўё Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётган эмиш. Айни вақтда ҳар бир ақли расо киши шу нарсани англаб турибдики, бизнинг юртимизда жуда жиддий, жуда катта аҳамиятга молик масала, яъни Ўзбекистонда ақидапарастлик ва экстремизм голиб келадими ёки йўқми, деган муаммо ҳал этиляпти. Нима учундир шу масала бу ерда тилга олинмади. Сиз эса демократиянинг жарчилари бўлсангиз, бизга бу курашда ёрдам беринг. Қаддимизни ростлаб олишга кўмаклашинг. Навбатдаги ваҳшийликка қарши жамоатчилик фикрини вужудга келтиринг. Сўзларимнинг мағзини чаққанда, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бошқа шунга ўхшаш масалалар хусусида турлича талқинлар келиб чиқиши мумкин. Албатта, бу мавзу хусусида баҳслашиш, исбот-далиллар келтириш ҳам мумкин. Аммо сиздан шуни сўрамоқчиман: Осиё дунёсида Ўзбекистон тақлид қилиши мумкин бўлган бирон-бир идеал демократик давлатни айтиб бера оласизми?

1993 йил 4 март.

БУЮК МАҚСАД ЙЎЛИДАН ОФИШМАЙЛИК

Яқинда ойнаи жаҳон орқали бир россиялик академик-сиёсатчи айтган гаплар одамни ҳайратга солди: «Мустақил давлатлар истиқлолга роса тўйиб, яна албатта Иттифоқ таркибига қайтишга мажбур, чунки уларда бошқа илож йўқ» эмиш! Шунақа одамларга аниқ ва кескин қилиб савол бермоқчиман.

— Айтинглар, истиқлол ҳавосига, озодликка, эркинликка тўйиш мумкинми ўзи?! Яқинда Тошкент Давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг матбуотда босилган мурожаатномасида жуда тўғри ва одамнинг юрагига етиб борадиган шундай сўзлар айтилган: «Биз мустақилликнигина эмас, тилимизни, динимизни, бутун маънавиятимизни йўқотиш даражасига етган эдик. На Чор ҳукумати, на қизил империя салтанати Туркистон халқларининг тараққий топишини ҳеч қачон истаган эмас. Ер ости ва ер усти бойликлари ададсиз, тупроқлари ҳосилдор, табиати жаннатмисол бу ўлка ҳалол, очиқкўнгил, меҳмондўст ва айни пайтда меҳнаткаш халқи билан биргаликда 130 йил давомида мустамлакачилик азобини тортиб келди.



1993 йил Ҳазрат Баҳроуддин Нақибанд таваллудининг 675 йиллиги нишонланди.

Шунинг учун ҳам эски партия, совет тўрачилигини соғиниб қолган, отдан тушса ҳам эгардан тушмай келаётган баъзи кимсаларнинг собиқ иттифоққа қайтиш ҳақидаги гоҳ очиқ, гоҳ пинҳон гап-сўзларига жавобан «Орқага қайтиш йўқ. Йўл битта, олға бориш» деган гап ҳаммамизга маъкулдир.

* * *

Фуқаролар тотувлиги хусусида гап кетар экан, бу ерда биз барча сиёсий кучлар, жамоат ҳаракатлари, диний жамоаларнинг ҳам ўзаро аҳиллигини тушунамиз. Ички зиддиятлар кучайиб кетган айрим қўшни давлатларнинг заифлиги ҳам худди ана шу нарсани таъмин эта олмагани оқибатида содир бўлди. Буни ҳаммамиз, аввало, Россия мисолида кўриб турибмиз.


Очиқ айтиш керакки: бизда ҳам сен — мусулмон, сен — кофир, деган хуружлар бошланган эди. Айримлар динни қурол этиб сиёсатга аралашшига уриндилар. Тўгрисини айтсак, бундай ҳаракатлар четдан туриб орамизни бузадиган кучларнинг уринишлари натижа-си эди.

Шу ўринда мен, Президент сифатида, юртимизда осойишталикни ва хонадонларимизда тотувликни барқарор этишда дин пешволарининг — жомеъ масжидларидан то кичик қишлоқларда фаолият кўрсатаётган масжидлар имомларининг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. Бугунги сокин вазиятда уларнинг хизмати катта.

Инсофли, диёнатли, адолатли дин пешволаримиз билан гаплашиб, уларнинг кўнглини билиб, бизни бир-биримизга қарши гиж-гижлашни истайдиган кимсаларга айтмоқчиман:

— Йўқ, жаноблар! Ҳаракатингиз зое кетади! Эл тинчлиги ва ҳалол меҳнат — биз учун муқаддас имоннинг узвий бир қисмидир!

*«Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура»
китобидан. Т.1. Т., «Ўзбекистон»*



Шайх Хованд Тахур мақбараси — табаррук зиёратгоҳга айланди.

ҲАР ҚАНДАЙ МУХОЛИФ БИЛАН БАҲСЛАШМОҚҚА ТАЙЁРМАН...

«Труд» газетаси саволларига жавоблар

— Ислом Каримовнинг исломга, умуман динга муносабати қандай?

— Биз ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсани вайрон қилдиган ва нодон даҳрийлик муҳотида дин қадриятларини билмай тарбияланганмиз. Менинг тушунишимча, ислом демократик дин бўлиб, сабр-бардошли бўлишни, маънавийликни, инсонга муҳаббатни, софликни тарғиб қилади. Тақводор киши муайян ахлоқий чегаралардан ташқарига чиқмайди. Хуллас, дин барча миллатлардаги ҳар бир инсон учун муқаддас қадриятдир. Шу жиҳатдан қараганда, ислом, агар уни бузиб талқин этишмаса, оддий, тушунарли диндир.


Муайян сиёсий оқимлар эса муқаддас қадриятлардан сиёсий мақсадларда фойдаланишни хоҳламоқдалар. Бизга диний ақидапарастлик ҳам, коммунистик ақидапарастлик ҳам мақбул эмас. Саудия Арабистонига борганимда муқаддас жойларни зиёрат қилдим, мен учун муқаддас бўлган маънавий қадриятлардан келиб чиқиб, соф виждон билан зиёрат қилдим. Буюк шоиримиз ва мутафаккиримиз Аҳмад Яссавий айтганидек, ҳеч нарсага ишонмайдиган одам ҳайвонсифатдир. Ҳар бир кишининг ўз илдизлари бўлиши керак, у нимага ишониши, ниманидир ўз ҳаётининг мазмуни деб билиши лозим. Менинг тушунишимча, Аллоҳ ягона. Ҳар бир дин уни ўзича кўради ва талқин қилади.

ҲАМКОРЛИК — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти олдида турган гоят ноёб вазифани ва бу халқаро ташкилот ниҳоятда улкан имкониятларга эга эканини тўла-тўқис англаб етмоқда.

Бугунги учрашувда кун тартибига қўйилган ҳамкорлик ташкилотининг 2000 йилгача ва ундан кейинги истиқболи ва асосий йўналишлари ҳақидаги тайёрланган Истамбул декларацияси лойиҳаси, бизнинг фикримизча, Квейта ҳаракати режалари негизи ва умумий руҳига мос келади.

Бугун ҳамкорлик таркибида бирлашган ва шу минтақада жойлашган 10 қўшни давлат — тарихи, маданияти, дини, дили,



Аждодлар васиятига содиқ бўлиш керак...

тили, тақдири яқин бўлган халқлар фақатгина куч-гайратларини бирлаштириб, бой имкониятларини ўзаро манфаатли тарзда ўзлаштириб, бир-бирига кўмаклашиб, тараққиётда олға кетган мамлакатларни қувиб етиши, тарихий адолатни қайта тиклаб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринларини эгаллаб олиши мумкин.

Бу олижаноб стратегик мақсад — бизнинг бирлашган потенциалимиздан эркин ва ўзаро манфаатли тарзда фойдаланиш масалалари кўпгина муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади. Келажакка назар ташлаб, шунга аниқ-равшан баҳо бериш керакки, бу йўлда биз сиёсий, иқтисодий ҳамда бошқа жиҳатларга эга бўлган кўп қийинчиликларга дуч келишимиз мумкин. Бундай қийинчиликлар турли шароит ва имкониятлардан, ҳамкорликда қатнашувчи ҳар бир давлатнинг ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқади.

Шу нуқтаи назардан ҳамкорликнинг XXI аср бошидаги истиқболли муҳим йўналишларини таҳлил қилар эканмиз, кўзлаётган режаларимизга етиш учун, шак-шубҳасиз, барча тан олаётган умумий мазмундаги бир қанча шарт-шароитлар бор.

* * *

Яна бир муҳим масала. Иқтисодий ҳамкорликнинг шартларидан бири ўзаро маданий-маънавий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборатдир. Агар ўн мамлакат халқлари бир-бирининг ҳаётидан қанчалик кўп хабардор бўлса, миллат намояндалари ўзаро борди-келди қилсалар, тижорат ва иш одамларининг ўзаро қатнови ҳам шунчалик кўпаяди.

Яна таъкидлаб айтаман, халқларимиз маданият ва дин-иймон борасида бир-бирларини қанчалик яхши тушунсалар, иқтисодий алоқаларимиз ҳам шунчалик тез ривож топади.

*«Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура»
китобидан. Т.1. Т., «Ўзбекистон».*

ЭҲТИРОМ

*Тошкент шаҳрида Соҳибқирон Амир Темуր ҳайкалининг очилишига
бағишланган тантанада сўзланган нутқдан*

Муҳаммад Тарағай Баҳодур ўғли Амир Темуր ёшлик чоғидан мард, довюрак, гурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб





Амир Темури турли дунёвий илмларни эгаллаган, Қуръони каримни ёд билган, ҳадис илмини ўрганган, имон-эътиқодли инсон эди. Унинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳр-муруввати ҳам айниқса ибратлидир. Истиқлол шаарофати ила ҳазрат Соҳибқиронга ҳам лойиқ иззат-икром, эъзоз-эҳтиром кўрсатилади.

ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони каримни ёд олди, ҳадис илмини ўрганди. Имон-эътиқодли, ҳалол-поқ инсон бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўгул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди. Ер юзида буюк салтанат соҳиб сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темурнинг маданият ва дин аҳллариغا кўрсатган чексиз меҳр-муруввати айниқса ибратлидир.

* * *

Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаъни-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, имон-эътиқод, миллий гурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билақларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуг бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва гурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва гайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, имон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Барчамизга шу йўлда Аллоҳ мададкор бўлгай.

1993 йил 31 август.

ХАЛҚИМИЗ ТАЯНЧИ

*Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
ун иккинчи сессиясида сўзланган нутқдан*

Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индаллосини айтишимиз керак: айрим одамлар

ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар!

Халқимизнинг таянчи — аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим. Аждодлар васиятига содиқ ва муносиб бўлмоғимиз керак.

Модомики шундай экан, илдишларимиз шу қадар чуқур кетган экан, демак, истиқлол иморатини ҳам ана ўшанга яраша юксакларга кўтаришга маънавий пойдеворимиз етарлидир. Бу — Аллоҳ таолонинг миллатимизга ато этган буюк неъмат, шарофатидир.

Биз истиқлол шарофати билан кўп қадриятларни — имонимизни, миллий гуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, Парвардигорни қайтадан чинакамига танидик. Эндиги вазифа боболаримизнинг поймол этилган орзу-умидлари ҳаққи, фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қолдирмоқдир.

1993 йил 6 май.



*Ҳиндистон. Агра. Тожмаҳал.
Буюк ватандошимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва у зотнинг авлодлари руҳлари шод, қабрлари мунаввар бўлсин!*





Ўзбек муслмонларининг неча-неча авлоди муқаддас ҳаж сафарига бориш, ислом аҳкомларидан бирини адо этиш ниятига етолмай армонда ўтиб кетдилар. Халқимизга бу имконни Мустақиллик, Юртбошимиз олиб бораётган одил сиёсат ато этди.



Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор



1994

1990 - 2005

4 январь — Маънавиятни тиклашга кўмаклашиш «Рухоният» халқ-аро ассоциацияси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга «Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофоти берилганлиги тўғрисида хабар эълон қилинди. Республикамиз раҳбари Марказий Осиё халқлари ўртасида яхши кўшничилик алоқаларини ўрнатишдаги катта ҳиссаси учун ушбу мукофотга сазовор бўлди.

20 январь — Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президенти Маҳмуд Салоҳиддинов математика фанларини ривожлантиришдаги шахсий ҳиссаси учун Иордания Ислом Фанлар академияси аъзоси этиб сайлангани эълон қилинди.

1-11 февраль — Техронда XII Халқаро кинофестивал бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон фильмлари илк бор намоиш этилди. Фестивалда ўзбек кинематографчиларидан режиссёр М.Қаюмовнинг «Исмоил Бухорий», Н.Маҳмудовнинг «Баҳоуддин Нақшбанд» ҳужжатли фильмлари ва 1945 йилда Н.Ғаниев суратга олган «Тоҳир ва Зухра» бадиий фильми кўрсатилди.

10 февраль—11 март — Миср Араб Республикаси (МАР)нинг Телерадиокомпанияси, МАРнинг Тошкентдаги элчихонаси Матбуот шўъбаси томонидан «Рамазон тўғрисида» сифатида тақдим этилган Миср киноусталарининг «Муҳаммадун Расулulloҳ» кўп серияли бадиий фильмининг биринчи фасли ўзбек тилига таржима қилиниб, Ўзбекистон телевидениесининг Биринчи канали орқали намоиш этилди.

29 март — Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж сафарига боровчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 172-сонли қарори қабул қилинди.

7—31 май — 3000 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.

Июнь — Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда Халқаро Ислом маданияти фестивали бўлиб ўтди. Шу фестивал доирасида Малайзияда Ўзбекистон кунлари ўтказилди. Истамбулда Мирзо Улуғбек таваллудининг 660 йиллигига ҳамда Кандиль расадхонасининг 125 йиллигига бағишланган Туркия ва Ислом дунёсида фан ва технология ривожини бўйича халқаро Симпозиум бўлиб ўтди.

10 июнь — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов муборак ҳаж сафари иштирокчилари — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Абдулғани Аб-

дуллаев ва Мовароуннаҳр муслмонлари идораси раиси, муфтийни қабул қилди. Сухбат иштирокчилари бу йилги ҳаж сафаридан ўзбекистонлик барча зиёратчилар бениҳоя мамнун эканини изҳор этдилар.

Сентябрь — Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд хотираси кунлари ўтказилди.

27 октябрь — Покистонда бўлиб ўтган Ислоом мамлакатлари халқ амалий санъати кўргазмасида ўзбек мисгар усталари Шокир Комилов ва Бахишулло Жумаев, ёғоч ўймакор устаси Ортиқ Файзуллаевлар совринлар билан тақдирлангани тўғрисида хабар эълон қилинди.

18 ноябрь — Самарқанд шаҳрида Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 590 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Декабрь — Буюк юртдошимиз, муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) асарларининг учинчи жилди Раҳматуллоҳ қори Қосим ўгли томонидан ўзбек тилига ўтирилди ва Қомуслар Бош таҳририяти томонидан 200 минг нусхада чоп этилди.



АЛЛОҲ ДИЛИНГДА, ҚЎЛИНГ ИШДА БЎЛСИН

Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгаши сессиясида сўзланган нутқдан

Маълумки, дин ва дин аҳли ижтимоий ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Бизнинг бу хусусдаги сиёсатимиз аниқ. Исломи дини — ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб келган.

Дин халқ табиатини пок асрашда, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатишда катта хизмат қилган. Одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган.

Хўш, бугунги кунда биз барпо этаётган янги жамиятда давлат ва дин муносабатлари қандай асосда қурилиши лозим?

Бу масала Конституциямизда очиқ-ойдин ифода этилди. Яъни, республикада дин давлатдан расман ажратилган. Бироқ, биз яхши биламизки, дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратилган эмас. Бинобарин, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний муносабатларни уйғунлаштириш тақозо этилади. Назаримизда, улуг аждодимиз, Бухорои шарифнинг буюк фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти бу борада бизга бениҳоя қўл келади. Ул зотнинг «Аллоҳ дилингда, қўлинг ишда бўлсин» деган ҳикматли шиорини биз бу соҳада дастуруламал қилиб олсак, янглишмаган бўламиз деб ўйлайман.

Давлатнинг иши — давлатники, диннинг иши — динники бўлиши лозим. Бу нозик ва мураккаб масалада муносабатларнинг ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида қурилиши ягона мақбул йўлдир.

Давлат диндор фуқароларнинг диний эътиқод ва ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик ҳурмат-эҳтиром қилса, диндорлар ҳам давлат қонунлари ва сиёсатини шунчалик ҳурмат-эҳтиром қилишлари шарт. Шундагина ҳеч кимнинг ҳеч кимдан кўнгли қолмайди.

Шу муносабат билан бу борада баъзан кўзга чалиниб қолаётган айрим ноҳўя ишлар ҳақида икки огиз тўхталиб ўтиш жоиздир.

Кейинги пайтда халққа берилган диний эркинликлардан фарзандли сиёсий мақсадларда фойдаланишга уриниш ҳоллари ҳам сезилиб қолдики, бу нарса барчамизни беҳад ранжитмоқда ва ташвишга солмоқда. Сохта обрў, сохта шон-шуҳрат орттириш учун инсонларнинг диний нафсонияти билан ўйнашиб бўлмайди. Айрим жойларда баъзи нопок кимсалар томонидан ҳаром-хариш топилган пуллар эвазига ҳашаматли масжидлар қуриш пойгаси бошлангани сир эмас.



*Вайронага айлантирилган қадамжоларимиз
истиқлол шарофати билан обод этилди.*

Ахир масжиднинг ободлиги ундаги намозхонларнинг сероблиги, ихлос ва эътиқоднинг покизалиги билан белгиланадими ёки унинг қуруқ савлати биланми?

Динимиз бизни ҳамиша ҳалол-пок яшашга, камтар-камсуқум турмуш кечиришга ўргатиб келади. Тўй-ҳашамларимизни, маърака-маросимларимизни дабдабасиз, меъёр доирасида адо этишни буюради. Афсуски, бу соҳада ҳам одамлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган мисоллар Бухоро вилоятида учраб турибди. Масалан, Вобкент туманида қандайдир шубҳали пуллар ҳисобидан ҳашаматли масжид қуришга киришган, ҳозирда Москвада яшаётган кимсанинг бошига оилавий мусибат тушибди. Унинг ёш вафот этган хотинининг маъракаси вилоят раҳбарларининг кўмаги ва бевосита иштироқида улкан бир тўйга айланиб кетганини қандай баҳолаш лозим? Тошкент ва бошқа вилоятлардан келган тумонат одам, «Чайка» ва чет эл машиналарининг хизмат қилиши, чинни фабрикасидан тахи бузилмаган чойнак-пиёлаларнинг қути-қути олиб келиб ишлатилгани, маъраканинг ўзига миллион-миллион пул сарфлангани, булар наҳотки мусулмончиликка тўғри келса?

Раҳбар одам — юртнинг отаси, катта-кичикка, бою камбагалга бирдай муносабатда бўлиши лозим. Сохта обрў, асъасаю дабдаба кетидан қувган, босар-тусарини билмай қолган ҳар турли шахсларга ҳушёр кўз билан қараб, ўз шаънини пок сақлаб юриши керакмикин?

Мўмин-мусулмонларнинг диний ҳиссиётлари билан ўйнашиш, такрор айтаманки, бандасига ҳам, Яратганга ҳам хуш келмайди. Ишончим комилки, юртимиздаги диндор фуқаролар ҳалол-ҳаромни жуда яхши англайди, кимнинг аслида ким эканини ҳам яхши фарқлайди.


1994 йил 18 март.

ТАРИХИМИЗ ҲАМ, КЕЛАЖАГИМИЗ ҲАМ МУШТАРАК

Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали йиғилишида сўзланган нутқдан

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбариятининг Алматида, Тошкент ва Туркистонда, Ашхобод ва Бишкекда, Ўрдабоши ва Чўлпонотада ўтказилган самимий ва қизгин учрашувлари тарихий аҳамиятга эгадир. Бизлар Буюк Турон диёрида униб-ўсган икки оға-ини халқимиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ва динимиз ҳам муштаракдир.





Қўли гул усталаримиз меҳнатларининг самараси

*Истиқлол йиллари юзлаб масжид ва медресалар таъмирланиб,
диндорларимиз ихтиёрига қайтариб берилди.*





Қадим-қадим замондан Туронзамин деб аталган бу поёнсиз кенгликларда қозоғу ўзбек, қирғизу туркман — барчамизнинг ота-боболаримиз от суриб ўтганлар. Ям-яшил, серҳосил далаларда чорва боқиб, деҳқончилик қилганлар.

Не-не босқинларни, қиргинларни кўрган бу тупроқни боболаримиз ёнма-ён туриб ҳимоя қилганлар. Бинобарин, бизнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган ва бу Аллоҳ таоло берган азалий ва абадий насибамиздир.

Яхши биласизлар, ўтмишда орамизда айирма чегаралар бўлган эмас. Умид қиламизки, иншаоллоҳ, бундан кейин ҳам бўлмагай.

* * *

Азиз дўстлар, бизнинг қонимизда минг йиллик Шарқ тафаккурининг бедор руҳи гупуриб турибди. Жаҳон илм-фани ва маданиятига кибернетика асосларини яратган Хоразмийни, буюк файласуф бобомиз Форобийни, тиббиёт қонунларининг тенгсиз кашфиётчиси ибн Синони, назм юлдузлари — Навоий ва Абайни, Амир Темур ва Бобур, Тўлабий, Қозибекбий, Айтекебий каби улуғ зотларни, Беруний, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бухор Жиров, Иброй Олтинсарин, Чўқой Валихонов сингари мутафаккирларни берган бу муқаддас замин халқларининг яратувчилиқ даҳоси ҳамиша уйғоқдир.

1994 йил 23 май.

У КУНЛАРНИ УНУТИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

*Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
ун олтинчи сессиясида сўзланган нутқдан*

Бошимиздан кечган 1989—1990 йилларга хаёлан қайтайлик. Баъзи бир гоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

- Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?
- Ўша йиллар умуман қандай давр эди?
- Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?
- Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!..» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?
- Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий гуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай муътабар замин, улуг аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англаймидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Гуё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий гурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, кун кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур.

Ҳаётимизда, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси муносиб ўрин топяпти. Орамизда яна қайтадан муслмончилик, халқимиз содагина қилиб «ўзбекчилик» деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олижаноб фазилатлар қарор топяпти. Бу улуг ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга.

Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳаётимизни, маънавиятимизни янги маъно билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди.

Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан гофил этишга уриндилар.

Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик.

Улуг бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуг аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти.

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Ота-бобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг



ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устувор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

1994 йил 22 сентябрь.

ДИНИМИЗ ВА ТИЛИМИЗГА ҚАЙТДИК

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий йиғилишида сўзланган нутқдан

Буюк аجدодларимизнинг беқийс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростляпти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий гурур, орият, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни барпо этишни ўз қўлимизга олганимиздан гурурланиш каби туйғулар камол топяпти, уларнинг бугунги ва эртанги кунга ишончи ортиб борапти.

1994 йил 7 июль.



«Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз»



1995

1990 - 2005

31 январь-29 февраль — Миср Араб Республикаси (МАР)нинг телерадиокомпанияси, МАРнинг Тошкентдаги элчихонаси Матбуот шўъбаси томонидан «Рамазон туҳфаси» сифатида тақдим этилган Миср киноусталарининг «Муҳаммадун Расулulloҳ» кўп серияли бадиий фильмининг иккинчи фасли ўзбек тилига таржима қилиниб, Ўзбекистон телевидениесининг Биринчи канали орқали намойиш этилди.

Февраль — Ўзбекистон телевидениесининг Тошкент студияси орқали «Жума ўғитлари» кўрсатуви намойиш этила бошланди.

1 март — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Мусибат етган хонадон аҳлига таъзия билдириш ва баъзи маросимлар одоби» ҳақидаги Фатвоси қабул қилинди.

15 март — Ўзбекистон Евангел-лютеран жамоалари Епархияси Адлия вазирлигида расмий рўйхатдан ўтказилди.

22 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов мамлакатда меҳмон бўлиб турган Миср Араб Республикасининг Вақф ишлари вазири Муҳаммад Али Маҳжубни қабул қилди.

13 апрель — Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 132-сонли қарори қабул қилинди.

26 апрель — Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон фани ва маданияти равнақиға, айниқса, Марказий Осиё халқларининг маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалар аз-Замахшарий таваллуд топганиға 920 йил ва Нажмиддин Кубро таваллудига 850 йил тўлиши муносабати билан» 128-Ф фармойиши чиқди.

26 апрель - 23 май — 3000 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишға муваффақ бўлди.

19 май — Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Халқаро Ислоом тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 175-сонли қарори қабул қилинди.

9 июнь — Вазирлар Маҳкамасининг «Бир само остида» номи билан мусулмон-христиан мулоқотини ўтказиш ҳақида»ги 190-Ф сонли фармойиши қабул қилинди.

21 июль — Самарқандда ислом дунёсининг буюк маърифатчиси муҳаддис Имом ал-Бухорий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун махсус жамгарма ташкил этиш бўйича таъсис конференция бўлиб ўтди.

16 август — Тошкент шаҳрида «Қувайт халқаро хайрия жамғармаси (Осиё мусулмонлари қўмитаси)нинг Ўзбекистон бўлими» ҳамда «Саудия Арабистони халқаро хайрия ташкилоти (Иғоса)нинг Ўзбекистон бўлими» таъсис этилди.

10-12 октябрь — Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг ташаббуси билан «Бир само остида» номи билан мусулмон-христиан мулоқоти Тошкент шаҳрида ўтказилди.

16-22 октябрь — Республикамизга Қувайт Вақф ва Ислом ишлари вазири ўринбосари, «Осиё мусулмонлари қўмитаси» бошқаруви раиси Одил Абдуллоҳ ал-Фалаҳ ташриф буюрди. Ўзбекистон Фанлар академиясидаги учрашув чоғида Одил ал-Фалаҳ «Имом ал-Бухорий авлодлари учун халқаро ал-Бабтин мукофоти» таъсис этилганини эълон қилди.

Ноябрь — аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди.

6 ноябрь — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қабрлар ҳақида»ги Фатвоси қабул қилинди.

4 декабрь — Тошкент шаҳрида Мовароуннаҳр мусулмонлари уламолар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис қарорига биноан Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси «Ўзбекистон мусулмонлари идораси» деб атала бошланди ва унинг янги Низоми тасдиқланди.



МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК САРИ

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50 йиллиги муносабати билан
Бош Ассамблеянинг махсус тантанали йиғилишида сўзланган нутқдан*

Жаноб Раис!

Бош котиб жаноби олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, назаримизда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилей сессиясида муҳокама этилаётган муаммолар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга тўхталмоқчи эдим.

Ҳозирги замондаги энг долзарб масалалардан бири минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масаласи ҳисобланади.

Шу йил сентябрь ойида БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Голийнинг бевосита кўмаги билан 31 давлат ва 6 халқаро ташкилот иштирокида ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгаши дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши, бошқача айтганда, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши ҳақидаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Муайян минтақаларда, хусусан бугунги кунда «Оловли нуқталар» деб аталаётган минтақаларда жойлашган давлатларнинг бири-бирини ўзаро англаши ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлабгина бутун дунёда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўллари ни белгилаб олиш мумкин.

Бу, айниқса, улкан табиий минерал - хом ашё, стратегик ресурсларга эга бўлган, кўпгина мамлакатларнинг жугрофий-сиёсий, иқтисодий манфаатлари ва даъволари кураши майдонига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси учун жуда муҳимдир.

Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Мана, 17 йилдан бери давом этаётган, афғон халқи бошига мислсиз кулфатлар солган, халқаро терроризм, нарқобизнес, қуролларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолаётган бу уруш қўшни Тожикистондаги шусиз ҳам таранг вазиятни янада кескинлаштирмоқда.

Бизнинг фикримизча, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити, энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдадир.



Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томондан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни таъқиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз.

Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси кўпгина халқаро тузилма ва компаниялар қўллаб-қувватлаётган, Афғонистон ҳудуди орқали темир йўл, автомобиль коммуникациялари қўриш бўйича яхши-яхши лойиҳаларнинг амалга ошишидан манфаатдордир.

Бу миллионлаб афғонларни тинч меҳнат билан банд қилиш, янги, нисбатан қисқароқ коммуникациялар ва савдо, иқтисодий алоқаларни шакллантириш, дунёнинг бу энг кескин минтақасидаги жўгрофий-сиёсий ҳолатларни тубдан ўзгартириш имконини беради.

1995 йил 24 сентябрь.

ХАЛҚ ҚАДРИНИ АНГЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзланган нутқдан

Халқимиз азалдан ўз маънавий қадриятлари ва диний эътиқодини юксак қадрлаб келган. Шунинг учун у энг мушкул дамларда ҳам ўзлигини йўқотмади. Мана шу Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг катта бир қисми зиёлилар, ижодкорлар эканининг ўзи ҳам халқимизнинг маърифат аҳлига ҳурмат-эҳтироми натижасидир.

Сир эмас, бир вақтлар Марказнинг буйруғини кутиб-бажариб, тепадан кўрсатилган чизиқдан чиқмаслик одатимизга айланган эди.

Гоҳ ошқора, гоҳ зимдан: «Сизлар ўз-ўзларингни мустақил бошқаришга, мустақил давлат қўришга қодир эмассизлар», «Сизлар муте, қарам миллатсизлар», «Сизлар учун биз фикрлаймиз, назария яратамиз, амру фармон берамиз, сизлар эса бажарасиз, холос», деб миямизга қўйиб келишмаганми?

Мустақилликка эришганимиздан сўнг биз сохта мафқуранинг яккаҳокимлигидан қутулдик. Маънавиятни, мафқурани зуғумлардан озод қилиб, эркин фикрга, миллий тафаккурга кенг йўл очдик.

Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди.





Ўзбекистон Республикаси ва унинг Президенти истиқлол йилларида минтақамиз ва бутун дунё ҳамжамияти учун жиддий хавф тугдираётган диний экстремизм ва фундаментализмга қарши фаол курашчи сифатида дунёга танилдилар.



Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бо-риши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир.

Шунинг учун мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушунишимиз лозим.

Бу тушунча аввало: — Ўзбекистон истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш;

— ўзининг ва ўз халқининг, ватанининг қадр қиммати, ор-но-мусини англаб, уни ҳимоя қилиш;

— юксак гоёлар, янги фикрий кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишдир.

* * *

Маънавий тарбияда дин арбобларининг ҳиссаси катта бўлиши керак. Улар ислом қадриятлари ва илмларининг магзини, эзгулик ва покликка чақирувчи ўғитларни одамлар дилига етказадилар.

Ислом дини— бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар.

Шунинг учун, азиз дўстлар, биз демократик янгиланиш палласига кирар эканмиз, руҳий покланишни ҳам унутмайлик, тараққиётимизга юз бўладиган маънавий риёкорликдан тезроқ қутулайлик.

Қўна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган.

Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, продасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру оқибатини оширган.





Оталар дуоси мустажоб!



Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Маълумки, инсонпарварлик гоёлари билан озиқланган Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби зотлар асос солган муқаддас гоё ва тариқатларнинг ватани ҳам Туркистон заминидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўғитларини эслайлик. У ҳар бир инсонни доимо Худони дилга жо қилган ҳолда, уни доим ўзига мададкор деб билиб, касб ўрганишга, ўз ишининг устаси бўлишга, қисқаси, меҳнат қилишга чақирган.

Асрлар давомида дин одамларни энг улуг мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлишга ундаган. Халқимиз турмушида, ҳаётида катта ўрин тутган «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган ҳикматнинг яшовчанлигида ҳам айнан диний ақоид ва одобнинг хизмати бор.

Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз лозим.

Яна таъкидлаб айтаман, ҳамма гап мана шу икки улкан кучда: умуминсоний ва миллий қадриятларда, аниқроғи, уларни тобора уйғунлаштириб ҳаётга татбиқ этишда.

Муҳтарам уламоларимиз айниқса ҳозирги босқичда ҳар бир йигит-қизимизни илм маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришга даъват қилишлари лозим. Ёшларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда Коинот сиру асроригача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганишлари зарур.

Яна шуни эслатиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, ҳур, кўпмиллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда.

Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, бу конфессияларнинг вакиллари биз билан елкама-елка туриб, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи учун астойдил меҳнат қилаётганликлари бизни мамнун этади.

1995 йил 23 февраль.



1995 йил. Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича
Тошкент кенгаш-семинари.





ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСТИҚБОЛИНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак.

Биз барпо этаётган давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди.

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйғун ҳолда шаклланиши лозим. Муборак ҳадисларнинг бирида шундай дейилади: «Одамларнинг яхшиси — бу дунёни деб, охиратини ва охират деб, бу дунёни тарк этмайдиган, бошқаларга огирлиги тушмайдиган кишилардир».

Биз бугун барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий асосларини белгилашда мана шундай ғояларга суянсак, хато қилмаган бўламиз.

* * *

Ахлоқий, маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда ҳам устунлик касб этиши даркор.

Шу муносабат билан мутафаккир бобомиз Аҳмад Яссавийнинг инсон — маънавий камолотга интилиб яшаши лозим, кўнглида эътиқоди йўқ одам эса инсон номига номуносибдир, деган ибратли ҳикматларини бир бор эслаш жоиз.

Буларнинг барчаси жамиятнинг бошқариш тизимини белгилаш пайтида алоҳида ҳисобга олиниши керак. Биз буни ҳисобга олаёلمиз. Буни маҳаллалар ичи мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кундан-кун ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Туй-маъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислоҳотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиати-нинг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат гоёси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли, эркин, демократик давлат қура олмаймиз.

* * *

Халқимиз азалдан ўз маънавий қадриятлари ва диний эътиқодини юксак қадрлаб келган. Шунинг учун у энг мушкул дамларда ҳам ўзлигини йўқотмади.

* * *

Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслини олганда, ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомаладангина иборат эмас. Ахлоқ — бу аввало инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик дегани.

Қадимги аждодаларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиқарганлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак.

Шундай одамгина лафзини сақтайди, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди, садоқатли бўлади. Ватани, халқи учун жонини фидо этишга ҳам ўзини аямайди. Бунинг акси ўлароқ, ёлгончи, ваъдабоз кишида ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Манфаатпарастлик



йўлида қилинган ҳар бир қингир иш, у қанчалик баландпарвоз таъриф-тавсифларга ўралмасин, фатволар тўқиб чиқарилмасин, барибир, Ватанга хиёнатдир.

Яна шуни эслатиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ давлат ишларидан ажратилган ҳолда бизнинг мустақил, хур, кўпмиллатли мамлакатимизда ислом дини билан баробар православие, иудаизм, баптизм, адвентизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар мутлақо эркин фаолият кўрсатмоқда. Қайси дин ёки мазҳабга мансублигидан қатъи назар, бу конфессияларнинг вакиллари биз билан елкама-елка туриб, Ўзбекистон халқларининг фаровонлиги ва равнақи учун астойдил меҳнат қилаётганликлари бизни мамнун этиши, албатта, мамлакатимиздаги ҳозирги тузумнинг барқарорлиги, унинг келажак тараққиёти биринчи навбатда амалга оширилаётган реал сиёсий курс, уни ижтимоий кучлар ва тоифалар томонидан қўллаб-қувватланиши билан белгиланади.

Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим. Бу муқаддас мақсад йўлида, керак бўлса, жон фидо қилиш зарур деганимизда, айнан адолатли давлат ва диннинг илдизлари муштарак эканлигини унутмайлик.

Ана шунда, ўйлайманки, Яратганнинг ўзи бизнинг барча хайрли ишларимизга мададкор бўлади, сабр-тоқат ва куч-қувват бағишлайди.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Тошкент шаҳрида мазкур ташкилотнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, фаровонлик ва ҳамкорлик муаммоларига бағишланган доимий семинарни ташкил этиш таклифини ўртага ташлади. Бизнинг фикримизча, республикамиз Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Осиёдаги таянчи бўла олади. У минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни, эҳтимол тугилаётган можароларнинг олдини олувчи дипломатияни таъминлашда, зиддиятларни бартараф этишда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва БМТ ҳамжиҳат иш юритадиган майдонга айланиши мумкин.

Қўшилмаслик ҳаракати, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ишида фаол иштирок этиш зарур.

Биз Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одамлар бир-бирлари билан учрашганда, аввалам-



бор, «Ассалому-алайкум» дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, «Сизга тинчлик ёр бўлсин» деган маънони англатишини яхши биласизлар. «Салом», яъни «тинчлик» сўзи Куръони каримда 40 марта учрар экан. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: «Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиш маъносида «тинчлик» сўзи айтилуру».

Кўриниб турибдики, тинчлик, тотувлик, ҳамкорлик ғояси Аллоҳга ҳам, бандаларига ҳам хуш келадиган эзгу ғоядир.

*«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»
номли китобдан. Т.З, Т. «Ўзбекистон»*

ВАТАНГА МЕҲР ҒОЯСИ — БИРИНЧИ ЎРИНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқдан

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта масала, кишиларимиз дунёқарashiда, жамиятимизда Ватанга меҳр ғояси биринчи ўринда туриши керак. Ҳар қандай иш асосига миллий орият, миллий гурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган гурур кўйилиши лозим.

Бу муқаддас тушунчалар миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, мана шу юрт, мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги қони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Ўтмишимиз ва келажакимиз учун қудрат бағишлайдиган мана шу ифтихор туйғуси билан биз янги авлодларни тарбия қилишимиз, ўз миллий давлатимизни қуришимиз лозим.

1995 йил 3 октябрь.

ХУДОНИНГ БИЗГА БЕРГАНИ БОР

Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволарига жавоблардан

Биз истиқбол тўғрисида, тараққиёт тўғрисида гапирганимизда, ёрдам беринглар, деганимизда, Ўзбекистонда янги завод-фабрикалар қуриш, одамларни иш билан таъминлаш, яъники, уларнинг турмуш даражасини кўтаришни кўзда тутамиз.



Лекин йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоя керак. Ўзбекистонга олиб келинадиган лойиҳалар сиз-у бизга манфаатли бўлса, марҳамат, олиб келинглар, деб айтдим. Аммо мен бирор жойдан бир доллар ҳам сўраган эмасман, сўрамайман ҳам. Ўзбекистоннинг ўз кучи етарли. Минг қатла шукрки, Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси инсон — кеча тугилган гўдакдан тортиб, қарияларгача, ҳамма-ҳамма бошини баланд кўтариб, қаддини ғоз тутиб, гурур билан айтиши мумкин: биз ҳеч қачон тиланчи бўлган эмасмиз, иншаоллоҳ, бўлмаймиз ҳам! Худонинг бизга бергани бор.

1995 йил ноябрь.

ОЛИЙ МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик жаҳонда тобора кўпроқ хурматга сазовор бўлмоқда. Ислон конференцияси ташкилоти Ўзбекистонни кузатувчи сифатида ўз сафига қабул қилиб, унинг ишончли ва масъулиятли шерик эканини муносиб баҳолади.

Ўзбекистон—Миср муносабатлари ривожланмоқда. Иқтисодий ва маданий ҳамкорлигимиз тобора кенгайиб, ўрнатилган икки томонлама муносабатлар ҳар иккала томон учун фойдали эканлигини тасдиқламоқда.

Сўнгги вақтда бу муносабатлар ташқи сиёсат маҳкамаларининг мустаҳкам алоқалари билан тўлдирилди.

1995 йил ноябрь ойида Ар-Риёда элчихонамиз расмий равишда очилди. Биз Саудия Арабистони ҳукуматининг яқин вақт ичида Тошкентда элчихона очиш тўғрисидаги қарорини табриклаймиз.

Сентябрь ойида Парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш доирасида мамлакатимизга Кувайт давлати парламент делегацияси ташриф буюрди.

*«Бунёдкорлик йўлидан»
китобидан. Т. 4. Т., «Ўзбекистон».*



1996
1990 - 2005

1996 йил

20 январь—18 февраль — Миср Араб Республикаси (МАР)нинг телерадиокомпанияси, МАРнинг Тошкентдаги элчихонаси Матбуот шўъбаси томонидан «Рамазон тухфаси» сифатида тақдим этилган Миср киноусталарининг «Муҳаммадун Расулulloҳ» кўп серияли бадиий фильмининг учинчи фасли ўзбек тилига таржима қилиниб, Ўзбекистон телевидениесининг Биринчи канали орқали намойиш этилди.

19 февраль — Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж сафарига борувчиларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 67-сонли қарори эълон қилинди.

30 март — Кувайтдаги Осиё Мусулмонлар кўмитаси томонидан минтақадаги мусулмон халқлар тилларига, уларнинг бир-бири билан, шунингдек рус ва араб тиллари билан ҳамда минтақада тарқалган барча турдаги санъатлар, уларнинг бир-бири билан ҳамда ташқи дунё билан ўзаро таъсирига бағишланган талқиқотлар учун Имом ал-Бухорий мукофоти таъсис этилгани тўғрисида Ўзбекистон Фанлар академиясининг ахбороти эълон қилинди.

14 апрель—13 май — 3675 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.

21 май — Вазирлар Маҳкамасининг «Православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясига бериладиган солиқ имтиёзлари тўғрисида»ги 138-сонли қарори қабул қилинди.

22 май — Вазирлар Маҳкамасининг «Калон масжидини таъмирлаш ва ЎМИ тасарруфига ўтказиш ҳақида»ги 207-сонли Фармойиши қабул қилинди. Фармойишга мувофиқ мазкур тадбир учун ЎМИ томонидан 20 млн. сўм, Маданият ишлари вазирлигидан 40 млн. сўм, Бухоро вилоят ҳокимлиги, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ҳамда хусусий шахслар томонидан 46 млн. сўм — жами 106 млн. сўм сарфланди.

Май — Ўзбекистон олимлари Саудия Арабистони подшолиги пойтахти — Ар-Риёда «Араб оламининг Марказий Осиёдаги мусулмон республикалар билан муносабатларининг истиқболлари» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар ишида қатнашдилар.

11 июнь — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари» ҳақидаги Фатвоси қабул қилинди.

Август — Буюк юртдошимиз, муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) асарларининг иккинчи жилди Бахтиёр ҳожи

Набихон ўгли томонидан ўзбек тилига ўгирилди ва Қомуслар Бош тахририяти томонидан 200 минг нусхада чоп этилди.

9—12 ноябрь — Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги тантаналари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилди.

Ноябрь — Тошкентдаги Евангел-христиан черковининг 100 йиллиги нишонланди.

Декабрь — Немис Евангел-лютеранлар черковининг Ўзбекистондаги ilk черкови (Кирхаси)нинг 100 йиллиги Тошкент шаҳрида нишонланди.

18 декабрь — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигида «Ҳаж ва Умра муассасаси» ташкил этилди.

30 декабрь—28 январь — Миср Араб Республикаси (МАР)нинг телерадиокомпанияси, МАРнинг Тошкентдаги элчихонаси Матбуот шўъбаси томонидан «Рамазон тухфаси» сифатида тақдим этилган Миср киноусталарининг «Муҳаммадун Расулulloҳ» кўп серияли бадий фильмининг тўртинчи фасли ўзбек тилига таржима қилиниб, Ўзбекистон телевидениесининг Биринчи канали орқали намойиш этилди.



БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

*Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг
125 йиллигига бағишланган тантанали мажлис иштирокчиларига табрик*

Шарафли сана — Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 125 йиллиги муносабати билан сизларни самимий қутлайман ва табриклайман.

Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминиде биргалликда ҳамнафас бўлиб яшаши — диний-маънавий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишга арзигуликдир. Бу жаънда Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг ҳам ҳиссаси борлиги қувончлидир. Епархия юбилейига бағишланган байрамда мен шахсан чуқур ҳурмат қилувчи Москва ва Бутун Россия Патриархи Алексий II иштирок этиши уларга алоҳида тантанаворлик бағишлайди.

Инсон имонсиз яшай олмайди. Бугун, биз турли дин вакиллари ўртасида тенгҳуқуқли ва маданий муносабатлар ҳукмрон демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида собитқадам бўлиб турган бир паллада бу алоҳида аҳамият касб этади.

Барчага илоҳий муҳаббатнинг чексизлигини идрок этиш, инсоният тақдири учун масъулиятни тўлалигича ҳис қилиш ва жамиятнинг ахлоқий камолоти йўлида тинмай қайғуриш — буларнинг ҳаммаси тараққиётнинг муҳим омилларидир.

Ушбу унутилмас кунда барчага сиҳат-саломатлик, тинчлик ва осойишталик тилайман.

1996 йил 13 ноябрь.

БИЗ ХАВФСИЗЛИКНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ЭТАМИЗ?

ЕХХТ аъзолари бўлган давлатлар бошлиқларининг учрашувиде сўзланган нутқдан

Муҳтарам раис жаноблари!

Хонимлар ва жаноблар!

Европадагина эмас, балки бутун дунёда вазият ва кучлар нисбатининг тез ўзгараётгани, янги мустақил давлатларнинг майдонга чиқаётгани ҳозирги вақтда давлатлар ва халқлар барқарорлигини таъминлаш, XXI аср бўсагасида хавфсизликнинг янги моделини ишлаб чиқиш учун янги ёндашувларни излашни қатъий тақозо этмоқда.

Бу хавфсизликни биз қандай тасаввур этамиз?

Биринчидан, Ўзбекистон ЕХХТнинг асосий тамойиллари-



дан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тўла қўллаб-қувватлайди.

Хавфсизликнинг, шу жумладан, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти – ЕХХТнинг ўрни ва аҳамияти, агар жоиз бўлса, масъулияти Европа доираси билан чекланиб қолиши мумкин эмас, балки унинг ташқарисидан келаётган мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиши лозим.

Биз Марказий Осиё минтақасининг жўгрофий-стратегик ҳолатини, унинг салоҳиятини, улкан хомашё ва инсоний ресурсларини, шунингдек, тез ривожланаётган бу минтақада содир бўлаётган хавфсизлик учун хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТ бу ерда ўз фаолиятини янада кучайтириши тарафдоримиз.

Иккинчидан, «Совуқ уруш» туганидан сўнг ялпи хавфсизликка, шунингдек, Европа хавфсизлигига ҳам, этник минтақавий можаролар, давлатлар ичидаги тажовузкор миллатчилик ва урушқоқ сепаратизм асосий хавф солиб турибди.

Учинчидан, минтақа можаролари тобора тез-тез терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва ғайриқонуний қуроли савдоси, инсон ҳуқуқларини оммавий равишда бузиш каби хатарли хавфлар ва ҳаракатларнинг доимий манбаига айланмоқда. Бу ҳоллар давлат чегараси нималигини билмайди. Шу сабабли халқаро хавфсизлик тизими жўгрофий белгиларга қараб эмас, балки минтақалараро даражада мувофиқлаштирилган биргаликдаги ҳаракатлар билан белгиланиши лозим.

Шу муносабат билан биз Афғонистонда 18 йилдан буён уруш давом этаётганлигидан, бу мамлакат фақат Марказий Осиёдаги эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик учун ҳозир ўта хатарли хавфга, халқаро терроризмнинг, Европага кўплаб миқдорда наркотик моддалар етказиб берилишининг манбаига - ўта хатарли марказга айланиб қолганидан ЕХХТ ва бошқа Европа тузилмалари ташвишланаётгани ва хавфсираётганини мутлақо асосли, деб биламиз.

БМТ маълумотларига қараганда, жаҳонда етиштирилаётган наркотик моддаларнинг деярли 40 фоизи ҳозирги вақтда уруш давом этаётган Афғонистонга тўғри келаётгани ҳисобга олинса, гап қандай хавф тўғрисида бораётгани равшан бўлади.

1996 йил 3 декабрь.

МУРОСАНИНГ ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида сўзланган нутқдан

Бизда муросанинг илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудида исломнинг ўлмас ва



мангу қадамжолари билан япон олими Като Сурхондарё воҳасида топган ноёб будда маданияти ёдгорликлари, яҳудий ёдгорликлари, Бухорода насронийларнинг зиёратгоҳлари бир қаторда туриши ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Бугунги кунда шаҳарларимизда турли динларга мансуб муассасалар — мусулмонларнинг масжидларини, православ ибодатхоналарини, яҳудий синагогаларини, католик ва протестант мазҳабларининг турли шахобчаларига оид ибодатхоналарни кўришингиз мумкин.

1996 йил 23 апрель.

«ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗНИНГ ТЎҒРИЛИГИГА ИШОНЧИМИЗ КОМИЛ»

Марказий Осиё давлатлари ҳудудий яқинлигидан келиб чиқиб, ўзларининг иқтисодий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Қачонки «Ислом дунёси», «Ислом



цивилизацияси», «Ислом қадриятлари» ҳақида сўз борар экан, мен мазкур қадриятларни қандайдир сиёсий мақсадга хизмат қилувчи қадриятлар деб эмас, балки умуминсоний цивилизациянинг бойлиги, дея тушунамиз. Шуни ҳам айтиш керакки, Франция, Германия, Буюк Британия ҳуқуқшунослари, ЕХХТ ва бошқа Европа тузилмалари томонидан жуда жиддий таҳлил қилинган Ўзбекистон Конституциясида давлат билан дин аниқ-равшан ажратиб қўйилган.


Дарҳақиқат, аҳолимизнинг тахминан 80 фоизи мусулмонлардир. Биз аввал бошданоқ қандай оқимлар юзага келиши мумкинлигини тушуниб етдик ва ўшандаёқ аниқ, динни давлатдан ажратувчи, сиёсатни, давлат ҳаётининг йўналишини диний гоёлар эмас, халқ маъқуллаган Конституция белгилаб берувчи йўлдан собит боришимизни айтган эдик. Бу ўз-ўзидан демократик давлатнинг белгисини ташкил этади. Ислом давлатларида эса Конституция йўқ. Ислом давлатида энг асосийси — шариат талабидир. Қуръоннинг асосий талабларини акс эттирувчи шариатни, афсуски, ҳар бир мамлакат ўзича шарҳлайди. Мазкур шарҳдан келиб чиқиб, ҳар бир давлат маълум бир қиёфага эга бўлади.

Ҳамонки, Сиз Ўзбекистон ислом дунёси билан яна қандайдир дунё ўртасида кўприк бўла оладими, дея савол берган экансиз, очиқ айтамиз: биз олдимизга қўйган аниқ режалар ва ёрқин истиқбол билан жаҳон иқтисодиёти, жаҳон цивилизациясига мувофиқлашишни истаймиз. Халқимиз маънавияти, миллий хусусиятлари, анъаналари эса давлатимиз келажагини барпо этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Булар умуминсоний тараққиётга ҳамоҳанг бўлган халқимиз тарихи ва маданияти билан боғлиқдир. «Ислом цивилизацияси» деган тушунча ва диний ҳам миллий рангга бўялган бошқачароқ тушунчалар эса қандайдир хавф туғдирадигандек бизни эҳтиёткорликка чорлайди.

Бугунги кунда дунёда ислом хавфи тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бироқ, бу ерда масалага адолат билан ёндашиб, оқ-қорани ажрата билиш лозим. Чунки ислом дунёси жуда мураккаб. Атрофимизда рўй бераётган воқеалар, жумладан, Афғонистон, Тожикистон воқеалари бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга мажбур этади. Ислом дунёсини тор маънода тушунмаслик ва у ҳақда бир томонлама хулоса чиқармаслик керак. У шундай мураккаб дунёки, ўзига ниҳоятда жиддий диққат-эътибор беришни, ақлу заковат билан муносабатда бўлишни талаб этади. Унга сиртдан, енгил-елпи қараш жуда хавфли.

«Бунёдкорлик йўлидан» китобидан.
Т.4: Т., «Ўзбекистон»






Асрий обидалар — даҳо мусаввирларимиз ижоди гўзаллик ва юксак камолот тимсолидир.



Доимо халқ билан, ҳамиша халқ учун, халқнинг фаровонлиги учун.

*Ўзбекистон замини — диний-маъна-
вий тотувликнинг нодир тимсоли.*



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ЯНГИЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ЮНЕСКО Ижроия кенгаши сессиясида сўзланган нутқдан

Биз ЮНЕСКО Ўзбекистонга бераётган эътибор учун жуда миннатдормиз. Бу — илдилари асрлар қаърига туташган, уч минг йилликдан кўпроқ тарихимизга бўлган эҳтиромдир. Биз бунда қадимий маданиятимиз, ноёб маънавий қадриятлар ҳамда ўлкамизнинг улкан салоҳиятига бўлган қизиқишни кўраемиз. Ниҳоят бу — ўзбек халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг эътироф этилишидир.

Амударё билан Сирдарё ўртасида жойлашган ҳамда Мовароуннаҳр ёки Туркистон номлари билан машҳур Ватанимиз асрлар мобайнида жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланган, Буюк ипак йўлидаги боғловчи марказий ҳалқа, Шарқ ва Ғарб учрашадиган, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги тугиладиган жой бўлган.

Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бойдир. Биз буюк аждодларимиз — ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино, Навоий, Улугбек, Бобур ва бугунги кунда бутун дунёга машҳур бошқа Шарқ донишмандларини ёд этамиз ҳамда улар билан фахрланамиз.

Ўзбекистоннинг ўзига хос янгиланиш ва тараққиёт йўли куйидаги учта муҳим шартга асосланади:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- миллий анъаналар, дин ва маданиятни қайта тиклаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз маънавий меросини ривожлантириб, уни ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари билан бойитиш;
- ва ниҳоят, инсон ўз салоҳияти ва истеъдодини эркин равишда намоён қила олиши учун шароит яратиш.

Юздан ортиқ миллат вакили истиқомат қилаётган Ўзбекистонда уларнинг барчасига ўз миллий маданиятлари, анъаналари ва тилларини ривожлантириш учун тенг имкониятлар бериб қўйилган. Биз ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан, мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳукм сураётгани, инсоннинг тинч ҳаёт кечириш ва умргузаронлик қилишдек муқаддас ҳуқуқи таъминланаётгани билан фахрланамиз.

1996 йил 23 апрел.



ЎЗАРО ҲУРМАТ — ДАВР ТАҚОЗОСИ

*Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзланган нутқдан*

Мустақиллик йилларида ўзимизнигина эмас, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам тўпланган, кичик бўлса-да, бироқ анчагина ачиқ тажриба одамларнинг кўзини очди, улар зийракроқ ва бошқаларга нисбатан сабр-бардошлироқ бўлиб қолди. Ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини қуриш мумкинлигини кўрсатиб турибди. Бундай кишиларни ҳеч қандай куч билан ўзлари танлаб олган йўлдан орқага қайтариб бўлмаслигига ишончим комил.

1996 йил 29 август.

ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР

*Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи Давлат музейининг
очилиш маросимида сўзланган нутқдан*

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, гурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Бу гўзал ва улуғвор обидаларни зиёрат қилганда гўёки Соҳибқироннинг дил садоси юракларимизда акс-садо бераётгандек туюлади. «Авлодларим, унутманг: бизнинг номимизни топташга уринганлар, бизнинг миллатимизни, халқимизни камситмоқчи бўлганлар бугун завол топдилар, аксинча, кимки бизнинг шаъну шав-

катимизни, ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларимизни ёд этган бўлса, уларга Аллоҳнинг марҳамати ва зафарлар ёр бўлди ва ҳамиша ёр бўлгусидир. Зеро, бизнинг йўлимиз — адолат ва озодлик йўлидир, диёнат ва ҳақиқат — бизнинг дастуримиздир».

Бу сўзлар ҳар биримизни Соҳибқиронга муносиб зурриёдлар бўлишга даъват этади.

Чиндан ҳам Амир Темурнинг юртимизда мағрур қад ростлаб турган улугвор ҳайкаллари халқимизнинг асрий орзулари, пок ва муқаддас ниятлари ушалганидан, дуои фотиҳалари ижобат бўлганидан яна бир бор далолат беради.

1996 йил 18 октябрь.

АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

*Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган
халқаро илмий конференциядаги маърузадан*

Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, имон керак, ишонч керак. У ўз «Тузуқлари»да шундай дейди: «Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим».

Амир Темурнинг Куръони каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, имону диёнати қанчалар пок ва мукамал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу — мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, имон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу гоё бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди.


Шунинг билан бирга халқ дунёқарashi, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

1996 йил 19 октябрь.





Қурилажак ишоот — кўҳна заминда миллий давлатчилигимизга асос солган буюк зот хотирасига муносиб бўлиши керак.



Темурийлар тарихи Давлат музейининг очилиши буюк бобомиз ва у кишининг авлод-лариغا кўрсатилган эҳтиромнинг яна бир юксак намунаси бўлди.

ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ — БУРЧИМИЗ

Инсон эътиқодсиз, имонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Бу борада ислом дини катта аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ динга, хусусан, ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом динига кенг йўл очиб берилди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» қонун қабул қилинди. Рамазон ва Курбон ҳайитларини байрам сифатида нишонляяпмиз.

Мустақиллик давригача Ўзбекистондан ҳар йили атиги 5-6 нафар киши Макка ва Мадинани зиёрат қилар эди. Ҳозир-чи? Фақат Наманган вилоятининг ўзидан ҳар йили 700 нафардан зиёд фуқаро ҳаж маросимларини адо этмоқда. Давлатимиз бундан кейин ҳам ана шундай муқаддас сафарга бориш истагини билдирган фуқаролардан ўз ёрдамини аямайди.

Динимизга монелик қилиш, шаккоклик қилиш, динимизни юракда сақтамаслик — бизнинг сиёсатимизга бутунлай зид нарсадир. Шу нуқтан назардан қараганда, бугунги вояга етаётган ва келажак авлодларимизда ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва маданий меросга садоқатни тарбиялаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш — бу ҳам бугунги сиёсатимизнинг узвий қисмидир, маънавий бойлигимиз ва маънавий қудратимизнинг далолатидир.

Ота-боболаримиз ва бизнинг муқаддас эътиқодимиз бўлмиш ислом динининг бугунги ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, одамларимизни руҳан пок, имонини бутун, иродасини бақувват этишдаги, одамийлик фазилатларини уйғунлаштиришдаги ҳиссасини юксак баҳолаймиз.

Худо бизга қўйган талаби битта — имонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш. Ҳар қайси инсон қаерда бўлмасин ва қайси вазифани бажармасин, у вилоят раҳбарими, туман ҳокимими, хўжалик ёки корхона раҳбарими, оддий косиб ёки оддий деҳқонми — мартабаси ва касбидан қатъи назар, ўзини ҳаром-хариш ишлардан тийсин ва ўз жойида ўз вазифасини ҳалол бажарсин.

Ва шу билан бирга, бева-бечораларга, етим-есирларга, ночорногиронларга мурувватли бўлсин, Аллоҳнинг ўзи буюрган фитр ва закот фарзларини бажарсин.

Халқимизда доно бир нақл бор: «Ота рози — Худо рози, Она рози — Пайғамбар рози». Бизни дунёга келтирган азиз инсонларни қанчалик улуғласак, бу ҳам Яратганимизнинг назарига тушади ва шубҳасиз, фарзандларимизнинг меҳр-оқибати сифатида яна ўзимизга қайтади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, ҳар бир инсон



юртимизни обод қилишга улуш қўшиб, шу обод юртда савоб ишлари билан ўзидан яхши ном ва яхши из қолдириб, Аллоҳ ва эл-юрт олдидаги муқаддас бурчини бажариши шартдир. Намангандек табаррук заминда ана шу ақидаларни гапириш ўринли ва ҳар томонлама мақбул бўлади, деб ўйлайман.

Агар шу нуқтаи назардан қарасак, бу муқаддас заминда яшаётган, истиқомат қилаётган одамларга қўядиган талабларимиз ҳам жуда юксак бўлади. Айрим номақбул ишлар, чегарадан чиқишларни Наманган аҳли шаънига зид деб билиш керак.

Масжид — муқаддас маскан. Элга маънавий тушунчаларни тартиб қиладиган, ёшларга тарбия берадиган, тинчлик-осойишталикни сақлаш, маърифат тарқатиш каби савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга даъват этадиган мўтабар жой.

Бироқ, назаримда вилоятда масжид қуриш масаласида шўролар даврига хос эскича «кампаниябозлик» авж олиб кетганга ўхшайди.

Кўп асрлик ислом тарихида юксак маънавият даражаси масжидлар сони билан эмас, балки қавмнинг имони ва эътиқоди бутунлиги, мустақамлиги билан ўлчанган.

Наманган шаҳридаги 8 минг аҳоли истиқомат қилаётган «Иттифоқ» маҳалласида — 9 та, 7 минг аҳолиси бўлган «Зарафшон» маҳалласида — 7 та масжид бўлгани ҳолда ана шу маҳаллалар ҳудудида биттадан мактаб бор, холос.

Ҳашаматли масжидлар қурилишига кетган маблағларнинг бир қисмини мактаблар, маданий-маиший бинолар қурилишига сарфланса бўлмасмиди?

Бир маҳаллада 8-10 та, айрим кўчаларда бир нечталаб масжид қурилиши шартми? Яна такрорлаб айтаман: ҳақиқий мусулмончилик фақат масжидлар сони билан ўлчанмайди. Савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мазорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, оилаларга, болалар ва норасидаларга мурувват кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига кирди. Буни асло унутмаслигимиз керак!

Масжид мавқеи имом ва қавмнинг илму заковати даражасига қараб баҳоланади. Хўш, Наманган вилояти масжидларида аҳвол қандай?

Қанчалик аччиқ бўлмасин, ҳақиқатни айтишга мажбурмиз: бугун вилоятда фаолият кўрсатаётган масжид имомларининг 7 фоизигина махсус диний маълумотга эга, холос. Афсуски, ана шунинг натижасида баъзан диний ақидалар нотўғри талқин қилинишига йўл қўйилляпти.

Бундай номақбул ҳолатларга чек қўйилади, деб ишонамиз.

*«Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби» китобидан.
Т.5. Т., «Ўзбекистон»*



1997

1990 - 2005

1997 йил

18 февраль — Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж сафарига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 86-сонли қарори қабул қилинди.

3 апрель—3 май — 3670 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.

29 апрель — Вазирлар Маҳкамасининг «Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги 217-сонли қарори қабул қилинди.

Май — «Ўзбекистон» нашриёти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўзбек ва рус тилларида нашрдан чиқарди.

6 июнь — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Саудия Арабистони Қироллиги Фавкулудда ва мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафия тимсолида Саудия Арабистонининг биринчи элчиси ишонч ёрлиғи билан фаолият бошланганлигидан мамнун эканлигини изҳор қилди ва миннатдорчилик билдирди.

27 июнь — Тошкент шаҳрида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис қарорига биноан Абдурашид Баҳромов Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий этиб сайланди.

Июль — Ўзбекистон телевидениеси Биринчи канали орқали «Ҳидоят сари» ҳафталик диний-маърифий кўрсатув намойиш этила бошланди.

30 август — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Дин ёки эътиқодлар замирида муросасизлик ва камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги декларацияни маъқуллаш ҳақида»ги 505-қарори қабул қилинди.

Октябрь — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Пирга қўл беришдаги баъзи нотўғри ақидалар» ҳақидаги Фатвоси қабул қилинди.

7 октябрь — Тошкентда «Ўрта Осиё ислом даври қўлёзма асарларини яратиш традициялари мавзуида 2 ҳафталик халқаро семинар иш бошлади. Унда Тожикистон, Туркманистон, Франция, Германия, Нидерландиядан келган олимлар ҳам иштирок этишди.

5 октябрь — Ўзбекистон Республикасидан Умра зиёратига борувчи фуқароларнинг биринчи гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетди. 1998 йил 25 январгача бўлган муддат ичида 3670 киши Умра зиёратини адо этишга муваффақ бўлди.

3—4 декабрь — «Жамиятдаги миллатлараро ва динлараро тотувликни барқарорлаштиришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аҳамияти» мавзуидаги илмий-амалий анжуман Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

19 октябрь — Бухорода Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси учинчи минг йилликка» мавзуида халқаро симпозиум ўтказилди.

19 октябрь — Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган бадиий-саҳналаштирилган катта байрам ўтказилди. Пойи Калон майдонида ҳозир бўлганлар олдида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

20 октябрь — 19 октябрда ўз ишини Бухорода бошлаган «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси учинчи минг йилликка» мавзуидаги халқаро симпозиумнинг якуний мажлиси бўлиб ўтди. «Хива ва унинг дунё тарихидаги ўрни» мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Шу куни Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб Арк майдонида уюштирилган тантанادا Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов тўпланганларни байрам билан муборакбод этди.

Октябрь ойида «Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси» — халқаро ижтимоий ҳаракатининг Тошкентда ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус тилларида «Марказий Осиё маданияти» номли газетаси чиқа бошлади.

5 ноябрь — Қашқадарё вилоятининг Китоб районидаги Ҳазрати Башир қишлоғида бундан олти аср олдин яшаб Нақшбандий таълимотини кенг кўламда тарғиб қилишда танилган Ҳазрати Султон Саид Аҳмад Баширнинг меъморий комплекси очилди.

18 декабрь 1997 йил— 16 январь 1998 йил — Миср Араб Республикаси (МАР) нинг телерадиокомпанияси, МАРнинг Тошкентдаги элчихонаси Матбуот шўъбаси томонидан «Рамазон туҳфаси» сифатида тақдим этилган Миср киноусталарининг «Муҳаммадун Расулulloҳ» кўп серияли бадиий фильмининг бешинчи фасли ўзбек тилига таржима қилиниб, Ўзбекистон телевидениесининг Биринчи канали орқали намойиш этилди.

31 декабрь — Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 582-қарори қабул қилинди.



ХОРАЗМНИНГ БУЮК ЎҒЛОНЛАРИ

*Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги табрик сўзидан*

Бугун миллий озодлик учун курашимиз тарихидан сўз кетар экан, биринчилар қаторида буюк Хоразм ўғлонларидан Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди каби миллий қаҳрамонларимизнинг номларини зикр этамиз.

Нажмиддин Кубро Ватанимизни Чингизхон босқинидан озод қилиш учун жанг қилиб, қўлида озодлик байрогини маҳкам тутиб жон таслим этгани тарихий манбалардан маълум.

Хоразмшоҳлар сулоласининг машхур вакили Жалолиддин ҳам ўн бир йил давомида мўғулларнинг гарбий ўлкаларга бостириб киришларига тўсиқ бўлиб турди. Фаним олдида бош эгмади, тиз чўкмади, Ватан дея ҳалок бўлди.

1997 йил 20 октябрь.

ЭРКИМИЗНИ ХАВФ-ХАТАРДАН САҚЛАШ ҲАР БИРИМИЗГА БОҒЛИҚДИР

«Огоҳ бўлинг, одамлар!» — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан. Т., «Ўзбекистон»

МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР

СССР таназзулга учрагандан кейин бизнинг иродамиз ёки интилишимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда Ўзбекистон амалда фронт яқинидаги давлатга айланиб қолди. Унинг ташқи чегараларида — Афғонистон ва Тожикистонда сўнгги йилларда юз минглаб инсонлар ҳаётига зомин бўлган иккита танглик ўчоғи аланга олиб турибди.

18 йилдан бери уруш кетаётган Афғонистондаги тангликнинг чуқурлиги ва кескинлигини, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жўғрофий-сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб,

бу фожианинг кўлами ва хавфи жиҳатидан ҳозирги дунёнинг энг катта минтақавий можаролари жумласига киритиш мумкин. Бу можароларнинг сабаби ва бошлангич омилларини ҳамда кўшни Тожикистонда давом этаётган тангликнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил этмаган ҳолда (чунки ҳозир гап бу ҳақда бораётгани йўқ), қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш зарур. Республикамиз теварагида вақти-вақти билан кескинлик кучайиб турибди. Уруш ҳаракатлари олиб борилмоқда. Ўзаро курашаётган томонлар тинчлик йўлидаги соғлом ташаббусларни тушунишни истамаяптилар. Шундай шароитда Ўзбекистон ўз фуқароларининг фаровон яшашини ва равнақ топишини таъминлаб берадиган даражада барқарор ва бехатар ривожланиши мумкинлиги ҳақида бир нима дейиш мушкул.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан. Т., «Ўзбекистон»

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШНИНГ ТИКЛАНИШИ

Халқимизнинг этник, маданий ва диний сабр-бардоши маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир. Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган, тинч-тоғув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланди. Ҳатто бу ҳудудларни босиб олганлар ҳам Марказий Осиё халқларининг маданияти олдида бош эгибгина қолмай, унинг энг қимматбаҳо анъаналарини, шу ҳудудда мавжуд бўлган давлатчилик анъаналарини авайлаб қабул қилганлар.

Айни шу заминда кўп асрлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эронлик қабилалар билан, мусулмонлар насронийлар ва яҳудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар. Сўнги икки аср давомида ҳам ўзларини «маданиятли» ва «маърифатли» ҳисоблаб келган давлатлар оммавий қиргинлар ва диний таъқиблар билан ўзларига доғ туширган бир пайтда, Ўзбекистон замини халқлар ва маданиятлар тинч бирлашган жойгина бўлиб қолмай, балки қувғин қилинган халқларга бошпана ҳам берди.

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан. Т., «Ўзбекистон»



ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМ

XX аср ажойиб илмий кашфиётлар асри, инсон Коинот сирлари қўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва гоят улкан техникавий имкониятлар асри бўлди. Шу билан бирга бу асрнинг охири диний қадриятларнинг уйғониш даври, вазмин, беҳуда уринишлардан ҳоли диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлиб қолди.

Жаҳондаги энг йирик динлардан бўлган ислом ҳам шу каби ялпи интилишлардан четда қолгани йўқ. Аксинча, мусулмон дунёсида ва ҳатто ундан ташқарида ҳам сўнгги ўн йилликлар мобайнида рўй берган воқеалар жаҳон ҳамжамиятида «ислом овозаси» деб аталган ҳодиса ҳақида гапириш имконини берди.

Кўплаб сиёсатчилар, олимлар, журналистлар XX аср охирида юз берган, «ислом уйғониши», «қайта исломлашиш», «ислом феномени» ва бошқа турли-туман номлар билан аталган ҳодисанинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчалар ҳақида мунозарага киришмаган ҳолда, эътиборни жаҳон ҳамжамияти ҳаётида ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган ҳодисалар гоят хилма-хил, кўп қиррали, баъзан зиддиятли ва ҳатто қарама-қарши кутбли эканлигига қаратмоқчиман.

Шу билан бирга, аниқ-равшанки, жаҳон жамоатчилиги бу жараёнларга жуда катта қизиқиш билан қарабгина қолмаяпти. Унинг диний экстремизм ва фундаментализм каби кескин ҳодисалар муносабати билан безовталанаётгани, баъзан эса, ҳатто хавфсираётгани ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, ҳозирги замон тарихида ана шу ўта кескин кўринишлар жиддий можароларни, зиддиятларни келтириб чиқариши, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлиги инсониятни чўчитяпти. Шундан дарак берувчи фикрлар анча-мунча тўпланиб қолган. Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш зарурлиги нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Диний экстремизм ва фундаментализм бизнинг минтақамиз учун туғдириши мумкин бўлган хавф-хатарларни бевосита таҳлил қилишга киришишдан олдин эътиборни одамларнинг диний эътиқодлари билан боғлиқ ҳар қандай муаммо гоят нозик эканлигига, уларнинг диннинг маънавий қадриятлари билан шиорлардан, хусусан, исломни қайта тиклаш шиоридан фойдаланаётган муайян кучлар кўзлаётган, динга алоқаси бўлмаган сиёсий ва бошқа тажовузкор мақсадлар ўртасидаги фарқни тушуниб олишларига эришиш зарурлигига қаратишни истардим.



Давлатимиз бошлигининг ҳар бир нутқи, суҳбати, асарлари Ватанимиз ва халқимизнинг бугуни ва истиқболи ҳақида мунаввар таъвишлар билан йўрилгандир.

Дин, шу жумладан, ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда.

Бинобарин, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч багишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам бериб келган. Баъзи вақтларда эса бунинг бирдан-бир чораси бўлган. Бундай хулосалар чиқаришга, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз. Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзот ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда.

Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган.

Ҳаётнинг мазмунини тушунишга турлича ёндашишларнинг (афсуски, улар ҳамма вақт ҳам тинч ва осойишта кечавермаган) ёнма-ён мавжуд бўлиши, эҳтимол, инсоният дунёсининг, маънавий ҳаётининг бойлиги ва хилма-хиллигини таъминлаб берган ҳамда унинг ривожланишини рағбатлантириб тургандир. Зеро, фақат бир хил фикр юритувчи одамлардан таркиб топган жамият ўз ранг-баранглигини ва жозибасини йўқотган бўлур эди.

Инсоннинг, шахснинг қадр-қимматини устувор қадрият сифатида эътироф этувчи ҳозирги дунёда, мазкур зиддият инсоннинг эркин фикрлаш, хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркига ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркига бўлган ҳуқуқини тан олишга айланди. Одам табиий омилларга кўра ўзи мансуб бўладиган ирқ ва элатни танлай олмайди. Ота-онани танлаб ололмайди. Лекин дунёқарашини, ахлоқи, маънавиятини ўзи, ҳеч кимнинг тазйиқисиз ва, айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши мумкин ва лозим. Бинобарин, унинг хоҳиши ҳурмат қилиниши шарт.



Президентимиз Ислам Каримовга Саудия Арабистони подшоҳи томонидан берилган Қуръони карим фарғоналик ҳурматли отахон Тоҳирҳожига ҳадя этилди.



Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган. Ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланганлиги бежиз эмас. Шу тариқа дин инсоният тарихининг турли даврларида сиёсат билан озми-кўпми очиқ-ойдин муносабатга киришган. Кўпинча ундан сиёсий ва баъзан бир тарафлама, тор мақсадларда фойдаланиб келинган.

Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Фанатизмнинг ўзига хос хусусияти ва кўринишлари авваламбор ўз динининг ҳақиқийлигига ўта қаттиқ ишониш, бошқа диний эътиқодларга муросасиз муносабатда бўлишдан иборатдир.

Айнан фанатизм иллатига йўлиққан одамлар ёки уларнинг гуруҳлари жамиятда беқарорлик тўлқинини келтириб чиқаришга қодир бўладилар. Устига-устак, оммавийлик унсури муайян бир хатти-ҳаракатлар учун шахсий жавобгарлик ҳиссини йўқотиб юборади, ҳаракатга «омма, халқ ҳаракати» тусини беради.

Ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнги чораларга — зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг ўз вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин.

Адолат юзасидан шуни эътироф этиш керакки, диний фанатизмнинг «отилиб чиқиши»га соф диний зиддиятлардан кўра кўпроқ ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги сабаб бўлади. Аслини олганда, айти шу муаммолар бошқача фанатизмни, дейлик, большевистик, миллатчилик руҳидаги фанатизмни келтириб чиқаради.

Диний тизимларнинг ўзи ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг самарали дастурларини таклиф қилишдан олис. Диний фундаменталистларнинг амалдаги динлар вужудга кела бошлаган дастлабки шарт-шароитларга қайтиш ҳақидаги даъватларини эса асосли ва реал чора деб ҳисоблаб бўлмайди.

Сўнги ўн йилликлар мобайнида дунёда дин омилининг фаоллашуви советлардан кейинги маконда ҳам ўз аксини топди.

Тўғри, маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмронлик қилган шароитларда ҳам диний ҳаёт ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас. У гоёт ўзига хос шаклу шамойил касб этган эди, холос. Бироқ 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошлари, бир томондан, жамиятда диннинг мавқеи қайта тикланган, иккинчи томондан эса, ана шу асосда можаролар чиқиши учун сабаблар шаклланган давр бўлди.

Бу фикрнинг долзарблиги минтақадаги давлатларнинг мустақиллигини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш даврида минтақамизда ислом омили ва унинг хилма-хил кўринишлари фаоллашуви сабабларига эътибор билан қарашни талаб қилмоқда.

Биринчидан, аввалги мафкуравий тасаввурлар ва қадриятлар тизимининг емирилиши ҳамда муайян вақт мобайнида пайдо бўлган бўшлиқнинг ўрнини тўлдириш заруратидир.

Коммунистик мафкура маънавий қашшоқлиги, фанатизми ва миллатларга қарши қаратилганлиги билан шўро ҳокимиятидан кейинги маконда диний фундаментализм ва анъанавийлик учун шароит яратди. Ислом динидагина эмас, балки яҳудийлик, христиан конфессиялари — Рим православ, Рим-католик, Арман-григориан, Лютеран черковларида, баптистлик ва бошқа жамоаларда ҳам шу ҳол рўй берди. Биз буларнинг барчасини 100 дан ортиқ халқ ва миллат, 15 диний конфессия вакиллари яшаётган Ўзбекистон мисолида яққол кўришимиз мумкин бўлди.

Собиқ СССРдаги ҳукмрон коммунистик партиянинг жиловбардорлари диний жамоаларни халқларнинг ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақиби деб ҳисоблар эди. Улар ўзининг бутун фаолияти давомида динни камситиш, руҳонийларни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб муътабар руҳонийлари қатагон қилинди. Минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Диндорлар оммасининг аксарият кўпчилиги 90-йилларнинг ўрталарига қадар Қуръони каримдан баҳраманд бўлолмаган эдилар.

Мазкур сабабларга кўра, Марказий Осиёдаги исломий маърифат таъқиқлаб қўйилган собиқ совет республикаларида чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада ҳар хил хурофий ирим-сиримлар, баъзан жаҳолатпараст



удумлар ривож топди. Бундай «чаламуллалар» ҳозирги кунда баъзан энг олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, уни бутун аҳолига зўрлаб қабул қилдиришни ва одамларнинг тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқмоқдалар.

Биз Ўзбекистонда ҳозир ҳам, келгусида ҳам совет даврининг салбий тажрибасига, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида гувоҳи бўлганимиз янги хатоларга йўл қўйишни хоҳламаймиз.

Иккинчидан, миллий ўзликни англаш туйғуси, этник жиҳатдан насл-насабини излашга интилиш ўсиб бормоқда.

Бу борада Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларида диннинг, хусусан, ислом динининг роли тўғрисида Фарбий европалик экспертларда шаклланган фикр эътиборга молик. Уларнинг фикрича, Марказий Осиё халқларининг миллий жиҳатдан тикланиши даврида ислом бир-бирига қарама-қарши вазифаларни бажаришга қодир. Зотан, четдан туриб билдирилган фикр кўпинча кўзгудаги аксини кўрмоқдан кўра яхшироқ ва фойдалироқдир.

Бир томондан, ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссани, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда.

Иккинчи томондан, ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш учун курул сифатида фойдаланилади. У бир туғ вазифасини бажаришга қодир. Бу туғ остида эса аниқ бир дастурий мақсадларни изловчи эмас, балки фақат бир кўрсатмага—ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар бирлашади.

Учинчидан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳадаги кескин ўзгаришлар. Бу энг муҳими бўлса ҳам ажаб эмас.

Ўтиш давридаги ислоҳотларнинг муқаррар қийинчиликлари, аҳолининг объектив табақалашув жараёни ва мулкдорлик белгиси бўйича табиий тафовутлар аҳолининг бир қисмини ўз фаровонлигини таъминлаш мақсадида куч-гайратлари, билимлари ва қобилиятларини ишга солишдан чалгитмоқда. Уларни совет руҳидаги нуқтаи назардан ёндашган ҳолда хаёлий ва ёлгон тенгликка, ортиқча зебзийнат ва исрофгарчиликларга қарши сохта курашга ундамоқда. Аслини олганда, бу—одамлар ўртасидаги сохта тенгликка ва жамиятнинг қиёфасиз бир ҳолатга келтириб қўядиган текисчиликка қайтишни ёқлаб чиқиш демакдир.



«... Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шу ёшларнинг қиёфасида кўраман».



*Ёшлар камолоти мустақилликнинг нафаси ва
Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлиги билан гуркирамоқда.*

Ана шундай бир шароитда ваҳҳобийлик каби гоъларнинг алдамчи жозибаси ўзини яққол намоён этмоқда. Турғунлик, танглик ва жамиятнинг парчаланиш йилларида ажнабий ваҳҳобийликнинг оммага ёқиш йўлидаги уринишлари адолатни юзаки тушуниб тартиб қилишда, исломнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига қаттиқ риоя этишни талаб қилишда ҳамда зеб-зийнатдан ва манфаатпарастликдан воз кечишни эълон қилишда намоён бўлмоқда. Афсуски, бундай даъватлар Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида яқин ўтмишда ва ҳозирги кунларда ҳам кенг ёйилди ва қўллаб-қувватлаб келинди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари гоът мураккаб ва кўп қиррали ислом дунёсининг ажралмас қисмидир. Сир эмаски, бу дунёда етарли даражада расмий ва норасмий ҳаракатлар мавжуд. Улар ё исломнинг устунлигини тан олиш ёки бошқа барча динларга нисбатан мурасасизлик, ёхуд исломдан тўр миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асоси сифатида фойдаланиш мақсадини маҳкам тутган ҳолда исломни ўз сиёсий режаларига бўйсундирмоқда.

Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларини ўз сиёсий тарафдорлари ва иттифоқчилари сафига жалб қилишга, уларга ўз таъсирларини ёйишга интилиш бундай кучларнинг мафкуравий йўл-йўриқларигагина хос бўлмай, балки мутлақо аниқ-равшан ҳаракатлар тусини ҳам олмоқда.

Ислом омили кучайишининг юқорида санаб ўтилган асосий сабаблари Ўзбекистонда диний ҳаётнинг фаоллашиш жараёнларини тушунишга ҳам тўла тааллуқлидир.

Ҳозирги кунда республикада 15 та диний конфессия уюшмалари фаолият юритмоқда. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;



— диндан бузгунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Охирги тамойил Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги «Халқаро пакт» нинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейилади: «Дин ёки эътиқодга сизини эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлигини ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин».

Юқоридаги фикрлар маънавият ва маданиятнинг бир қисми бўлган дин билан ундан муайян сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишларни аниқ ажратиб кўрсатади.

Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашадиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонга нисбатан ислом фундаментализми — ақидапарастликнинг таҳдиди нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан. Ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда кўринмоқда. Яхшилик йўлидаги ўзгаришларнинг устувор шартлари бўлган барқарорликни, миллий, фуқаролараро ва миллатлараро тотувликни бузиш йўлидаги уринишларда намоён бўлмоқда. Ақидапарастларнинг мақсади демократияни, дунёвий давлатни, кўпмиллатли ва кўп динли жамиятни обрўсизлантиришдан иборатдир.

Иккинчидан. Фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим. Бу даъватлар охир-оқибатда бундай одамларнинг ақлигагина эмас, балки тақдирига ҳам ҳукмрон бўлиб олишини яққол англашимиз, айниқса, ёшларимиз буни аниқ тасаввур қилиши лозим. Бундай нуфузли одамларга бўйсунмай қўйиш шахсий фожиага айланиб кетиши ҳам мумкин. Қулларча мутелик, шахснинг эрксизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, сайй-ҳаракат ва ташаббус кўрсатиш эркинлигининг мутлақо чекланиши бунинг энг



Тоза осмон ўғли, эрк фарзанди.

огир оқибатларидир. Бизнинг тараққиёт сари интилишимизни эса фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Учинчидан. Мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол Жазоирда, Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

Тўртинчидан. Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда.

Бешинчидан. Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутади-ган фикр туғдиришга уринишларда намоён бўлмоқда. Уларга бизни гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар.

Олтинчидан. Ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёна-рига гоят салбий таъсир кўрсатмоқда. Янги мустақил давлатларнинг қолоқлигини тургун бир ҳолатга айлантirmoқда. Ундан ҳам даҳшат-лиси шуки, одамларни диний заминда «цивилизациялар тўқнашу-ви»ни кутишга мажбур қилмоқда.

Еттинчидан. Омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда.

Кейинги вақтларда чет эл матбуотида Ўзбекистон раҳбарияти-нинг ўзи фундаментализм хавфига ишонмайди, лекин мутлақо аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда Фарбни шу билан кўрқитмоқда, деган фикрлар пайдо бўлди.

Фарбдаги тадқиқотчилар ва исломшунослар орасида фундамен-тализм жаҳон ҳамжамияти учун хавфли бўлмаган, аксарият ҳоллар-да «ўз» давлатларига қарши қаратилган йўналишдир, деган қараш-лар кенг ёйилган. Гуё ақидапарастлар бу давлатларни бузиб, ўзлари хоҳлаганча қайта қуриб олишгач, жаҳон ҳамжамияти билан муло-қот қилишга дурустроқ тайёр бўлар эмишлар. Фундаменталист-ларнинг кўпчилиги Европадаги ва Америкадаги университет-

ларда олий техник ва тиббий таълим олганлиги бундай мутахассисларни айниқса қувонтирмақда. Бу кишилар қайта-қайта парчала-нишга, низоларга ва таҳқирланишга дучор бўлган мусулмон Шарқининг ҳақиқий ҳолатини чуқур тушунармиканлар?

Бундай нуқтаи назарларга қўшилмаган ҳолда, эътиборни муаммони яна бир жиҳатига қаратиш зарур деб ҳисоблайман.

Ислом фундаментализмининг хавфи ҳақида фикр юритар эканмиз, нафақат унинг ислом дини ичидаги сабабларига, балки уни келтириб чиқараётган, рағбатлантираётган жиҳатларига ҳам доимо муурожаат қилишга мажбурмиз. Бу сабаблар ҳаммага яхши маълум — мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик буюк давлатчилик шовинизми ва халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўравонлик, «парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил» қабилдаги сиёсатдир. Бунга қўшимча ўлароқ, иқтисодий камситишни, калондимогликни ва бошқа маданиятнинг, бошқа цивилизациянинг, хусусан кўп асрлик илдишларга эга, Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини чуқур тушунишни истамаслик кайфиятини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

Айни чоғда ислом дунёсини жипслаштириш учун унинг устунлиги гоёсидан, АҚШ ва Фарбий Европага қарама-қарши ўлароқ, ҳозирги дунёнинг бошқа куч марказлари билан бирлашиш гоёсидан фойдаланишга уринишларнинг ҳам истиқболи йўқ. Бундай уринишлар ўтиб бораётган асрнинг 50-80-йилларида синаб кўрилган эди. Уларни ХХI асрга олиб ўтиш шартмикан?

Қолаверса, ривожланган мамлакатларнинг вакиллари мусулмонлар учун гоёят қадрли бўлган одатдаги ижтимоий муносабатларни, турмуш тарзини, дунёқарашни ўзгартириш нақадар азобли иш эканлигини тушуниб етишлари лозим. Башарти кимда-ким исломни ва исломий маданият давлатларини янги «ёвузлик салтанати» ва ялпи хавф-хатар ҳудуди деб тасаввур қилса, бу ҳол ХХI асрнинг бутун келажак тарихи учун фожиали хато бўлур эди.

Фарбнинг илгор вакиллари ўз мамлакатлари ва бутун дунё цивилизациясининг равнақ топиши учун исломнинг аҳамиятини юксак баҳолаётганликлари ҳамда қарзни қайтариш, деярли 1 миллиард одам яшайдиган диний ҳамжамиятга тараққиёт йўлида ёрдам бериш вақти етди, деб ҳисоблаётганликлари ҳақидаги фикрларни учратиш ижобий таассурот уйғотади.

Диний фундаментализмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши чиқаётган жаҳондаги таъсир доираси кенг ва обрў-эътиборли кучлар турли маданиятлар ҳамда цивилизациялар ёнма-ён яшашининг



нормал, тинч ва ўзаро фойдали шарт-шароитлари учун курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамиятини англаб етмоқдалар. Мамлакатимизнинг ўзига хос ислоҳотлар йўлини тушунмоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Буни бизнинг фуқароларимиз, ёшларимиз эсда тутишлари ва қадрлашлари лозим. Мамлакатимиз ичида ҳам, жаҳон ҳамжамияти олдида ҳам ўз масъулиятларини тушунишлари ва унутмасликлари зарур.

«Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан. Т., «Ўзбекистон»



Фарзандларимиз биздан бахтли, кучли бўлишга ҳақли!



1998

1990 - 2005

3 феврал — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси архиепископи Владимирни қабул қилди. Архиепископ Владимир Ўзбекистон Республикаси Президенти тинчликни мустаҳкамлашдаги хизматлари ва 60 йиллик юбилейи муносабати билан Рус православ черковининг биринчи даражали «Мурувватли имони бут Москванинг князи Даниил» ордени билан тақдирланганлигини билдирди ва Президент И.А.Каримовга бу ордени топширди.

Март — Тарих фанлари доктори Ашраф Аҳмедов бошчилигидаги илмий экспедиция аъзолари уч ҳафта давомида Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фаргонийнинг 1200 йиллигига бағишланган сафарда бўлдилар ва Туркия, Сурия, Иордания ва Мисрда буюк алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир изланишлар, трактатлар, китоблар, улар ҳақидаги микрофильмлар, фотонусхаларни ўргандилар, олимлар билан мулоқотда бўлдилар ва изланишлар соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

24 март-21 апрель— 3850 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.

26 март— Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 130-сонли қарори қабул қилинди.

9 апрель — Тошкентдаги буюк бобокалонимиз номи билан аталган хиббонда, Темурийлар тарихи давлат музейи олдида, Самарқандда Гўри Амир мавзолейи ҳовлисида Амир Темуру руҳига таъзим ва эҳтиром бажо келтирилди.

21 апрель — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний жамоалар, оқимлар ва гуруҳлар фаолиятининг қонунийлигини ўрганиш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияни ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1989-сонли фармойиши қабул қилинди.

24 апрель— Тошкент маданият институтида «Имом Исмоил ал-Бухорийнинг объектив дунёқарашни ривожлантиришдаги ўрни ва роли» мавзуида илмий конференция ўтказилди.

1 май— Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида қабул қилинди.

Июнь — Самарқанддаги тарихи минг йиллик «Чокардиза» қабристонидан буюк фикҳшунос олим Шайх Бурҳонуддин Марғиноний ва калом илмининг пири Абу Мансур Мотуридий қабрлари топилди.

20 июнь — Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги 263-сонли қарори қабул қилинди.

25 август — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов буйруғи билан Ҳаж ва Умра сафарига отланган фуқароларнинг, аввало, юртимиздаги табаррук жойларни зиёрат қилиши анъанаси жорий қилинди. Умра сафарига борувчиларнинг биринчи гуруҳи билан бирга Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг Самарқанд вилоятига хайрия сафарлари «Қаноат» мувофиқлаштириш маркази томонидан уюштирилди.

13 сентябрь — Ўзбекистон Республикасидан Умра зиёратига борувчи фуқароларнинг биринчи гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетди. 20 декабрга қадар муддат ичида 2822 киши Умра зиёратини адо этишга муваффақ бўлди.

23 сентябрь — Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман Тошкентда бўлиб ўтди.

23 октябрь — Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги тантаналари ва халқаро анжуман Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

28 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги ПФ-2100-сонли Фармони қабул қилинди.

3 ноябрь — Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг «Тўй, маросимлар ва маъракаларни меъёрида ўтказиш» ҳақидаги Фатвоси қабул қилинди.

16 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ПФ-2110-сонли фармойиши чиқди ва шу йили Имом ал-Бухорий номли халқаро жамғарма ташкил этилди.



ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

Тарихчи олимлар билан суҳбат

«Эрондан Аҳмонийлар, Юнонистондан Александр келди. Арабистондан Қутайба, Мўғулистондан Чингизхон келди, Чор Россияси келди. Лекин, халқ қолди-ку! Хўш, бунда қандай сир-синоат бор? Халқ қандай ички куч-қудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадимлардан ўтроқ яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?»

* * *

Хўжа Аҳрор ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-гайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуг зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз.

«Мулоқот» журналининг 1998 йил 5-сони

ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҚОНУНИЙ АСОСДА БЎЛСИН

Олий Мажлиснинг XI сессиясида сўзланган нутқдан

Ҳурматли халқ ноиблари!

Мана, ҳозиргина ҳурматли бир домламизнинг маърузасини тингладик. Кечирасизлар-у, маъруза менга ёқмади. Лицейларда, олий ўқув юртлари аудиторияларида ўқиладиган лекциялардан фарқи йўқ. Олим, юрист сифатида мен у кишидан бошқа нарсани кутган эдим. Яъни, бугун ҳаммамизни ўйлантираётган муаммо хусусида ваколатли мутахассис фикри керак эди, бизга. Афсуски, бундай бўлмади.

Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция беради. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари Конституцияда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз эркин, демократик ҳуқуқий



давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини ҳурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш.

Модомики, мақсадларимиз аниқ экан, инсон ҳуқуқлари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган Конституция ҳимоясида экан, авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўляпти? Мен Наманганда, Андижонда рўй берган кўнгилсиз воқеаларни назарда тутяпман. Нима, ҳуқуқий асосларимиз бўшми ёки умуман масъулиятни унутиб қўйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёсат олиб бораётгандир? Ана, орангизда Наманган вилояти ҳокими ва туман ҳокимлари ўтирибди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, битта вилоятда 1200-1300 та масжид бор. Бу масжидлар атиги 4-5 йил ичида қурилган. Мазкур масжидлар қонун доирасида фаолият кўрсатиши учун кимдир масъул бўлиши керакми, йўқми? Ўзи ҳудудларда қонунларимизни ҳимоя қиладиганлар борми-йўқми?! Намангандаги масжидларнинг 50-60 фоизи рўйхатдан ўтмаганини вилоят ҳокимлиги ва жамоатчилиги билмайди дейсизми? Билади! Фақат ўз тинчини ўйлаб, разил ниятлар, фитналарга қўл силкиб қўйган. Масжидларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида гапирдим. Диний ташкилот ёки масжид очиладиган бўлса, албатта ўзига мажбурият олиши керак. Қайси қонун бўйича фаолият кўрсатади, фаолият доираси қаердан бошланади-ю, қаерда тугайди — буни аниқ билиши, масъулиятни тўла ҳис этиши зарур.

Рўйхатдан ўтиш — бу арзимаган расмийлик эмас, ахир. Бундай ишлар албатта, пора бериш, амалдорнинг оғзини мойлаш ҳисобидан бўлиши ҳам мумкин. Лекин қонун ҳукм сураётган ҳудудда, туман ва вилоятларда бунга имкон берадиган вазиятни таг-томири билан қирқиб ташлаш керак. Масжидларнинг маблағи бор, лекин аксарияти солиқ тўламайди. Хўш, бу пуллар қаёққа кетяпти?

Ҳокимларнинг, Адлия вазирлигининг жойлардаги бўлимлари ходимларининг чўнтагига! Прокурор бўлса миқ этмайди. Қонунлар ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?! Агар туманда қонун бажарилмаса, прокурор унда нима қилиб ўтирибди?! Қанча-қанча назорат ташкилотлари бор. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: бир бечора тижоратчи ёки савдогарнинг ортидан ўнтаси ўпкасини қўлтиқлаб югуради. Чунки ишхонасига чақириб, унга зугум қилиш, устидан жинорий иш қўзғаш, оғзидагисини ҳам тортиб олиш осон.

Сўзимни мухтасар қилиб айтмоқчиманки, қонун қабул қилиш билан иш битмайди. Аравани қуруқ олиб қочиб, умумий гаплар билан қутулиб кетаман, деб ўйламанглар. Бу жуда катта муаммо.



Ўзбекистоннинг келажига хавф солаётган, умуммақсадларимизни, орзу-ниятларимизни барбод қилиши мумкин бўлган, авлодларимизни хавф остида қолдирадиган катта таҳдид бу! Бир матбуот анжуманида «Озодлик» радиостанциясининг мухбири Фурқатбек Яквалхўжаев Наманган воқеаларининг сабабини сўради. Мана, сиз мухтарам депутатлар ҳам эшитиб қўйинглар.

Наманганга четдан таъсир бўлмаса, ўз-ўзидан шундай тажовузлар юз берармиди? Бу қонхўрлар кимнинг мактабида ўқиган, кимдан маблағ олган, ким уларни қурол билан таъминлаган, ота-оналарининг бепарволигидан фойдаланиб, ёш йигитларни ким Тожикистонга ёки Афғонистон ва Покистонга олиб борган? Уларни муҳолиф кучларнинг ўзаро хунрезлик гирдобига улоқтирган ким? Тавилдара деган жойда одамларга қурол ўқталиб, ўзбеклар номини сотиб юрган Жума Намангоний, ўзини амирлар қаторига қўшган Тоҳир Йўлдошев ўзи ким?! Бу муттаҳамлар қаердан пайдо бўлди?! Уларнинг жиловини нега вақтида тортиб қўймадик?!

Холисона тан оламиз. Ўзбекистон ҳудудида баъзи бир ечилмаган ижтимоий масалалар, дейлик, ишсизлик бордир, одамларнинг ҳаёти ҳали биз орзу қилган даражада эмасдир, ёшлар муаммоларини ечишда бепарволикка йўл қўйгандирмиз. Ўрта ва олий ўқув тизимидаги, маънавият ва маърифат соҳасидаги масъул кишиларнинг лоқайдлиги ўз йўлига, бу ўзимизнинг айбимиз. Лекин яна такрорлайман: четдан таъсир бўлмаса, болаларимиз алданиб Покистонга бормасди, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимларга ружу қўйиб, қўлларига қурол олишмасди. Жангариларга айланиб, Ватанига, ватандошига қўл кўтармас, қўпоровчилик билан шуғулланмас эди.

Наманган, Андижонда қўлга тушган жиноятчилар устидан эртаиндин очиқ суд бўлади. Керак бўлса, суд жараёнини телевидение орқали кўрсатамиз. Ана ўшанда бу нонкўрларнинг мақсади нима бўлганини ўз қулоқларинг билан эшитасизлар.

Уларнинг биринчи режаси маъмурий, ҳуқуқ ҳимоясида турган ташкилотлар: милиция, прокуратура ва шунга ўхшаган ҳокимият ходимларини ўлдириш билан одамларни қўрқитиш бўлган. Ундан кейин бизнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган иншоотларни портлатиш, нон, сут етказиб берадиган, одамларни иш билан банд қиладиган корхоналарни, иморатларни портлатиш...

Тушунаясизларми, қандай катта хавф остида қолишимиз мумкин? Битта муттаҳам, битта имонини сотган ёвуз ниятли одам қанча-қанча зарар, зиён етказиши мумкин.

Боз устига, бу ишлар дин ниқоби остида, мен кимман,



Улкан биноларинг узра бўлсин байроғинг!

мен ваҳобийман, мен ҳақиқий мусулмонман, деган кибрли ақида билан қилинади. Ким ҳақиқий мусулмон, ким сохта мусулмон эканини ёлғиз Аллоҳ таоло билади. Охиратда, сўроқ-савол пайтида ҳаммамизга Яратганнинг ўзи баҳосини беради. Бу дунёда бировни чала мусулмон, ўзини ҳақиқий мусулмон дейишга ҳеч бир банданинг ҳаққи йўқ. Буни исломдан хабардор одамлар, диний идораларнинг раҳбарлари жуда яхши билади. Ана шу одамлар айтсин.

Яна бир бор айтаман: ким ҳақиқий мусулмон, ким чала мусулмон, ким кофир бўлганини Аллоҳ таологина билади. Ким, алҳамдулиллоҳ мусулмонман деса ва муқаддас Қуръони каримда, ҳадисларда кўрсатилган талабларни бажо этса, бизнинг динимиз бўйича Худога итоат қилган, илтижо қилган бўлади ва у ўзини мусулмон дейишга ҳақлидир.

Боя айтганимиз кўнгилсиз воқеалар қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Аввало, улар майда ишлардан, бепарволикдан бошланишини унутмаслик лозим. Жамиятнинг ўзи бунга қарши қаттиқ оёққа турмаса, ўзини, ўз фарзандларини ҳимоя қилмаса, эртага Тожикистондаги вазият бизнинг ҳам бошимизга тушиши мумкин. Тожикистонда, Шаҳидон майдонида бўлган воқеалар 1992 йил май ойида бошланган эди. Бунинг тарихига 6 йил бўляпти, ҳамон Тожикистонда тинчлик, барқарорлик йўқ: ҳеч қандай қурилиш, бунёдкорлик йўқ. Одамлар нима билан банд—ўзингиз хабардорсиз.

Тараққиётни ўн йиллар орқага суриб юборган Шаҳидон воқеалари аслида Наманганда бошланиши керак эди. Буни ким билади? 1991 йил 8 декабрда мен Наманганга бориб ақлини йўқотган, ўзига «Аллоҳ лашкарлари» деб ном қўйиб олганлар билан, ўша Йўлдошев Тоҳир билан юзма-юз бўлганман. Унинг қўлидан микрофонни олиб гапирганимни ким эслайди? Ўшанда мендан улар ислом давлатини, ислом республикасини ҳозир эълон қиласиз, деб талаб қилишган. Соқоли тиззасига тушадиган кимсалар одамларнинг бошини айлантириб, шу масалаларни кўтарганлари ҳали ҳам эсимда, овозлари ҳали ҳам қулоғимда турибди.

Улар «ислом лашкарлари» ва бошқа ташкилотларни тузиб, одамларга тажовуз қилиб, милициянинг ўрнини олиб, ҳукмдор бўлмоқчи эдилар. «Қўқон хонлигини ташкил қиламиз», деган мақсадда юрганлар. Буни ким билади? Буни аввало сиз депутатлар билишингиз зарур. Нега деганда, сиз халқ ноиблари — халқ вакилларисиз.

Халқни ким ҳимоя қилади, халққа ким йўл кўрсатади?

Бундай хавфни ҳар бир одам сезиб, онгидан ўтказиши керак.



*Қайси миллат ҳаётида юксалиш содир бўлган бўлса,
унинг довьорак ва зукко раҳбари бўлган.*



Биз бугун нима учун мана шу виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чиқяпмиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур қонун 1991 йилда, яъни Конституциямиздан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ҳозир янги Конституцияни қабул қилдик, кўп қонунларни ишлаб чиқдик. Энди ҳаётимиз учун, келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлиги масаласини қайтадан кўриб чиқяпмиз.

Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиш, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, домлалар томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди? Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим?

Афсуски, бундай ишлар ҳозирча йўқ даражада! Нима учун бу масалада лоқайдликка, бепарволикка йўл қўйиляпти? Одилона, оқилона йўл тутиш ўрнига баъзи ҳокимлар ўзи масжид қурилишида ҳомий бўлиб, биринчи ғиштни қўйиб юрибди. Ахир сен ҳокимсан, олдин мактаб қур, одамларнинг соғлигини сақлаш, энг долзарб эҳтиёжларини қондириш борасида сен жонкуяр бўлишинг керак эмасми? Бўлмаса, ҳокимликни зиммага олиб нима қиласан? Масжидга бориб, имом бўл — агар эътиқодинг ёки билиминг тўғри келса. У ерда маошинг кўпроқ, масъулиятинг, жавобгарлигинг эса камроқ бўлади.

Ҳоким деганда биз мутлақо бошқача, мана шу туман, мана шу вилоятнинг ҳимоячиси, керак бўлса тақдирини, ҳаёт-мамотини ҳал қиладиган фидойи одамни тушунамиз. Вилоят ёки туманда нима воқеа рўй берса, виждонли ҳоким аввало ўзи жавоб бериши керак. Шунинг учун бу масалани кўтарганда ҳаммамиз, аввало, шу ерда ўтирганлар ўз масъулиятимизни чуқур англаб, ҳис этиб, юртимизга жанубдан келаётган хавфнинг олдини олиш, болаларимизни ёт таъсирлардан сақлаб қолиш тўғрисида ўйлашимиз керак. Зеро, мен ваҳҳобийман деган ёш бола ҳам ўзбек боласи, бизнинг миллатимизнинг боласи, халқимизнинг боласидир. Уни тўғри йўлга солиш барчамизнинг бурчимиздир.

Телевидение орқали Наманганда бўлган воқеаларнинг қўлга

олинган иштирокчилари, милиция ходимини ўлдириб кетганлар кўрсатилди. Кўз ёшларидан ожиз бўлиб қолган онаизорларнинг нима айби бор? Нима учун биз бу масалага бепарвомиз? Бу ишларга биз—жамоатчилик ҳам айбдор эмасми?!

Шунинг учун мен сизларга мурожаат қилиб айтмоқчиман. Ҳар ким виждонан қалбидагини гапирсин. Ҳақиқатан ҳам шу хавфни сезяптими-йўқми? Мен айтган гапларга қўшиладими-йўқми, шу тўғрида гаплашиб олайлик, фикр алмашайлик. Энг муҳими, зарур хулосаларни чиқарайлик. Ватанимизни, диёримизни бало-қазолардан ҳамжиҳат бўлиб асрайлик.

1998 йил 1 май.

БУТУН ДУНЁГА НАМОЙИШ ЭТСА АРЗИЙДИ

*Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига
бағишланган маросимда сўзланган нутқдан*

Мен сизларнинг эътиборингизни бизнинг халқимиз мисолидаги ноёб воқеликка, қимматли тажрибага қаратмоқчи эдим. ЮНЕСКО ёрдамида бу ибратли тажрибани бутун дунёга намойиш этса арзийди. Бу турли динга мансуб халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида ҳам тинчлик ва тотувликда яшаши мумкинлиги тажрибасидир.

Бу Яқин Шарқда ўн йиллар мобайнида турли миллат ва диний қараш вакиллари ўртасида муросасиз кураш тўхтамаётган, Болқон, Шимолий Ирландия, Шимолий Кавказ ва бошқа ҳудудларда этник ва диний қарама-қаршилик минтакавий можароларнинг авж олишига манба бўлиб хизмат қилаётган ҳозирги замонда беқиёс аҳамиятга эга бўлур эди.

Айни вақтда инсоният тарихи турли миллат ва диний эътиқодга мансуб одамлар юз йиллар мобайнида бир оила каби иноқликда яшаганлари борасидаги мисолларни ҳам билади. Минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг инкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир. Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насронийлик, яҳудолик, буддийлик ва бошқа кўҳна динлар нафақат бирга яшаган, балки бир-бирини тўлдирган, бойитган. Айнан шу заминда юз йиллар давомида дунё маданиятларининг катта миқёсдаги бир-бирини бойитиш жараёни рўй берган.

Ўзбекистонда турли диний оқим ва конфессияларнинг мав-



жудлиги ҳам шу билан изоҳланади. Мен фахр билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Бизнинг юртимизда ҳеч қачон антисемитизм кўринишлари ҳам учрамаган. Аксинча, Бухоро яҳудийлари ислом таълимотига салмоқли ҳисса қўшган, исломий маданиятнинг асосчиларидан бўлган ўзбеклар билан иноқликда яшаганлар.

Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида, ҳамма вақт бошқа халқлар ва конфессиялар вакилларига нисбатан ўзининг хайрихоҳлик ва ҳурмат билан ёндошишини намोён этиб келган.

Этник, маданий ва диний хайрихоҳлик ва очиқ кўнгиллик ўзбек халқининг ўзига хос туғма фазилатларидан бирига айланган.

Ўйлайманки, турли диний эътиқод, конфессияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган бизнинг тажрибамизни миллатлараро, диний ва этник асосдаги турли-туман ички ва минтақавий можароларни бартараф этишда муваффақият билан қўллаш мумкин.

1998 йил 24 октябрь.

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

«Туркистон» газетаси саволларига жавоблар

Мен бир гапни кўп айтганман? Яна такрорлайман: бизнинг юртимизга Аллоҳнинг назари тушган. Шундай экан, бу муқаддас заминдан мендай раҳбар чиқмаса, бошқа бир раҳбар чиқарди.

Шу нарса эътиборга сазоворки, кейинги вақтда «миллий гоё» деган тушунча ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда, бугунги ижтимоий воқеликдан ўз ўрнини топмоқда.

* * *

Бу албатта мустақилликнинг — мустақил тафаккурнинг маҳсулидир. Бир пайтлар бу ҳақда сўз юритиш қийин эди. Ҳамма нарса коммунистик мафкура қолипи билан ўлчанган у замонларда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъи назар, ичидаги ғам-ташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуот-



Ўзбекистон — улуғлар яшаган табарруқ юрт. Истиқюлнинг ҳар баҳори сенга янги курк, чирой, тароват бахш этди. Қадим ёдгорликлар янгидан қад кутардилар.

да — оддий зиёлими, етук олимми ёки таниқли арбобми — барибир, айтаётган фикрининг ана шу қолипга мос келиш-келмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки фикрловчи, ақлли одамлар қиргин-қатағонлар туфайли қўрқиб юрагини олдириб қўйган, уларнинг қон-қонига, онг қатламларига ана шу ваҳима ҳисси сингиб кетган эди. Шунинг учун, яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш бўларди. «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» деган ибора бу ҳолатни яққол ифодалар эди.

* * *

Биз йигирма биринчи аср бўсағасида яшаяпмиз. Аллоҳ насиб этса, ҳадемай йигирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Хўш, янги асрга биз қандай онг, қандай мафкура билан — халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий гоё билан кириб борамиз?

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, гоёт мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқаро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мафкуравий фаолият мақсадлари—концепциямиз борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда кимлар, қайси ижтимоий-сиёсий кучлар ишламоқда?

Кўриниб турибдики, саволлар бир-биридан кескин, бир-биридан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олга қараб ҳаракат қилолмаймиз. Бир жойда депсиниб тураверамиз. Чунки ҳеч қачон кишилиқ жамиятида гоёвий бўшлиқ бўлмаган. Агарки, шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Бундай хавфни ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керак ва унинг олдини олишимиз—бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир. Хўш, бугунги кунда бизга мамлакат ичидан ва четдан таъсир ўтказиш мумкин бўлган қандай мафкуравий кучлар бор?

Бу кучларнинг гоёлари, манбалари, имкониятлари, таъсир доиралари қандай?

Бизнинг уларга муносабатимиз қандай бўлиши керак?



*Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлғай,
Яхши амал асбоби саодат бўлғай,
Гар яхши амал кишига одат бўлғай,
Умри бу амал бирла зиёдат бўлғай.*

АЛИШЕР НАВОИЙ



Адолат кучда эмас, куч адолатдадир.

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий гоямиз қандай бўлмоғи лозим?

Уни кундалик ҳаётда, кенг жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида татбиқ этишнинг йўл ва усуллари нималардан иборат? Шу муносабат билан бизга хавф солиши мумкин бўлган айрим мафкуравий таҳдидларга ватандошларимиз диққатини қаратмоқчиман.

Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти — ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда хукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий chegaralar бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур.

Бундай кучлар орасида «Ҳезби таҳрири исломия» ташкилоти айниқса фаоллиги билан ажралиб туради. Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринмоқда. Улар асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ганимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўёлмаймиз ва қўймаймиз ҳам.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида имон-этиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг этиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири — бу Аллоҳни танишдир. Лекин инсоннинг мана шу буюк фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини чалғитиб, ўз ғаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўллаш — дунёда бундан ҳам кўра гуноҳи азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин.



* * *

Энг муҳими, бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қилади. Чунки қаттол замон тақозоси билан халқимиз ўз даврида бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланган эди. Шўро ҳукумати «бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солган бир миллат вакиллари бир-бирига қарши қайраб адоват ва низо уруғини сочган. Лекин аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор.

Шу боис, бугун биз ота-боболаримизга ана шундай сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаёти-ни, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунтиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Майли, эҳтимол уларнинг орасида адашганлари, ўз халқининг миллий манфаатларига қарши борганлари ҳам бўлгандир. Балки ўша одамлар бугун қилмишига пушаймондир, руҳий азоб тортаётгандир. Бу ҳақда ўйлаш, жавоб бериш — аввало уларнинг ўз виждонига ҳавола. Қолаверса, дунёда Аллоҳ ҳукми борлигини, у ҳамиша барқарор эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

* * *

Биз 90-йилларнинг бошидаёқ, яъни озодлигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу борада изчил ва қатъий сиёсат олиб бордик. Одамларни «сен — коммунист», «сен — диндор» деб гуруҳларга ажратмадик, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадик. Бугунги жараёнлар ўша тадрижий, эволюцион сиёсат натижаси, унинг мантиқий давоми ва ривожидир.

ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ — ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ — МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН

«Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар

Савол: Муҳтарам Президент, аввало нафақат журналхонларимиз, балки кенг жамоатчилигимизни ўйлантириб турган са-





*Темурхон наслидин Султон Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек...
...Расадким боғламиш — зеби жаҳондир.
Жаҳон ичра яна бир осмондир.*

АЛИШЕР НАВОИЙ



Йиллар ўтади, асрлар ўтади, янги авлод дунёга келади, лекин Аҳмад ал-Фарғонийнинг номи, буюк мероси халқимиз учун шон-шараф рамзи бўлиб абадул-абад сақланиб қолади.

волларга ўз муносабатингизни билдиришга розилик берганингиз учун Сизга ташаккур изҳор этамиз.

Маълумки, бундан бир юзу ўттиз йил муқаддам халқимиз миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолган эди. Шу давр мобайнида аждодларимиз, миллатимиз машаққатли синов ва кураш йўлларини босиб ўтди. Боболаримиз чор Россиясининг зулмини беадад тортган бўлса, оталаримиз Октябрь тўнтаришини, Гражданлар урушини, қулоқлаштириш кампанияси, Сталин қатагонларини, Иккинчи жаҳон муҳорабасининг азобу уқубатларини, таҳликали эллигинчи ва ниҳоят «десантчилар зулми» номини олган саксонинчи йиллар воқеаларини бевосита бошидан кечирди. Биз — нисбатан ёш авлод эса «ривожланган социализм» деб аталган даврни ҳам кўрдик, коммунистик мафкуранинг ҳукмрон тазйиқи остида ҳам яшадик. Бу мафкура зулм ва зўравонликка, гирромлик ва сохтакорликка асосланганини яхши биламиз. Шу сабабли ҳам у ҳалоқатга учради.

Гарчи кейинги йилларда миллий мафкура яратиш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, мафкура тушунчасига ҳанузгача ҳолис илмий таъриф берилган эмас.

Сиз мафкура деганда нимани тушунасиз? Жамият фаолиятида, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётида мафкура қандай ўрин тутади?

Жавоб: Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлма-са одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.

Келинг, бир лаҳза атрофга теранроқ назар ташлайлик. Кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар, фожиалар, урушлар, қатагонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсагасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмақда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қиргинларга сабаб бўлмақда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмақда.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши кутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш



керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир.

Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввало миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида — бугунги давримизда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит этиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Японияда тарқалган «АУМ Сенрике» деган диний оқим вакиллариининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби — яъни манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълум-ку. Ёки дин ниқоби остида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ҳам кириб келишга уринаётган ваҳҳобийлик оқими намояндаларининг зарарли кирдикорларини олайлик. Бу каби ҳолатларнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини, менимча, узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Кўриниб турибдики, табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум —

бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда, жумладан, информация оламида глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда, яъни лўнда қилиб айтганда, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда, бу масаланинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда.

Фикримни соддароқ қилиб тушунтиришга уриниб кўраман.

Агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак, ер билан осмонча фарқни яққол кўраимиз. Техник тараққиёт ҳозиргидек юксак босқичга кўтарилмаган бир даврда дунёнинг тартиботи ҳам, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳам, бинобарин, маънавий-мафкуравий тушунчалар ҳам шунга мос равишда содда ва аниқ-равшан эди.

Яқинда Абдулла Қодирийнинг «Фирвонлик Маллавой» деган кичик бир асарини ўқиб қолдим. Унда асримиз бошида Туркистонга поезд кириб келиши билан боғлиқ бир ҳангома кулгили шаклда акс эттирилади. Наманганга темир йўл тортилиб, синов паровози келадиган бўлади. Паровозни умрида кўрмаган одамлар уни буг қуввати билан юрадиган «жонивор» деб тасаввур қилишади. «Ўзи қоп-қора бўлса, юрганда дам-бадам пишқирса, чанқаганда қичқирса, минг челақлаб сув ичиб, очиққанда бўкирса, бу — албатта, зўр бир ҳайвон бўлса керак», деб ўйлашади. Кимдир унга «қора айғир» деб ном ҳам қўяди. Синов паровози келишидан бирор кун илгари уни кутиб олишга тайёргарлик кўрилади. Станция ёнига «қора айғир»га атаб ўн арава кўк беда, эллик пудча арпа тайёрлаб қўядилар.

Албатта, бу асарда жиндек муболага, ҳазил-мутойиба ҳам йўқ эмас. Лекин у ўша пайтдаги одамларнинг тасаввурларию дунёқарашлари нақадар одми, содда, самимий бўлганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу фақат ўзбек халқига хос хусусият эмас, бошқа халқларнинг ҳам ўша даврдаги турмушини кўздан кечирсангиз, шунга яқин жиҳатларни учратиш мумкин.

Энди шундай ҳолатни ҳозирги кунда тасаввур қилиш мумкинми? Айтайлик, компьютер, факс, «уяли» телефон, параболик антенна, электрон почта каби мўъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди. Лекин ҳозир шу мўъжизалар билан юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоғида яшаётган мактаб ўқувчисини ё бўлмаса бирор отахонни ҳайратга солиш мумкинми? Эҳтимол, улар бу нарсаларга бирпас ҳайрон бўлиб турар, аммо кейин худди бу



*Мамлакатимизнинг мусулмон давлатлари билан дўстлик алоқалари қайтадан тикланди ва ҳозир кундан-кунга ривожланиб бормоқда.
Ислом мамлакатлари раҳбарлари, таниқли диний арбоблар билан учрашувлар.*



*Миср Араб Республикаси
Президенти Хусни Муборак.*

Афғонистон ислом давлати Президенти Бурҳониддин Раббоний.



Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий.

Америка Ислом Олий Кенгаши раҳбарлари М.Қаббоний ва М.Ҳаққоний.



асбобларни умр бўйи биладигандек тезда кўникиб, ўзлаштириб кетади.

Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа Ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс-садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва худудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб ўтирмасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шунчалар тигиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб беиарво ўтириб бўлмайди.

Мана шу шарт-шаронгларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мафқуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафқуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Демак, бугунги кунда гоёни, фикрни танк билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Гоёга қарши фақат гоё, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро буни яхшилаб тушуниб, магиз-магзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафқураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.

Модомки, мақсад, гоё ҳақида мулоҳаза юритаётган эканмиз, илгари айтган бир фикримни такрорлаб ўтсам, ўринли бўлар, деб ўйлайман.

Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, қўлимизда энгилмас бир кучга айлансин.

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртаси-



да ўзига хос кўприк бўлишга қодир гояни мен жамият мафқураси деб биламан.

Шўро даврининг мафқураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди.

Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали буткул халос бўла олганимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий гоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Албатта, мафқурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура фақат қогозда бўлади, холос. Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, мафқурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илгор дунёқарашини ва тафаккурига асосланиш лозим.

Иккинчи шарт шундан иборатки, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутаяпман.

Масалан, Форобийнинг ўша машҳур «Фозил одамлар шаҳри» асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.

Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига Ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилик тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни



ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишини тавсия этган бўлур эдим.

Шу муносабат билан бу мафқуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак, деган савол туғилади.

Борди-ю. бу саволга мендан жавоб сўралса, даставвал, Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрардим. Ўзимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндашуви билан келажакка қарардим.

Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафқураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-гайрат манбаи бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг миллий мафқураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада, ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аниқроқ айтидиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва холисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилиши учун хизмат этиши зарур.

Хўш, миллий гоё, миллий мафқура нималарни ўзида мужассамлантириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?

Миллий мафқура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва гоёлар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона гоё — мафқура бўлиши керак.

Учинчидан, миллий мафқурамыз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

Тўртинчидан, миллий гоё биринчи навбатда ёш авлодимиз-





*Юртбошимизнинг
Қуддуси шарифга таърифи.*



п
т
б
б
э
л
к
м
К
ли
қ
ри
юр
ни
ам
тай
лот
яхш

ни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боглаб туришга, ўзимизни улуғ аجدодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган гоё бўлиши керак.

Миллий гоё, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат кураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади.

Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

Савол: Сиз мустақил давлатнинг етакчиси сифатида фаолиятингизнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишдек гоёт муҳим ва мураккаб ишга бевосита раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сизнинг ташаббусингиз билан бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг баъзиларини эслаб ўтсак: вилоятларимиз марказларида ўнга яқин университетлар ташкил этилди, истиқлолга қадар бизда умуман бўлмаган бир қанча олий ўқув юртлари, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари дорилфунунлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Қуролли кучлар академиялари, Кончилик институти, Фуқаро авиацияси институти каби янги таълим даргоҳлари очилди, замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинди, «Улуғбек», «Умид», «Устоз» каби жамғармалар тузилиб, ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларига юзлаб ёшлар ўқишга юборилди, муаллим-мураббийларнинг билим ва савиясини юксалтириш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури гоёсининг бош ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам мамлакат Президенти бўлганини кенг жамоатчилик яхши билади. Яқинда матбуотда Сиз имзо чеккан яна иккита



муҳим ҳужжат эълон қилинди. Уларнинг биринчиси «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида», иккинчиси эса «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» деб аталади. Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига бу қадар катта эътибор берилишининг сабаблари нимада?

Жавоб: Мен Абдулла Авлониининг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Мен кўп йиллар давлат режалаштириш идораларида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра, фан ва таълим масалалари билан ҳам шуғулланганман. Шу сабабли, совет таълим тизимининг барча жиҳатларини яхши биламан, деб айта оламан.

Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда, унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларининг билимига қараб эмас, аввало уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта гоёларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амалтақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Бу тузумдан бизга қолган мерослар ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз.



Муқаддас шаҳардаги учрашувлар, суҳбатлар...



Яна бир олтин кўприк — дўстлик кўприги бино этилди.

Бу тизим Ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикр-лайдиган, бирон-бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб этиштирган эди. Жамиятни янгилаш, ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон-бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислохотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йигилиб қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу огир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Ишончим комил: агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз.

Бу нима дегани?

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай

одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса но-хуш оқибатларга, баъзан эса огир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали, аввало, ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навнихол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса турмушидан, тақдиридан, Ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машгул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, имони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча, ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар қурган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласи, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самараси-



ни ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен «портлаш эффекти» деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар ҳудди шу йўлни тақозо этади.


Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга воҳис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда» деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

Мана, яқинда «Умид» жамгармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий дара-





Руҳий юксалиш онлари



*2001 йил 5 март куни, муборак Қурбон ҳайити арафасида мамлакатимиз
Президенти Ислоҳ Каримовнинг тухфаси — Тунис давлати раҳбари томонидан
Ўқувчиларимизга юборилган 30 жилдли Мусхафи Шариф Тошкент ислом университети
талабаларига тақдим этилди.*

жаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушxabарни эшитиб худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди, десам, муболага бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб, беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи — ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фаргонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуг аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра, муттасил равишда ўзгариб бораверади. Фақат, биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўелсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган шу ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.

Савол: Сиз шуғулланадиган гоят кўламдор ва серқирра масалалар, адо этадиган вазифалар бири-биридан муҳим ва зарур. Уларнинг барчаси мамлакат ва жамият, ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?

Жавоб: Агар бу саволга бир огиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен халқимнинг омонлиги, деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусалфаолиги, сарҳадларимизнинг беҳатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандлари-

миз юзидаги табассум, бу — мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал.

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-гайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам, оила, севги бахш этадиган бахту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун, аввало, инсоннинг уйида, маҳалла-кўйда, юртида, қисқача айтганда, одамнинг қўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак. Узоққа бормайлик, мана шу Миллий дастурдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун ҳам, энг аввало, тинчлик-омонлик даркорлигини бугун ким инкор эта олади, дейсиз! Мен бу тўғрида илгарилари ҳам кўп бор айтганман. Аччиқ тажрибалар асосида тугилган ва қалбимга чуқур ўрнашган шу ҳаётий ҳақиқатни такрорлашдан толмайман: тинчлик-омонлик бўлса, ҳамма нарса бўлади — ислоҳот ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, жамиятимизнинг янгилалиши ҳам. Аслида ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад — юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя этиш. Бизнинг сиёсатимизнинг бош йўналишини Ўзбекистон хавфсизлиги ташкил этади. Албатта, ҳозирча турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимизда тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб бир вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, ўйлайманки, бизнинг энг катта ютугимиздир. Чуқурроқ мулоҳаза юритиб қарайдиган бўлсак, шу ҳолни кўрамизки, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, турли-туман сиёсий кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари ўзаро муттасил тўқнашиб турадиган бир майдонда жойлашган. Биз буни истаймизми-йўқми, тарих, тақдир тақозоси шундай. Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниятларни ҳам уйғотиши сир эмас. Харитага диққат билан разм солсангиз, мамлакатимизни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг оғир юки остида қолган мамлакатлар қуршаб олганини кўриш мумкин. Бунинг устига, Ўзбекистон диний экстремизм, этник жанжаллар, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучларнинг таъсирида ички низолар авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош. Олти йилдирки, қўшни Тожикистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Минтақамиздаги мавжуд муаммолар камдек, яқинда қўшни



давлатлардан бири — Ҳиндистон ядро синовларини ўтказиб, янги бир таҳлика манбаини вужудга келтирди. Бу нарса минтақадаги барқарорлик мувозанатига жиддий зарар етказди. Бунга жавобан шу ҳудуддаги бошқа бир давлат, яъни Покистон ҳам ядро синовлари ўтказиш ҳаракатига тушиб қолди. Демак, минтақамизда ядро хавфи мавҳум хатардан реал хавфга айланиб бормоқда.

Табиийки, буларнинг барчаси бизни ташвишлантормасдан қўймайди. Ўз навбатида биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўламиз.

Ҳеч сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис бир масала. Буни, албатта, билган билади, билмаган билмайди.

Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун қанчага тушмоқда? Ўзи хавфсизликнинг баҳоси борми? Умуман, тинчлик-омонлик, барқарорликни пулга чақиб-ўлчаб бўладими?

Мен бу фикрларни фуқароларимиз, ватандошларимиз юртимиздаги тинчлик, барқарорликнинг қандай қийинчилик, қандай меҳнат-машаққатлар эвазига қўлга киритилаётганини озми-кўпми тасаввур қилишлари учун айтаяпман.

Яратганимизга минг қатла шукроналар бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасида энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, багрикенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақлзаковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан гурурланиб, янги-янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор.

Халқимизни яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасликка даъват этмоқчиман: эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, қадрига етиш — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

«Тафаккур» журналининг 1998 йил 2-сон.

БУЮК АЛЛОМАГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқдан

Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муборак ва мунаввар кундир.

Бугун улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Ўйлайманки, бу ерда йиғилган жамоат, ал-Бухорийнинг муътабар хокини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган мўмин-мусулмонлар, том маънода бахтиёрлар.

Азиз дўстлар!

Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари тўғрисида икки огиз сўз айтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб — улуғ инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига албатта Аллоҳнинг раҳматлари ёгилади. Муқаддас қуръоний оятда таъкидланганидек, «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир». Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-иқромини жойинга қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайдди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Аллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради?

Парвардигори олам буюк зотларни ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамикки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир.

Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади?





Ислом оламининг фахри-ифтихори Имом ал-Бухорий ҳазратлари фақат мустақиллик йилларида муносиб иззат-икромга сазовор бўлдилар.

Бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг муътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар!

Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз?

Халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган навқирон авлодимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз?

Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда огир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз куч-қудратни қаердан оламиз?

Энг аввало Аллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз.

Мана шундай вазиятлардан бизга метин ирода, сабот-матонат бахш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор.

Бу манба — улуг аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир.

Бу манба — ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаёт-бахш қудратидир.

Бу манба — уларнинг бизга ҳамиша мададкор бўладиган ўлмас руҳи покларидир.

Ана шу ҳақиқат, ана шу эътиқод ватандошларимиз, азиз фарзандларимиз юрагига, онгу шуурига, тафаккурига тобора теран сингиб бормоқда.

Биз комил ишонч билан Ўзбекистоннинг истиқлоли боқий, истиқболи буюк, дер эканмиз, мана шундай мустақкам асосларга таянамиз.

Муҳтарам жамоат!

Қадрли меҳмонлар!

Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиаги, энг огир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида бўлган пайтимизда ҳам, бизни динимиздан айиришга, унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганида ҳам ота-боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган.

Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз. Ва бу



йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил гаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман.

Азиз биродарларим!

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуг бобомизга хурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами — «ал-Жомий ас-саҳиҳ» ислом динида Қуръони каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улугидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини имон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукрлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуг аждодларимиз эл-юрт бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. Қалбимизни имон нури ва меҳр-оқибат туйгулари билан мусаффо этмоқда.

Муҳтарам биродарлар!

Биз эски тузум, эски мафкура зугумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуг инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз Имом-ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаън-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик.

Аллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу қутлуг кунда мен бу муаззам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гузал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман.

Кейинги йилларда юртимизда қад ростлаётган муҳташам иморат ва иншоотларни бунёд қилишда миллий анъаналаримизга, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос услуб ва нақшу зийнатларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз кўркига кўрк қўшадиган бундай бетакрор ва кўркем бинолар ҳар бир юртдошимизни мамнун этиши, юрагида гурур уйғотиши табиийдир.

Истиқлол даврида мана шундай лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишдан бош бўлиб турганимдан, шу олижаноб ишларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам бениҳоя мамнунман. Айниқса, ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, унинг шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим боричафахрланиб юраман.

Бу Аллоҳ таоло олдида, аждодлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Бу қутлуг масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга арзийди. Бу улуғвор мажмуа Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкент, Андижону Наманган, Шаҳрисабзу Кўқон ва Маргилон шаҳарларидан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган фидойи инсонлар меҳнатининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу зиёратгоҳни обод қилишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, моҳир меъморларимизга, шу улуг обидага гишт қўйган, нақшу жило билан унга сайқал берган ҳар бир ватандошимизга, улуг бобомизга эҳтиром билдириб, узоқ-яқиндан юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга халқим номидан чексиз миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам жамоат!

Маълумки, ислом динининг бош гоёси — бу «Ла илаҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасидир. Мана шу имон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий беқиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншаоллоҳ. Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомиз-





Имом ал-Бухорий мажмуасининг очилиш маросимида.





— Бу юртни, унинг азамат Юртбоиисини Аллоҳ ўзи асрасин! Ўзи доимо мададкор бўлсин, — дейди саудиялик ватандошларимиз оқсоқоли Сафохон тўра Жалолхон тўра.

нинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!

Ул муборак зотнинг пойида дуоғўй бўлиб турганларнинг, бутун халқимизнинг, жамики аҳли исломнинг хайрли ва савобли ишларида Раббимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

1998 йил 23 октябрь.

ҲАДИС ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

Бундан беш аср муқаддам Мирзо Бобур ислом динининг асосий илмлари: илми ҳадис, илми қалом ва илми фикҳнинг забардаст намояндалари бўлмиш уч мўътабар зот - Имом Бухорий, Шайх Абу Мансур Мотуридий, Бурҳонуддин Маргинонийларнинг кўҳна Туркистон фарзандлари эканини таъкидлаб, «Ҳазрати рисолат замонидан бери ул миқдор аиммаи исломким (ислом олимлариким) Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилояттин мазлум эмаским, мунча пайдо бўлмуш бўлгай», деб фахрланган эди.

Бу фахр, бу гурур бугунги авлодларнинг қалбида ҳам яшаб келаётгани маданияти, маънавияти юксак халқимизнинг ўтмишдан таянч ва суянч бўлиб келаётган бетакрор меросни чексиз қадрлашининг намойишидир.

Халқимиз номини муборак ва мунаввар этиб турадиган улут зотлардан бири Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий буюк муҳаддис сифатида исломий маърифат аҳлининг ўй-хаёлида, фикру зикрида Комил Инсон ва Имон рамзи сифатида собит қолди, одамзод ва тақдир, дин ва фалсафа, илм-фан ва маърифат муаммолари ўйлантирган ватандошлари хотирасидан мангу жой олди. Бу ҳол юртимизда кўҳна тарих ёққан фикр чироқларининг ўчмаслигидан, келажак хаёллари билан яшайдиган миллатнинг маънавий ва руҳий изланишлари асрлар оша узвий эканлигидан далолат беради.

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ижод этган замонга келиб, 100 дан ошиқ муҳаддисларнинг китоблари мавжуд эди. Унинг вафотидан кейин ҳам ўнлаб муҳаддислар пайдо бўлдилар. Лекин фақат унинг ҳадислар тўпламигина энг тўғри, энг мукамал бўлиб тарихда қолди.

Бунинг сабаби Имом Бухорий бениҳоя талабчан ва изланувчан, сабр-тоқатли, олий ҳимматли ва заҳматкаш олим бўлиб, ўз ижодида ҳалоллик ва одилликни мезон қилиб олганида.

Бунинг яна бир сабаби ул зотнинг нафақат ҳадис илмида, балки лугат, тарих, фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги), риёзиёт (математика) илмларида ҳам беназир бўлганида.

Ҳазрат Имом Бухорий мусулмон тарихида биринчи бўлиб, «саҳиҳ», яъни тўғри ва ишончли ҳадислар йўналишига асос солди.

Бугун «Калом» баҳсида зикр этилса, шу китоб муаллифи ал-Бухорийдан ўзга зот англашилмайди.

Бугун мусулмон дунёсининг қайси бир мамлакатада бўлмасин, «ал-Бухорий» номи тилга олинса бас, гарчи қадимий Бухоро шаҳрида туғилиб, таълим-тарбия олиб, шу номи ва шу нисбат билан танилган юзлаб олиму фузало яшаб ўтган бўлса-да, биринчи навбатда Муҳаммад ибн Исмоил ҳазратлари ёдга тушади.

Аллоҳ бизнинг буюк ватандошимизга шундай бир мартаба ато этганким, унинг муборак номи неча асрлардан бери ислом маданияти тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келмоқда.

Мен шундай донишманд ва теран заковат соҳибини етиштирган заминда яшаётганимдан, жаҳон аҳлига Имом Бухорий сингари даҳоларни етказиб берган миллатга мансублигимдан фахрланаман. Ишончим комилки, бу фахр туйғуси мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун, маънавий меросини асраб ва қадрлаб келган халқимиз учун хосдир.

Истиқлол бизга Имом Бухорий каби ислом дини, илоҳиёт илми ва Шарқ фалсафаси ривожига улкан ўрин тутган ўнлаб ва юзлаб алломаларимизни яна қайтариб берди. Бинобарин, бугун уларнинг маънавий мероси, инсоний фазилатлари билан фахрланиш айни вақтда Истиқлолимизни шарафлаш ҳам демакдир.

Имом Бухорий фаолиятининг олий самараси — унинг «ал-Жомий-ас-саҳиҳ» деб номланган шоҳ асаридир. Қуръони каримдан кейин энг муътабар ўринга қўйилган бу китобда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳикматли сўзлари ва эзгу ишлари хусусида ривоятлар жамланган. Бу ҳикмат китобини яратишда буюк муҳаддис 600 минг ҳадисни бир-бир тадқиқ этиб, саралаб, шулардан 100 минг саҳиҳ ва 200 минг ғайрисаҳиҳни ёд билган. Неча умрларга татигулик илм заҳмати эвазига алломани мусулмон оламида «Амирул-мўминин фил-ҳадис», яъни «Ҳадис илмида мўминларнинг султони», «Имомуд-дунё», яъни «Дунёдаги барча имомларнинг имоми» деб улуғлаб, унинг китобига иккинчи муқаддас манба деб қараб келганлар.

Биз эртанги кунимизни барпо этишда, яратишда миллатимизнинг ўтмиш меросларига, маънавий ва руҳий қувват манбаларига — буюк бобокалонларимиз қолдирган ноёб тажрибаларга таянамиз, янги замон тамойилларида яшаш билан бирга уларнинг инсон-



парварлик, ватанпарварлик, имон ва эътиқод, комил инсон ҳақидаги мангу ғояларини асраб-авайлаймиз, уларга ихлос ва амал қиламиз. Имом Бухорий ҳазратлари таваллудининг 1225 йиллиги мамлакатимизда ва бутун дунёда кенг нишонланиши бунинг яққол тасдиғидир.

*«Ҳадис илмининг султони. — Мозийдан таралган зиё.
Имом ал-Бухорий» Т., «Шарқ» НМК.*





1999

1990 - 2005

8 январь — Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 9-сонли қарори қабул қилинди.

6-13 январь — Покистон Ислом Республикасининг Лаҳор шаҳрида бўлиб ўтган Иккинчи халқаро исломий хаттотлик санъати мусобақасида Ўзбекистон Республикаси вакили—хаттот Ҳабибулло Солиҳ иштирок этди ва иккинчи ўринни эгаллади.

2 март — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Ўзбекистон мусулмонлар идораси томонидан ташкил этилган «Миллатлараро ҳамжиҳатлик—барқарорлик омили» мавзусидаги илмий-амалий анжуман Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Март — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» рисоласи ўзбек ва араб тилларида чоп этилди.

12 март-7 апрель — 3870 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.

7 апрель — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-2282-сонли Фармони қабул қилинди.

Май — Риштон туманида «Бурҳонуддин ал-Маргиноний ар-Рошидоний ҳуқуқий меросининг илмий-амалий аҳамияти» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг турли вилоятлари, Ўрта Осиё мамлакатлари халқаро Ислом тадқиқот марказлари, Франция, Афғонистондан ташриф буюрган олимлар буюк ҳамюртимизнинг рамзий мақбарасини зиёрат қилдилар. Илмий анжуманда 10 га яқин маърузалар тингланди. Анжуманда буюк юртдошимизнинг 2000 йилда ўтадиган 900 йиллик тўйини ЮНЕСКО дастурига киритиш бўйича таклифлар билдирилди.

6 май — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент ислом университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 224-қарори қабул қилинди.

16-24 май— Ислом Олами Лигаси Бош котиби доктор Абдулло бин Солиҳ ал-Убайд бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди.

21 май — АҚШ Давлат котибининг диний масалалар бўйича маслаҳатчиси Роберт Сайпл Ўзбекистон мусулмонлари идорасида қабул қилинди.

27 май — Ўзбекистон мусулмонлари идораси Олий ҳайъатининг 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган

террорчилик ҳаракатларига нисбатан мурожаатномаси эълон қилинди.

7 июнь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгашини тузиш тўғрисида»ги 1015-Ф-сонли фармойиши қабул қилинди.

16 июнь — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Дин ниқоби остида динбузарлар ҳақида»ги Фатвоси қабул қилинди.

22-25 июнь — Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида Ислом ишлари бўйича Олий Кенгаш томонидан ўтказилган «Ислом олами тараққиётининг замонавий лойиҳаси йўлида» мавзуидаги ўн биринчи конференцияда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий А.Баҳромов иштирок этди.

22 июль — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент ислом университети Маслаҳат кенгаши Низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги 359-сонли қарори қабул қилинди.

19 август — Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ислом ва Вақф ишлари вазирлигининг бош котиби Саад бин Муҳаммад ас-Саад ва ҳаж ишлари вазирининг Жидда шаҳри бўлими мудири Жалил бин Аҳмад Абул-Ҳамоил Ўзбекистон мусулмонлари идорасида қабул қилинди.

3 сентябрь — Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

17 сентябрь — Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг Боткен воқеалари муносабати билан мурожаати эълон қилинди.

2 октябрь — Бирлашган Араб Амирликлари Вақф ишлари вазир Шайх Муҳаммад бин Ҳалифа ал-Мактум бошчилигидаги делегация Тошкент ислом университетига 100 минг АҚШ доллари миқдоридagi чекни топширди. Шунингдек, делегация мазкур илм масканига бундай хайрия ёрдами ҳар йили ажратилишини маълум қилди.

24 октябрь — Ўзбекистон Республикасидан Умра зиёратига борувчи фуқароларнинг биринчи гуруҳи Саудия Арабистонига жўнаб кетди. 2000 йил 2 январгача бўлган муддат ичида 2136 киши Умра зиёратини адо этишга муваффақ бўлди.

2-5 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Имом ал-Бухорий халқаро жамгармаси, Штудгарт Халқаро алоқалар институти (Германия), Конрад Аденауэр номли фонд, Германиянинг Тошкентдаги элчихонаси ташаббуси билан «Дин ва демокра-



тия» халқаро динлараро ва сиёсий анжуман ўтказилди. Анжуман иштирокчилари диний-сиёсий терроризм ва экстремизмга қарши Тошкент резолюциясини қабул қилдилар ҳамда 2002 йилни «Халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашда динлараро бирдамлик йили» деб эълон қилишни сўраб Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат қилдилар.

Ноябрь — Парижда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 30-сессиясида Зардуштийликнинг муқаддас китоби — Авестонинг 2700 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарор қабул қилинди.

19-20 ноябрь — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида Ўзбекистон Фанлар академияси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фридрих Эберт номидаги жамгарма (Германия) томонидан ташкил қилинган «Имом ал-Мотуридий мероси ва унинг Марказий Осиё халқлари маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

28 ноябрь-4 декабрь — Вашингтон шаҳрида АҚШнинг Олий Ислом кенгаши ва Америка-яхудий комитети томонидан ташкил этилган «Ҳозирги Марказий Осиёда ислом» мавзуидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, академик Н.Иброҳимов иштирок этдилар.

3 декабрь — Вазирлар Маҳкамасининг «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги 517-сонли қарори қабул қилинди.

3-6 декабрь — Ўзбекистон Республикаси ҳукумати таклифига биноан Миср Араб Республикаси «ал-Азҳар» мажмуи шайхи доктор Муҳаммад Саййид Тантовий Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида доктор Муҳаммад Саййид Тантовийни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг илмий кенгаши тарафидан Муҳаммад Тантовийга Тошкент ислом университетининг фахрий доктори унвони берилди.

7 декабрь — Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига боровчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 523-сонли қарори қабул қилинди.

ИРОДА ВА ИМОН — ЭЪТИҚОДИМИЗ СИНОВИ

1999 йилнинг 16 февраль куни соат 11 да Ватанимиз пойтахти Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил якунларига бағишланган мажлиси бўлиши керак эди. Мажлисида мамлакат раҳбарияти, вилоят ҳокимлари, республика миқёсидаги идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлган эдилар. Йигилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилиши кутилаётган эди.

Мажлис бошланишига 5 дақиқа қолганда Вазирлар Маҳкамаси биноси пойида ва шаҳарнинг яна беш жойида кучли портлашлар юз берди. Кейинги воқеалар тафсилоти, бу қўпурувчилик хуружларини кимлар ва қандай ёвуз ниятда уюштиргани бугунги кунда жамоатчиликка яхши маълум.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу машъум воқеалар мамлакатимиз ҳаётини издан чиқаролмади, халқимиз қалбига ваҳима ва саросима сололмади. Икки соатдан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг йигилиши Олий Мажлис биносида ўтказилди. Мажлисида Президент Ислам Каримов кун тартибидаги масалага ўтишдан олдин рўй берган фожиали воқеалар хусусида нутқ сўзлади.

Ҳали ҳаяжонлар сўнмасдан туриб, ҳеч қандай тайёргарликсиз, юрак-юракдан, катта эҳтирос билан сўзланган бу нутқ нафақат залдагиларни, балки бутун халқимизни ларзага солди. Чунки Юртбошимизнинг бу оташин сўзларида айни пайтдаги долзарб вазифалар билан бирга ҳаётнинг маъно-мазмуни, инсон умрининг қадр-қиммати, Ватан ва миллат тақдири ҳақида теран фалсафий фикрлар ҳам билдирилди.

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, менинг сизларга айтадиган гапим шуки, нима учун хомуш кўринасизлар? Журъатли, довюрак одамлар бўла туриб, бугунги рўй берган ҳодисалардан қандайдир ташвиш ёки саросимага тушиш—бизнинг миллатимиз табиатига, шаънига тўғри келмайди. Айниқса, бугунги Ўзбекистон сиёсатини олиб бораётган халқимиз, юртимиз учун, Ватанимиз учун қилинаётган ишларнинг етакчилари бўлмиш фидойиларга ярашмайди.

Сизларга ҳозир айтмоқчи бўлган асосий гапим шуки, бундай ҳолатларни, яъни бугун юз берган ҳодисаларни албатта ҳеч биримиз кутмаган эдик. Нега деганда, бунинг ўзи ваҳшийлик, ёвуз ҳаракатлар, ёвуз ниятларнинг ҳеч ақлга сиғмайдиган бир намоиши.



Такрор айтаман, ҳеч ким, авваламбор, халқимиз буни кутмаган эди.

Лекин бизнинг вазифамиз, бу ерда ўтирган раҳбарларнинг вазифаси шундан иборатки, юртимиз, халқимиз бошига тушадиган ҳар қандай хавф, бало-қазоларга қарши тайёр туришимиз зарур. Ҳар қандай кутилмаган ҳодисаларга қарши бизнинг иродамиз бақувват бўлиши керак.

Негаки, биз ҳақли сиёсат олиб боряпмиз, халқимизни ҳимоя қиляпмиз. Олдимизга улугвор мақсадлар қўйиб, муқаддас орзу-ниятлар билан яшаяпмиз. Яъни, ҳаётимизни фаровон ва эркин қилиш йўлида, юртимиз учун, халқимиз учун, керак бўлса жонимизни ҳам фидо этишга тайёр эканимизни ҳар қадамда амалий ишлар билан исботлашимиз керак.

Шу каби мудҳиш ҳодисалар рўй берганда ўзимизни йўқотмасдан, имон-этиқодимизни сақлашимиз керак. Бизга қасд қилган гаразли кучларга қарши ўзимизнинг мустаҳкам жипслашганимизни намоён этиб, жамоатчилик, халқимизнинг ишончини оқлашимиз керак. Бундай пайтларда ҳар қайси миллатнинг, ҳар қайси халқнинг иродаси ва имон-этиқоди синалади.

Биз мана шу етти ярим йил давомида кўп машаққатли йўллардан ўтдик. Бошимизга турли синовлар тушди, бизни чалғитишга уринадиган, йўлдан урадиган, керак бўлса, ёвуз ниятларини ҳам бизга намойиш қилишдан тап тортмайдиган ҳар хил кучларни, оқ-қорани кўрдик, яхши-ёмон кунларни бошимиздан кечирдик.

Биз бугун қандай ютуқларга-натижаларга эришаётган бўлсак, бу барчага аён. Бошқаларга нисбатан бизнинг ҳаётимиз қадам-бақадам, кундан-кунга яхши бўлаётганини кўролмаётган кимсалар ҳар қандай жирканч ишга ҳам қўл уришга тайёр эканини биз олдиндан тасаввур қилиб, билиб олишимиз керак. Ва ана шундай кучларга қарши, яна бир бор айтаман, имон-иродамизни бақувват қилишимиз керак.

Орқамизда ким турибди? Тогдек халқимиз турибди. Тогни ким ҳам ўрнидан сура олиши мумкин, халқни ким ҳам бу танлаган йўлидан қайтара олиши мумкин? Ҳеч ким! Мен мана шу минбардан туриб, мана шу дақиқаларда айтмоқчиман: кимки ўз йўлидан қайтса, у — номард!

Танлаган йўлимиз енгил ва осон эмаслигини ҳаммамиз олдиндан билардик. Мен ҳозир мана шу лаҳзаларда рўй берган ҳодисаларни таҳлил қилиш, бугунги ҳодисаларнинг туб сабаблари тўғрисида батафсил гапириш, уларнинг орқасида кимлар тургани ҳақида сизларга ўз фикримни, ўз қарашимни билдириш ниятидан йироқман. Нимага деганда, бу масалаларни албатта чуқур ўргани-

шимиз керак. Бу ҳодисаларнинг ҳали илдизига етиб боришимиз керак.

Аммо бир фикрни аниқ айтишим мумкин. Бизда бир бепарволик кайфияти борки, мен бу ҳақда доимо огоҳлантириб келаман. Лекин одамнинг бошига синов ёки кулфат тушмаса, кўзи очилмас экан.

Асрлар давомида кўп қийин, оғир кунларни кўрган халқимиз мана шундай ҳикматли бир мақолни айтган: «Бошга тушганни кўз кўради». Бу мақол мағзини ҳар ким чуқур ўйлаб кўрса, унинг тўғрилигига иқдор бўлиши, агарки бошига бир кулфат тушса, ҳаёлига келтириши табиий ҳол.

Мақсадимизга эришиш йўлида қилаётган ишлар билан бир қаторда, боя айтганимдек, бизда қандайдир лоқайдлик, бепарволик кайфияти пайдо бўлганки, кўпинча ҳамма ишлар худдики ўз йўли билан, осонлик билан амалга ошяпти, деб ўйлаймиз.

Мана, қаранглар, тинчлик-осойишталик, барқарорлик шароитида яшаяпмиз. Худога шукр, ҳаётимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда, деган гапларни ҳар қадамда эшитиб турамиз. Аслида бу ҳам авваламбор, Парвардигоримизнинг неъматидир. Одамзод табиати тинч-тотув ҳаётни хуш кўради, бундай ҳаёт унинг ички дунёсига, хоҳиш-иродасига, интилишларига тўғри келади. Нега деганда, ҳар бир инсон миллатига, жинсига, динига қарамасдан, нимани хоҳлайди? Бола-чақасининг бахтини кўришни, эзгу ниятларини амалга оширишни истайди. Шунинг учун ҳам тинчлик-осойишталик одамзод учун табиий бир ҳол. Лекин, минг афсуски, бундай ҳол гўё ўз-ўзидан, ҳеч қандай қийинчиликсиз, ойдан тушгандек юз беряпти, деб ўйлаймиз, баъзан... Очиқ айтиш керак: шундай кайфият бизда бир касалликка айланди.

Бунақанги бегамликка дуч келганда беихтиёр: «Эй, одамзод, те-варагингга қара, нима бўляпти?»— деб хитоб қилгингиз келади. Ахир, ён-атрофингда нотинчлик, тўс-тўполон, одамлар бир-бирини ўлдиряпти, мана, йигирма йилдирки, Афғонистонда уруш кетяпти, етти йилдирки, Тожикистонда нотинчлик. Шуларга қараб фикр қил, кўзингни оч».

Жануб томонда жойлашган баъзи бир экстремистик кучлар, ўзларича, Ўзбекистон энди мустақил, эркин бўлди, биз ҳам шундан фойдаланиб ҳукмимизни сурайлик, уларни ўз йўлимизга юргизайлик, уларнинг бойлигидан фойдаланайлик, деган хомхаёлда юргани барчамизга аён бўлиши керак. Бизнинг ҳаётимизда ислом давлатини, ислом ақидаларини жорий қилиб, улар бу ерда ўз сиёсатини, ўз ҳукмронлигини ўрнатмоқчи бўлади.





«Карвон бехатар бўлмас», дейди халқимиз... 16 февраль воқеалари Президентимизнинг қайта-қайта «Огоҳ бўлинг!» дея жон куйдирганлари ҳақ эканини исботлади.

Биз эса, таассуфки, уларнинг бундай ёвуз ниятлари ва ҳаракатларидан беҳабардай юрамиз. Нима учун? Ахир, ҳаёт ҳамма нарсага одамларнинг кўзини очиб беради-ку! Мен бир нарсага ачинаманки, фақатгина одамлар бошига мана шундай фожиа, кулфат тушгандан кейин биз кўзимизни каттароқ очиб қарагандай бўламиз.

Мен, эй, одамзод, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим куйиб-ёниб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бировлар учун ортиқчадай туюлар. Лекин мен огоҳлик, огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бугунгига ўхшаш воқсаларни назарда тутаман. Нега деганда, бир бегуноҳ одамнинг ўлими—бу кечирилмас фожиа. Чунки инсон табиати ноҳақлик, зулми қабул қилмайди. Авваламбор, Худонинг ўзи буни қабул қилмайди.

Яна такроран айтмоқчиманки, бугун кўпгина жойларда ҳаётимизда ана шундай бепарволик, фақат ўзини билиш, фақатгина ўзини ўйлаш, ўзи билан банд бўлиш кайфиятлари пайдо бўлди. Ҳаммаси ўзича кетяпти-ку, бугун кечаги кунга нисбатан ўсиш бор, пировард мақсадимизга ҳали тўла эришмаган бўлсак-да, сезиларли суръатлар билан ривожланыпмиз, яна нима керак, деган қарашлар бизнинг сезгир, ҳушёр бўлишимизга халақит бераётганини пайқамасдан қолдик.

Ҳолбуки, бу тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айтайлик, зарур бўлса, жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақл-идрокини сафарбар этиб, ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак. Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Ҳимоялаш деганда мен нимани назарда тутяпман? Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак.

Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани — аввало, огоҳ бўлиш дегани. Мана шу каби бемаъни ишларни, қабих ниятларни сездингми, ёвуз кучларнинг хатти-ҳаракатини, башарасини кўрдингми, бепарво бўлма! Нимага деганда, эртага шулар туфайли сенинг бошингга кулфат тушиши мумкин.

Бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Кўҳна тарих бу борада бизга кўп сабоқ беради. Бизнинг миллатимиз, халқимиз оғир ва машаққатли тарихни бошидан кечирди. Фарзандларимизга шу тарихни ҳаққоний тарзда ўргатиш, мактабларда ўқитиш, китоблар, матбуот, телевидение орқали яққол кўрсатиш керак.

Гоҳ-гоҳ журналистларга, боринглар, Афғонистонни, у ердаги аҳволни кўринглар, билинглар, дейман. Телевизорда кўрсатинглар, одамлар қандай ҳаёт кечиряпти, бегуноҳ инсонлар нобуд бўлиб кетяпти, деб айтаман. Нима учун кўрсатмайсизлар? Нима учун шу



тўғрида гапирмаймиз? Бир воқеани билиш учун одам уни ўз кўзи билан кўриши керак, кўзини очиб қараши керак.

Худдики, биз бир орол сифатида алоҳида яшайпмиз: атрофимизда шундай нохуш ишлар, шунча ёвузликлар бўляпти, кишиларнинг тинчлиги бузиляпти, ҳар қадамда беқарорлик, одам ўлдириш, инсон ҳаётини икки пулга олмаслик каби ҳолат ҳукм суряпти-ю, гуё уларнинг бизга дахли йўқдай, биз беғам-бефарқ ўтирибмиз. Шу тўғрида гапириш керакми-йўқми? Нега ҳеч ким бу ишни қилмайди, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини кўрсатмайди?

Бугун нима қилишимиз керак? Биринчи навбатда ҳар қайси маҳаллада, ҳар қайси қишлоқда, керак бўлса, ҳар қайси хонадонда барчамиз бу ҳақда яна бир бор ўйлаб кўришимиз, очиқ фикр алмашиб олишимиз зарур. Барака топгурлар, биз бугунги ҳаётга эришгунча қанча-қанча пешона теримизни тўқдик, қанча-қанча синовлардан ўтдик, қанча-қанча оғир машаққатларга сабр-тоқат билан бардош бердик, қандай қийин кунларни бошимиздан кечирдик. 1990 йилларни эсланг, Фаргона фожиаси, Ўш, Ўзган воқеаларини яна бир бор кўз ўнгингизга келтиринг. Айтинглар, шулар ҳақида ўйламаслик — ҳозирги кунларнинг қадрига етмаслик эмасми?

Бугун мана, қаранг, осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч. Мен ўзимга гоҳ-гоҳ бериб турадиган бир саволни мана шу минбардан туриб сизларга ҳам бермоқчиман. Бундай мусаффо, тиниқ осмон, бугунги ҳаётимиз учун ҳар куни эрталаб туриб, покланиб, Худога минг бор шукроналар айтишимиз керакми-йўқми? Бир вақтлар бир бурда нонга муҳтож бўлиб юрганимизда, очликдан ўлиб кетмаганимиз учун шукроналар айтардик. Мана бугун ҳамма нарса бор, одамларнинг юришини, кийинишини кўринглар, одамларнинг яшашини, ейиш-ичишини кўринглар.

Албатта, ҳали кўп камчиликларимиз бор, олдимизда турган мақсадларга эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз керак. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Кўп нуқсонларни, хатоларни бартараф қилишимиз, ҳаммамиз фидокор бўлишимиз зарур. Биз орзу қилган фаровон, эркин турмушга етиб бориш учун ҳали анча-мунча қийинчиликни бошимиздан кечиришга тўғри келади. Лекин бугунги ҳаётимизнинг, Худо барчамизга берган неъматларнинг қадрига етишимиз керакми-йўқми?

Бу гапларни айтишдан мақсад нима? Сабаби шуки, ҳамма нарса ни тушуниш, билиш учун яна бир бор ўзимизга қарашимиз, воқелигимизни танқидий кўз билан баҳолаб, ҳозирги ҳаётимизни қадрлай оляпмизми, бугунги куннинг қадрига етяпмизми-йўқми, деган саволларга жавоб қайтаришимиз зарур.



Президентга суиқасд — у раҳнамолик қилаётган давлатга, халққа суиқасддир.

Нега деганда, шу ҳақиқатни сезган, уни қалбидан, юрагидан ўтказган одам ҳаётни ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Ҳар қандай босқинчи, ҳар қандай товламачи, ҳар қандай разил кучларга қарши чиқишга ҳам кучи етади ва керак бўлса, бизлар олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Шундагина ҳар бир фуқаро муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олиб, бизнинг тинчлигимизни бузишга ҳаракат қилаётган кучларга қарши ўз фикрини, аниқ муносабатини билдиради.

Биз бугунги машъум ҳодисаларнинг илдизига албатта етиб боришимиз керак. Мана шундай қабиҳ усул билан — балки буни усул деб ҳам бўлмас — шундай аблаҳона намоиш билан бизни танлаган йўлимиздан қайтариш, қўрқитиш, ваҳимага солиш мақсади орқасида кимлар турганини очиб беришимиз зарур. Мен шуни ўзимга аниқ тасаввур қиламан. Бугунги қабиҳ ҳаракатларнинг асосий мақсади менга қарши, мени йўқ қилишга қаратилган.

Чунки мен бошлиқман, бинобарин, кимгадир ёқаман, кимгадир ёқмайман. Қандайдир кучларнинг йўлини тўсиб турибман. Мен раҳбарман, халқимизнинг ишонч-иродаси билан сайланган одамман. Демак, юртимиздаги ҳаёт учун, барқарор турмуш, тинчлик-осойишталик учун авваламбор мен жавобгарман.

Билмадим, гапимни қандай тушунасизлар, лекин бу бинода, шу минбардан туриб ёлғон гапириш мумкин эмас. Негаки бу залда халқ ноиблари — халқ вакиллари ўтиришибди. Улар юртимизнинг турли шаҳар-қишлоқларида, бевосита халқ орасида меҳнат қилишади ва айтиш мумкинки, улар сиймосида халқимизнинг нафаси, аждодларимиз руҳи мана шу зал, шу бинода парвоз қилиб юрганига менинг ишончим комил.

Бу улуғ даргоҳда фақат рост гапириш керак. Бу даргоҳда одамлар ҳақида, уларнинг дардини ўйлаб, ярасига малҳам бўлиш ҳақида гапиришимиз керак. Бу бино халқнинг бутун дарду армонларини, орзу-умидларини мужассамлаштирадиган маскан, десам, тўғри бўлади. Бугун шу минбарга чиққан ҳар бир инсон виждонан гапириши керак. Чин қалбдан гапириши керак.

Мен шу юксак минбардан туриб айтмоқчиманки, мавжуд тинчлик, барқарорликни сақлаб қолиш учун, эртанги кунимизни ҳимоя қилиш учун мен жонимни ҳам беришга тайёрман! Бу шунчаки қуруқ гап эмас. Бу — қалбимдан, бутун вужудимдан чиққан гап. Шу муносабат билан бир фикрни айтмоқчиман: шахс сифатида, инсон сифатида менга суиқасд қилиш бошқа, халқимизга, олиб бораётган сиёсатимизга суиқасд қилиш — бу мутлақо бошқа нарса.

Мени қийнайдиган, қалбимни ўртайдиган энг огир фожиа шуки, бугунги машъум воқеалар туфайли қанча бегуноҳ одам

ҳалок бўлди, ота-она, оила, бола-чақаси бағридан жудо бўлди. Уларни қутилмаган мотамга солди. Нима учун? Уларнинг гуноҳи нима?

Бу машъум, разил ишни бажарганлар ва уларнинг ортида турган кучлар ўйламайдики, ахир бегуноҳ одамнинг ўлими учун нафақат бу дунёда, у дунёда ҳам муқаррар жавоб бериши керак-ку! Бугун ҳеч қандай айби йўқ, тинч юрган одамларнинг қони тўкилди. Майли, душман бўлса, менга душман бўлсин, лекин бу одамларнинг гуноҳи нима? Нима учун улар ёвуз қотиллар қўлида қурбон бўлиши керак?

Шунинча яна бир бор таъкидламоқчиман: агар бу ёвуз ният ва ҳаракатлар ортида фақат Президентга суиқасд қилиш мақсади бўлса, мен буни тушунишим мумкин. Қабул қилишим эмас, тушунишим мумкин. Бу курашда қурбонлар ҳам бўлиши мумкин. Мана шу сиёсатнинг бошида турган, уни амалга оширадиган, қалбидан, юрагидан ўтказадиган, керак бўлса, шу сиёсатни охирига етказиш учун, фаровон ҳаёт, улуғ келажак учун жонини, бутун борлигини беришга тайёр бўлган одамга қарши курашиш — бу ҳам тарихда бўладиган ҳодисалар сирасига киради. Аммо қарши чиқса, курашмоқчи бўлса, очиқ майдонга чиқмайдими? Бундай қабих, гирром йўл билан эмас, ошкора, қонуний йўл билан курашса бўлмайдими? Яна бир бор айтаман, нима учун бегуноҳ одамларнинг қони тўкилиши керак? Ким жавобгар бунга?

Албатта, талафотлар битиб кетади, шикастланган бинолар тикланади. Лекин мени бир савол қийнайди: ҳалок бўлган одамларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари, яқинлари, ёру биродарлари юзига қандай қарайман? Уларнинг айби нима?

Сизларга очиқ айтишим керак: мен ақлли, кўпни кўрган баъзи одамлардан «Сенга нима керак? Нима қиласан ҳамма нарсага ўзингни уриб? Нима қиласан ўз принципингда бунчалик қатъий туриб? Сиёсатда андиша, муросаи мадорага риоя қилсанг бўлмайдими, ўзингни ўтга-чўққа уриб нима қиласан, барибир бу ҳаётни ўзгартира олмайсан», деган гапларни кўп эшитганман. «Минг йиллардан буён ҳаёт шу тарзда давом этиб келяпти, уни ўзгартириб бўлмайди, нима қиласан ўзингни бунчалик куйдириб, жонингда қасдинг борми?» деган гапларни ҳозир ҳам айтиб туришади.

Буларга жавобан мен, шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, одамлар ҳар хил бўлади. Борингки, мана шундай ҳаракатлар билан бировни кўрқитиш, йўлидан қайтариш мумкиндир. Лекин баъзи бир одамлар борки, уларни асло ўзгартириб бўлмайди, жумладан, менга ўхшаган одамни ўзгартириб, йўлидан қайтариб бўлмайди.

Менинг ҳаётим — иш, уй. Шу халқ, шу миллат ташвиши. Менда яна нима бор, қандай ҳузур-ҳаловат бор? Ўйлайман. Кўп




ўйлайман, кечалари ухلامасдан чиқаман баъзан. Менинг ҳам болаларим, учта набирам бор. Мен ҳам болаларимнинг бахтини кўрмоқчиман, набираларимни уйлантирмоқчиман. Бу ҳам табиий бир орзу. Лекин бунга ниманинг эвазига, қандай қилиб эришиш мумкин? Ўз эътиқодини, ўзининг иродасини, имонини сотиб ҳам бунга етиб бориш мумкин. Лекин, ўйлайманки, ҳар қайси иродам бор, имоним бор, деган виждонли одам бу йўлга асло кўнмайди, рози бўлмайди. Менинг шу гапимга, ҳозир билдирган фикримга онгли яшайдиган, имони бутун одамлар қўшилади, деб ўйлайман.

Мен яна бир масала хусусида кўп фикр қиламан: одамзод бу ҳаётдан ҳар хил яшаб ўтиши мумкин. Инсоннинг ёши улгайган сари бу ҳақда кўпроқ ўйлайди. Кимдир эрталаб туради, кечгача ҳар хил юмушлар, керак-нокерак ташвишлар билан банд бўлади. Лекин ҳаётнинг мазмуни ҳақида ўйлаб кўрмайди. Ҳаётда бўладиган воқеа-ҳодисаларни юракдан қабул қилиш, ҳис қилиш туйғусини Худо ҳаммага ҳам беравермайди. Бу ҳам табиий ҳол. Аллоҳ таоло ҳаммамизни ҳар хил қилиб яратган. Лекин бутунги кунда кўпчилик, аксарият халқимиз орасида, Ватан, эл-юрт ҳақида, имон ҳақида, шу тушунчаларни фарзандларимиз, ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат кучаймоқда. «Ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат?» деб бош қотирадиган, ўзини ўзи қийнайдиганлар сони кўпайиб боряпти. Ўйлайманки, ана шу руҳда тарбия топадиган ёшларимизнинг эртанги куни ёруғ бўлади.

Кўпгина одамлар ўз умрининг охирида: «Мен ҳаётимни қандай кечирдим, бошқалар эса қандай ўтказди?», деб ўзига ўзи савол беради. Мен умрбод ўзимни қийнаб, азалий муаммоларга жавоб топаман, деб яшадим, булар эса ҳаётнинг барча лаззатларидан, яхшиликларидан, қулайликларидан баҳраманд бўлиб яшади, деган саволларга дуч келади.

Хўш, ўйлаб кўрайлик, аслида ким бахтли? Бу икки тоифа инсондан қай бири бахтли?

Мен ўйлайманки, авваламбор, ҳаёт мазмунини ўйлаб яшаган одамлар бахтли. Бу ҳаётдан енгил-елпи яшаб ўтиш ҳам мумкин. Аммо ҳаётнинг моҳияти, умр маъноси, охират ҳақида қайгурадиган, келажак мазмуни, фарзандлар истиқболи ҳақида ўйлайдиган, нима қилсам шу болаларим мендан кейин бахтли-саодатли, соғ-саломат, тўқ-фаровон бўлади, деган ташвиш билан яшайдиган одамларнинг сони эса, ишончим комилки, кўпроқ. Бундай одамларни ўзгартириш қийин. Мен ҳам шундай одамман. Худо таоло шундай қилиб яратган. Хоҳлардимки, мени ҳаёт ҳам, халқимиз ҳам шундай қабул қилсин.



Ўзбекистон — юксак маданият, санъат, меъморчилик юрти.

Агар одамнинг бахти нимада, деб сўралса, мен кимки ўз ички дунёси, бошқача айтганда, имон-этиқоди амрига бўйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат туйса, шубҳасиз, ана шундай инсон бахтлидир, деб жавоб берган бўлардим. Инсон ўз виждони, иродаси, имонига қулоқ солмасдан ҳаёт кечирса, ўйлайманки, охир-оқибатда, боши ташвишу гурбатдан чиқмай қолади, пушаймонлик ва надоматлар ўтида ёниб-куяди, ўзини-ўзи ўтган умридан норози бўлади.

Азиз дўстлар!

Бугунги воқеалар муносабати билан айрим одамлар хавотирга тушиб, кўнглида ҳар хил саволлар пайдо бўлиши мумкин. Шунининг яна бир мақсади — одамларни қандайдир ваҳимага солиш, халқимизни, авваламбор, Тошкент аҳолисини саросимага тушириб, юрагига гулгула солиб, шу орқали ҳозирги ҳаётимизга, олиб борилаётган сиёсатга кишиларнинг ишончини сусайтириш. Бугун амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизга, мустаҳкамланиб бораётган иродамиз, имон-этиқодимиз, айниқса, келажакка бўлган ишончимизга зарба беришдир.

Бугунги учрашувдан асосий мақсад — телевидение, радио, матбуот воситалари орқали халқимизга бугунги воқеалар тўғрисида ҳақиқий маълумот бериш, одамларимизни ваҳимага тушмасликка, саросимага берилмасликка, барқарорликни сақлашга чақириш, ёвуз ниятли кимсаларнинг кирдикорларига қарши иродамизни янада бақувват қилишга даъват этишдан иборат. Бу тўғрида энг таъсирчан, энг самарали воситаларни қанча тез ишга солалсак — шунча яхши. Мен матбуот ходимларидан бу бўлган воқеа ғаразли кучларнинг қабих бир намоёиши эканини халққа етказиш ва тўғри тушунтиришни илтимос қиламан.

Мен барчангиздан бир нарсани сўрайман: ваҳимага тушмаслик керак. Ҳеч ким ваҳимага берилмасин, токи юрагимизда гулгула пайдо бўлмасин. Аксинча, одамларда бу разил кўпоровчилар ва уларнинг ортида турган кучларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотиш керак, бугунги ҳаётни, тинчликни, барқарорликни, осойишталикни қадрлашга, ҳар қайси хонадон, маҳалла, қишлоқдаги осудалик, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз керак. Жамоатчилигимизга, бутун халқимизга телевидение орқали айтадиган гапим шу — қалбингизга ваҳима тушмасин. Ёвуз кучларнинг илдизига етиб бориш, илдизи билан сугуриб ташлаш қўлимиздан келади!

Шунинг учун, энг аввало, маҳаллаларда, меҳнат жамоалари ва ўқув даргоҳларида бўлиб ўтган воқеани атрофлича муҳокама қилишимиз керак. Фақат ҳодисанинг ўзи ҳақида эмас, балки унинг

нима мақсадда содир этилгани тўғрисида фикр юритиш, бундай хавфдан одамларни огоҳ қилиш зарур.

Гап шундаки, биз ҳаммамиз бир халқнинг фарзандлари, вакилларимиз. Шу жумладан, жинойтга қўл урганлар ҳам, адашиб шу йўлга тушганлар ҳам. Уларни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш — барчамизнинг вазифамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллаларда ўтказиладиган мажлисларда нима тўғрида гапириш керак? Мана шу манфур кучлар нима қилмоқчи, уларнинг мақсади нима, масжидларда нима гаплар бўляпти? Бизнинг имом-хатибларимиз одамларнинг кўзини очиб бериш борасида ўз бурчларини бажаряптими, йўқми? Одамларимизни, муқаддас динимизни ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қила оляптими, йўқми?

Бугун ҳар бир маърифатли, виждонли инсон ақидапарастлик балосига қарши курашиши, халқнинг кўзини очиб, уларга бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамларнинг руҳини, онгу тафаккурини ҳимоя қилиши зарур. Хўш, жамоатчилигимиз, зиёлилар, шоир-ёзувчиларимиз, дин пешволаримиз, муаллим-мураббийларимиз, матбуот ходимлари шу ҳақда жиддий ўйлаяптими? Шу ҳақда ошкора, теран ва холис фикр юритиб, халқни огоҳликка даъват этияптими?

Ҳар қайси маҳалла ўз ҳудудидаги масжид фаолиятига алоҳида эътибор бериши керак. Аслида масжид ким учун керак? Масжид имом учун эмас, сўфи учун эмас, халқ учун керак, мўмин-мусулмонлар учун керак. Маҳалланинг ҳаётини, инсоннинг икки дунёсини обод қилиш, охират деган тушунчани одамлар онгига синдириш — масжид мана шунинг учун керак. Виждонни уйғотиш, инсонни инсонийлик руҳида тарбия этиш — мана шу масжидларнинг иши. Шунинг учун яна бир бор айтаман: ҳар қайси маҳалла аҳли ўз масжидининг ишидан, у ердаги маънавий муҳитдан хабардор бўлиб туриши керак. Шунини унутмаслик керакки, маҳалла ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот. Бинобарин, масжидлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш уларнинг бевосита вазифасига киради. Табиийки, маҳалла аҳли ҳам, маҳалла раҳбари ҳам шу масжидга қатнайди. Масжидга борадиган маҳалла раҳбари мусулмонлик фарзларини адо этиш билан бирга ўзининг хизмат бурчини ҳам эсдан чиқармасин. Масжидларда бўлаётган ташвиқотлар, тарғиботлар қандай мазмунда, улар бизнинг тушунчамизга, авваламбор Қуръони карим оятларига, Имом Бухорий тўплаган ҳадисларга тўғри келадими, йўқми? Бизнинг динимиз авваламбор Қуръони каримга, унинг илоҳий оятлари-



ни тушунтириб, маъно-мазмунини бизга аён қилиб берадиган ҳадиси шарифга асосланади. Диний-руҳий ҳаётда шу қоидаларга қанчалик амал қилинаётгани тўғрисида ҳам кимдир ўйлаши керак-ку, ахир!

Бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама тушунтириш ишларини йўлга қўйиш, кўпроқ ташвиқот олиб бориш зарур. Одамларнинг онгига ҳақиқатни етказиш керак.

Бу бадкирдор, кўпоровчи кучларнинг бугунги воқеалардан кўзлаган яна бир нияти шундаки, ҳозир Ўзбекистонга қатта миқдорда чет эл сармоялари кириб келмоқда. Хорижий мамлакатларнинг кўпдан-кўп вакиллари келиб, биз билан ҳамкорлик қилаётгани, янги жамият қуришда фаол иштирок этаётгани баъзиларга ёқмайди. Бу нафақат ёвуз ниятли душманларимизга, нафақат ақидапарастларга, балки ўзини бизга яхши томондан кўрсатаётган бошқа айрим кучларга ҳам ёқмайди. Уларнинг асосий мақсади — Ўзбекистонда тинчликни издан чиқариш. Агар юртимизда бугунгидек нохуш ишлар юз бериб, нотинчлик пайдо бўлса, бу кучлар дарров чет эллик сармоядорларга, ажнабий ҳамкорларимизга қарата, бу мамлакатга сармоя сарфлаш хатарли, деган гапларни тарқатиб, юртимиз, халқимиз шаънига қандайдир доғ туширишни кўзлайди. Биз буни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Чунки мамлакатимизга чет эл сармоялари келишининг асосий шarti — Ўзбекистондаги барқарорликдир. Бугунги воқеалар ҳам биздаги вазиятга зарба беришга қаратилган. Буни ижрочилар тушунмаса ҳам, уларнинг ортида турганлар яхши англайди.

Бу қабиҳ кучларнинг яна бир нияти — ёшларимизнинг бугунги ижобий ҳаётини интилишларига зарба беришдан иборат. Чунки уларга ёш авлодимизнинг тараққиётга интилиши, ҳаётга бошқача, замонавий кўз билан қараши ёқмайди. Уларнинг мақсади — бугунги энг тараққий топган давлатлар билан ўрнатган алоқаларимизни узишга, ёшларимиз тарбиясини издан чиқаришга, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни йўққа чиқаришга қаратилган.

Қаранглар, ҳозир ёшларимиз қандай кўз билан, қандай пок ният билан, қандай эзгу орзу-ниятлар билан эртанги кунга интиляпти. Мен телевизорда уларнинг юрак сўзларини эшитиб, беихтиёр ҳаяжонга тушаман, ўз ҳаётимдан рози бўламан. Нега деганда, бу ёшлар — эртанги ҳаётимиз. Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг қўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбида, керак бўлса, қудратида.

Қаранг, шундай ҳаракат ҳозир бутун Ўзбекистонимизни қамраб олди. Мен шундан гурурланаман. Бу ҳаракат, бу интилишни асло тўхта-тиб бўлмайди. Лекин унга зарба бериш, ёшларни бу йўлдан

қайтариш — ганимларимизнинг ёвуз нияти. Буни ҳам чуқур ўйлаб кўриш, унинг сабоқ-оқибатларини ўзимизда яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Душманларимиз шуни яхши билиб қўйсинки, биз ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Ёшларимизни ҳимоя қиламиз!

Агар биз шу ерда бўш келсак, ёш авлод тақдирига бефарқ қарасак, бу кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим бўлади. Такрор айтаман: ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз, ўз қўлимиз билан тарбия қиламиз!

Нега деганда, булар бизнинг фарзандларимиз. Менинг фарзандларим, сизларнинг фарзандларингиз. Нима учун мен ўзимни болаларимни қандайдир ақидапараст қўлига, разил ният билан юрган одамларнинг қўлига бериб қўйишим керак?!

Мен қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим!

Жиноятчиларни ушлаш, уларни жавобгарликка тортиш, ақл-ҳушини киргизиб қўйиш—бу ўз йўлига. Бунга мана шу ерда ўтирган тегишли ташкилотлар, органлар, мутасадди раҳбарларнинг кучи етади, мен бунга ишонаман. Халқимиз ҳам ишонади. Биз 1990 ёки 1991 йилда яшаётганимиз йўқ. Ҳарбий кучларимиз, керак бўлса, хавфсизлик ташкилотлари, ички ишлар идоралари, прокуратура, бошқа ташкилотларнинг кучи етади.

Лекин бугунги энг муҳим масала—халқимизни ганимларимизнинг ёвуз ниятлари, ёвуз ҳаракатларидан, хавф-хатардан огоҳ этиш, эл-юртимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун одамларни жипслаштириш ва олдимизда турган эзгу мақсадлар йўлига бошладан иборат.

Бизнинг энг катта таянчимиз—халқимизнинг иродаси, халқимизнинг ишончидир.

Менинг Аллоҳдан сўрайдиганим — эл-юртимизни, унинг тинчлигини, тотувлигини ўзи асрасин, барчамизни паноҳида сақласин.

«Ирода ва имон — эътиқодимиз синови».
Т., «Ўзбекистон»





*Бу азиз замин дунё фанига не-не илм ақобирларини, фозилу фузалоларини бермаган.
Истиқлол йиллари уларнинг табарруқ руҳларига бағишлаб кўркам обидалар барпо
этилди.*



**ОЗОД БЎЛСАНГ — ОЗОД БЎЛ,
ЭРКИН БЎЛСАНГ — ЭРКИН БЎЛ,
МУСТАҚИЛ БЎЛСАНГ — МУСТАҚИЛ БЎЛ!**

1999 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозогистон пойтахти Остона шаҳрига ташриф буюрди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, 16 февраль куни Тошкентда содир бўлган фожиали воқеалар хусусида тўхталди:

— Бу воқеа натижасида бир неча инсон ҳалок бўлди. Нима учун бу кўпуровчилар бегуноҳ одамлар ҳаётига қасд қилди? Улар бегуноҳ одамни ўлдириш катта гуноҳ эканини, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бундай ёвузлик учун жазо муқаррарлигини билмайдими?!

Кишини ранжитадиган жойи шундаки, бўлиб ўтган бу воқеани айрим хорижий матбуот вакиллари ўзича талқин қилмоқда. Хусусан, «Сегодня» газетасининг муҳбири худди бу ерга келиб, одамлар билан гаплашгандек, фожиани ўз кўзи билан кўргандек қилиб ёзди. Ҳолбуки, бу газетанинг муҳбири Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган эмас. Россиянинг баъзи газеталари айниқса, ҳар хил уйдирма гапларни ёзмоқда. Бундай асоссиз, саёз мулоҳаза ва хулосалар замирида одамларнинг бошини айлантириш, турли бўҳтон гаплар билан фикрини чалгитиш, керак бўлса, кўрқитиш мақсади ётган бўлса ажаб эмас. Яъни, сизлар биздан узоқлашаверсангиз, бундай портлашлар, фожиалар бўлаверади, деган хулосани онгимизга сингдириш. Россия армияси шу минтақада турса, бу гаплар бўлмайди, деган фикрни ўтказиш. Мақсад эса Россиянинг 201-дивизияси Тожикистонда тургани каби, бошқа ҳарбий қисмларни ҳам шу минтақага жойлаштириш. Биз ҳам тушунамиз— улар сидқидилдан ёрдам берса, барқарорлик масаласида нафи тегиши мумкин. Лекин Россияда ҳар хил кучлар бор. Буни унутмаслик керак.

Умуман, мен қайсидир мамлакатнинг ҳарбий кучлари бу ёққа олиб келинишига, минтақамизда бегона ҳарбий куч ўрнашиб олишига қаршиман. Мен буни фақат бугунни ўйлаётганимдан эмас, балки келажак авлод тақдирини ўйлаб айтаяпман. Бошқача айтганда, озод бўлсанг — озод бўл! Эркин бўлсанг — эркин бўл! Мустақил бўлсанг — мустақил бўл! Ҳақиқий мустақил бўл! Мустақиллигимиз йўлида мен жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман. Имоним комилки, етти йил мобайнида ортимизда мана шундай азму қарор



билан яшайдиган бутун бир авлод етишиб чиқди. Шундай экан, бизнинг маслагимизни, гоямизни енга оладиган куч йўқ.

Бугунги қийинчиликлар — албатта ўткинчи. Мен шунга аминман: ўзбек халқини бундай қийинчиликлар билан қўрқитиб, ўз йўлидан ортга қайтариб бўлмайди.

Президент Ислом Каримов Остона учрашуви якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди. Хусусан, «Озодлик» радиоси мухбири Султон Оққулоннинг Тошкентда юз берган террорчилик ҳаракатлари Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги Коллектив Хавфсизлик шартномасидан чиқиши тўғрисидаги фикрлар билан боғлиқ эмасмикан, деган саволига жавоб бериб, жумладан шундай деди:

— Мен 16 февраль куни Тошкентда юз берган террорчилик хуружи ҳақидаги жавобни уч қисмга бўлган бўлар эдим. Биринчидан, бу террорчилик ҳаракати, энг аввало, гарчи бу иборани ишлатишни истамасам ҳам, айтишим керакки, Президентни йўқ қилишга қаратилган эди. Тошкентда олти жойда портлаш содир бўлди, бироқ уларнинг биттаси детонация оқибатида юз берган. Мен бу гапни асосли манбаларга таяниб айтяпман. Хуллас, бешта портлаш бўлган. Портловчи модда жойланган бешта машина портлатилган. Ўта кучли портлаш зарбидан яқинроқда турган олтинчи машина ҳам портлаб кетган. Энг кучли портлаш Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида, аниқроғи, бинонинг кираверишига яқин жойда содир этилган.

Айримлар ўз кўзи билан ёки телевизор орқали кўрган бўлиши мумкин, олти қаватли мазкур иморат жуда мустаҳкам қурилган. Асосий ва энг кучли портлаш айнан шу ерда юз берди. Олтмишинчи йилларда ишлаб чиқарилган эски ГАЗ-21 машинаси соат ўн минути кам ўн бирда Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнига келган. Бу ерда уни тўхтатишган. Ундан икки йигит чиқиб, гўё машина бузилиб қолгандай, юкхонани очган ва кутилмаганда автомобилдан тез узоқлаша бошлаган. Яқинроқда турган кўриқчилар бундан шубҳаланиб, уларнинг ортидан қувган. Бу кимсалар Мустақиллик майдони марказига етганда, қўлидаги иккита автоматидан ён-атрофга ўқ ота бошлаган. Бу пайтда ҳали портлаш юз бермаган эди. Асосий портлашдан олдинроқ, икки юз метрча наридаги «Нодирабегим» кинотеатри ёнида чалғитувчи портлаш содир этилган. Умуман, асосий портлашдан ташқари барча портлашлар чалғитиш вазифасини бажарган.

Асосий портлаш мен мажлисга келадиган пайтда юз берди. Мажлис соат ўн бирга белгиланган эди. Портлаш эса мажлис бошланишидан бир неча дақиқа олдин рўй бериши мўлжалланган эди. Чунки мен ҳар гал мажлисга ўн-ўн беш дақиқа олдин етиб келаман. Бироқ шу куни, мени Аллоҳ асрадим, бироз кеч қолдим. Бу пайтда бино ёнида машина юкхонаси очиқ ҳолда турган эди. Қочаётган икки киши ҳар тарафга ўқ ота бошлаганидан кейин қўриқчилар бинонинг кираверишига яқин жойда тўхтаб қолган машинадан ҳам шубҳаланган. Бу вақтда Президент кортежи бинога яқинлашиб қолган эди. Шу пайт Вазирлар Маҳкамаси биноти томонидан Президент хавфсизлик хизматининг бошлиғи бизга қараб югуриб кела бошлади ва машиналарни тўхтатиш ҳақида ишора қилди. Машиналаримиз тўхтади. Айни шу лаҳзада портлаш юз берди. Орада 150, балки 200 метрча масофа қолган эди. Тўхтамаганимизда, биз уч-тўрт секунд ичида ГАЗ-21 машинаси ёнига етиб боришимиз ва ўша дамда портлаш юз бериши аниқ эди.

Экспертларнинг фикрича, барча портлашлар муайян масофадан туриб бошқарилган. Кимдир шу атрофда туриб, менинг машинам яқинлашадиган дақиқани пойлаган. Портлаш кучининг катталигидан ГАЗ-21 машинаси бўлаклари беш юз метргача отилиб кетган. Бўлган воқеа шу.

Биз портловчи модда йиғилган ва суиқасдга тайёргарлик кўрилган жойни ҳам аниқладик. Охирги портлаш шу ерда, жиноятчилар томонидан ижарага олинган эски бир ҳовлида, асосий портлашдан 40 дақиқа кейин юз берди. Шу билан улар жиноят изларини яшириш мақсадида портловчи моддалар сақланган уйни йўқ қилган.

Энди жавобнинг иккинчи қисмига келсак. Хўш, портлашни содир этган ижрочилар ким? Мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтишим мумкинки, булар диний экстремистлар бўлган. Бундай террорчилик хуружлари Исроилда ҳам, бошқа минтақаларда ҳам учраб туради. Дастлабки далил ва маълумотлар бу кимсалар мутаассиб диндорлар эканини тасдиқламоқда. Қочиб бораётган икки киши йўл-йўлакай «Аллоҳу акбар!», деб қичқирган. Балки бу ҳам чалғитиш учун айтилгандир?

Жавобнинг учинчи ва энг қийин қисми портлашларнинг ортида ким тургани ҳақида. Мен ҳозир бу хусусда аниқ бир нарса дейишим қийин. Чунки бирор нарса десам, турли хил талқин ва тахминлар бошланиб, вазиятни баттар чигаллаштиради. Кераксиз шубҳалар туғилади.



МИЛЛАТ ҚУДРАТИ — ҲАМЖИҲАТЛИҚДА

*Хоразм вилояти халқ депутатлари кенгашининг
навбатдан ташқари сессиясида сузланган нутқдан*

Биров ҳалол меҳнати, пешона тери билан рўзгор тебратади, болачақа боқади. Чунки бундай одамларнинг қалбида имони, диёнати, ор-номуси, охиратдан қўрқиб туйғуси бор, иродаси мустаҳкам. Аммо нопок йўллар билан, кимнингдир ризқини қийиб, одамларни қақшатиб бойлик орттиришни ўзига касб қилиб олган қабиҳ ниятли кимсалар ҳам борки, улар учун бундай муқаддас тушунчалар мутлақо бегона.

Ёдингизда бўлса, 80-йилларнинг охирида ва 90-йилларнинг бошида беқарорлик, бошбошдоқлик авж олган бир даврда ҳар хил муттаҳамлар сиёсат майдонига чиқиб қолди. Сув лойқаланганда кўпик юзага чиққандек, саёз фикрли, кибр-ҳаво кайфиятига берилган, енгил-елпи йўл билан сохта обрў орттиришни кўзлаган шуҳратпараст одамларнинг аслида ким бўлганини бугун халқимиз яхши билади. Бу ҳаракатлар бебош тўлқин каби дарёнинг чагир қирғоқларига урилиб, беиз ўтиб кетди. Чунки унинг мақсади фақат бузиш, емириш, бақир-чақир, шовқин-сурон солишдан иборат бўлгани учун меҳнаткаш, андишали, багрикенг халқимизни йўлдан оздиролмади.

Фалакнинг гардишини қарангки, ўз мақсадига етолмаган, йиқилса ҳам курашга тўймайдиган, кеча демократ телпагини кийиб юрган бу кимсалар бугун экстремистик ваҳдобиёлик оқими билан бирлашмоқда.

Шундан кейин бу мунофиқ шахсларнинг на демократлигига, на диндорлигига ишониб бўладими?! Ҳамма гап шундаки, шакл бошқача-ю, мақсад ўша-ўша, яъни нима қилиб бўлса ҳам, амалга, мансабга эришиш! Ва ўз нопок мақсадларига эришиш учун барча ёвуз ниятлардан ҳам қайтмаслик.

Агар биз озгина бўлса-да, бепарволикка йўл қўйсақ, бундай ёвуз интилишларнинг вақтида пайини қирқмасак, бу бало-қазо халқимиз бошига кўп-кўп кулфатлар келтириши мумкин. Февраль воқсалари бу фикрни тасдиқлаб турибди. Нима, «Тоза ислом», «Ислом софлиги учун» деган сохта шиорларни ниқоб қилиб олган бу кимсалар ислом макони бўлган юртимизда, дунёга Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоддин Нақшбанд каби буюк уламоларни берган халқимизга мусулмончилиқни ўргатмоқчими?! Бундай даъволарни эшитганда, беихтиёр «Астағфируллоҳ!» дегинг келади.



Бу синов кунлари халқимиз ва у сайлаган Сарбоннинг — Раҳбарнинг яқдил эканлиги, ягона мақсад — Ўзбекистоннинг буюк келажagini қуриш йўлида бир тану бир жон — кучли бир тўлқин бўлиб яшайётганлари, меҳнат қилаётганлари, курашайётганлари яна бир бор яққол намоён бўлди.



Халқимиз ўз Йўлбошчисининг мустақил тараққиёт йўлида, янги жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриши йўлида олиб бораётган фаолиятини қўллаб-қувватлайди.



Аслида асрлар давомида динни, исломни ким-кимга ўргатиб келган? Мана шу муқаддас Хоразм заминидан етишиб чиққан улуг аждодимиз Маҳмуд аз-Замахшарий дин равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари учун «Жоруллоҳ» — яъни «Аллоҳнинг қўшниси» деган юксак мақомга сазовор бўлган. У яратган «ал-Муфассал» китоби араб тилининг грамматикасига асос этиб олинган бўлиб, араб дунёсида унга ҳозиргача амал қилинади. Шу боис араб мутафаккирларидан бири: «Оламдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта дунёга келиши мумкин бўлган аз-Замахшарийдек машҳур алломанинг ватанидир», деганида тўла ҳақлидир. Шундай буюк зотнинг авлодларига муқаддас эътиқодимизга ёд бўлган турли зарарли, заҳарли таъсирларга берилиш ярашадими? Энг ачинарли томони шундаки, ўз орамиздан чиққан бу кимсаларнинг орқасида катта маблағга эга бўлган, бизнинг юртимизни ўз таъсирига тобе этмоқчи бўлган сиёсий кучлар турибди. Кечагина ўзини ҳақиқий, тоза демократ деб атаган, динга ҳам, худога ҳам ишонмаган, ҳаром-хариш йўлда юрган манфаатпарастлик ва мансабпарастлик касалига мубтало бўлган кимсалар ўша ёвуз кучларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб, ўз Ватанига хиёнат қилмоқда. Бугун улар ўзаро бирлашиб, диний ақидапарастлик «Тоza ислом» ниқобига, либосига ўралиб, эътиқоди мустаҳкам бўлмаган баъзи ёшларни йўлдан оздирмоқдалар. Ҳар қанча афсус билан айтмайлик, бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай «доҳий»ларнинг таъсири гирдобига тушаётган кимсалар ҳар қандай жиноят, ёвузликдан ўзини тиймайди.

Биргина мисол келтирайлик. Ўзини ваҳҳобий деб юрган Урганч шаҳридаги 3-мактаб ўқитувчиси (бундай кимсаларни ўқитувчи дейишга ҳам тил бормайди!) С. Аллаёров уюшган жинойий гуруҳ сафида 1998 йил 4 декабрь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманида фуқаро А. Мамадхўжаевнинг уйига қилинган босқинчиликда иштирок этиб, қотиллик содир этган. 18 декабрь куни эса Ҳазорасп темир йўл бекатида милиция ходимларига ўқ узиб, улардан бирининг ўлимига сабаб бўлган. Мана сизга бу шахсларнинг ҳақиқий башараси.

Мана шундай йўл билан қанчадан-қанча ёшларнинг ҳаётини ҳазон қилган, уларни йўлдан урган, оғир жиноятларга етаклаган кўпоровчилар ва уларнинг чет элларда ватангадо бўлиб юрган «доҳийлари» халқимиз, миллатимиз олдида ўз кирдикорлари учун жавоб бериши керакми, йўқми?! Албатта, улар ўз жинойий қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари муқаррар.



Куни кеча «Халқ сўзи» газетасида чоп этилган бир мақолага кўзим тушди. Мақола муаллифи, Боёвут туманидаги қишлоқ мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси Муҳаббат Ўрозова шундай деб ёзади:

«16 февраль воқеаларини таҳлил қиларканман, ҳамиша хаёлимга бир гап келади. Хунрезлик ижрочилари шунчаки нотавон ва разил югурдаклардир. Уларнинг ортида ватанида қадр топмаган ва қадр топиши гумон бўлган ватанфурушлар турибди. Бу ватанфурушларнинг ҳам ҳомийлари бор. Бу ҳомийлар итга суяк ташлагандай ватангадолар олдига суяк ташлаб, ўз ногораларига ўйнатиш пайида бўлган кимсалардир».

Мана сизларга оддий бир ўзбек аёлининг жуда лўнда ва тўғри фикри. Миллион-миллион юртдошларимизнинг дилидаги гапларни ифода этувчи фикр.

Муаллима ватанфурушларга қарата: «Менинг ҳар бир ҳамқишлогим эрта тонгда Аллоҳдан юртга тинчлик, фаровонлик тилар экан, сизларнинг маълум ва номаълум қиёфаларингизни кўз олдиларига келтиришиб, номингизга лаънатлар ёғдираётганини айтиб қўйишни ўз бурчим деб биламан», — деб ёзади.

Келинлар, биродарлар, барчамиз ана шу муаллима аёлга қўшилиб, ўша машъум воқеалар қайтарилмас тарих бўлиб қолишини Аллоҳдан сўрайлик.

1999 йил 26 март.

ИМКОНИЯТЛАРНИ ТўЛА ИШГА СОЛИШ — ЮКСАЛИШ ГАРОВИДИР

Фаргона вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқдан

Фаргона вилояти бой тарихий мероси, иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимизда ўзига хос ўринга эга.

Бу заминнинг тарихи ҳам, бугуни ҳам фозилу фузалоларга, ижодкору санъаткорларга бой.

Ўтган йили биз дунё илм-фанига бебаҳо ҳисса қўшган улуг ватандошимиз Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик тўйини халқаро миқёсда нишонладик. Исломи дунёсининг буюк алломаси, машҳур «Ҳидоя» асарининг муаллифи, XII аср бошида таваллуд топган улуг зот Бурҳонуддин Марғинович ҳам шу замин фарзандидир.

Буюк зотнинг ҳаёти ва бой маънавий меросини чуқур ўрганиш, жаҳон миқёсида муборак тўйини ўтказиш, Марғилонда хотира

ёдгорлигини ўрнатиш, Риштонда эса мақбарасини обод қилишга қаратилган тадбирларни яқин вақтларда кенг кўламда амалга оширсак, ўйлайманки, ҳар томонлама халқимизнинг хоҳиш ва интилишларига мос иш бўлур эди.

1999 йил 18 декабрь.

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШАВКАТИНИНГ ТИМСОЛИ БЎЛГАН ЮРТ

Самарқанд вилояти сайловчилари вакиллари билан сўзланган нутқдан

Соҳибқирон бобомизнинг муборак тўйи шарофати билан бу ер таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шаҳар марказида буюк бобокалонимизнинг муаззам ҳайкалини ўрнатдик. Шу тариқа улуг аждодларимизнинг шаън-шавкатига муносиб баҳо бериб, тарих ва келажак олдида ўз фарзандлик бурчимизни адо этдик.

Хартанг қишлоғида муҳаддислар султони Имом Бухорий хотирасига улкан ёдгорлик мажмуи бунёд этиб, уни қутлуғ зиёратгоҳга айлантирганимиз ҳар бир ватандошимизнинг, бутун мусулмон дунёсидаги имон-эътиқодли инсонларнинг, юртимизга ташриф буюраётган барча меҳмонларнинг олқиш ва таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Бу зиёратгоҳ халқимиз, хусусан, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган муборак маскан бўлиб қолгани, айниқса, муҳимдир.

Муқаддас ҳаж сафарига отланган ватандошларимиз, аввало, ҳазрати Имом Бухорий қабрини зиёрат этишлари яхши бир одатга айланиб бормоқда.

Мана шу улкан мажмуа қурилишига 1 миллиард 650 миллион сўм миқдорида маблағ сарфлангани бу ерда бажарилган ишларнинг кўлами ва миқёси нақадар катталигидан далолат беради.

1999 йил 22 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

Олий Мажлис XIV сессиясидаги маърузадан

Ноинсоний гоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб, одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини кўпол равишда



камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди.

Миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайити каби кўплаб муқаддас миллий байрамлар таъқиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фаргоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Хожа Аҳрори Валий, Абдухолиқ Гиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмон Носир каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди.

Бизга эски мустабид, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан қолган мерос асосан ана шулардан иборат эди.

Бугун ўша давр тўғрисидаги ҳақиқатни холисона айтадиган бўлсак, у замондаги ҳаётимизни жаҳон тарихи ва амалиёти билан таққослайдиган бўлсак, шуни очиқ айтиш керакки, у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга — марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустахлак мамлакат қаторига айланган эди.

Мустақиллик йилларида ҳаётимизнинг ўзи кўп нарсаларга бизнинг кўзимизни очиб берди, кўп нарсага ўргатди. Собиқ шўролар ҳудудидаги аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, биз баландпарвоз ҳавас ва шиорларга, ҳавои кайфиятларга берилмадик. Бу касалликдан ўзимизни сақлай олдик. Чунки кўпчилик эски тузумни рад этиб, эски тизимни бузиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари дастурини эълон қилиб, ўзини ҳақиқий демократия тарафдори дея жар солишининг ўзи янги ҳаёт қуриш учун етарли, деб ўйлади.

Ҳолбуки бошқа халқлар тарихи ўзгача аччиқ ҳақиқатни тасдиқлайди: иқтисодий ривожланган, тараққий топган мамлакатлар халқлари бугунги ҳаёт даражасига етиш учун, ҳақ-ҳуқуқларидан, эркинликларидан ва бошқа неъматлардан тўлиқ фойдаланиш учун кўп-кўп йиллар, балки юз йиллаб тинимсиз ва машаққатли меҳнат қилганлар.

Биз эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслигини, унинг заҳарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ўзимизга тасаввур қилишимиз ва ҳисобга олишимиз зарур эди.



«Шу олий илм даргоҳида таҳсил кўрган, билим олган, тарбия топган ёшларимиз ичидан — менинг фарзандларим орасидан албатта янги-янги бухорийлар, замахшарийлар, термизийлар, нақшбандийлар чиқади!» дея умид билдирди Юртбошимиз Тошкент ислом университетининг очилиш маросимида.



«Бундай барчамиз учун азиз, муқаддас жойларни зиёрат этиши биз учун ҳам қарз, ҳам фарз»



Президент Фармони билан ташкил этилган Ўрта Осиёда ягона Тошкент ислом университети меҳмонлари.

Энг муҳими, янги ижтимоий муносабатларнинг зарур асосини, заминини, керак бўлса, пойдеворини қуриб олиш учун маълум вақт керак эди.

Янги демократик ташкилотларни шакллантириш, янги қонунларни, демократик тушунчалар, мустақил давлатни бошқарув ва эркин иқтисодий тизим нормаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва кундалик ҳаётга татбиқ этиш зарур эди. Энг асосийси, жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган, янгича фикрлайдиган одамларни тарбиялаш учун ҳам муайян фурсат керак эди.

Муҳими, одамларнинг эски тафаккур қолипларидан воз кечишларига эришиш керак эди. Улар инсоният тарихида ҳеч қачон бир тизимдан мутлақо янги тизимга ўтиш силлиқ кечмаганини, бунинг учун жамият доимо муайян қийинчиликларни бошидан кечириши табиий ва объектив ҳол эканини амалда англаб олишлари зарур эди. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта ўз тош-тарозиси бор. Бошқача айтганда, одамзод бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт ҳузур-ҳаловатдан воз кечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нисбатан қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонни мустақил ривожлантириш борасида биз нималарга эришдик?

Авваламбор, Аллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан мустақиллик ва истиқлолимизни қўлга киритиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, барча табиий, минерал-хом ашё бойликларимиздан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Шу йил 16 февраль куні Тошкентда рўй берган фожиали воқеалар кўп нарсаларга кўзимизни очиб берди, десак, ўйлайманки, сизлар менинг бу фикримга қўшиласиз. Биз ўзимизнинг аччиқ тажрибамизда Ўзбекистон мустақиллигига ҳақиқий хавф-хатарлар борлигига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз. Бундай кирдикорлардан мақсад — мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринишдир.

Бошқача айтганда, бундан мақсад халқимизнинг фаровон ҳаёт қуришга бўлган интилишини, изчил ривожланишимиз ва жаҳон



ҳамжамиятига қўшилиш йўлидаги эзгу ниятларимиз пойдеворини барбод этишдан иборатдир. Ана шу фожиали воқеаларнинг асосий сабаблари ҳақида тўхталар эканман, мен сизларнинг эътиборингизни очиқ-ойдин турган иккита хавф-хатарга қаратмоқчи эдим:

Биринчи. Мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилмоқдалар.

Иккинчи. Биз шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керакки, ҳали-ҳануз бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд.

Фурсатдан фойдаланиб, мен яна бир карра таъкидламоқчиман: бугунги кунда ҳам агар бирор кимсанинг хаёлида бизни танлаган йўлимиздан оғдириш, хонадонимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш истаги бўлса, билиб қўйсинки, энди кеч бўлди. Бизга тазйиқ ўтказиш, турли хил бузғунчилик, портлашлар, террористик ҳаракатлар билан мамлакат Раҳбарини маъв этиш, ҳаётимизни издан чиқариш, олдимизга қўйилган мақсадлардан чалғитишга уриниш вақти ўтди.

Тарихни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди. Етти йил ичида иқтисодиётни, жамиятнинг ўзини янгилаш ва ислоҳ қилиш, ўзгаришлар ортга қайтариб бўлмас жараёнга айланди. Биз буни тўла ишонч билан айта оламиз.

Ёшидан, миллатидан, динидан қатъи назар, мамлакатимизда истиқомат қиладиган оддий одамларнинг бу воқеаларга муносабати кейинги йилларда халқимизнинг ўзлигини англагани, мустақил, эркин давлат, демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродаси нечоғли кучли эканини яна бир карра тасдиқламоқда.

ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволарига жавобларидан

... Мен ҳозир умумий ривожимиз, ҳаётимизни янгилаш, давлат ва жамият қурилиши борасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Мен фақатгина бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз



хушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.

Шу билан бирга, бундай ёндашув одамларимизни ташвишга солаётган маълум воқеаларни, уларнинг негизида ётган сабаб-оқибатларни тасаввур этиш, тушунишга кўмак беради.

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузамда мен бу масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратган эдим.

Булардан биринчиси мамлакатимиз ташқарисидаги тажовузкор, ақидапараст кучлар бўлиб, улар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, ота-боболаримиз динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан огдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқдалар.

Бу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистонда сўнгги йилларда пайдо бўлган, бизнинг динимизга ёт турли ақидапарастлик оқимиغا мансуб ваҳҳобийлик дейсизми, «Ҳизбут-таҳрир» дейсизми, «Мусулмон биродарлар» дейсизми, ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу диний экстремистик ҳаракатларнинг қўлга тушган баъзи бир маҳаллий «доҳийлари» берган кўрсатма ва иқдорларга кўра, бу оқимлар юртимизда кечагина эмас, балки 80-йиллардан илдиз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет мамлакатларда жойлашган, бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турган.

Ўша марказларнинг тузоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган бу маҳаллий «доҳийлар» ўз фаолиятини юртимизда ўта махфий ва пинҳона тарзда олиб борган.

Бугунги маълумотларга қараганда, бу бир тўда сотқинлар аввало ўзлари ишонмайдиган гоё ва ақидаларни аҳоли ўртасида тарқатиб, иродаси бўш, онги паст айрим ёшларни алдаб-сулдаб, уларга қасам ичириб, сохта эътиқодга кўндириб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга уринганлар.

Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, бундай махфий тарзда кўпоровчилик фаолияти олиб бораётган ташкилотларни чет эллардаги экстремистик кучлар ва марказлар бошқариб тургани, улар ўзининг ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун катта куч ва маблағ сарф қилаётгани биз учун аён. Бугунги кунда бизда буни



тасдиқловчи етарли далиллар бор. Тергов ва суд жараёнлари тугаганидан сўнг бу маълумотлар кенг жамоатчилик ва халқимизга, албатта, маълум қилинади.

Иккинчи хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Юртимизга таҳлика солиши мумкин бўлган мана шу икки омил ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритган одам ўзини қийнаётган кўп-кўп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озми-кўпми хабардор юртдошларимиз буларнинг қандай кучлар эканини, уларнинг сиёсий башарасини, ғаразли мақсадларини яхши билади. Биз халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъиймиз: яъни Ўзбекистон ақидапарастликнинг — у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда бўлсин — ҳар қандай кўринишларига қарши.

Шунингдек, биз ҳар қандай шовинистик, бизни менсимаслик, империя кўзи билан қараш-интилишларини, минтақада ҳукмронлик ва зўравонлик қилиш даъволарини ҳам кескин рад этамиз. Аввало, яқин кўшниларимиз, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эса доимо тайёрмиз.

Савол: Шу кунларда 16 февраль воқеаларини содир этишда айбланаётган бир гуруҳ кимсалар устидан суд жараёни давом этмоқда. Судланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади.

Албатта, бу ҳол барчамизни ҳам қийнаётгани табиийдир. Бугун Ўзбекистон аҳлини бир савол ўйлантирмоқда: қандай қилиб айрим ёшларимиз бундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб, жиноят кўчасига кириб қолди?

Жавоб: Мен кўҳна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий.

Орзу-умидлар билан яшаётган, дунёқарашини, руҳий олами шаклланаётган ҳар қайси инсон ёшлик чоғида ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида ўйлайди, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади, шунга қараб турмуш режалари, интилишлари пайдо бўлади. Кўп нарса, албатта, инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг



Тошкент ислом университети мамлакатимизнинг маънавият марказларидан бирига айланиб қолди.



Миср Араб Республикаси «ал-Азхар» мажмуаси шайхи, доктор Муҳаммад Саййид Тантовийнинг Ўзбекистонга таширифи.



*Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин —
Тошкент ислом университетининг фахрий талабаси.*

барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган гоё ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётий манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир.

Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, барибир ўз қалбида муайян бир гоёга, маслак-мақсадга эҳтиёж сезади. Минг афсуски, бу жараён ҳаммада ҳам бир хил кечмайди, бу тушунча ва фикрлар айрим инсонларнинг қалбига кечроқ кириб боради. Содда қилиб айтган-да, уларнинг эс-ҳуши кечроқ, яъни, бошига бир мушибат тушганида ёки бирор синовга дуч келганида киради.

Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди.

Бизга эски тузумдан пахта яккаҳоқимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқдаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар огир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалар гоёт катта куч, маблаг, энг муҳими, вақт сарфлашни талаб этарди.

Шукрки, халқимизни ана шу огир йиллардан бурнини қонатмай, бировга тобе-қарам қилмай бутун собиқ шўро маконида ҳукм сурган ижтимоий тўфонлардан эсон-омон олиб ўтишга муяссар бўлдик. Бугун бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамасдан, биз озодлигимизнинг илк кунлариданоқ, маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бердик. Бу улкан тарихий ишлар шу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси бўлган халқимизга яхши маълум. Шу боис уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Лоақал миллий қадриятларимизни, тилимиз, тарихимиз, диндиёнатимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларни эслаш кифоя, деб ўйлайман.

Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура гоёларини сингдириш биринкки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура-маъри-



фат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўйлаш енгил-елпи фикрлаш билан баробар.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий гоё, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдоримиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий гоё ва миллий мафкурадир.

Миллий гоё ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, гўр, билими, дунёқараш чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи гоёларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, гоёга қарши гоё билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан гоёвий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю, кейин қотиб тураверади — учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба.

Халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиасини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. Бошқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ кулик кишанини қайтадан киймайди.

Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканини, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир қарра тасдиқлади. Чунки ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир. Сизнинг саволингизга қайтиб, қўшимча қилмоқчиман: бугунги ҳаёт

шидатни, воқеалар ривожини шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда, афсуски, кеч қоляпмиз.

Нима учун кеч қоляпмиз, деган савол туғилади. Биз таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик. Дастурни амалга ошириш юзасидан жиддий ишлар қилинмоқда. Истиқлол йилларида ташкил этилган янги гимназия, лицей ва мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганда, уларнинг эркин, мутеликдан озод дунёқараши билан танишганимда ўзимни ҳаётдаги энг катта орзуси ушалган одамдек ҳис қиламан. Шу болалар сиймосида умрим мазмунини, ҳаётимнинг асосий самараси — мевасини кўргандек бўламан.

Айни пайтда бошқа бир муаммо ҳам мени ўйлантиради: мана шу таълим-тарбия тизимида рўй бераётган буюк ўзгаришлар жараёндан, афсуски, барча фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлолмапти. Қанчалик ачиқ бўлмасин, бу — бор ҳақиқат. Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман. Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни кўз олдимга келтирсам, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳали ниҳоятда кўп иш олиб боришимиз кераклигини ҳам англайман. Бир сўз билан айтганда, бу борада қанча иш қилмайлик, шу соҳада оқсоқлигимизни тан олишимиз, кўпдан-кўп муаммолар ечими айни шу масалага тақалиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастури-мизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англаб олишимиз шарт.

Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ордеб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илғор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан Аллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштираксак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.

Айтинг-чи, шундан кейин биз, ота-оналарда яна қандай армон бўлиши мумкин? Бундай ёруғ фикрли, мияси тиниқ, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириб бўладими? Улар пана-



пастқамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапига кирадими? Умрида бирорта китоб ўқимаган нодон кимсалар уларни йўлдан оздириши мумкинми? Бу авлод вакиллари ўз Ватанига, ўзини оқ ювиб, оқ тараган эл-юртига қўл кўтариши, унга ёмонлик соғиниши мумкинми? Ота-онасини зор қақшатиб, оқпадар, падаркуш бўлиши мумкинми? Дунёдан ўтиб кетган аждодларининг қабрларини беҳурмат қилиб, уларнинг арвоҳларини чирқиратиши мумкинми? Ўз насл-насабидан, она-юртидан воз кечиши мумкинми?

Йўқ. Ҳеч қачон. Онгли инсон, юрагида имон-инсофи, диёнати бор одам асло бундай қилмайди. Қилолмайди.

«Халқ сўзи», 1999 йил 25 июнь.

БИЗ ҲУДУДИМИЗНИ ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР ДОИРАСИДА БИЗДА МАВЖУД БАРЧА УСУЛЛАР БИЛАН ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетасида эълон қилинган баёноддан

Уч ойдирки Қирғизистонда ҳукумат қўшинлари ва Тожикистон ҳудудидан у ерга кириб борган қуролланган диний экстремистлар тўдалари ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда. Бишкекдан «Время МН» газетаси мухбирининг хабар беришича, республика жанубидаги вазият ўта қарама-қарши кўринади, ҳарбийларнинг жангариларни сиқиб чиқарганликлари тўғрисидаги баландпарвоз гаплари улар билан узоқ муддатли уруш прогнозлари билан алмашмоқда. Мухбирнинг таъкидлашича, Ўзбекистон жангариларнинг даъвосига қараганда, асосий мурод-мақсадлари эмиш.

Мухбирнинг Марказий Осиёда уруш бошланиш хавфи тўғридаги саволига Ўзбекистон Президенти бугун халқаро терроризм марказлари диний экстремизм марказлари билан қўшилиб кетди, — деб жавоб берди. Догистондаги ва умуман Россиядаги воқеалардан кейин старли даражада қудратли, катта молиявий имкониятларга эга, юқори даражада уюшган муштарак марказлар мавжудлиги аён бўлди. Шу боис бугун уларнинг қўллари қай даражада узун эканлигини жиддий тасаввур ҳам қилолмаймиз. Диний экстремизм нафақат бизнинг ҳаниф ислом динимизга, балки у бошқа динларга ҳам хос бўлган хусусиятдир, лекин биз бугун мусулмонлик тўғрисида сўз юритмоқдамиз. — Энди менда шундай мустаҳкам ишонч ҳосил бўлдики, деб таъкидлади Президент, бугун халқаро терроризмнинг ҳайвоний сурати кўпчи-



Улуғ аجدодларимиз мероси бўлмиш бирор обида, бирорта китоб, уларнинг бирорта қabri эътибордан четда қолмаслиги учун ҳаракат қилинмоқда

лик учун муқаддас бўлган диний тушунчалар билан ниқобланмоқда.

«Соф» ислом учун кураш ниқоби остида террористлар сафидан ўз динининг ҳақиқий қадр-қимматларини тасаввур қилолмайдиган ёшлар ўрин олмоқдалар. Уларни ҳеч ўйламасдан ҳар қандай қўпоровчилик ҳаракатига, осуда ухлаётган кишилар, болалар ва аёлларни қатл этишга тайёр ҳақиқий зомбиларга айлантarmoқдалар. Бундай хавф, айниқса Марказий Осиё минтақасига, хусусан аксарият аҳолиси ислом динида бўлган Тожикистон ва Ўзбекистонга таҳдид солмоқда. Мени ҳудудни босиб олиш мақсадида амалга оширилаётган ташқи қуролли тажовуз хавфи эмас, балки мияси заҳарланган ёшларни ўзлари ўсиб-улгайган шаҳар ва қишлоқларни портлатишга ўргатадиган плацдарм ва базаларни бунёд этишни мақсад қилиб олган диний экстремизм экспансияси хавотирга солмоқда, — деди И.Каримов. Шундан сўнг Президент бу хавф-хатарнинг чегараси йўқлиги, бу бир давлат назорати остида бўлмаган экстремистик марказлардан, айтайлик, жанубдаги қўшнимиздан келиб чиқиши энг мудҳишдир, — деб айтди.

Зеро, биз ҳеч бир ҳукуматга, мисол учун, бунга ҳеч қандай алоқамиз йўқ деб эътироз билдираётган Покистон ҳукуматига даъволар билан мурожаат этолмаймиз. Ҳа, худди шундай, лекин Покистон ҳудудида уч-тўрт ой диний ақидапарастликка, сўнг эса ярим йил мобайнида қўпоровчилик фаолиятига тайёрлайдиган лагерларнинг бунёд этилишига хотиржамлик билан қаралмоқда.

Жангариларнинг айнан Ўзбекистонга киришга интилишлари тўғрисидаги саволга жавобан Президент уларнинг диний мойиллик қаерда кучлироқ бўлса, ўша ерга интилишларини қайд этди.

— Биз оталаримиз динига эътиқод қиламиз ва ҳеч қачон ундан қайтмаймиз. Ўз номимдан айтаманки: ҳа, мен мусулмонман, Аллоҳ менинг қалбимда. Ҳа, Ўзбекистон — 82 фоиз аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган мамлакат ва ўз дини аҳкомларини жиддий билмайдиган, биринчи навбатда, ёшлар ақлини айнитиш учун бу ерда ажойиб имкониятлар мавжуд.

Лекин ислом ҳеч қачон экстремистик оқимлар томонидан бунчалик жиддий таҳдидга дучор бўлмаган. Шунинг учун жорий 1999 йилнинг сентябрь ойида биз Тошкентда ислом университетини очдик, унинг ҳузурида абитуриентлар учун лицей ташкил этилади.

Айтингчи, дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган ҳудудда — Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга на ҳожат? Ҳа, ислом Саудия Арабистонида вужудга кел-

ган, лекин ким уни — динимизни бутун дунёга бундай жозибали кўрсатган, буюк фанга айлантирган? Ҳамма исмларни зикр этиб ўтмайман, мисол учун пайгамбаримиз Муҳаммаднинг (саллоллоху алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларини тўплаган буюк Имом ал-Бухорийни олинг.

Ҳозирда унинг мақбараси қаерда? Самарқандда! Ал-Бухорийни бундай чўққига кўтарган ким, бутун ислом дунёсидан неча ўн минглаб кишилар зиёрат қилиб кетадиган мажмуани у ерда ким бунёд этди? Нақшбандий мақбарасини, ат-Термизий мақбарасини ким ободонлаштирди? Мен яна ўнлаб исмларни айтиб ўтишим мумкин! Ўзбекистон ҳукумати динимиздан бутун ўзбек халқи баҳраманд бўлиши учун бор куч-гайратини сарфламоқда. Совет ҳокимияти даврида бизга ислом динини тарғиб этишга рухсат беришмаган, лекин у, яна бир бор айтаман, қалбимизда бўлган! Лекин бу ерга келиб ислом илоҳиётининг илмий асосларини ишлаб чиққан, Қоҳира ва Дамашқда, Бағдод ва Мадинаи мунавварада эътироф этилаётган буюк мутафаккирлар авлодига «соф» исломдан сабоқ бериш мантиқданми!

«Соф» ислом ёки «соф» мусулмон тушунчасининг ўзи йўқ. Буни фақат Аллоҳ белгилайди. Ислом эътиқодининг демократиклиги шундаки, ҳеч қандай тест ва синовлар билан инсонни кофир ёки ҳақиқийларга ажратиш мумкин эмас. Мен буни белгилаш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаганлиги тўғрисида Қуръондан ўнлаб оят ва сура-ларни келтиришим мумкин, — деб таъкидлади И. Каримов.

— Сиз жангарилар Ўзбекистонга қарши кураш олиб бориш учун Қирғизистон ҳудудига кириб келдилар, деб айтяпсиз.

Бу Қирғизистон жамоатчилиги ва раҳбариятида, биз сизларга тегмаймиз, бизга йўл очиб беринглар, қабалидаги хомхаёлни вужудга келтириш борасидаги биринчи уриниш эди. Бу воқеа жиноятчилар одамларни илк бор гаровга олган август ойининг бошида содир бўлди. сўнг қирғизлар 150 минг доллар тўлаб уларни қайтариб олдилар ва тахминан уч ҳафта ўтгандан кейин эса япон геолог-лари гаровга олинди. Нима учун Қирғизистонда ҳамма нарса август ойи бошида бошланганини сезишмайди? У ерда хомхаёлга берилиб кетишди: уларга эмас, балки Ўзбекистонга таҳдид қилишаётган экан, деб. Мени ҳайратга солган нарса сиз ҳам ушбу ривоятни кўпиртира бошладингиз.

Нима бўлаётганини эшитинг: суверен давлат ҳудудига олти юз ёки минг кишидан иборат қуролланган тўда кирмоқда... Ахир ҳар бир давлатнинг ўз қадр-гурур туйғуси бўлиши керак, унинг ҳар





9 майни мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлаш хайрли ва савобли анъанага айланган.



Халқимиз ўз қаҳрамонларини доимо ёдда сақлайди.

бир фуқаросида эса хавфсизлиги сиртдан ҳимояланганлигига ишонч туйғуси бўлиши керак.

Бу гапни, шу жумладан, Россия телевидениеси қаердан олди ўзи, эмишки, улар Ўзбекистонни ёриб ўтишга уринишган экан, уларни эса киритишмабди. Улар бизнинг эмас, бошқаларнинг душмани, қабилида гап юритиш — гўллик, саводсизлик, қуруқ сафсатадир! Унда Қирғизистон жамики халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузган ҳолда кўпоровчиларга бошқа мамлакатга суқилиб киришлари учун ўз ҳудудларини очиб бераётган эканда? Бундай сафсаталарни мен Ўзбекистон билан Қирғизистонни гиж-гижлатишга қаратилган уринишлар деб биламан ва уларни тамоман инкор этаман. Агар бу ҳақиқат бўлганда эди, бўлмаса нима учун жангарилар қирғизларни талон-тарож ва қатл қилишни бошладилар, нима учун Зардоли ва Хўжа Очканда уларнинг хотинларини зўрламоқдалар?

Бу шунчаки, Ўзбекистонга кетаверишда йўл-йўлакай қилинган ишми? Қолаверса, сизга яна бошқа гапни айтаман: жангарилар Қирғизистон ҳудудини август ойида кесиб ўтганлари йўқ, улар икки йилдан буён Тожикистондан Қирғизистон орқали Ўзбекистонга бемалол ўтиб юрибдилар. Бунинг натижасида бизда жангарилар хуружлари содир этилди, Қўқон, Андижон ва Наманганда тонналаб портловчи моддалар топилди. Буларнинг ҳаммаси Қирғизистон ҳудуди орқали ташиб келтирилган!

Афғонистонга музокаралар олиб бориш учун қатнаётган, ўзларини ҳуқуқ ҳимоячилари деб атаётган Қирғизистоннинг бир қатор арбобларининг воситачилик миссияси хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Президенти улар музокараларни жангарилар билан олиб бораётганини қайд этиб ўтди. — Воситачи музокараларни ақли расо кишилар билан олиб бориши керак, жинойтчилар билан эмас, — деб аниқлик киритди И.Каримов.

Мухбирнинг, нима учун бу ҳақда илгари гапирилмаган эди, деган саволига жавобан давлатимиз Раҳбари қуйидагиларни айтди:

Бу 500-600 кўпоровчи Қирғизистонга кириб келганда, уларни қуршовга ола бошлаганда, қирғизлар сафарбарлик эълон қилиб, қуролли кучларни тўплаганда, бу иш билан жиддий шуғуллана бошлагандан кейингина маълум бўлиб, бу гаплар юзага чиқиб қолди. Бу саволни сиз Қирғизистоннинг махсус хизматларига, жангарилар турган Боткенга бирор марта ҳам бормаган давлат хавфсизлиги вазирига беринг. Сўранг, нима учун уларни босиб олган қишлоқларда боқишди, едиришди, ичиришди, қирғиз қизларини хотинликка беришди? Нега энди улар Қора-Арчадаги суқмоқлар орқали

бемалол у ёқдан бу ёққа юргандилар, йўл кўрсатувчилари эса қирғизлар эдилар?

Ҳа, босқинчилар орасида ўзбеклар бор... Лекин яқинда маълум бўлдики, у ердагиларнинг аксарияти ҳукумат қўшинларига қўшилмаган Бирлашган тожик муҳолифати (БТМ) вакиллари ёки БТМ раиси жаноб Нурий таъбирича, назорат қилинмайдиган жангарилар. Эҳтиётда ушлаб туриш учун у бугун уларни шундай деб номлашдан манфаатдор... Ҳозир у тинчлик жарчиси, унинг Ислом уйғониш партияси сайловларда қатнашмоқда, яна, ўзи ҳақида БТМ қуролли кучларининг раҳбари дейиш ноқулай.

Унинг «захирасидаги» барча одамлари қурол билан Гарм, Қоратегин, Тавилдара ҳудудида юришибди, бу бизга яхши маълум. Агар жаноб Нурий уларни билмайман деб айтаётган бўлса, у ҳолда мен Афғонистон чегарасидан Қирғизистон чегарасигача эмин-эркин юрган ўнлаб отряд қўмондонларининг номини айтаман. У билиб олсинки, бизга бу ўйинлар тушунарли. Аммо бундай ўйинлар кетаётган бир пайтда қуролли отрядлар суверен давлатга нисбатан босқинчиликни амалга оширмоқдалар, чегараларни бузмоқдалар, уларни доимий равишда қурол билан таъминлаб турибдилар, қирғиз ҳудудида яраланганларни эса бамайлихотир доvon орқали Тожикистонга олиб кетмоқдалар...

Мухбирнинг Қирғизистоннинг доvonни ёпиш ёки ёпмаслик имкониятлари тўғрисидаги саволига И. Каримов қуйидагича жавоб берди:

У ерда, баланд тоғликда, босқинчилар ёқтириб қолган ўнлаб нссиқ булоқли жойлар бор. Қорамик деган бир жой мавжудки, у бир томондан қирғизларга, бошқа томондан эса тожикларга тегишли, қирғизларнинг Ўшидан тожикларнинг Жирғатолигача ва у ёғи Хороггача бўлган йўлда жойлашган. Агар улар Ўзбекистонга қарши курашмоқчи бўлган муҳолифатчи бўлсалар, унда нега улар ўзбек чегарасидан анча узоқ бўлган Қорамикқа уч марта ҳужум уюштирдилар? Шунинг учунки, бу Афғонистондан Хорог орқали Ўшга ўтадиган асосий наркотик ташиш йўлидир, Ўш эса Марказий Осиёдан Европага наркотик моддалар ташишнинг асосий чорраҳаси ҳисобланади.

Хўш, жангариларнинг Ўзбекистонга қарши урушмоқчи бўлганликлари тўғрисидаги фаразнинг бунга нима алоқаси бор?



У ерда чегарачилар у ёқда турсин, ҳатто Тожикистонни Қирғизистондан ажратиб турувчи бирон-бир чегара устунни ҳам йўқ эди. Бу Доғистон доволари эмаски, у жойлар денгиз сатҳидан 1,5 километргина баланд бўлса, бу ерда эса 3,5-4,5 км. баландлик, атрофни бутунлай қалин қор босган: бомба ташла, ташлама — бирор нарсани яксон этиш мушкул, бомбалар қорга тушади, тамом... Жангарилар эса тинчгина у ёқдан-бу ёққа ўтаверадилар. Мен Қирғизистон Президентига нега у ерга чегарачилар қўймайсиз? — деб бир неча марта айтган эдим. Балки уларнинг Тожикистон билан бир-бирларига ишонч тўғрисидаги аҳдлашувлари бўлса керак, ё бўлма-са, шунчаки кучлари етмаётгандир, буни қирғиз раҳбариятидан сўраш керак.

Бугун бизга шу нарса маълумки, жангарилар Хожа Очкан дарида 50 ўринлик касалхона ташкил этганлар. Улар у ерда ўз ярадорларини тузатадилар, керак бўлса уларни Тожикистон ичкарасига, Хоит районига олиб ўтадилар. Қондиқул деган жой бор, у ерда тожикларнинг шахта бошқармасига тегишли санаторий жойлашган. Қондиқул орқали Қирғизистондаги босқинчи гуруҳлар қурол-яроғ, иссиқ кийим-бош билан таъминланадилар, у ерга ярадорлар олиб чиқилади.

Менга аниқки, биз бомба ҳужуми уюштирганимизда, ҳамма ярадорларни у ердан Хоит, Жиргатолга ташиб ўтдилар.

Уларга ким вертолёт берганини жаноб Нурий айтсин! Яраланган таниқли жангари мулло Абдуллони қаерга олиб кетдилар, нима деб ўйлайсиз? Душанбага! Ўша ерда уни операция қилдилар. Мулло ким ўзи, балки ўзбекдир. Йўқ, у ўнлаб бошқаларга ўхшаган, БТМнинг дала қўмондонидир. Унда нимага у ўзбек муҳолифатидан, деган гап тарқатилади, сизлар ҳам уни ўйламасдан илиб оласизлар? Бу жаноб Нурийга керак эди. Яқинда матбуот анжуманини ўтказган А.Комилов (Ўзбекистон ташқи ишлар вазири) бизда мавжуд маълумотларнинг фақат юздан бирини ошкора этди. Биз бундан ҳам кўпроқ айтиб беришимиз мумкин, лекин бироз сабр қилганимиз маъқулроқ...

Чеченистон ва Доғистон чегараларида Россия амалга ошираётган операциялар каби биз ҳам Тожикистон ҳудудидаги террористлар базаларига қарши айнан ана шундай операцияларни уюштиришга тўла ҳақлимиз. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчи-манки: Ўзбекистон бу базаларга шундай зарба беришга тамоман



Кексаларнинг дуосини олган, болалари ҳақида гамхўрлик қилган мамлакатнинг келажаги буюк бўлиши муқаррар.



ҳақлики, у ерда уни анчагача эслаб юришади, ҳатто ўз авлодларига ҳам етказишади. Бундай босқинчилик ҳужумларини биз кечирмай-миз ва биз билан ўйнашга йўл қўймаймиз.

Ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя этамиз, — деб баёнот берди Ўзбекистон Президенти И. Каримов.

ОЛЛОҲ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

«Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар

Савол: Шу йили 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида мамлакатимиз ва чет эл матбуотида турлича фикр-мулоҳазалар, фараз ва талқинлар билдирилмоқда. Улар орасида мутаассиб террорчи кучларга баҳо берганда ислом динининг асл моҳиятини тўғри англамасдан ёндашиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Муҳтарам Президент, шу масала юзасидан Сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдик.

Жавоб: Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Дарҳақиқат, мазкур воқеалар ҳақида нафақат бизнинг матбуотимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кўп-кўп чиқишлар бўлмоқда. Уларда турли хил эҳтимоллар, тусмол ва гумонлар баён этилмоқда. Қабиҳ ниятлар билан қилинган бу мудҳиш ишлар орқасида турган кучларнинг ақлга сиймайдиган қилмишлари тўғрисида ҳолис, вазмин мулоҳазалар билан бир қаторда айрим оммавий ахборот воситаларида асоссиз фикрлар, бирёқлама қарашлар, енгил-елпи хулосалар ҳам кўзга ташланмоқда. Бундай шов-шув гапларга ўч баъзи «чаққон» журналистларнинг, муайян сиёсий ва моддий манфаатлар нуқтаи назаридан иш кўрадиган мутахассис ва шарҳловчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу масалада шахсан менда эътироз уйғотадиган жиҳат шундаки, муқаддас ислом динимизнинг ҳаётимиздаги ўрнини яхши англамайдиган одамлар ҳам бу нозик, мураккаб мавзуга билар-билмас аралашмоқда. Масалага бундай юзаки, бир томонлама ёндашув кишини ранжитади, албатта. Чунки бу хусусда сўз юритаётган айрим муаллифлар бизнинг тарихимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатаётган таъсирини яхши тушунмайди, очикроқ айтсак, бу муаммонинг негизига етиб боролмайди.

اسلام عبد الغنى كريموف

الله

قلوبنا

Ислам Абдулгани КАРИМОВ



**ОМЛОҲ
ҚАЛБИМИЗДА,
ЮРАГИМИЗДА**

*Юртбошимизнинг «Омлоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган сўзлари
халқ хоҳиши-иродаси, эътиқодини тўлиқ намоён этади.*

Бу ҳақда мен «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобимда тўхталиб, дин маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда беқиёс хизмат қилган, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз, дея зикр этган эдим.

Бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлигим, маънавий оламим мазмунини ташкил этади.

Айтмоқчиманки, биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз ўзлгимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беихтиёр Яратгувчининг номи билан боглайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. «Шукр» деган каломни ҳар кун айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам «шукр» ва «тавба» деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, элу юртимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Аллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз. Тугилганда қулгимизга азон айтилади, оила қурганимизда шаръий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юганимизда жаноза ўқилади. Ҳатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий туйгуларсиз яшай олмайди.

Бизнинг мусулмончилигимиз, Аллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадики, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қилади.

Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш учун эмас, имонимиз, эътиқодимиз амри билан адо этамиз. Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиётлари ҳақида кўр-кўрона ҳукм чиқариб бўлмайди. Бу ҳақиқатни мен нафақат февраль воқеалари муносабати билан, балки мамлакатимиз тўғрисида фикр юритадиган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига эслатиб ўтишни жоиз деб билардим.

Савол: Кейинги вақтда баъзи хорижий матбуот нашрларида, айрим мухалиф кучларнинг чиқишларида Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлади, деб шов-шув қилинмоқда. Бундай тахмин ва башоратларнинг бирон-бир асоси борми?

Жавоб: Дунё афкор оммаси яхши биладики, биз Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қурмоқдамиз. Барпо этаётган жамиятимизнинг тамойиллари, ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва умумхалқ томонидан қабул қилинган. Хусусан, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тақомилига етказилди. Биз диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни вақтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган йўлдир.

Президент мамлакат Асосий қонуни — Конституцияга тўла амал қилинишига кафолат берадиган шахс. Шундай экан, мен бутун масъулиятни зиммага олиб айтаманки, юқорида зикр этилган шов-шувларга мутлақо ўрин йўқ.

Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўглиман. Алҳамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.

Оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю, сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсоню, ким мунофиқ риёкор эканини яхши билади.

Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Маълумки, ҳозир дунёда 1 миллиард 300 миллион одам ислом динига эътиқод қилади. Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, Ер юзидаги барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, гўр ёшларни ўз тузогига илинтириб, бош-кўзини айлантдириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик гояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Аллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улўғ алломаларимиз, улўғ



имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу қутлуг заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳроуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Фихривоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуг номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?

Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуг аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик? Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан ҳамбарчас боғланиб кетган. Уларни бири-биридан ажратиб бўлмади. Биз динимизни бу улуг номларсиз, бу улуг номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

Биз мутафаккирларимизнинг қутлуг меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк гоёлари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз.

Бу борада амалга оширган кўп-кўп ишларимиз — динга оид минглаб китоблар нашр этилгани, масжиду мадрасаларни обод қилганимиз, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаганимиз, уларнинг эски замонда оёқости бўлиб қолган абадий масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантирганимиз — буларнинг барчаси халқимизнинг дини исломга меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эҳтиромининг яққол тасдиғи эмасми?

Менга баъзан, ахир диндорлар сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилишди-ку, деган гижгижловчи, очигини айтсам, динга бўлган муносабатимни, керак бўлса, сиёсатимизни ўзгартиришга ундовчи саволлар ҳам беришади.

Бу хусусда менинг нуқтаи назарим, жавобим шундай: ўша мудҳиш воқеалар муносабати билан Олий Мажлисида бўлиб ўтган ҳукумат йигилишида мен ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаймиз, деган қатъий фикрни билдирган эдим. Шу фикрни ривожлантириб айтаманки, мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳқирлашига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч йўл қўймайман. Бу вазифани ўзимнинг

нафақат Президент сифатидаги, балки бир мусулмон инсон сифатидаги муқаддас бурчим деб биламан.

Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соф ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман.

Портлашни содир этган ижрочилар ва бу кучларнинг орқасида турган ёвуз, жоҳил кимсалар эса уларнинг тирногига ҳам арзимайди. Ўзингиз айтинг, ўз она Ватанига қўл кўтарган одам одамми? Бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлган одам одамми?!

Ҳаммамиз яхши биламиз, Қуръони каримда бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Бир бегуноҳ одамни ўлдириш — бутун оламни ўлдириш билан тенг, дейилган. Хўш, ўзини «ҳақиқий мусулмон» деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши қўпоровчилик, хунрезлик, қотилликдан иборат бўлган бу манфур кимсаларнинг мусулмончиликка қандай дахли бор?

Бу фикрдан мени ҳеч ким қайтара олмайди.

Содир этилган қўпоровчилик ҳуружлари хусусида газаб-нафрат билан муносабат билдираётган минг-минг ватандошларимизнинг фикру зикри ҳам айнан шундай эканига имоним комил.

Такрор айтаман: биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмақчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон мурса қилолмаймиз.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

«Халқ сўзи», 1999 йил 6 март.





FRIEDRICH
SHEGEL
STIFTUNG

АЛ-МОТУРИДИЙ ВА САМАРКАНД
СУННИЙЛАК ИЛОХИЁТИ

УЛЬРИХ РУДОЛЬФ

Тошкент - 2002

Ульрих Рудольф

Ал-Матуриди
и суннитская теология
в Самарканде

أبو منصور الماتريدي



Мотуридий бобомиз таълимоти долзарблиги ва ҳаётийлигининг кадр-қиммати орадан ўн бир аср... а хамки тобора ошиб бормоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИМОМ АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1130 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фикҳ оламининг равнақиға улкан ҳисса қўшган йирик аллома, буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий илмий-диний меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги беқиёс ўрни ва мамлакатимиз кенг жамоатчилиги таклифларини ҳисобга олиб ҳамда ушбу меросни авайлаб асраш, қадрлаш ва жамиятнинг баркамол кишиларини тарбиялашда ундан оқилона фойдаланишга шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва жамоат ташкилотларининг 2000 йилда Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби ҳамда Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тadbирлари режаси 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Самарқанд вилоятининг Регистонга туташ Чокардиза қабристонидаги Имом ал-Мотуридий мақбарасини реконструкция қилиш; мамлакат ҳудудидаги Имом ал-Мотуридий номи билан боғлиқ қадамжолар, обидалар рўйхатини аниқлаш ва уларни таъмирлаш — консервация қилиш бўйича белгиланган тартибда таклиф тайёрласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказсин.



4. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Имом ал-Мотуридий асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижодига оид нашрларни ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида чоп этишни нашриётлар режасига киритсин.

5. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган почта маркалари ва хатжилдлар чиқарсин.

6. Ўзбекистон Телерадио компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари Имом ал-Мотуридий ҳаёти ва илмий фаолиятини, юбилейга тайёргарликнинг боришини кенг ёритсинлар.

7. Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш жараёнида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, ҳомийлик қилиш истагини билдирган хорижий ташкилот ва жисмоний шахсларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги таклиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси*

*И.КАРИМОВ
1999 йил 3 декабрь.*



2000

1990 - 2005

Январь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Рамазон ойининг охириги 10 кунлиги «Мурувват ва саховат кунлари» деб эълон қилинди.

10 январь — Вазирлар Маҳкамасининг «Бурҳонуддин ал-Маргиноний таваллудининг ҳижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

31 январь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Тошкент ва Ўрта Осиё Архиепископи Владимир (Иким Василий Захарович) «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Январь — Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийнинг «Сунани Термизий» номли ҳадислар тўпламининг ўзбек тилидаги таржимаси «Адолат» нашриёти томонидан чоп этилди.

Январь — АҚШ Олий Ислом кенгаши раиси Мираҳмадий бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид Баҳромов билан учрашди.

17 февраль — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тўхфаси — Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Куръон нашр этиш мажмуаси томонидан чоп этилган Мусҳаф ҳамда Мадинадаги муборак Масжиди набавий имоми, машҳур қори Иброҳим ал-Аҳдар ал-Қаййим тиловати туширилган магнит тасмалари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетига тақдим этилди.

2-29 март — 3841 Ўзбекистон фуқароси ҳаж ибодатини адо этишга муваффақ бўлди.

19 май — Россия Федерациясининг Президенти Владимир Путин ўзининг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетини зиёрат қилди ҳамда университетнинг фахрли талабаси сафига қабул қилинди.

20 март — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Давра ҳақида»-ги Фатвоси қабул қилинди.

29 март — Вазирлар Маҳкамасининг «Авесто» яратилганининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги 110-сонли қарори қабул қилинди.

27-28 май — Исломнинг Россияда тарқалишининг 1400 йиллиги нишонланиши муносабати билан Москва шаҳри Мэри Ю.М. Лужков раҳнамолигида, Россия муфтийлари кенгаши ташкилотчилигида ўтказилган «Янги минг йилликда Россия мусулмонла-

рининг келажаги» номли халқаро Ислом форумида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ходими С.Фуломов иштирок этди.

6-9 июнь — Кувайт Халқаро хайрия жамгармаси раиси Одил Абдуллоҳ ал-Фалаҳ бошчилигидаги расмий делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди.

11-14 июнь — Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган Ислом олами Кенгашининг халқаро конференциясида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов иштирок этиб, «Асрлар оша диний уламоларнинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида маъруза қилди.

15 июнь — Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимиятлари томонидан ташкил этилган «Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзуидаги амалий семинар бўлиб ўтди.

19-20 июнь — Вена шаҳри (Австрия)да бўлиб ўтган «Марказий Осиё ва ислом» номли халқаро анжуманда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдураззоқ Юнусов «Мустақил Ўзбекистон: исломий кадриятларнинг тикланиши» мавзуидаги маъруза билан қатнашди.

4 июль — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қабрларни зиёрат қилиш одоби» ҳақидаги Фатвоси қабул қилинди.

20-21 июль — Имом ал-Бухорий халқаро жамгармаси томонидан Имом ал-Бухорий кунлари доирасида «Миллий мафкура ва диний кадриятлар» мавзуидаги илмий-амалий анжуман Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида ўтказилди.

23 июль — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Жума ва эҳтиёти пешин ҳақида»ги Фатвоси қабул қилинди.

25 июль — Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Қариндошлик туфайли никоҳи жоиз бўлмаган ҳолатлар» ҳақидаги, «Таллоққа оид айрим масалалар ҳақида»ги Фатволари қабул қилинди.

4 август — Тошкент ислом университети қошида очилган «Зиё» студиясининг илк «Эътиқод мустақиллиги йўлида» кўрсатуви Ўзбекистон телевидениесининг Биринчи канали орқали намойиш этилди.

18 август — Тошкент шаҳрининг Янгиобод маҳалла гузариди (Ҳамза тумани) имом-хатиблар ва шоир, адибларнинг «Адабиёт ва дин — тинчлик ва барқарорлик хизматида» мавзуида «Бир пиёла чой устида»ги давра суҳбати бўлиб ўтди.



25-30 август — Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган диний ва руҳоний лидерларнинг тинчлик масалалари бўйича минг йиллик саммитида Ўзбекистон дин арбоблари — Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов ҳамда Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг протоиереи В.Кондратенко иштирок этдилар.

6 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида"ги ПФ-2712 сон Фармони қабул қилинди.

14-16 сентябрь — ЮНЕСКО «Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида» халқаро конференцияси Тошкентда бўлиб ўтди.

29 ноябрь — Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги 463-сонли қарори қабул қилинди.

ОЗОД ВА ОБОД ҲАЁТ, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ — ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан

Энг асосий вазифамиз — миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, миллий гоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурмати-ни тиклаш каби мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимиз-ни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир.

Ҳар қайси ижтимоий тоифа ва қатламнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, умумий гаплар билан эмас, амалий ишлар билан маънавиятни юксалтириш диққатимиз марказида бўлиши шарт.

Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — имон-эътиқо-ди бутун, продаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни, мустақил дунёқарашга эга, ажодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат.

* * *

Биз ислом дини ота-боболаримиз дини эканини, у биз учун ҳам имон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканини доимо юксак қадрлаймиз. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маъна-вий ҳаётини, дину диёнатимизни мухтасар ифодалаб, айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Динга ҳурмат ва эътиқод - биз учун ўлмас қадриятдир.

Шу муносабат билан такрор айтаманки, биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни пайтда муқаддас динимиз шаънига доғ туширмақчи бўлган, ундан ғаразли сиёсий мақсадларда фойдаланишни истайдиган кимсалар ва кучлар билан ҳеч қачон мурося қилолмаймиз.

«ЖАҲОН ДИНЛАРИ ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ ЙЎЛИДА» ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Сизларни турли дин ва миллатга мансуб инсонлар тинч-тотув ҳаёт кечираётган, маънавий юксаклик ва диний бағрикенглик



қадимдан қарор топган гўзал ва бетакрор Ўзбекистон заминида муборакбод этишдан гоят мамнунман.

Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Айниқса, инсоният мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир.

Бизнинг мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга.

Бу муборак заминда бизнинг аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қарагани, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Кўпмиллатли Ватанимизда бугунги кунда ислом дини вакиллари билан бир қаторда ўн еттита диний конфессия вакиллари ёнма-ён яшаб, ҳамкорлик қилиб келаётгани барча динларнинг моҳияти эзгулик ва яхшиликка хизмат қилишдан иборатдир, деган кўҳна ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

1995 йилда «Бир осмон остида» шиори билан ўтказилган мусулмон ва христиан динлари вакиллари ўртасидаги мулоқот, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси ташкил этилганининг 125 йиллик юбилеи, Ўзбекистон евангель-лютеран жамоаси ташкил этилганининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бу боладаги хайрли ишларнинг ёрқин намунасидир.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда одамларнинг динга бўлган самимий ихлос-этиқодидан ўзининг гаразли ниятларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган қора кучлар кўплаб халқлар бошига кулфатлар ёғдирмоқда. Бу барчамизни, энг аввало, сизларни, динни одамлар бахт-саодати ва ёруғ келажак учун хизмат қилдиришни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган инсонларни ташвишга солади, албатта.






«Жаҳон динлари: тинчлик маданияти йўлида» халқаро анжуманининг очилиш маросими.



ЮНЕСКО Бош директори К. Мацуура.



Анжуман иштирокчилари.



Ишончим комилки, дунё жамоатчилиги, сиздек фидойи инсонлар асрлар мобайнида тинчлик, биродарлик ва ўзаро тотувликка хизмат қилиб келган динларнинг ёвуз террорчи ва экстремистик кучлар қўлида қуролга айланиб қолишига асло йўл қўймайди.

Дунёдаги энг улуг ва энг азиз неъмат бўлган тинчликни асраш, бутун башариятни дўстлик ва биродарликда яшашга даъват этиш, одамларни олий мақсадлар сари бошлаш сизларнинг фаолиятингизда ҳам асосий ўрин тутиб келаётгани, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жаҳондаги ҳар бир инсонда чуқур ҳурмат туйғусини уйғотади.

Ушбу халқаро анжуманнинг тинчлик шиори остида, осойишталик, дўстлик ва биродарликни энг олий қадрият сифатида эъзозлаб келаётган ўзбек диёрида, ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтаётгани ҳам сизларнинг бугунги фаолиятингизга берилаётган ўзига хос юксак баҳо, десам муболага бўлмайди.

Шу билан бирга жаҳондаги кўплаб нуфузли ташкилотлар вакиллари, таниқли дин ва маданият намояндалари иштирокида иш бошлаётган бу анжуман тараққийпарвар дунё жамоатчилигининг турли динлар ўртасидаги эзгу интилишларни барча халқларнинг муштарак мақсади бўлган тинчлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш масалаларига қаратаётганидан далолат беради.

Мана шундай олижаноб ишда барчангизга соғлик-саломатлик, гайрат-шижоат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Тошкент, 2000 йил 14 сентябрь.



ИМОМ МОТУРИДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1130 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚДАН

Қадрли дўстлар!

Диёримизда Имом Мотуридий ва Бурҳонуддин Маргинонийнинг таваллуд айёмлари бир пайтда ўтаётганида чуқур рамзий маъно бор.

Ҳаётининг мазмуни, олижаноб интилишлари муштарак бўлган бу икки улуғ зотнинг мана шу муқаддас макон — Чокардиза қабристонидан мангу ором топгани, ҳоқи поклари ёнма-ён ётганини ҳам Яратганимизнинг қудрати ва марҳамати деб биламиз.

Муҳтарам биродарлар!

Имом Мотуридийнинг фаолияти ва таълимоти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир масалани аниқлаб олиш лозим: унинг меросини нима учун улуғлаймиз, нима учун қадрлаймиз, нима учун бугун ҳам бу мероснинг ҳаётий таъсирини сезамиз?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар биз ислом тарихига назар ташласак, бу илоҳий динни англаш, уни тушуниш, тушунтириш, тарғиб қилиш ва поклигини сақлаш борасида асрлар мобайнида кўп-кўп баҳс-мунозара ва тортишувлар, ҳатто жангу жадаллар ҳам бўлиб ўтганини кўрамиз.

Узоқ тарихимиз давомида баъзи бир разил кучлар мўмин-мусулмонларни чалгитиб, ўзларининг гаразли мақсад ва манфаатларига эришмоқ учун уларни танлаган йўлидан қайтаришга не-не ҳаракатлар ва зўравонликлар қилиб келганига ҳам гувоҳ бўламиз.

Шунинг учун ҳам мусулмон жамияти ислом динимизни асраб-авайлаб, унинг маъно-мазмунини одамларга тўғри ва холис етказиб берадиган, уларни ҳидоят йўлига бошлайдиган фозил шахсларга доимо катта эҳтиёж сезиб келган.

Айтиш мумкинки, Имом Мотуридий ҳазратлари ана шундай тарихий зарурият натижасида майдонга чиққан мумтоз сиймо, улуғ алломадир. Буюк бобомиз яшаган даврда ҳам турли диний фирқа ва оқимлар ўртасида ғоявий қарама-қаршилиқлар, зиддият ва низолар кучайиб, қонли можаролар авж олган эди.

Мўмин-мусулмонлар учун бағоят хатарли ва таҳликали ана шундай бир вазиятда ҳазрати Мотуридий зўр матонат, авлодларга ибрат бўладиган фидойилик намунасини кўрсатди.

Ул зот Аллоҳ таоло ўзига ато этган беқиёс ақл-заковат ва илм билан тўғри йўлдан адашган оқимларга қарши кураш олиб борди.

Лекин бу курашда у ганимларга қарши куч ишлатиб, қилич ялан-ғочлаб жанг қилгани йўқ.

Аллома бугунги кунда ҳам ўз аҳамияти ва таъсирини йўқотмаган ҳаётбахш куч, яъни гоёга қарши гоё, жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлади ва умрининг охирига қадар шу йўлда собит қолди.

У жоҳил кучларнинг таҳдид ва тажовузларидан қўрқмай, ҳидоят йўлини йўқотган фирқаларга қарши кескин раддиялар битди. Ҳазрат Мотуридийнинг асарларидаги илмий асос ва мантиқ қудрати шу қадар кучли эдики, уни ҳатто алломанинг муҳолифлари ҳам охири-оқибатда тан олишга мажбур бўлдилар.

Шунинг учун ҳам Мотуридий бобомиз ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлди.

Мана шу маънода, бу мўътабар зот ўзининг теран илми, пок эътиқоди, сабот ва матонати билан ислом динининг софлиги учун курашар экан, келажак авлодлар манфаатини, сизу бизни ҳам ҳимоя қилган, деб ишонч билан айтишга ҳақлимиз.

Буюк бобомизнинг бутун ислом олами, ўз халқи, ўз Ватани олдидаги яна бир улкан хизмати шундан иборатки, улўф ватандошимиз эътиқод илми — муқаддас динимизни қандай тушуниш ва унга қандай амал қилиш таълимотини янада ривожлантирди. Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини халқнинг миллий урф-одатлари, асрий анъаналари билан уйғунлаштирди.

Ҳазрати Мотуридий ўнинчи асрдаёқ диний гоёларни ғаразли мақсадлар йўлида қуролга айлантириш, мутаассиблик ва жоҳиллик ботқоғига ботиб қолиш қанчалик хатарли эканини асослаб бергани биз учун айниқса, муҳимдир.

Аллома бобомиз: «Дин йўлидаги барча адашувларнинг бош сабаби — риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашишдадир», деган эди.

Бу сўзларнинг нақадар ҳаққоний эканини, ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганини бугун дунёда рўй бераётган юзлаб воқеалар мисолида яққол кўриб турибмиз.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, биродарлар, жаҳоннинг турли бурчакларида қонли низолар асосида содир этилаётган қонли тўқнашувларнинг аксарияти ақидапарастлик, сохта гоёларга кўр-кўрона эргашиш, нодонлик ва жоҳиллик оқибати эмасми?

Муҳтарам ватандошлар!

Имом Абу Мансур Мотуридий қолдирган мероснинг яна бир ибратли томони шундаки, у диний эътиқод борасида ашаддийлик ва тоқатсизликни рад этади, мўътадиллик ва багрикенгликни ёқлаб чиқиб, бу муҳим тамойилни жамият ҳаётининг мезонига айлан-тиришга интилади.



Аллома, ҳар бир инсоннинг ҳаёти Яратган томонидан белгиланади, лекин одамзодга йўл танлаш ихтиёри ҳам берилган, бинобарин, у ўз хатти-ҳаракатлари ва қилмишлари учун аввало Парвардигор олдида, халқ ва жамият олдида масъулдир, деган фикрни қатъий туриб ҳимоя қилади.

Имом Мотуридий таълимоти ана шу инсонпарварлик моҳиятига кўра, инсоният ҳаёти ва тараққиётини яхшилик ва поклик сари, адолат сари йўналтиришга, одамларни миллати, тили, динидан қатъи назар, ўзаро аҳил, баҳамжиҳат, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга даъват этади.

Бу мўътабар сиймо ўзининг «Китоб ут-тавҳид», «Китоб ул-таъвилот» каби ўлмас асарларида халқимизга мансуб бағрикенглик, олижаноблик ва тараққийпарварлик каби улуг фазилатларни ёрқин намён этгани билан ҳам бизга айниқса қадрлидир.

Шу боис Мотуридия мактабида таълим олган турли миллат вакиллари бўлмиш олимлар, ҳазрат Мотуридийнинг минглаб издошлари, маънавий шогирдлари унинг таълимоти ва меросини дунёнинг кўп-кўп мамлакатларидан таргибу ташвиқ этиб, янада ривожлантирдилар.

Ҳурматли биродарлар!

Бугунги кунда, йигирма биринчи аср бўсағасида, башарият мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган бир пайтда диний бағрикенглик, турли динларга мансуб халқлар ўртасидаги мулоқот ва амалий ҳамкорликни кучайтириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугун бобомиз Имом Мотуридийнинг фаолияти ва қолдирган беназир мероси ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда бу меросни янада чуқурроқ ўрганиш, бу зотга катта эҳтиром билан қараб, тадқиқотлар олиб бораётган хорижий олимларнинг, биродарларимизнинг кўмак ва ёрдами билан алломанинг ҳозирча топилмаган бебаҳо асарларини нафақат Ўзбекистон, балки барча мусулмон мамлакатларидан излаш, уларни таҳлил этиш, замондошларимиз ва ёш авлодларга етказиш барчамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросини тиклаш, қадр-қимматини жойига қўйиш, уларнинг қадамжо ва зиёратгоҳларини обод қилишдек бахт сиз билан бизга насиб этганидан ҳар биримиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Имом Мотуридий бобомизнинг муборак мақбарасини қайтадан тиклаб, бу жойни қутлуғ зиёрат-





Имом Мотуридий ҳазратларининг руҳи-поклари шод бўлсин деб.



Биз шиори эзгулик бўлган дунёдаги аҳли ислом қатори динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз. Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман.

гоҳга айлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилган меъмор ва муҳандисларимизга, қўлигул уста ва қурувчиларимизга сямимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз зотларнинг номларини улуғлаб мақбаралари ва қадам-жоларини тиклаб, асраб-авайлаб обод этаверсак, Самарқанд нафақат сайёҳлар маконига, балки бутун дунёдан зиёратчилар интилиб келадиган қутлуғ бир масканга айланиши муқаррар.

Ҳамиша олижаноб ишларнинг бунёдкори бўлган, ўзининг меҳнати, қалб саховати билан мана шундай савоб ишларга муносиб ҳисса қўшиб келадиган Самарқанд аҳли билан, сиз, қадрли ҳамшаҳарларим билан ҳар қанча гурурлансам арзийди.

Азиз ватандошларим!

Бугунги шукуҳли дақиқаларда Имом Мотуридий бобомизни хотирлаб, яна бир бор фарзандлик ҳурматимизни изҳор этар эканмиз, ул зотнинг руҳи поклари шод бўлсин, юртимиз доимо тинч, халқимиз доимо омон бўлсин, дея тилак қиламиз.

Бу табаррук заминдан қут-барака, меҳр-оқибат аримасин!

Барчамизни Парвардигоримиз ўз паноҳида асрасин!



БУРҲОНУДДИН МАРҒИНОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 910 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚДАН

Бугун биз кўп-кўп мумтоз зотларнинг она шаҳри бўлган, не-не авлиё, аллома-ю фозиллар қадами теккан кўҳна Маргилонда башарият маънавий тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк фақиҳ Бурҳонуддин Марғиноний ҳазратларининг табаррук хотирасини ёд этиб, ул зоти шарифга бўлган фарзандлик ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириш учун тўпландик.

Ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намояндаси, шайхулислом Бурҳонуддин Марғинонийнинг номи Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрори Валий сингари улуғ сиймолар қаторида туради.

Нафақат мусулмон олами, балки дунё эътироф этган, Аллоҳ тало берган ақл-заковати билан ислом ҳуқуқшунослиги илмида ўзига хос мактаб яратган, бебаҳо мероси билан мана шу Фарғона диёрини жаҳонга тараннум этган ул зотнинг тарихимиздаги ўрни ва обрўси беқиёсдир.

Ўз ҳаётини дину диёнат поклиги, имон-эътиқод устуворлиги, илм ва адолат тантанаси йўлида сафарбар этган бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида «Бурҳонуддин вал милла», яъни «Дин ва миллатнинг ҳужжати» деган юксак эътирофга сазовор бўлгани ҳам буни яққол исботлайди.

Ҳаммамизга маълумки, Ер юзида мусулмончилик пайдо бўлганидан буён асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида юзлаб олиму уламолар ислом ҳуқуқшунослиги билан машғул бўлиб келганлар.

Лекин бу соҳада ўзи яратган буюк асарлари ва мактаби билан, исломий ҳуқуқ асосларини белгилаб бергани ва шу илмнинг ҳар томонлама ривож топишига қўшган ҳиссаси билан шу заминдан етишиб чиққан бизнинг буюк ватандошимиз Марғиноний ҳазратларига тенг келадиган бошқа аллома камдан-кам топилади, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бурҳонуддин Марғиноний яшаган замон — Шарқ уйғониш даврининг биринчи босқичи бўлмиш X-XII асрларда Мовароуннаҳр заминида илму фан гуркираб ривожланган, жамият тараққиёти учун ислом ҳуқуқини тўғри англаш ва амал қилиш муҳим ижтимоий заруратга айланган эди.



2000–2001 ўқув йили якунланиши арафасида мамлакатимиз Президенти Илом Каримовнинг тухфаси — XIII аср ўрталарида кучирилган Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари Тошкент ислом университети талабаларига тақдим этилди. Тухфани қабул қила туриб, университет талабалари доимий оталарча ғамхўрлиги учун Юртбошимизга ўзларининг чексиз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.



Бурхонуддин Марғионий ҳазратларининг табаррук хотиралари ёд этилган кунлар.





Ул зот ўз асарларида ўша замонларда мўмин-мусулмонлар дуч келадиган долзарб ҳаётий масалалар, жумладан, оилавий ва ижтимоий муносабатлар, мулкчилик, савдо-сотиқ, жиноят ва жазо, инсоннинг бурч ва масъулиятларига тааллуқли кўп-кўп мураккаб муаммоларни исломий ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳал этиб берган.

Шу сабабли аллома нафақат уламолар, балки оддий халқ орасида ҳам «Ҳидоят йўлининг сарбони» дея катта ҳурмат-эътибор топган.

Маргинонийнинг ўлмас мероси, хусусан, «Ҳидоя» — «Тўғри йўл» деб аталган китоби, мана, саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларидаги энг нуфузли ва мукаммал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиб келинаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Айниқса, бу мумтоз асарнинг Европа тилларига ҳам таржима қилингани, бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилаётгани, унга турли тилларда кўплаб шарҳ ва изоҳлар битилгани Маргиноний меросининг умумбашарий аҳамиятидан далолат беради.

Агар биз алломанинг замондошларидан бири айтган «Эй ақл эгаси, «Ҳидоя» — ни ўқиб, магзини чаққин, чунки у сени ҳидоят йўлига бошлаб, энг олий мақсадларга етказгай», деган сўзларини эсласак, ўйлайманки, у зоти шарифнинг авлодлар олдидаги тарихий хизматларини яна бир бор яққол тасаввур қилган бўламиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Азиз меҳмонлар!

Бурҳонуддин Маргинонийнинг бизга қолдирган улкан мероси, эришган шон-шухрати замирида, аввало, унинг ибратли ҳаёти, пок эътиқоди, олижаноб инсоний фазилатлари мужассам.

Бу заҳматкаш аллома ҳаётининг мазмуни бўлмиш элик етти китобдан иборат «Ҳидоя»дек улкан асарни бунёд этгани, ўз асарларида бирор марта ҳам «мен» деган сўзни ишлатмагани, балки «Бу заиф банда айтади», дея камтарона изоҳ бериши ҳар қандай одамни бугун ҳам ҳайратга солади.

Ва унинг улуғ эътиқоди, илму урфон йўлидаги фидойилиги, камтарлик ва хокисорлик фазилатлари бу зотга нисбатан барчамизда буюк ҳурмат ва эҳтиром уйғотади.



2001

1990 - 2005

25 январь – Республика Байналмилал маданият марказида "Ҳамжиҳатлик ва барқарорлик – тараққиёт омили" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

23 февраль – Вазирлар Маҳкамасининг "Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида"ги 92-сон қарори қабул қилинди.

30 март – Ўзбекистон Библия китоб жамияти томонидан амалга оширилган "Сулаймоннинг ҳикматлари китоби"нинг ўзбекча таржимаси тақдимот маросими ўтказилди.

10 апрель – Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Америка Олий ислом кенгаши раиси шайх Муҳаммад Ҳишом Қаббоний ҳамда нақшбандия тариқати раҳнамоси шайх Муҳаммад Нозим Одил Ҳаққонийни қабул қилди.

11 апрель – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва динлараро мулоқот – барқарорлигимиз асоси" номли илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

2 май – «Қуръони карим маъноларининг таржимаси» Абдулазиз Мансур томонидан тайёрланди ҳамда «Тошкент ислом университети» нашриётида 25 минг нусхада чоп этилди.

13 июль – Вазирлар Маҳкамасининг "Ислом дунёсининг Ўзбекистондаги ўлмас тарихий обидалари" фотоальбомини нашр этиш тўғрисида"ги 300-сон қарори қабул қилинди.

31 октябрь – Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида "Терроризм XXI аср вабоси" мавзуида давра суҳбат ўтказилди.

25-26 ноябрь – Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясининг 130 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва илмий анжуман ўтказилди.

28 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

7 декабрь – Вазирлар Маҳкамасининг "Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида"ги 467-сон қарори қабул қилинди.

Декабрь – Ўзбекистон халқлари тарихи музейида "Ўзбекистонда диний муносабатлар" экспонати ташкил этилди.



"КАМОЛОТ" ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЧИНАКАМ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ БЎЛСИН

Ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишида сўзланган нутқдан

Бутун дунёда глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги даврда бундай кучлар ўз гаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай усулларни ишга солмоқда.

Улар бу борада жуда катта куч ва маблағ сарфлаб, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётларидан, бизнинг моддий ҳаётимизда мавжуд бўлган ўткинчи иқтисодий-ижтимоий қийинчиликлардан фойдаланишга уринмоқда.

Бугун тобора такомиллашиб, ҳаётимизга чуқур кириб бораётган телекоммуникация ва интернет каби замонавий воситаларни ҳам ўзининг разил ниятлари йўлида маккорлик билан ишлатишга ҳаракат қилмоқда.

Агар эътибор берган бўлсангиз, бугун матбуотимизда, радио-телевидениеда, адабиёт, кино ва театр, умуман, санъат соҳасида Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Амир Темур, Улугбек сингари умумбашарий тараққиётга улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг тарихий хизматлари кенг ёритилаётгани, шу асосда уларнинг бизга қолдирган ўлмас меросидан ҳозирги авлод қалбида ифтихор туйғуси уйғонаётгани барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Албатта, бундай улуг сиймоларнинг бебаҳо мероси миллатимиз, халқимиз гурурига гурур қўшиб, бизнинг ана шу улуг мутафаккирлар, арбоблар ва азиз-авлиёларнинг ворислари сифатида ягона халқ бўлиб яшашимизда куч-қувват бағишлаб, қаддимизни тик тутиб, эртанги кунга ишонч билан боришимизда мустаҳкам замин бўлади.

2001 йил 24 январь.



МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Москва сафаридан қайтиш чоғида самолётда бўлган суҳбатдан

Хавфсизлик ҳақида гапирганимизда, менинг фикримча, биз унинг уч муҳим томонини ифодалаб беришимиз талаб этилади. Чегараларимизнинг дахлсизлиги бу — биринчи. Иккинчиси — давлатимизнинг хавфсизлиги. Учинчи масала бу — халқимизнинг, одамларимизнинг осойишталиги ва осуда яшашларига шароит туғдириб бериш.

Хавфсизлик деганда, бизлар авваламбор, мана шу уч масаланинг кафолатини таъминлашимиз керак бўлади. Булар чегараларимиз дахлсизлиги, ҳудудларимиз хавфсизлиги, юртимизнинг тинчлигини таъминлаш, халқимиз осойишталигини сақлаш билан боғлиқ мураккаб масалалардир. Уларнинг ечимини топиш учун нима қилишимиз керак? Кимлар билан алоқа боғлашимиз зарур? Кимнинг ёрдамига суянишимиз лозим? Мана шу мақсадимизга тезроқ эришишимиз учун ташқи сиёсатимизда қандай имкониятлардан фойдаланишимиз ва қандай ишларни амалга оширишимиз керак? Биз бу саволларга жавоб топишимиз керак.

Агар хавф-хатарга таъриф берадиган бўлсак, ҳозирги кунда Ўзбекистонга, халқимизнинг тинчлигини кўролмайдиган, унга ёвуз ният билан кўз олайтирадиган кучлар, юртимизда ислохотлар ҳаётимизни яхшилаши борасидаги режаларимиз ҳар томонлама амалга ошаётганини, кундан-кунга шаҳар-қишлоқларимиз, авваламбор одамларимиз ҳаёт даражасининг ўсиб бораётганини кўролмай ёниб кетаётган гаразгўйлар борки, уларнинг, Ўзбекистонга, унинг баъзи ҳудудларига ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб, ўз таъсирини, сиёсатини ўтказиш мақсадларида қилаётган интилишлари, гайриқонуний, жиноят-корона хатти-ҳаракатлари ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. 1999-2000 йилларнинг ёз ва куз пайтларида террористик гуруҳлар баъзи халқаро ташкилотларнинг, дунёдаги ёвуз кучларнинг ёрдамига суяниб Ўзбекистон ҳудудига, умуман, Марказий Осиёга, жумладан, Қирғизистон заминига бостириб кириб, Фаргона водийси аҳолисининг осойишталигига хавф солиб, ўз мақсадларига эришиш учун қилган, ҳозирда бутун халқимизнинг нафратига учраган ҳаракатлари ҳақида гапириш ортиқча. Лекин "бундай хавф ҳали сақлан-яптими?" деган савол тугилиши мумкин. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир киши шундай савол бериши табиий. Негаки, одамларга тинчлик керак! Ҳар бир одам оиласининг омонлигини, ҳудудида, юртида тинчликни ҳамма нарсадан юқори кўяди. Керак бўлса, бугунги рўзгорини осойишта тебратиш ва эртанги кунини бугунги кундан яхшироқ қилишни, яхши яшашни хоҳлайди. Содда қилиб ифодалай-

диган бўлсак, ҳар бир инсон, ҳар бир оила шу ният билан яшайди, барча хатти-ҳаракатларини шу ният сари қаратади.

Шунинг учун бу йил ёз пайтида, июнь ва август келганда бундай ҳаракатлар бўлиши мумкинми, шундай хавф туғилиши мумкинми, деган саволларнинг пайдо бўлиши табиий ҳол. Биз — раҳбарлар, шахсан мен Президент сифатида, ҳукумат аъзолари, авваламбор ўзига шундай саволни бериб, халқни бало-қазолардан асраш учун аниқ жавоб беришимиз керак. Бундай хавф ҳали борми ва бор бўлса, бундай хавфнинг олдини олиш учун нималар қилияпмиз? Шунинг учун мен аниқ айтишим мумкинки, бундай кучлар 1999 йил ва 2000 йилдагидек яна мудҳиш ниятлар билан, Ўзбекистон тинчлигини бузиш мақсадида қилган ҳаракатларини яна такрорлаши, Ўзбекистон заминига бостириб кириши мумкин. Тинчлигимизни бузиш ҳаракатида бўлган кучлар, шундай мақсадлар билан яшайдиган ва шундай ёвуз ниятларни амалга оширишга интиладиган одамлар бизнинг жанубий чегараларимиз яқинида, Тожикистон ҳудудида, Афғонистон ва бошқа ҳудудларда ҳали ҳам бор. Четдан туриб дин ёки бошқа турли хил ниқоблар остида, ёвуз ниятлари байроғи остида одамларни, айниқса, ёшларимизни алдаб, тинчликни бузиш мақсадида юрган ғараз ўй-фикрли кишилар ҳали бор. Биз доимо буни сезиб, ҳушёр бўлиб туришимиз керак.

2001 йил май.



Диний бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик — юртимиздаги тинчликнинг гарови.



МАФКУРАВИЙ КУРАШ МАСАЛАСИ БЎЙИЧА

Олий Мажлис V сессияси танаффус пайтида журналистлар билан бўлган суҳбатдан

Мен шу ўринда улуғ Аҳмад Яссавий бобомизнинг бир фикрини келтириб ўтмоқчиман: "Агар одамда ишонч бўлмаса, одамда дин бўлмаса, умуман, мафкура бўлмаса, у ҳайвонга ўхшаган бир жинсга айланиб қолади". Эътибор беринг, олис ўтмишда яшаган аж-додларимиз ҳам мафкура инсон маънавий камолотининг, жамият тараққиётининг асосларидан бири эканини таъкидлашган. Хўш, биз бугун қандай жамият, қандай ҳаёт қураёмиз? Ва ўзини ана шу жамиятнинг аъзосиман, деб ҳисоблаган, халқнинг тақдирига, эл-юрт тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсон, мана шу мафкура, тафаккур бўйича албатта ўз позициясини, ўз қарашларини аниқлаб олиши керак. Бунинг аҳамияти катта бўлишини кўп маротаба айтганман ва яна такрорлаб айтмоқчиман. Дунёда жуда катта кураш кетяпти, минг бор айтганманки, одамларнинг мафкураси, одамларнинг тафаккури, одамларнинг дунёқарашлари устида, керак бўлса уни ўзгартириш, ўзига мос йўлга буриш масаласида ядровий полигонлардагидан ҳам қаттиқроқ кураш кетяпти. Шу нуқтаи назардан қараганда ёшларимиз ўзининг позициясини, ўзининг бугунги ҳаётдаги ўрнини қандай тушунади? Эски замоннинг бизга қолдирган асорати нимадан иборат деб, сўрашса, мен, боқимандалик, дер эдим. Боқимандалик, айтайлик фақат моддий масалалардагина эмас, умуман, ғоялар бўйича ҳам бор, яъни кимдир келиб бизни бошқаради, ақл ўргатади, йўл кўрсатади, бизнинг юмушларимизни бажариб беради, бизни йўналтириб, етаклаб юради ва биз ҳаётни шу тариқа қураемиз, деган гаплар эски замондан қолган. Бугун бизнинг вазифамиз шундан иборатки, ҳозир ҳаётга кириб келаётган ёшлар бу масалада, ўз қатъий позициясини, ўз мустақил фикрини, ўз ёндашувини албатта, билдириши керак. Агар биз безътибор бўлсак, бўшлиқ, бепарволик қилсак, умуман, бу масалани эътибордан четда қолдирсак, мафкура майдонини бошқалар эгаллаб олади ва ёшларимизни бошқалар етаклаб қаёққа олиб боришини ўзингиз биласиз. Агар "Ҳизбут таҳрир"га ўхшаган оқимларни, буларнинг ҳаракатларини, интилишларини, ёвуз ниётларини инобатга олсак, бунинг оқибатини 1999 йилда бўлиб ўтган воқеаларда яққол кўриш мумкин. Бу масалада, бўшлиқ бўлмайди. Шунинг учун мен кеча айтган гапимни такрорлаб айтмоқчиман: бу масала бўйича зиёлиларимиз, ижодкорларимиз, авваламбор ўз касби, бурчини сезган, ўзининг фидойилигини кўрсат-





Мустақиллик байрами арафасида Ватан ва халқ озодлиги йўлида шаҳид кетган қатағон қурбонлари хотирасини ёд этиш бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишга даъват этади.

моқчи бўлган ижод аҳли шу масала бўйича бўш турмаслиги керак, ўзининг фидойилигини кўрсатиши керак.

Сиз берган иккинчи саволга жавоб қайтаришдан олдин айтилган гапим шуки, умуман Ўзбекистон Ислом ҳаракати, деган иборани ишлатишни маслаҳат бермасдим. Нима учун? Сизда имконият бор, сизнинг огайниларингиз, сафдошларингиз, ҳамкасбларингизнинг кўпини кўрдик, сизлар атайлаб, жўрттага бир масалани "олиб қочиш"га тайёрсиз. Яъни жойларда камчилик ёки муаммо бўлмаса, сизлар худди озуқасиз, ишсиз қолгандек бўласизлар.

Агар Ўзбекистон Ислом ҳаракати деган ҳаракатнинг таркибини жиддийроқ кўрадиган бўлсак, унинг каттаси, раҳбари ким ўзи, унинг таркибини кимлар ташкил қилади ўзи? Сизда имконият бор, телефонда гапиришга устасизлар, бирингиз Машҳаддан туриб телефонда гаплашасиз, бирингиз Лондон билан гаплашасиз ва сизлар кимнинг тегирмонига сув қуяпсизлар ўзи?! Кимга хизмат қиляпсизлар?! Ўзбеклар ҳақида куюниб гапирасизлар; эй, яшасин, бир вақтлар, Чўлпон, Беҳбудий, яна айтайлик, Фитрат, Қодирий ва бошқалар бор эди. Улар бир вақтлар тазйиқ ва қиргин остида қолгани тўғрисида кўп маротаба оғзингизни тўлдириб гапирар эдинглар. Бу озуқа тамом бўлди энди. Сизлар учун бу озуқа йўқ энди. Хўш, нимани қидираяпсизлар? Ўзбек миллатини бирлаштириш, ўзбек миллатининг осойишталигини, бир-бирига меҳрибонлигини, бир-бирига ҳурматини қозониш, керак бўлса, тарбиялаш ўрнига дорнинг тагидан қочган одамларни топасизлар. Ўзбекистонда неча фоизни ташкил қилади улар? Ўзингизга савол беринглар, дордан қочиб кетган одамларнинг сони қанча? Уларни дунёнинг бир чеккасидан топасизлар, телефонда гаплашиб, шу гапларни тарқатиб, ўзингизга озуқа топасизлар.

Шунинг учун мен нима демоқчиман: бу ҳаракатга кимлар аъзолигига қаранглар, уларнинг тарихини ўрганинглар. Ўзбекистонда улар ким бўлган, қаерда бўлган? Мисол учун Тоҳир Йўлдош ким бўлган? Қандай давлат арбоби бўлган ёки Ўзбекистон учун, Наманган вилояти учун қанақа фойдали иш қилган? Мен у билан учрашганман бир вақтлар, 1991 йил декабрь ойида, биласизлар. Ва яна айтайлик, анави Ҳожиёв дегани, Намангоний деган номни ўзига олган. У ким? Босмачи! Уларнинг сафида қанча ўзбек бор? Афгонлардан қанча бор? Қанча бошқа миллат вакиллари бор? Бугун умуман уларнинг номини Ўзбекистон Ислом ҳаракати деб айтишга, қандай ҳақларингиз бор?! Агар улар сизларга ўзларини шундай таништирган бўлса, сизлар уларнинг башарасини, қиёфа-



сини кўрсатишга ҳам йўл топинглар. Нима, имкониятингиз йўқми? Бор. Нима учун шулар тўғрисида гапирмайсизлар? Нега уларга "Сизлар Ўзбекистоннинг қайси чеккасидан чиққансизлар, Ўзбекистоннинг қайси бир тоифасининг манфаатини мужассамлаштириб намойиш этаяпсизлар", деб савол бермайсиз. "Тоҳир Йўлдош, сиз кимсиз, Ўзбекистонда нима аламингиз бор, Сўхга бостириб кирамиз ва ҳоказо деган бемаза гапларни айтиб, бошқаларни кўрқитиш ёки шунинг ҳисобидан яшаш нима учун керак. Кимнинг ҳисобига яшаяпсиз, кимдан маблағ олаяпсиз", дея савол бермайсиз. Кимнинг садақаси ҳисобидан яшаяпти булар, шулар тўғрисида савол беринглар уларга. Ҳой, барака топкур, нима ҳисобидан сенинг тўртта хотининг бор, деб сўрамайсизми? Ҳожиёвнинг нечта хотини бор? Биласизлар, уни ҳам яхши биласизлар. Нима учун сўрамайсизлар?! Барака топкур, битта оилани тебратиш, боқиш учун қанча пул керак? Қандай қилиб бемалол юрибсан, мана, Машҳадга бораяпсан, айтайлик, Қандаҳорга борасан, Кобулга борасан, Покистонга борасан, Исломободга борасан, Пешаварга борасан, дунёнинг бошқа жойларига ҳам бораяпсан ўзингнинг кўпорувчилик мақсадларинг учун. Бунинг пулини сенга ким тўлаяпти, деб нима учун битталаринг ҳам савол бермайсизлар? Ўзингизнинг Лондонда ёки Прагада ўтирган хўжайинларингизга айтинглар. Айтинглар, ким боқаяпти уларни? Шу нуқтаи назардан қараганда яна бир бор сизларга айтаман, кўпорувчи, бўҳтон гапларни тарқатиш билан бизнинг диққатимизни жалб қилишга қанча ҳаракат қилманг, бунга эриша олмайсиз.

Айтайлик, кўпни кўрмаган, сиёсий савияси ҳали етарли бўлмаган одамларга, ёшларгагина таъсирингиз ўтиши мумкин. Мен берган оддий саволларга ҳар бир журналист жавоб қайтара олади, агар ўзининг бурчини виждонан бажарадиган бўлса. Кимнингдир буюртмасини бажариш учун эмас, шунинг ҳисобидан ўзини боқиш, шунинг ҳисобидан ўзига даромад топиш учун эмас. Нон топиб бўлмайди бунинг ҳисобидан. Ватанини сотаётган, ёки Ватанининг манфаатига қарши ишлайдиган инсон ҳеч қачон бой бўлмайди. Билиб қўйингларки, шунинг ҳисобидан ҳеч қачон ўзининг муродига етолмайди. Мен буни Президент эмас, ҳаётни биладиган инсон тариқасида айтаяпман. Гапларни тарқатиш олдидан ўзингиз уларга бир савол беринглар, барака топкур, ўтган йили ўта олдингми, нима учун бу йил ўтмоқчисан? Нима, Ўзбекистон лапашанг бўлиб, Тоҳир Йўлдошнинг одамлари, босмачилари қачон Ўзбекистонга бостириб келади, деб қараб ўтирибдими? Нима, давлат билан курашиш мумкинми. Халқ би-





Қушның тинч — сен тинч.

лан курашиш мумкинми? Чўлпоннинг: "Халқ — денгиздир, халқ — тўлқиндир, халқ — кучдир" деган гапини биласиз-ку? Халқ билан ҳазиллашиб бўлмайди. Шуларни бу муттаҳамларга етказсангиз, ҳали ҳам кеч эмас, ақлини йиғиштириб Ватани ҳақида, тақдири ҳақида ўйласин, яна бир бор айтаман, ҳали ҳам кеч эмас.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИҚДАН БАРЧАМИЗ МАНФААТДОРМИЗ

Президент Ислоҳ Каримовнинг Россия Федерациясига таширифи чоғида Ўзбекистон делегацияси шарафига уюштирилган расмий қабул маросимида сўзлаган нутқидан

Токи 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этиб келаётган афгон уруши тўхтатилмас экан, нафақат Марказий Осиё, балки бошқа минтақалар хавфсизлиги ҳам таҳлика остида қолаверади. Афғонистон бугунги кунда ҳамма турдаги террорчиларни тайёрлаш маконидир, ашаддий диний экстремизм босқинчилигининг маконидир, бутун дунёда етиштириладиган огули героиннинг 70 фоизидан кўпрогини тарқатувчи макондир.

Кўп йиллар давомида БМТ шафелигида, шу жумладан, "6+2" гуруҳи доирасида ўтказиб келинган самарасиз музокаралар тажрибаси, фикримизча, бир нарсадан далолат беради: Афғонистон теварагидаги турли сиёсий ўйинлар тўхтатилган, ён-атрофдаги мамлакатларгина эмас, аввало, дунёдаги энг катта давлатлар, гарб афгон можароси маразли шиш бўлиб, унинг фасоди жуда тез орада уларга ҳам етиб бориб, ҳузур-ҳаловатларини бузишини тушуниб, англаб олган тақдирдагина Афғонистонда тинчлик ўрнатилади.

Москва, 2001 йил 4 май.

РОССИЯГА ҚИЛИНГАН ДАВЛАТ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Айни вақтда радикал диний экстремизм, жангари ислом босқинчилиги ҳам борлигини тан олмоқ керак. У ерда минглаб ана шундай оқимлар бор. Бироқ буларнинг ҳаммаси, аслида, ниқобдан бошқа нарса эмас, ҳаммасининг негизида наркотик моддалар ётади. Бу жуда амалий, умуман олганда, жуда жўн мақсад. Ана шу мақсадга Афғонистон билан чегарадош давлатлар ҳудуди орқали эриш-



моқчи бўладилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, улар Хоруғ ва бошқа шаҳарлар, Тавилдара, Бадахшон орқали Қирғизистонга ўтиладиган йўллардан фойдаланмоқдалар.

Шундай савол беришим мумкин: ўтган йилги воқеалар такрорланадими, яна суқилиб киришадими? Мен фолбинлик қилмоқчи эмасман. Бултур бўлиб ўтган Минск учрашувида МДХ давлатларининг барча бошлиқларига шу мазмундаги саволни бердим. Ўша пайтда биз Қирғизистон ва Ўзбекистонга бўлган тажовуз билан боғлиқ хавф-хатарни эндигина бартараф қилган эдик. Ҳозир, 2001 йилда ўша воқеалар яна такрорланишини айтмоқдалар. Мен бундай одамлардан: "Бу гапни қандай тушунмоқ керак, наҳотки сизлар шундай бўлишини жуда хоҳласангиз? Ёки аҳолини чўчи-тиб, Марказий Осиё ҳудуди, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудуди қайноқ нуқта бўлиб қолади-ю, унинг теварагида ҳар қандай нохушликларни кутиш мумкин, деган фикрни қўзғаш мақсадидагина вазиятни кескинлаштиряпсизми? Шу тариқа хорижий инвесторлар йўлини тўсиб, жамиятни демократиялаш, иқтисодиёт, сиёсат соҳасидаги ислоҳотларга халақит бериш каби ҳодисалар бўлишини хоҳлайсизми?" деб сўрамоқчиман. Бу жуда жиддий мавзу.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ САММИТИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро террорга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, якка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз экани тобора равшанлашмоқда.

Террор, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш конвенциясига келсак, Ўзбекистон уларнинг ҳар қандай кўринишига қарши қатъий чоралар кўриш тарафдори сифатида мазкур ҳужжатнинг барча қоидалари амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр.

2001 йил июнь.



*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш ёшу қариларимиз умрининг
мазмун-моҳиятига айланган.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАЁНОТИДАН

Албатта, ҳаммамиз тушунамизки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган ваҳшиёна, мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин дунёдаги вазият кескин ўзгариб бормоқда.

Америка ҳукумати терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, қўпоровчилик, босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жойларга жўнатаётган ёвуз ниятли марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашдан ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.

Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Бугун терроризмга қарши ташкил қилинаётган коалиция сафига, ўзининг сиёсий тузуми ва қарашларидан қатъи назар, турли давлатлар, шу жумладан, барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари кўшилаётгани эътиборга сазовордир.

Бундай кучлар ва давлатларни бирлаштираётган халқаро ҳамжамиятнинг қатъиятлиги тобора мустаҳкамланиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмаяпти.

Қудратли давлатлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия раҳбарлари бу кураш асло ислом давлатларига, ислом динига, Афғонистон халқи ёки "Толибон" ҳаракатига қарши қаратилмаганини, унинг асл мақсади мудҳиш террор машинасини бутун дунёда йўқ қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқда.

Улар бизнинг мақсадимиз миллионлаб беғуноҳ инсонларнинг бошига кулфат солаётган террор балосини жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан ўчириб ташлашдан иборат, деб такрор-такрор айтмоқда.

Куни кеча Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан имзоланган фармон бўйича фақатгина Афғонистоннинг жафокаш халқига моддий, аввало, озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар ажратилаётганининг ўзи терроризмга қарши бошланаётган кураш афғон халқига, унинг



АҚШда содир бўлган 11 сентябрь воқеалари терроризмнинг ҳақиқий ва мудҳиш башарасини дунё аҳлига кўрсатди.

манфаатига қарши эмаслигининг яққол намоёни деб қабул қилишга асос бўлади.

Албатта, барчани қизиқтираётган масала — бу воқеаларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган савол бўлиши табиийдир.

Аввало, шуни айтишим керакки, терроризмнинг даҳшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшаётган инсонлар бевосита ўз ҳаёти, ўз тақдири мисолида яхши билади. Агар 11 сентябрь воқеалари кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разил кучнинг даҳшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келганмиз.

Халқимиз терроризмдан қанча жафо чеккани, ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётдан орзу-умиди кўп бўлган не-не навқирон ёшларимиз ҳалок бўлганини биз унутишимиз мумкинми?

Андижон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар содир этган қотилликларни унутиб бўладими?

Ёки кейинги икки-уч йил мобайнида чегарамиздан ўтиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг қўпоровчилик ҳаракатларини, уларнинг ойлар давомида халқимизнинг тинч ҳаётини безовта қилганини, қанча-қанча бегуноҳ одамларимизнинг умрига зомин бўлганини эсдан чиқара оламизми?

Бу босқинчи тўдаларнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган наркотик моддалар туфайли бутун дунёда минг-минглаб ёш инсонларнинг умри хазон бўлаётганига бефарқ қараб бўладими?

Биз, одатда, аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини, оналар, аёлларимиз ва болаларимизни асраб-авайлаш мақсадида мана шундай жангари тўдалар, уларнинг қабиҳ кирдикорлари билан боғлиқ кўп маълумотларни доим ҳам ошкор этолмаймиз.

Лекин мен фақатгина бугун эмас, олдиндан ҳам — давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда балоқазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимни, бу даҳшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим деб биламан.

Модомики, ён-атрофимизда мана шундай хавф-хатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чораларни кўраётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Биз бу йил ёз ойларида Сариосиёда қуролли кучларимизнинг ҳарбий машқларини ўтказдик. Чунки бугун сарҳадларимизда, тун зулматидан фойдаланиб, бизга пинҳона зарба бериш ниятида изғиб юрган ёвуз кучлар борлигидан хабардормиз.

Бугун "Толибон" биқинидан паноҳ топиб, Мозори Шариф ёки Тоҳарда, Қундуз ёки Кобулда, Қандаҳор ёки Шибиргонда бўладими, ҳарбий лагерларда одамқушликни касб қилиб, Ҳайратон кўпригининг нариги томонида бизга ўзининг жирканч башарасини кўрсатиб, тиш қайраб турган ана шундай террорчи газандаларнинг уяси борлиги биз учун сир эмас.

Ашаддий террорчи Жума Намангоний "Толибон" армиясининг кўмондонларидан бири бўлиб юргани, Шимолий Афғонистон иттифоқига қарши уруш олиб бораётган кучлар таркибида Ўрта Осиёдан чиққан 400 та жангари иштирок этаётгани ҳам кўп нарсани англамайдимиз?

Шулардан хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлдан қайтариш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини издан чиқаришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган бу мудҳиш кучларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг орқасида турган экстремистик марказлар томонидан берилаётган ёрдамга боғлиқ экани бизга яхши аён.

Ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик. Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз кучлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Бу савол шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон олдига қўндаланг бўлиши ва ҳар бир одам унга ўз ақлини ишлатиб, виждонан жавоб бериши керак.

Мана энди фараз қилайлик: эртага юртимизга қарши босқинчилик ҳуружи бошланса, биз бу бало-қазони баргараф этиш учун кимдан, қаердан кўмак ва ҳимоя топишимиз мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Қуролли Кучларимизга, халқимизнинг имон-эътиқоди ва қатъиятига суянишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очиқ чеҳрасига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни такрор айтмоқчиман: биз энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак.

Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида катта имкониятлар, катта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхта-маса, бундай уюшган ваҳший кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз огир бўлмайдами?





Оқ уй маъмурияти Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин?

Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?

Бу саволлар табиий, албатта.

Шунинг учун ҳам халқаро терроризмга қарши курашда қатъият билдираётган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, хавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, кўмагига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.

Ёки дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни таг-томири билан кўприб ташлашга тайёр эканини билдираётган бир пайтда, Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сиёсат билан чиқса, жаҳон майдонида бошқалар буни қандай тушунади?

Яъни, биз — терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланиб бораётган мудҳиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?

Акс ҳолда, вақти келиб, биз халқаро терроризм қаршисида, Ўзбекистондан қочган жиноятчи кимсалар ва уларнинг ортидаги экстремистик марказлардан куч олаётган ҳаракатлар қаршисида ёлғиз бўлиб қолмаймизми? Ва бундай пайтда ким бизнинг овозимизга, даъватимизга қулоқ солади?

Бу ҳам биз жавоб топишимиз шарт бўлган мураккаб савол.

Икки-уч йилдирки, халқимиз террорчи газандаларнинг жабрини тортиб келяпти, уларга қарши курашда қанча фарзандларимиз қурбон бўлди. Мана шундай оғир дамларда ким бизга ёрдам берапти? Ёрдам у ёқда турсин, ўзини "Ўзбекистон исломий ҳаракати" деб атайдиган босқинчи тўда билан сиёсий "ўйин" қилаётган айрим катта давлатлар ва кучлар пайдо бўлганини ҳам кўриб турибмиз.

Ҳозир бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўрни эмас, лекин ҳақиқий вазият, ҳақиқий аҳвол шундай.

Бугун мен Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти, бу давлатнинг расмий вакиллари билан халқаро террорчиликка қарши



биргаликда курашиш бўйича музокаралар олиб бораётганимиз ҳақида очиқ маълумот беришим керак.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда шундай мулоқотлар бўляпти. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ҳали бу масалада бирон-бир ҳужжат имзолангани йўқ.

Ҳозирги кунда ана шундай ҳамкорликка асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат устида иш олиб боряпмиз. Бу ҳужжатларда ўзаро мажбуриятлар, шу билан бирга, ўзаро кафолатлар ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг бу масала бўйича принципиал ёндашувимиз Америка Қўшма Штатлари Президенти Буш жаноблари билан телефонда бўлган мулоқотда, мудофаа вазири жаноб Рамсфельд билан бўлган бугунги суҳбатда аниқ баён этилди.

Яъни, бизнинг позициямиз қуйидагича:

1. Мамлакатимиз ҳаво ҳудудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш.

2. Ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган битта ҳарбий аэродромга Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун рухсат этиш. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолияти учун тегишли шароит яратиб бериш. Биз бу аэродромни бутунлай уларнинг ихтиёрига бераётганимиз йўқ. У ерда ўзимизнинг ҳарбий самолётларимиз ҳам қолаверади.

4. Америка Қўшма Штатларининг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Улар оз сонли бўлиб, фақат транспорт – юк ташийдиган самолёт ва вертолётлардир.

Шунингдек, биз иккита муҳим масала бўйича ўз принципиал қарашимизни баён этамиз:

1. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

2. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди.

Халқаро терроризмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги бизнинг позициямиз ана шундан иборат.

Ўйлайманки, бундай ёндашув давлатимиз манфаатларига ва халқаро ҳуқуқ мезонларига мос келади.

2001 йил 5 октябрь.

МАҚСАДИМИЗ – ТИНЧЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессиясида сўзланган нутқдан

Ҳозиргача олинган маълумотларга кўра, бу террорчилик ҳаракати натижасида 6 ярим мингдан зиёд одам қурбон бўлгани ҳам унинг нечоғли даҳшатли бўлганини кўрсатиб турибди.

Эндиликда террорчилик инсоният бошига мислсиз кулфат келтирувчи ёвуз кучга айланиб кетганини, даҳшатли балою офат эканини ўз ҳаётида кўриб, унинг таъсирини сезиб, унга қарши биргалликда курашиш вақти-соати етганини, бу курашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини англаб етди.

Нега деганда, ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий нуқтаи назардан жуда кучли, ўз чегараси ва ҳудудини кўриқлашга қодир бўлган, ўз халқининг тинчлиги ва хавфсизлигини сақлашда энг юқори технологияларга эга, бу борада миллиардлаб доллар сарфлаётган давлатлар ҳам террорчилик хавфидан четда қоломаслиги аён бўлди.

Бу воқеалар нафақат кичик давлатлар, балки энг замонавий қуролларга эга бўлган қудратли давлатлар ҳам бу хатарга қарши курашда етарли даражада тайёр эмаслигини кўрсатди.

Бу даҳшатли, лекин аччиқ ҳақиқат бугун барча қитъалар ва мамлакатларга, мана шу рўйи заминда яшайдиган миллионлаб одамларнинг онгу шуурига етиб борганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Кимки террорчилик хавфининг қандай улкан кўлам касб этганини тушунмаган бўлса, мана шу кейинги воқеалар мисолида яққол тушуниб олди.

Бу офатнинг қандай кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида гапириб, эй одамзод, кўзингизни очинг, огоҳ бўлинг, бугун терроризмнинг даҳшатли қиёфасини англаш вақти етди, деб даъват этган эдим.

Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига етиб бориб, жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш – барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак, бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт, деган мазмунда айтган сўзларимни бугун яхши эслайман.

Ўша анжуманда мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида антитеррористик марказ ташкил қилиш, юқорида зикр этил-





Президент Ислам Каримов Нью-Йоркда 11 сентябрь воқеаларида бегуноҳ қурбон бўлганларнинг хотирасини ёд этаётган пайт.

ган вазифаларни адо этиш учун бу марказни зарур маблаг билан таъминлаш, унга тегишли ваколат ва ҳуқуқлар бериш масаласини ўртага қўйганимни ҳам бугун яна бир бор эслатмоқчиман.

Бундан ҳам илгари, яъни, 1993 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида ҳам Ўзбекистон давлати номидан шу муаммони кўтарганимни жамоатчилигимиз яхши билади, деб ўйлайман.

Минг афсуски, бу даъватларни ўша пайтда ҳеч ким эшитмади, огоҳ бўлмади.

Мана энди, бугун кўплаб давлатларнинг арбоблари бу масалада кўзи очилиб, унинг даҳшатли оқибатларига ақли етиб, бир-биридан ўзиб, бу борада турли таклифларни ўртага ташламоқда.

Ўйлайманки, кеч бўлса ҳам у масалани бугун охиригача етказиш, ҳар томонлама чуқур ва кенг кўламда ўйлаб, халқаро Антитеррористик марказни тузиш зарур.

Бу марказнинг вазифаси террористик кучларнинг манфур башарасини фош этиш, уларнинг молиявий ва мафкуравий илдизларини кесиб ташлашдан иборат бўлиши даркор.

Дунё ҳамжамияти агар инсониятнинг хавфсизлиги, келажаги ҳақида ўйласа, шунга иқроп бўлиши керакки, терроризм балоси

туфайли дунёда вужудга келган ҳозирги мудҳиш ҳолатни шундайлигича қолдириб бўлмайди.

Бугун терроризм таъсирини ўз мамлакати мисолида кўриб, ундан жабр чеккан Америка халқи, президент Жорж Буш жаноблари, АҚШ Конгресси, мамлакат Қуролли Кучлари, махсус хизматлари Американинг бутун куч-қудратини терроризм балосига қарши курашга сафарбар этиш юзасидан муҳим таклифлар билдирмоқда.

Дунёнинг турли мамлакатларига уя қуриб олган халқаро террорчилик марказларига зарба беришга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ва терроризмга қарши курашда АҚШ узоқ-яқиндаги барча давлатлар билан коалиция тузиш, бу балога қарши биргаликда курашиш фикрини илгари сурмоқда.

Жаноб Буш яқинда конгрессда сўзлаган кескин ва таъсирчан нутқида ана шу масалаларни ўртага қўйди ва бутун давлатларнинг куч ва имкониятларини шу мақсад йўлида бирлаштиришга даъват қилди.

Айниқса, АҚШ Президентининг "Биз ислом динига қарши эмасмиз, ҳеч қачон қарши бўлган эмасмиз ва ҳамيشа ислом динини ҳурмат қилиб яшамоқдамиз, миллион-миллион Америка фуқаролари ҳам ислом динига эркин эътиқод қилиб келмоқда, бунга ҳеч қандай тўсиқ йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас", — деган сўзлари эътиборга сазовордир.

Бундан ташқари, Буш жаноблари АҚШ Афғонистон давлатига, Афғонистон халқига эмас, балки бу мамлакат ҳудудида ўрнашиб олган террорчи газандаларга, уларнинг марказ ва полигонларига қарши уруш эълон қилганини баён этди ва "Толибон" ҳаракати олдига қуйидаги талабларни қўйди:

– Афғонистон ҳудудида жойлашган "Ал-Қоида" террористик ташкилоти раҳбарларини ушлаб бериш;

– Афғонистон ҳудудида мавжуд бўлган, террорчи гуруҳлар тайёрлайдиган барча база ва полигонларни бутунлай йўқ қилиш;

– Афғонистонда паноҳ ва ҳимоя топган халқаро террорчиларни тегишли давлатларга топшириш ва бундай тўдаларни асло қўллаб-қувватламаслик.

Кўриниб турибдики, бу ҳаққоний талабларнинг биронтасига эътироз қилиб бўлмайди. Айтишим керакки, АҚШ Президенти томонидан қўйилган талаблар замирида терроризм балосидан зиён кўраётган, бегуноҳ қурбонлар бераётган, унинг мудҳиш таъсирини ўз мамлакати ҳаётида сезиб яшаётган бир қанча давлатларнинг бу масаладаги қарашлари ҳам ўз ифодасини топган.



Шундай давлатлар қаторида Ўзбекистон ҳам бор ва унинг жамоатчилиги терроризмга нисбатан қўйилган бу талабларга қўшилади, деб ўйлайман. Бу талаблар бугун биз терроризм туфайли бошимиздан кечираётган дарду аламларни ифода этади ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришдек мақсадларига, миллий манфаатларимизга тўлиқ жавоб беради.

Биз минтақамизда терроризм ўчоқларининг тугатилишидан манфаатдор эканимизни ҳисобга олган ҳолда, АҚШ томонидан халқаро терроризмга қарши кураш борасида режалаштирилаётган ҳаракатларга кўмак беришимиз ва бутун маърифий дунё сафига қўшилишимизни табиий, деб биламан.


2001 йил 26 сентябрь.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Биз юртимизда тинчлик-осойишталик бўлсин, осмонимиз мусаффо бўлсин, деган гапларни дуои фотиҳа каби кўп такрорлаймиз, деди жумладан Президент. Тўғри, тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъматидир, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидларимиз манбаидир. Лекин, "тинчлик бўлсин", деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно-мазмуни нечоғли теранлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Маъно-мазмуни англамаган сўзнинг эса таъсири ҳам, қадри ҳам бўлмайди. Айниқса, халқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар остонамиз олдида турган ҳозирги пайтда фақатгина шундай тилаклар билан чекланиш кифоя эмас. Бундай эзгу даъватлар замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши керак. Ахир, тинчлик-осойишталикни қуруқ ваъзхонлик билан сақлаб бўладими?

Бир ўйлаб кўрайлик, турли давлатлар, турли сиёсий кучларнинг бир-бирига зид бўлган манфаатлари ўзаро тўқнашиб ётган бугунги мураккаб дунёда тинчлик-осойишталикни сақлашга ўз-ўзидан, осонликча эришиб бўладими?

Афсуски, бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши, деган нотўғри тушунча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага авваламбор мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётининг зарурати, уни сақлаш шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.



Тошкентдаги «Кукалдош» мадрасаси.

Шунинг учун ҳам бугун ҳар биримиз "Тинчлик-осойишталикни, шу мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қиялман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечишга тайёрманми?" деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур.

Масалан, "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиорни олайлик, деди Президент, бугунги кунда мана шу долзарб вазифага барчамиз етарли аҳамият беряпмизми?

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда бу борада ҳали-ҳануз бегамлик, лоқайдлик, ўзибўларчилик ҳолатларига йўл қўйилмоқда. Ҳолбуки, бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш – бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим.

Энг аввало, террорчилик хавфининг жирканч башарасига тик қараб, уни фош этишимиз, бу бало-қазони ўз номи билан аташимиз даркор.

Айрим маҳаллаларда турли уйдирма гаплар, варақалар тарқатаётган, ўгрилик, бузгунчилик қилаётган ғаразли кимсаларнинг, дин номидан қабиҳ ният билан даъват юргизаётган баъзи бир бемаза одамларнинг кирдикорларига бепарво бўлиб чидаб юришнинг ўзи бундай қора ниятли кимсаларга кўмак беришдир, деб билишимиз керак.

Афсуски, баъзи одамлар мана шундай бемаъни ишларни кўриб кўрмасликка олади, бунинг менга бевосита дахли йўқ, деб ўйлайди. Ваҳоланки, бу каби бегамлик қандай аянчли оқибатларга, оғир фожиаларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу аччиқ ҳақиқатнинг исботини ўз ҳаётимизда ҳам, бошқа мамлакатлар мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз.

Шу ўринда бир савол тугилади: биз тинчлик ўз-ўзидан бўлаверди, деган содда, очигини айтганда, сохта ва зарарли тасаввурдан қачон қутуламиз?

Яна бир тоифа кишилар борки, уларнинг фикрича, гўёки биз Ватанимизни, халқимизни ҳимоя қилиш йўлида қатъият кўрсатсак, разил террорчиларга қарши дунё ҳамжамияти билан бирга-гикда очиқ курашадиган бўлсак, улар бизга қарши жиҳод эълон қилар эмиш.

Кўрқитиш, дўқ-пўписа қилиш, ҳар хил фитналар уюштириш – террорчиларнинг қуроли эканини яхши биламиз. Лекин одамнинг қаҳру газабини кўзгайдиган жойи шундаки, дор остидан қочган, қўли қон бу жиноятчи кимсаларнинг муқаддас динимиз номидан гапиришга нима ҳаққи бор?

Диншунос олимлар, уламоларимиз нега бу масала бўйича ўз фикрини билдирмайди, бу даъватларга ҳам илмий, ҳам диний нуқтаи назардан зарба бермайди?

Жангари тўдаларнинг бундай дагдагасини, халқимиз таъбири билан айтганда, қўрққан олдин мушт кўтарар, деб аташ кераклигини одамларга тушунтириш зарур эмасми?

Ахир, бир ўйлаб кўрайлик, биз киммиз, кимларнинг авлодимиз? — деди Президент. — Эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек асрий орзусига эришиб, зулм-зўравонликдан, қарамликдан эндигина ҳалос бўлган халқимиз мана шу манфур кучлар олдида тиз чўкадимиз? Уларнинг ўз бузгунчи гоёлари билан фарзандларимизни ёмон йўлларга бошлашига, ўз ота-онаси, халқи, Ватанига душман қилиб қўйишига томошабин бўлиб қараб турагимиз? Йўқ, асло!

Биз буюк ва қаҳрамон аجدодларимизнинг ворислари сифатида халқимизнинг, миллатимизнинг шаънини пок асраб яшамасак, бу уларнинг ўлмас руҳи олдида хиёнат бўлмайдими? Акс ҳолда, бизга ишониб, умид кўзини тикиб турган болаларимиз, невараларимиз олдида ким деган одам бўламиз? Истиқлол йўлида, озодлик йўлида чеккан шунча заҳмат ва машаққатларимиз зое кетмайдими?

Биз тинчлик ва осойишталикни, озодлик ва адолатни юксак қадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур бўлиб яшашга ўрганган халқимиз, — деб таъкидлади Ислоҳ Каримов. Биз — Жалололдин Мангуберди, Амир Темур сингари буюк зотларнинг авлодлари, ўз она юртимизда озод ва мустақил яшашга ҳақлимиз. Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, ор-номусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз.

Энг муҳими, қалбимизда гуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз.

Бизни қўрқитмоқчи бўлаётган галамислар шуни билиб қўйсинки, биз ҳеч кимга бош эгмаганмиз ва ҳеч қачон бош эгмаймиз.

Биз бу гапларни кимларнидир қўрқитиш учун айтаётганимиз йўқ. Бирон-бир давлатнинг ички ишига, эркинлигига дахл қилиш нијатимиз ҳам йўқ.



Бундай ёндашув Афғонистонга ҳам тегишли. Куни кеча эълон қилинган Баёнотда айтилганидек, биз ҳарбий ҳаракатларда қатнашаётганимиз йўқ. Фақат гуманитар ёрдам кўрсатиш ишларини олиб бориш учун кўмак берамиз.

Бизнинг мақсадимиз — дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг бахт-саодатидан қувониб, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш. Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизни ҳам мана шу руҳда тарбияляяпмиз.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистон ҳудудига уя қуриб олган экстремистик марказлар террорчиликка қарши қаратилган ҳаракатларни гўёки бутун ислом дунёсига қарши қилинаётган ҳужум деб кўрсатишга уринаётганига эътиборни қаратди.

Одам қиёфасини йўқотган бу каллакесарларнинг на дини, на миллати бор, бинобарин, уларнинг ислом оламига, мусулмон дунёсига ҳеч қандай алоқаси йўқ, дея давом этди Юртбошимиз. Ҳаммамиз яхши биламизки, Қуръони каримда бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Ўзини мусулмон деб даъво қиладиган, лекин қилмиши қўпоровчилик, қотиллик, бутун-бутун халқларнинг ҳаётини барбод этишдан иборат бўлган бу манфур тўдаларга ислом дунёси номидан гапиришга ким ҳуқуқ берди?

Ишончим комилки, имони бутун, иродаси бақувват, буюк аждодларимиз руҳидан куч ва мадад олиб яшайдиган халқимиз террорчи гуруҳларга қарши дунёдаги барча соф ниятли кучлар билан бирлашиб, ўзининг азму шижоати ва қатъиятини намоён этиб, терроризм деган жирканч иллатни дунё халқлари ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, — деди Ислам Каримов пировардида.

Дарҳақиқат, тинчликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш кундалик ишимиз, муқаддас бурчимиз экан, ҳар қайси фуқаро, аввало, ўз вазифасини виждонан адо этиши, шу билан бирга, гаразли мақсадда қилинаётган информацион хуружларга, уйдирма ва миш-мишларга берилмасдан, содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараши, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар-қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон куйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб, огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур.

2001 йил 10 октябрь.



Аждодларимиз илмий мероси қўлёзмаларда мужжасам бўлиб, улар миллий ва диний қадриятларимиз асоси ҳисобланади.



«Тошкент ислом университети» нашриётининг маҳсулотлари.

БИЗ УЧУН ХАЛҚИМИЗ, ВАТАНИМИЗ МАНФААТИДАН УЛУФ МАҚСАД ЙЎҚ

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг VII сессиясидаги маърузадан*

Муҳтарам халқ ноиблари!

Барчамизни ташвишга солаётган, сиёсатдан, ҳар хил сиёсий ўйинлардан узоқ бўлган, оқни оқ, қорани қора, деб биладиган кўплаб содда одамларни чалғитишга қаратилган яна бир масала борки, биз унга ҳам алоҳида эътибор беришимиз керак.

Яъни ўлим талвасасига тушиб қолган террорчиларнинг одамларни алдаш, уларнинг онгини бузгунчи гоёлар билан заҳарлаш, керак бўлса, оқни қора деб кўрсатишга уринишларини, уларнинг бу йўлда ҳар қандай қабоҳат ва разилликдан ҳам тап тортмаслигини биз доимо ёдда тутишимиз зарур.

Бунинг хавфли томони шундан иборатки, инсон қиёфасини йўқотган, қўли қон террорчилар ва уларнинг "доҳий"лари мўмин-мусулмонларнинг соддалигидан, диний ҳиссиётларидан фойдаланиб, ўз жинояткорона қилмишларини ислом дини номидан хаспўшлашга интилмоқда.

Бундай кучларнинг маккор тарғиботчилари нафақат Афғонистон, балки бошқа кўплаб давлатларда ҳам жойлашиб олиб, бугунги кунда терроризм марказларига берилаётган зарбаларни барча мусулмонларга қарши, ислом динини бутунлай йўқ қилишга қаратилган уруш, деб жар солмоқда.

Шунинг учун, такрор айтаман, бугун атрофимизда рўй бераётган воқеалар, хусусан, Афғонистондаги вазиятни инобатга оладиган бўлсак, кенг жамоатчилигимизнинг асосий бурчи халқимизни, одамларнинг онгу тафаккурини, биринчи галда ана шундай ёлгон ташвиқот, гаразли уйдирма ва миш-мишлар таъсиридан асраш бўлмоғи лозим.

Мен хаёлан яна ва яна ўта муҳим бир масалага қайтаман. Ва шу масалани бугун ойдинлаштириш зарур, деб ўйлайман.

Агар мендан бугунги гоёт мураккаб, таҳликали бир вазиятда ўзимизни, юртимизни ҳимоялаш учун, одамларимизнинг, миллатимиз ва халқимизнинг онгини, тафаккурини ёвуз таъсир ва чалғитишлардан асраш учун нима қилиш керак, бу борадаги энг муҳим вазифа нимадан иборат, деб сўраса, мен, энг аввало, дину диёнатимизни, унинг софлигини асрашимиз зарур, деб айтган бўлардим.

Кимга қандай туюлмасин, бугун динимизнинг асл моҳиятини асраш, унинг маъно-мазмунини нақадар пок ва эзгу эканини,

дин биз учун асрлар давомида ўзлигимизни, миллатимиз, наслимизнинг энг яхши қадриятларини сақлаб қолишда буюк ҳаётбахш куч бўлиб келаётганини такрор ва такрор таъкидлашимиз, бу ҳақиқатни одамларнинг онгига сингдиришимиз даркор.

Айнан шунинг учун ҳам, бугун биз яна дину диёнатимиз ҳимояси йўлида қатъий туришимиз: "Эй, ватандошлар, биродарлар, динимизни, имонимизни асрайлик", деб, баланд овоз билан айтишимиз керак.

Агар биз бугун дину диёнатимизни уни бузиб талқин этаётган кимсалардан ҳимоя қилмасак — шундай хатарни яқин тарихимизда ва бугуннинг ўзида ҳам бошимиздан кечирмоқдамиз — одамлар, айниқса, ҳаёт тажрибаси, онгу тафаккури ҳали старли бўлмаган ёшларимиз эртага ана шу кучларнинг машъум таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Бизнинг ислом динига бўлган ихлосимиз, эътиқод ва садоқатимизни бутун жаҳон аҳли кўриб-билиб турибди. Мен сўнгги йилларда юртимизда диний қадриятларни тиклаш, улуғ уламоларимизнинг муборак қадамжоларини обод қилиш, динимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш йўлида амалга ошираётган катта-катта ишларимизни эслаб ўтирмоқчи эмасман.

Лекин кейинги ўн йил мобайнида муқаддас Қуръони каримнинг она тилимиз — ўзбек тилида минг-минг нусхада икки марта нашр этилганининг ўзи ана шу эътиқод ва садоқатимизнинг яна бир исботи эмасми?

Бизнинг мана шу муборак заминимиздан номлари бутун мусулмон оламида чексиз эҳтиром билан тилга олинадиган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Маргиноний, Баҳоддин Нақшбанд каби улуғ алломалар етишиб чиққани билан барчамиз фахрланамиз.

Айни пайтда, динни ниқоб қилиб олган жиноятчи тўдалар, қаллоб ва чаласавод кимсалар дунёга ана шундай мўътабар зотларни берган юртимизга, энг огир замонларда ҳам Аллоҳни ҳамиша қалбида, юрагида сақлаб келган халқимиз шаънига турли бўҳтонлар ёғдиришдан тоймайди. Терроризмга қарши бошланган курашни бутун ислом динига қарши уруш, деб кўрсатишга уринаётган бу манфур кимсалар мусулмонларни ҳимоя қилиш керак, деган қабиҳ игволарни тарқатишдан ҳам қайтмайди.

Шу муносабат билан мен айтмоқчиман: ҳа, бугун динимизни асраш керак, мўмин-мусулмонларни ҳимоя қилиш керак.

Лекин динимизни биринчи галда, ўзини "чин мусулмон" деб даъво қилаётган ана шу ёвуз кучлардан, ҳар қадамда жиҳод деб



оғиз кўпиртириб, дин номидан бузгунчилик қилаётган қонхўр ва қотиллардан асраш керак.

Мусулмонларни ўз орамизда юриб, адоват ва низо уругини сочаётган фирибгар одамлардан ҳимоя қилиш керак.

Кўп асрлик тарих шундан далолат берадики, динимизни ана шундай зарарли таъсирлар, кўпоровчи кучлардан ҳимоя қилиш зарурати ҳамма замонларда ҳам долзарб муаммо бўлган.

Биргина ўтган йили муборак таваллуд санасини нишонлаганимиз буюк мутафаккир бобомиз Имом Мотуридийнинг дини ислом моҳиятини бузиб талқин қиладиган турли оқимлар ва уларнинг намояндаларига қарши қандай матонат ва маърифат билан курашганини эслайлик.

Ҳидоят йўлини асраш ва авайлаш кераклигига даъват этган бобомиз Имом Маргиноний насиҳатларини эслайлик.

Хўш, айтинглар, азиз дўстлар, биродарлар, юртимизда яшаб ўтган динимиз ривожига унутилмас ҳисса қўшган ана шундай улуг аждодаларимизнинг бебаҳо мероси, ўлмас асарларида бирон-бир гаразли фикр борми?

Дин номидан фитна қўзғашга, одамларнинг уй-жойини бузиш, мол-мулкни талашга, уларни қувгин қилишга, ўлдиришга даъват борми?

Ислом тафаккури, ислом фалсафаси, ислом маданияти марказлари деганда барча мусулмонларнинг кўз олдига, энг аввало Маккаю Мадина, Багдод ва Дамашқ, Қоҳира ва Машҳад, Самарқанду Бухоро каби кўпгина табаррук масканлар келиши табиий.

Лекин бугун ўзи уя қуриб олган тоғу тошларни ислом маркази деб даъво қиладиган террорчи газандаларнинг сурбетлиги шу даражага етмоқдаки, уларнинг бошлиғи ўзини, нима эмиш, "амирул-мўминин", яъни Ер юзидаги барча мусулмонларнинг амири, подшоси деб эълон қилибди.

Ўз-ўзидан савол тугилади: дунёдаги бир ярим миллиарддан ортиқ мусулмон номидан гапиришга ким уларга ваколат ва ҳуқуқ берибди?

Ахир, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, Қуръони карим нозил бўлган муқаддас замин — Саудия Арабистони подшоси ҳам хокисорлик билан ўзини икки муқаддас масжиднинг ходими, хизматчиси деб атайди-ю, зоти зурриёди, насл-насабининг тайини йўқ аллақандай кимсалар бутун мусулмон умматига раҳнамолик даъво қилади?

Келинг, азиз дўстлар, бир зумга мен ўзимни Президент эмас, сизлар ҳам депутат эмасмиз, деб тасаввур қилиб кўрайлик.

Ҳаммамиз ҳам, алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз. Мана шундай қабих кучлар муқаддас туйгуларимизни оёқости этса, куппа-



«Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забот этиши учун қанот беришимиз керак»

кундузи дину диёнатимизга туҳмат қилса, бунга бепарво қараб, бепарқ бўлиб ўтиришга бизнинг ҳаққимиз борми? Кўксида озгина виждони, имони бор ҳар қандай одам бундай ярамас ишларни кўрганда ўз-ўзидан ёниб кетмайдими?

Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб ва таҳликали бир пайтда ҳақиқатни ёлғондан, дўстни душмандан ажратиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, бу борада жамиятимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Биз муҳтарам руҳонийларимиз, имом-хатиблар халқимиз ўртасида динимизнинг асл моҳиятини очиб бериш учун олиб бораётган ишларни яхши биламиз. Лекин улар дину диёнатимизни асраш учун фақат жума намозларидагина эмас, ҳар куни, доимий равишда даъват этсалар, ўйлайманки, бу Яратганимизга ҳам, унинг бандаларига ҳам мақбул бир иш бўлур эди.

Нега деганда, ислом дини номидан кўпоровчилик, бузгунчилик қилаётган кимсаларни жиловлаб қўйиш ҳар бир имонли кишининг, ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчидир.

Азиз ватандошлар!

Бугун Олий Мажлис номидан бутун халқимизга қарата қабул қилинаётган Мурожаатноманинг асосий маъноси ҳам шуки, у бизни, эй одамзот, кўзингни оч, ўзингни ўзинг ҳимоя қилмасанг, четдан келиб сени ҳеч ким ҳимоя қилмайди, дея огоҳ этади.


Шунинг учун эртанги ҳаётингни ўз қўлинг билан барпо этишинг керак, эккан ниҳолларинг мевасини, қурган уйлариңнинг роҳатини, фарзандларинг камолини кўрай десанг, ёвузликка қарши курашмоғинг лозим, деган ҳақиқатни барчамизга яна бир бор эслатади.

Такрор айтаман: тинчлик учун, эртанги кунимизнинг осойишта ва ёруғ бўлиши учун барчамиз қатъият билан курашмоғимиз зарур.

Мен мана шу залда ўтирган халқ ноибларига, барча-барча инсонларга, улар орқали бутун халқимизга эсон-омонлик, куч-қувват ва омадлар тилайман.

2001 йил 6 декабрь.





2002

1990 - 2005



15 февраль — Вазирлар Маҳкамасининг "Қурбон ҳайитни нишонлаш тўғрисида"ги 53-сон қарори қабул қилинди.

февраль — март "Ҳаж-2002" мавсуми тадбирларини амалга ошириш мақсадида 3800 нафар ҳожини Саудия Арабистонига жўнатиш ва кутиб олиш бўйича ишлар ташкил этилди.

3-14 апрель — Миллий матбуот марказида республика ҳудудида жойлашган тарихий ва исломий обидалар ҳамда қўлёзма асарлар билан жаҳон афкор оммасини таништирувчи, ўзбек, инглиз ва араб тилларида нашр этилган "Ўзбекистон ислом обидалари" фотоальбомининг тақдимот маросими ўтказилди. Тақдимот маросимида мамлакатимиздаги асори-атиқалар, тарихий ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилувчи "Ўзбекистон дурдоналари" фильми намойиш этилди.

апрель — Тошкент ислом университетининг диншунослик назарияси, ислом тарихи, манбашунослиги ва ҳуқуқи масалаларига бағишланган илмий-таҳлилий ахборот нашрининг дастлабки сони босмадан чиқди.

3-14 апрель — Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов Ислом олами уюшмасининг Макка шаҳрида ўтказилган IV халқаро анжуманида иштирок этиб, уюшма бош котиби Абдуллоҳ ат-Туркий билан учрашди. Сафар доирасида Ўзбекистоннинг Жидда шаҳридаги Бош консулиги ҳамда ар-Риёздаги Подшоҳ Файсал номи ислом тадқиқот марказида бир қанча нуфузли ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари ва ватандошлар иштирокида "Ўзбекистон ислом обидалари" фотоальбомининг тақдимот маросими ўтказилди.

23 май — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Конфессиялараро мулоқот — барқарорлик асослари" мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

21-27 май — Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси А.Баҳромов Миср Араб Республикасида "Ўзгарувчан оламда ислом ҳақиқати" шиори остида ўтказилган XIV халқаро анжуманда "Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик" мавзуида маъруза билан иштирок этди.

29 май — Тошкент ислом университетида диншунос-исломшунос олимлар, дин арбоблари, уламолар ва турли конфессиялар вакиллари иштирокида "Динлараро тотувлик барқарорлигида диний манбаларнинг ўрни" мавзуида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

30 май — Навоий шаҳрида Рус Православ черковининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

5-6 июнь — Самарқанд вилоятида Имом Бухорий ва Германиянинг Фридрих Эберт халқаро жамғармалари ҳамда Тошкент ис-

лом университети ҳамкорлигида ташкил этилган "Ислом ва дунёвий-маърифий давлат" номли халқаро илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

12 июнь – Тошкент шаҳридаги Рим-католик черковида "Католическая энциклопедия" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

9 август – Тошкент ислом университетида диншунос-исломшунос олимлар, дин арбоблари ва уламолар иштирокида "Ислом динида мазҳаблар" мавзуида илмий-назарий конференция ўтказилди.

15 август – Тошкент ислом университетида диншунос-исломшунос олимлар, дин арбоблари ва уламолар иштирокида "Тасаввуфий манбаларни ўрганиш" мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

23 август – Тошкент ислом университетида диншунос-исломшунос олимлар, дин арбоблари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида "Оммавий ахборот воситаларида ислом мавзуси" номли илмий-амалий конференция ўтказилди.

24 сентябрь – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Дин ва жамият: диний ташкилотлар ва давлат муассасаларининг ўзаро муносабатлари, багрикенглик" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

15-16 ноябрь – Имом Бухорий ва Германиянинг Конрад Аденауэр халқаро жамғармалари ташаббуси билан "Динлараро ҳамжиҳатлик – Марказий Осиё мамлакатларида кечаётган демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг муҳим шарти (Ўзбекистон Республикаси мисолида)" номли халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

27 ноябрь – Вазирлар Маҳкамасининг "Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида"ги 412-сон қарори қабул қилинди.

4 декабрь – Вазирлар Маҳкамасининг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги 421-сон қарори қабул қилинди.

10 декабрь – Конрад Аденауэр халқаро жамғармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Диний-сиёсий экстремизм ва терроризмга қарши Тошкент резолюцияси: уч йил ўтгач" мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтди.

17 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқот институтида "Халқаро терроризм – Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид" мавзуидаги халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЛИДЕР" МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДАН

Ўзбекистон Президенти сифатида менинг ўзим диний экстремизм ва ашаддий ақидапарастлик кўринишидаги, ваҳший қиёфадаги бундай ёвуз кучга неча бор дуч келганман.

Шу муносабат билан қуйидагиларни таъкидламоқчиман.

Биз ота-боболаримиз дини бўлган ислом динини ҳеч қачон инкор этмаганмиз ва ундан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни вақтда биз ислом ғоялари билан ниқобланиб олган жангари, ашаддий ақидапарастлик руҳидаги диний оқимларга мутлақо қаршимиз ва улар билан ҳеч қачон келиша олмаймиз. Биз исломнинг дин сифатида сиёсийлаштирилишини ҳам қабул қила олмаймиз.

Биз, одамларни осойишталик ва яратувчиликка, турли миллат ва дин вакилларини ўзаро муроса, багрикенглик ва ҳамжиҳатлик асосида яшашга даъват этадиган анъанавий, тинчликпарвар муқаддас ислом тарафдоримиз.

Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи давомида антисемитизм, ирқий ва диний камситиш ҳоллари бизнинг заминимизда ҳеч қачон намоён бўлган эмас. Мен Ватанимиз тарихидан одамлар ўртасида миллий ва диний асосда низо чиққан бирон-бир воқеани мисол келтира олмайман. Биз Ўзбекистон тарихида, ушбу заминда юзлаб ва минглаб йиллар мобайнида ислом дини билан бошқа динлар, жумладан, яҳудо дини яшаб келгани билан фахрланамиз. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм даҳшатларидан қочган 250 мингдан зиёд яҳудий миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистондан паноҳ топгани халқимизга хос ана шундай багрикенгликдан далолат беради.

Ўша оғир синов йилларида Ўзбекистон ўлкамизга кўчириб келтирилган ўнлаб миллат вакиллари қатори яҳудийлар учун ҳам қадрдон Ватанга айланди. Бизнинг буюк шоиримиз Ғафур Ғулом фашизм томонидан қувгин ва қирғинга учраган халқ билан бирдамлик туйғусини ифода этиб, "Мен — яҳудийман" шеърини ёзган. Унда яҳудий халқининг ажойиб инсоний фазилатлари ва айниқса, меҳнаткашлиги ва донишмандлиги тараннум этилган.

Айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган яҳудий халқи ушбу заминда ўзининг 2500 йиллик тарихига эга. Ўзбек ва яҳудий халқлари ўзларининг кўп асрлик муносабатлари давомида ўзаро нифоқ ва айирмачилик нима эканини билмаган. Бухоро яҳудий-



Огоҳликка даъват

лари каби ноёб этник-маданий жамоа минг йиллар давомида айнан бизнинг заминимизда шаклланган. Бу халқнинг маданияти, бир томондан, ниҳоятда бой бўлган яҳудий маънавий анъаналарига асосланган, бошқа томондан эса, Марказий Осиё халқлари қадимий меросидан ҳар томонлама ижобий озиқланган.

Нью-Йорк, 2002 йил 13 март.

БИЗ ДУНЁДА ҲЕЧ КИМДАН КАМ БЎЛМАГАН ЖАМИЯТ ҚУРАМИЗ

*Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлиснинг VIII сессияси
танаффус пайтида маҳаллий ва хорижий мухбирларнинг
саволларига берган жавоблари*

"Озодлик" радиоси (А.Қўлдошев):

– Иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш тўғрисида ҳам икки огиз тўхталсангиз. Яна бир савол: чет эллардаги мухолифатчилар ватанга чақирилганми, мана шу жараёнга қўшила оладими?

Ислам Каримов:

– Бу саволингизга мен шундай жавоб беришим мумкин: ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон 10 йил давомида ислохотлар бўйича маълум бир даражага эришди. Бугунги Ўзбекистонни 10 йил олдинги Ўзбекистон билан солиштириб бўлмайди. Мен бугун ишлатган иборамни яна бир бор қайтаришим мумкин. Яъни, солиштириб қиёсласак, уларнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Гап фақат қурилган объектлар, иншоотлар, янги корхоналарда ҳам эмас, ўйлайманки, энг катта ютугимиз, авваламбор, одамларимизнинг тафаккурида, қарашларида, уларнинг тушунчаларида рўй берган ўзгаришдир. Ва шу нуқтаи назардан қараганда, биз жуда мустақкам пойдевор қурдик.

Мен агар "биз ҳозир фаровон ҳаётга эришдик" десам, ўзимга ҳам бошқача туюлади ва буни гапиришга анча қовун пишиғи бор. Биз ҳозирча келажак тараққиётимизнинг, ўзимиз орзу қилаётган фаровон ҳаётнинг пойдеворини қурдик. Лекин одамларимизнинг қарашлари, интилишлари, белни қаттиқ боғлаганлиги, яқдиллиги мени қувонтиради. Ўйлайманки, одамларнинг фикри-зикри мана шу янги ҳаётни, янги жамиятни қуриш учун, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, тараққий топган давлатлардагидек турмуш даражасига етиш



учун курашга ўз ҳиссасини қўшишдан иборат. Ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий тизимни такомиллаштириш, шу даражага кўтарилиш учун халқимиз тайёр. Яъни, шунга катта интилиш билан, орзу билан қараяпти.

Бу – менинг назаримда энг катта салоҳият. Мен учун энг катта куч-қувват. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги Ўзбекистоннинг энг кўзга ташланадиган хусусияти, аломати нимада деб сўрасангиз, бу – одамларнинг ана шу хоҳиш-иродаси тобора тўла намоён бўлаётганида деган бўлар эдим.

Бизни танқид қилувчилар, айтайлик, гаразли танқидчилар Ўзбекистонни бир айланиб, одамларнинг кайфиятини кўрса, гарчи бизлар ҳали ўзимиз орзу қилган ҳаётни ташкил қилишга эришган бўлмасак-да, шунга интилаётганимизга, шунга тайёр эканлигимизга ишонч ҳосил қилади.

Мухолифат ҳақида гапирганда, шуни айтиш лозимки, уларнинг барчасига ҳам бир кўз билан қараб бўлмайди. Ҳақиқий мухолифат деб, юртини ўзининг ҳаётидан ҳам яхши кўрган, она-Ватанининг келажагига ҳисса қўшиш ниятида бўлганларни тушунаман. Агар уларнинг сиёсий қарашлари ёки мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар бўйича таклифларини биз қабул қилмасдан, танқидий



*Юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги эзгу ишларимизда
Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!*



кўз билан қараган бўлсак, ана шу ислоҳотларни янги поғонага кўтариш учун уларнинг фикрларини инобатга олишга, жорий қилишга ҳам тайёрмиз. Улар очиқ юз билан, очиқ кўз билан, очиқ чеҳра билан бу ёққа келсин, қани ўтирайлик, бундай дўппини ёнга қўйиб маслаҳатлашайлик, яна нима қилишимиз керак, қандай ишларни бажаришимиз керак, шу ҳақда фикрлашайлик. Шундай ниятда келса, бош устига, мен ўзим қабул қилишга тайёрман.

Лекин Ўзбекистон пойтахтида 1999 йил февраль ойида амалга оширилган кўпоровчиликда иштирок этган, халифалик қурамиз ёки Ўзбекистоннинг демократик тузуми бизга номаъқул, бизлар Афғонистонда ёки бошқа ислом давлатларида бўлганидек тузум қурамиз, деган қарашларга эга кимсаларни муҳолифат деяётган бўлсангиз, уларни муҳолифат дейишга менинг тилим бормайди. Уларни муҳолифатчи эмас, жангарилар, тажовузкорлар дейиш керак. Улар билан биз қандай биргалашиб ўтиришимиз мумкин? Шунинг учун мен сиздан илтимос қилмоқчи эдим, мана шу масалага алоҳида ургу бериб, тингловчиларингизга тўғри тушунтирсангиз.

2002 йил 4 апрель.



Ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган изланишлар Тошкент ислом университети илмий-таҳлилий ахбороти (бюллетень)да ўз аксини топган.

ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
IX сессиясидаги маърузадан*

Шундай қабих ният билан 1989 йил май-июнь ойларида Фарғона, 1990 йил февраль-март ойларида Бўка ва Паркентда содир этилган, ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайдиган даҳшатли фожиалар; 1990 йилнинг июнь ойидаги Ўш ва Ўзган воқеалари; 1991 йилнинг 8 декабрида Намангандаги собиқ вилоят ижроқўми биносини эгаллаб олган диний экстремистларнинг конституцион тузумга қарши тажовузлари; 1991 йил октябрь ойида собиқ Марказ тарбиялаган ва тезлаган партия-совет номенклатураси томонидан ташкил қилинган, Олий Совет 7-сессиясида Президентни ағдаришга бўлган уринишлар; 1992 йилнинг 16 январиди Талабалар шаҳарчасида ўзимизнинг фарзандларимизни ёлғон даъват ва чақириқлар билан йўлдан огдириб, уюштирилган тартибсизликлар ва шунга ўхшаган хатти-ҳаракатлар авваламбор ўзбек халқининг ҳамжиҳатлигини бузиш, унинг эркинлик ва озодлик учун олиб бораётган курашига зарба бериш, томирига болта уришга қаратилганини бугун барчамиз яхши англаймиз.

1999 йил февраль ойида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ёвуз террорчи кучлар томонидан содир этилган портлашлар натижасида қанча бегуноҳ одамлар ҳаётдан кўз юмгани ва ярадор бўлгани ҳам халқимиз хотирасидан асло ўчмайди.

1999, 2000 ва 2001 йилларнинг ёз фаслида Афғонистон ҳудудида ўзига уя қуриб олган террорчи тўдаларнинг чегараларимиздан бостириб кириб, бизни азиз фарзандларимиз – ҳаётга эндигина қадам қўяётган ҳарбий аскарлардан жудо қилиб, оналар юрагини дарду аламга тўлдирганини, Ўзбекистоннинг озодлиги ва тинчлигига қарши ташкил қилинган хуруж ва ҳаракатларни бошимиздан кечирганимизни ҳам биз ҳеч қачон унутмаслигимиз ва бундан тегишли сабоқлар чиқаришимиз зарур.

Бундай қора ниятларни амалга оширишга уринган тўдалар ва ҳаракатлар ортида қандай қабих сиёсий кучлар ҳамда экстремистик марказлар тургани, улар бу мақсадлар учун катта маблағлар ажратгани, махсус кўпоровчилик ва террорчилик лагерларида жангариларни тайёрлагани бугун барчамизга аён бўлиши муқаррар.



Биз яхши тушунамиз — бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмайдиган, юртимизга кўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабиҳ ва нопок ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмас.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган, бугун юртимизда шиор бўлиб қолган "Ўз уйингни ўзинг асра!" ва "Тинчлик учун курашмоқ керак" деган ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз, доимо огоҳ бўлишимиз керак.


Шуни катта мамнуният билан таъкидлашимиз зарурки, жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга — бу жирканч бало-қазога қарши эълон қилган курашда давлатимиз ва жамиятимиз ҳам қатъий бел болаганини дунё майдонида бугун кўпчилик тан олмоқда ва Ўзбекистонимизга ҳурмат-эътибор билан қарамоқда.

Одамларимиз учун муқаддас бўлган маънавий ва диний қадриятларни тиклаш, кўп асрлик олижаноб урф-одатларимиз ва анъаналаримизга таяниб иш кўрганимиз қаддимизни ростлаш имконини берди, мамлакатимизни парокандалик ва бошбошдоқлик, халқимиз табиатига ёт бўлган экстремизм ва ақидапарастлик ботқоғига ботиб кетиш хавфидан сақлаб қолди.

Бугунги кунда бундай хавф-хатарларнинг қай тарзда ва қандай асосда пайдо бўлаётганини, улар нафақат бизнинг халқимиз, балки бугун инсоният учун нечоғли мудҳиш бало-қазо эканини биз аниқ тасаввур қиламиз ва уларнинг қандай машъум оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаймиз.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва динлараро тотувликни, фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ягона хонадонимиз бўлмиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча инсонларнинг миллати ва дини, ирқи ва жинсига қарамасдан, уларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш — бу борадаги ишларимизнинг асосий маъно-мазмунига айланиши даркор.

2002 йил 29 август.



ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ОБИДАЛАРИ

UZBEKISTAN:
THE MONUMENTS OF ISLAM

الأثار الإسلامية في اوزبكستان



Ислом обидалари кўп асрлик маданий-маърифий меросимиз, миллий бойлигимиз бўлиб, уларни тиклаш, обод этиш ва асраб-авайлашда давлатимиз раҳбарининг саъи-ҳаракатлари беқийсдир. Ўзбек, инглиз, араб тилларида кўп минг нусхада чоп этилган мазкур фотоальбом бунинг яққол исботидир.

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги нутқдан*

Ҳар қайси инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиши лозим. Ҳар қандай одам учун имон-этиқод деган сўзлар шунчаки, ҳавойи сўзлар эмас, аксинча, уни доимо қийнайдиган, виждонини уйғотадиган чуқур тушунчалар бўлса, бундай фуқаро атрофдаги одамлар, маҳалла-қўй, эл-юрт ташвиши билан яшаши шарт.

Илгари ҳам кўп бор айтган гапимни яна такрорламоқчиман: биз пок ва холис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрасак, ишончим комилки, биздан меҳр-муруватини ҳеч қачон дариг тутмайди.

Очиқ айтишим керак, биз дўппимизни олиб қўйиб, чуқур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий қадриятларимизнинг магзини чақсак, бу ортиқча даҳмазалар одамларимиз елкасига машаққатли бир юк, аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади.

Агар биз тўйга кетадиган маблагнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлур эди.

Диний маросим ва маъракалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, мен бу тўғрида узил-кесил бир хулоса билдириш фикридан узоқман.

Бу хусусда аввало имом-хатиблар, уламоларимиз, диний идора ўз фикрини билдириши, кенг тарғибот ишларини олиб бориши керак.

Албатта, улар бу борада анча-мунча ҳаракат қиляпти, аммо бу ишларни янада кучайтириш лозим.

Мен фақат маъракани дабдабали тўйга айлантириш ҳеч қайси муқаддас китобда ёзилмагани ва бизнинг ислом динимиз арконларига мутлақо зид эканини эслатиб ўтмоқчиман, холос.

2002 йил 5 декабрь.





2003

1990 - 2005

Январь – Вазирлар Маҳкамасининг 412-сонли (27.11.02) қарори ижроси юзасидан "Ҳаж-2003" мавсумини тартибли ва уюшган ҳолда амалга ошириш мақсадида 3800 нафар фуқароларимизнинг Саудия Арабистонига сафари ташкил этилди.

4 февраль – Вазирлар Маҳкамасининг "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги 64-сон қарори қабул қилинди.

1 март – Ўзбекистон аҳолиси таркибида турли миллат ва элат вакилларининг улуши, республикада фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар, диний ташкилотлар, мустақиллик йилларида улар сонида содир бўлган ўзгаришлар, масжид имом-хатибларининг маълумот даражасини акс эттирувчи "Ўзбекистоннинг этно-конфессионал картаси" нашр этилди.

27 март – 2002 йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган "Миллий ғоя – бизнинг ғоя" доимий ҳаракатдаги семинари якунларига бағишлаб "Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – тараққиёт омили" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

28 март – Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Германиянинг Оснабрюк университети ҳамкорлигида ташкил этилган "Христиан – ислом мулоқоти: Германия – Ўзбекистон" конференцияси бўлиб ўтди.

15-17 май – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга "Андрей Первозванный" фондининг "Диалог цивилизаций" халқаро мукофоти тақдим этилди.

12 июнь – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Жамиятда диннинг ўрни" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

16 июнь – Тошкент Православ семинариясининг илк битирув кечаси ўтказилди.

11 август – Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети битирувчиларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги 347-сон қарори қабул қилинди.

22 август – Вазирлар Маҳкамасининг "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги 364-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим тизими тасарруфидоги Тошкент ислом институти ва ислом ўрта махсус билим

юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилиб, ана шу ҳужжат (диплом)-ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилди.

— Маданий мерос объекти сифатида давлат рўйхатига олинган диний обидалар жойлардаги Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган "Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари" асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилди;

— Диний ташкилотлардан коммунал хизмат (газ, сув, электр ҳақи ва бошқа хизматлар) учун олинадиган тўловлар ишлаб чиқариш корхонаси даражаси ўрнига жисмоний шахслардан олинадиган миқдорда белгилаб қўйилди.

Апрель-октябрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатмаси билан ташкил этилган, исломшунос олимлар, диний уламо-лар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва жамоатчи-лик вакилларидан иборат Махсус комиссия республикамиздаги ЖИЭМларида жазо муддатини ўтаётган жами маҳкумларнинг аҳво-ли ва ички дунёсини ўрганиш, бу йўлга кириб қолишининг асл сабабларини аниқлаш, ўз хатосини тушуниб етганларини жамият-га қайтариш, оиласи, маҳалласига келгач яна ақидапарастлик таъ-сирига тушиб қолмаслигининг олдини олиш мақсадида уларнинг ҳар бири билан якка тартибда бир неча маротаба суҳбатлар ўтказ-ди.

Суҳбат натижаларига кўра, қилмишидан пушаймон бўлиб, туза-лиш йўлига ўтгани аниқланган маҳкумларнинг ҳужжатлари Ўзбеки-стон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича Комиссияга ўрганиш учун тақдим этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрь "Амнистия тўғри-сида"ги Фармонининг 4-бандига асосан мазкур маҳкумлар озодлик-ка чиқди.

8 сентябрь — Президент Ислон Каримов Оқсарой қароргоҳида Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл зоти олийларини қабул қилди.

10 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний таш-килотлар 2003 йил 1 сентябридан коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндилар ташиш)га тўловларни аҳоли учун белги-ланган тарифлар бўйича тўлашлари ҳақида Вазирлар Маҳкамаси-нинг 525-ф сон фармоёниши қабул қилинди.



17 сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-3317-сон Фармони қабул қилинди.

8 сентябрь — Президент Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али жаноблари бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

3-5 октябрь — Самарқанд шаҳрида Тошкент ислом университети, Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида "Давлат ва дин" мавзуидаги халқаро конференция ўтказилди.

Октябрь-ноябрь — Ўзбекистоннинг 1228 нафар фуқароси умра ибодатини адо этишга муваффақ бўлдилар.

17 ноябрь — Миллий матбуот марказида "Рамазон ойига тайёргарлик ва мусулмонларга яратилган шароитлар" мавзуида матбуот конференцияси ўтказилди.

18 ноябрь — Вазирлар Маҳкамасининг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги 517-сон қарори қабул қилинди.

27 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухоро вилоятидаги Абдухолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаларига ташриф буюрди ҳамда Абдухолиқ Гиждувоний таваллудининг 900 йиллиги тантаналарида иштирок этди. Юбилей муносабати билан мазкур обидаларда жами 1,5 млрд. сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 27-28 ноябрь кунлари Бухоро шаҳрида "Абдухолиқ Гиждувоний ва тасаввуф" номли илмий анжуман бўлиб ўтди.

27 декабрь — Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташкил этилганининг 60 йиллиги муносабати билан "Бароқхон" мадрасаси биносида таниқли уламолар, вилоят бош имом-хатиблари, диний таълим тизими вакиллари ва соҳа фахрийлари иштирокида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

29 декабрь — Тошкент ислом университетида "Бағрикенглик ва меҳр-мурувват — жамият тараққиёти омили" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.



ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БОШҚАРУВЧИЛАР КЕНГАШИ ЙИЛЛИК ЙИГИЛИШИНING ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚДАН

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, шуни аниқ ва қатъий таъкидламоқчиман: Ўзбекистон танлаган йўл — умуминсоний ва умумэътироф этилган демократик қадриятларга эришишга қаратилган, кўп асрлик маданиятимизнинг энг сара ютуқлари, миллий анъаналаримиз, аجدодларимиз динига бўлган садоқатимиз билан уйғунлашиб кетган йўл — биз учун ўзгармасдир.

Сўнгги йилларда рўй берган воқеалар мамлакатларимизнинг бугуни ва эртанги кuni учун динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасидаги барчамизнинг саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини такрор ва такрор тасдиқламоқда.

2001 йил 11 сентябрдан кейинги воқеалар ривожини Афғонистон ва Ироқда олиб борилган террорчиликка қарши тадбирлар якунларини диққат билан кузатаётганларнинг барчаси дунё сиёсий ва иқтисодий харитасидаги аҳвол, кучлар мувозанати қанчалик тез ўзгараётгани, ҳақиқатан ҳам оламшумул, биринчи навбатда, коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш учун қандай имкониятлар очилаётганини қайд этмаслиги мумкин эмас.

2003 йил 4 май.



ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИДАГИ НУТҚДАН

Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболағасиз, ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Айнан шу вазифаларни ҳал қилиш учун Минтақавий аксилтеррор марказ тузилмоқда.

Бу ўринда, террорчилик ҳаракатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда, ёшларимиз онгини эгаллаётган ва заҳарлаётган, уларни ўзининг итоаткор қуролига айлантираётган мафкура йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, бугунги кунда муайян жинойий террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Минтақамизда "Ҳизбут-таҳрир" каби экстремистик, айирмачилик ташкилоти фаолияти тобора хавфли тус олмоқда. У конституциявий дунёвий давлат тузумига қарши чиқиб, ўрта асрлардаги ислом халифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур гоёни тарғиб қилмоқда.

Дарвоқе, бу реакцион ақидапарастлик ҳаракати деярли барча араб мамлакатларида тақиқланган, яқинда минтақанинг кўпгина мамлакатлари ва Россияда ноқонуний деб эълон қилинди.

Лекин таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Москва, 2003 йил 29 май.



Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити.



Президент Ислом Каримовга «Андрей Первозванный» фондининг «Диалог цивилизаций» халқаро мукофотини топшириш пайти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда диншунослик фани асослари, муқаддас ислом дини тарихи ва фалсафаси, бу соҳанинг жамият ҳаёти ва ривожига аҳамиятини назарда тутиб, Тошкент ислом университетини битириб чиқаётган мутахассисларнинг диний ва дунёвий билимлар ҳамда хорижий тилларни пухта эгаллаганини эътиборга олиб, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетини битириб, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотларга ишга қабул қилинадиган бакалавр ва магистрларнинг лавозим маошларига 20 фоиз миқдорида ойлик қўшимча ҳақ белгилансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамаси
Раиси*

*И.КАРИМОВ
2003 йил 11 август.*



ДИН СОҲАСИДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ТАЪЛИМ ИШЛАРИНИ ВА ФАОЛИЯТНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИЖТИМОЙ КЎМАК ВА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш бўйича мурожаати ва бир қатор жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳаракатларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, мутасадди ва дахлдор жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури (1-илова) маъқуллансин. Тегишли давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан Дастурни бажарилишига етарлича кўмак ва ёрдам берилсин.

2. Дастурдаги тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг таркиби 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Дастур ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус жамгарма тузиш ҳақидаги таклифи ва жамгарма Низоми маъқуллансин.

3. Диний ташкилотлардан коммунал хизмат (газ, сув, электр ҳақи ва бошқа хизматлар) учун олинадиган тўловларни ишлаб чиқариш корхонаси даражаси ўрнига жисмоний шахслардан олинадиган миқдорда белгилаш ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини қондириш юзасидан 10 кун муддат ичида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилинсин.

Бунинг натижасида ҳосил бўлган ва бошқа хайрия маблағларини мазкур жамгарма ҳисобига ўтказиш, уни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим муассасаларининг ўқув ва моддий базасини мустаҳкамлаш, уларга замонавий шарт-шароит яратиш, ўқитувчи-мударрис ва имом-хатибларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларига сарфланиши назарда тутилсин.





Ҳам диний, ҳам дунёвий фанларни ўрганиш билан бир қаторда, турли касб-ҳунар сирларини ўзлаштириш бўйича мамлакатимиздаги 10 та ўрта-махсус ислом билим юртлари (мадрасалар)да амалга ошириляётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

4. Маданий мерос объекти сифатида давлат рўйхатида олинган диний обидалар (3-илова) белгиланган тартибда жойлардаги Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилсин ҳамда тўпланадиган хайрия маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатилсин.

5. Ислом маъҳади ва ўрта махсус ислом билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилсин ҳамда ана шу ҳужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилсин.

6. Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов), «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), республика оммавий ахборот воситаларига Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг моҳияти ва ижросини ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснидинов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси*

И.КАРИМОВ
2003 йил 22 август.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳа-сидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғриси-да» 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарорининг 3-бандини бажариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик энергияси, электр энергияси, телефон, оқова сув ва маиший чиқиндиларни ташиш)га тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

2. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси*

*И.КАРИМОВ
2003 йил 10 сентябрь.*



ИМОМ БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА ЯНАДА ОБОДОНЛАШТИРИШ, АЛЛОМА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ислом оламининг беназир намояндаси, буюқ муҳаддис Имом Бухорийнинг дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, аллома меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, унинг эзгулик, маънавий комилликка чорловчи гояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини Ўзбекистон мусулмонлари идораси балансига ўтказиш ҳамда унинг ташкилий ишларини олиб бориш учун мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Бошқарув кенгаши (1-илова) тузиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.



2. Имом Бухорий халқаро жамгармаси Муассислар кенгашининг жамгармани Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳамда унинг таркиби (2-илова) маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Миллий банкининг Самарқанд вилоят бўлимида очилган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи Бошқарув кенгашининг ҳисоб рақами Ўзбекистондаги юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва хорижий фуқароларнинг хайрия маблағлари учун очиқ экани қайд этилсин.

4. Бошқарув кенгашининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланиши эътиборга олинсин:

– Ноёб меъморий иншоот бўлган Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш;

– ушбу муқаддас қадамжонинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг кўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

– Имом Бухорийнинг меросини асраб-авайлаш, алломанинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш;

– диний-маърифий ишлар, айниқса, ёшларни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Имом Бухорийнинг буюк меросидан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Ёдгорлик мажмуига тушадиган маблағларнинг 85 фоизини Бошқарув кенгаши вазифаларини амалга ошириш ва 15 фоизини Имом Бухорий республика илмий-маърифий марказининг фаолиятини юритиш учун йўналтирилиши кўзда тутилсин.

6. Маданият ишлари вазирлиги (Б.Қурбонов), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (А.Жўраев), «Ўзкоммуналхизмат» агентлиги (Ў.Холмухамедов), Самарқанд вилоят ҳокимлиги (Ш.Мирзиёев) Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш, жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришда Бошқарув кенгашига тегишли ёрдам кўрсатсин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги (С.Сафоев), «Ўзбектуризм» миллий компанияси (Б.Хусанбоев), «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (В.Тян), Дин ишлари бўйича қўмита (Ш.Миноваров) ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Ш.Мирзиёев) юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Имом Бухорий ёдгорлик мажмуига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро таш-

килотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда Бошқарув кенгашига ҳар томонлама кўмаклашсин.

8. Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шогуломов), «Ўзтелерадио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), «Жаҳон» ахборот агентлиги (А.Фуломов)га республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Имом Бухорий маънавий меросининг аҳамияти ва моҳиятини очиб бериш, алломанинг ҳаётини ўрганиш ва унинг эзгу ўғитларини одамларга етказиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларни янада кенгроқ ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 16 ноябрдаги ПФ-2110-сонли фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

*И.КАРИМОВ
2003 йил 17 сентябрь.*



Имом Бухорий зиёратгоҳида ҳайит намози ўқилаётган пайт.



БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтказилган тантанали маросимдаги нутқдан

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар, ҳурматли меҳмонлар!

Бугун юртимизда қутлуғ Рамазон ҳайити давом этаётган муборак кун, улуғ бир айём.

Авваламбор, шу муқаддас байрам билан сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклар, барчангизга ўзимнинг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Шу табаррук кунларга эл-юртимизни эсон-омон етказгани, бизга буюк аждодларимиз руҳини шод этиш йўлида савобли ишларни қилиш насиб этгани учун Аллоҳ таолога беҳад шукроналар айтамыз.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун эрталаб биз беназир авлиё Абдулҳолиқ Фиждувоний қадам-жосини зиёрат қилиб, ул зотга бўлган ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо келтирдик ва ҳозир ҳам ана шу ўчмас таассурот оғушида турибмиз.

Бу улуғ аждодимиз шарафига унинг она-шаҳри бўлмиш Фиждувонда амалга оширилган катта бунёдкорлик ишларини, айниқса, бобомиз мангу ором топган жой том маънодаги зиёратгоҳга айланганини кўриб, ўйлайманки, ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз қувонч, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлардан мамнунлик ҳисси уйғонади.

Мана, неча юз йилларки, Фиждувоний ҳазратлари ўзининг ноёб ақл-заковати, собит эътиқоди, беқиёс инсоний фазилатлари билан дунёда Хожаи Жаҳон — жаҳон аҳлининг пири деб улуғлаб келинади.

Бир умр ҳалол меҳнат қилиб, оддий халқ ичида, оддий касб-кор билан камтарона ҳаёт кечирган бу мўътабар сиймонинг Аллоҳ йўлидаги буюк хизматлари бугун — орадан тўққиз аср ўтганидан кейин ҳам бутун мусулмон оламида юксак эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Шу сабабли биз Абдулҳолиқ Фиждувоний қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, халқимиз орасида кенг ёйиш, бу бебаҳо бойликни фарзандларимизга ҳам етказишни ўзимиз учун муқаддас бурч, деб биламыз.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз мана шундай улуғ боболаримиздан яна бири бўлмиш Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг янгитдан бунёд этилган қадам-жоси пойида тўпланиб турибмиз.

Ушбу табаррук масканда бир йил мобайнида олиб борган кенг қўламдаги қурилиш ва ободончилик ишларимиз натижа-



Тўққиз асрдан бери Хожайи Жаҳон номи билан улуғланиб келаятган муқаддас қадамжой юртбошимиз ташаббуси билан ўзининг том маънодаги фойзи ва кўркига эга бўлди.

сида бу жойнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Айниқса, миллий ва замонавий услубда яратилган гўзал бинолар, муҳташам айвон, мовий гумбаз ва пештоқлар, нақшинкор дарвоза ва устунлар, бир сўз билан айтганда, чинакам санъат асари бўлган бу мажмуа ҳар қандай одамни ҳайратга солиши шубҳасиз.

Буюк бобомизнинг юксак обрў-эътиборига муносиб тарзда, ўз қўлимиз билан барпо этган бу меъморий мўъжиза тимсолида биз аввало замонлар ва авлодлар ўртасидаги узвийликни, халқимиз даҳосининг боқийлигини кўрамиз десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Агар шу қисқа вақт ичида Абдулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг муқаддас қадамжоларида қилган ишларимизга баҳо берадиган, уларнинг ҳажми ва миқёсини сарҳисоб этадиган бўлсак, бу ишларга амалда йиллар, балки ўн йиллар керак бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Савол туғилади: барчани ҳайратда қолдирадиган бундай улугвор ишларни жуда қисқа муддатда бажаришга муяссар бўлганимизнинг боиси нимада?





Бунинг боиси, авваламбор, юртимиз тупрогида хоклари ётган пири комилларимиз, азиз авлиёларимизнинг арвоқлари, руҳи поклари доимо бизнинг ёдимизда, қалбимизда яшаб келаётганида, барча эзгу интилишларимизга Яратганнинг ўзи мададкор, халқимиз ибораси билан айтганда, дилкушод бўлаётганидадир.

Шу билан бирга, бу борадаги даъватларимизнинг халқимизга етиб боргани, одамлар юрагида акс-садо бергани ва эл-юртимиз бу эзгу ташаббусларни чин дилдан, бутун борлиги билан қўллаб-қувватлагани ҳам айни ҳақиқатдир.

Қарангки, бундай хайрли ишларга маблағ ҳам топилар экан, лойиҳаларнинг энг гўзал, энг мукамал шакллари ҳам пайдо бўлар экан. Бунга ҳисса қўшишни ўз виждони, ўз аждодлари олдидаги муқаддас бурч деб биладиган қанча-қанча одамлар бел боғлаб майдонга чиқар экан.

Энг муҳими, бизнинг ана шу саъй-ҳаракатларимиз бугунги ва келажак авлодларимиз учун, уларнинг маънавий юксалиши, миллий қадриятларимиз, динимиз арконларига муносиб бўлиб, онгли ва мазмунли ҳаёт кечирishi учун беқийс аҳамиятга эгадир.

Бизнинг ўзлигимизни англаш, асрий обидаларимизни, муқаддас қадамжоларимизни тиклаш йўлидаги барча ишларимиз замирида айнан ана шу руҳ, эзгу ният ва мақсадлар мужассам эканини мен яна бир бор такрор айтишни ўринли, деб биламан.



Мен Ўзбекистон тарихидаги шу каби олижаноб ишларни халқимизнинг нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда ислом динини асраш ва ҳимоялашга қўшаётган ўзига хос ҳиссаси, динимизга нисбатан турли бўҳтонлар уюштираётган, унинг обрўсини тўкишга уринаётган кучларга қарши аниқ ва амалий жавоби, деб қабул қилишингизни истардим.

Азиз юртдошлар!

Қадимий Бухоро замини Имом Бухорий, Ибн Сино ва Абу Бакр Наршахий каби алломаларга, буюк тариқат пирлари — Абдулҳолиқ Гиждувоний ва Амир Кулол, Ориф Ревгарий ва Маҳмуд Фагнавий, Али Ромитаний ва Бобойи Самосий сингари азиз-авлиёларга бешик бўлгани билан ҳам бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

Бухорони Бухорои шариф даражасига кўтарган ана шундай ажодларимиз орасида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида нуфуз ва мақомга эга.

Бу улуғ шахс тимсолида инсон руҳиятининг нақадар теранлиги, бу дунёда ўз иродасини тарбиялаб, қалбини поклаб, нафс балосини енгиб яшайдиган одам қандай маънавий юксакликка кўтарила олиши яққол намоён бўлади.

Бу буюк зот эл-юртга ҳолисона хизмат қилиш, аввало, маърифат йўлида одамларнинг қалбига чуқур кириб бориш орқали уларда эзгу интилишлар, орзу-умидлар уйғотиш мумкинлигини ўз ҳаёти мисолида исботлаб берди.

Буюк ажодларимиз яшаб ўтган даврдан буён Ер юзида не-не сурон ва тўфонлар рўй берганига, замонлар, салтанатлар, ҳаётга қарашлар ўзгарганига қарамасдан, бу пири комилнинг “Дил ба ёру даст ба кор”, яъни “Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” деган ҳаётбахш ҳикмати худдики шу бугун айтилгандек жарангламоқда.

Ҳозирги таҳликали дунёда, турли низо ва адоватлар ҳали бери барҳам топмаган мураккаб бир вазиятда Нақшбанд бобомизнинг — миллати, тили ва динидан қатъи назар — инсон зотини азиз ва муқаррам билиш, ўзаро меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват муҳитини қарор топтириш, етим-есирларнинг бо-шини силаш, муҳтожларга ёрдам бериш каби эзгу даъватлари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Биз Нақшбанд ҳазратларини халқимизнинг руҳи ва табиатига беҳад яқин бўлган ана шундай гоя ва қарашлари учун ардоқлаймиз, барчамиз унинг бой меросидан маънавий куч-қувват оламиз.

Ота-боболаримиз бу буюк авлиёга чин дилдан ихлос қўйиб, юз йиллар давомида уни “Баҳоуддини Балогардон” деб улуғлаб келишида ҳам албатта теран маъно бор.



«Ободлик кўнгилдан бошланади...»

Дарҳақиқат, Яратганнинг қудрати билан каромат соҳиби бўлган бу азиз зотнинг руҳи поклари ўтмишда ҳам, бугун ҳам бамисоли юртимиз осмонида кезиб, она диёримизни ёмон кўзлардан, офатлардан, бало-қазолардан асраб келмоқда, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Муҳтарам биродарлар!

Сизларга очиқ айтсам, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг мана шу муборак қадамжосини обод қилиш фикри кўп йиллардан буён хаёлимни банд этиб келарди.

Ҳар сафар шу муқаддас даргоҳни зиёрат қилганимда ўзимни шу буюк зотнинг руҳи олдида қандайдир қарздор деб ҳис этардим.

Бир вақтлар, мустабид тузум даврида бу табаррук жой қандай аянчли аҳволга тушиб қолганини яхши эсласангиз керак.

Биз мустақилликка эришгач, кўплаб муқаддас қадамжолар қатори бу ерни ҳам обод қилиш мақсадида катта ишларни амалга оширганимиздан ҳам хабардорсиз, албатта.

Ана шу ишларни давом эттириш, бу зиёратгоҳни Баҳоуддин Нақшбанднинг оламшумул шуҳратига муносиб бир масканга айлантириш режаси йиллар давомида кўнглимни тарк этмаганини ҳам сизларга айтишим керак.

Ва ўтган йилнинг октябрь ойида ана шу ниятда атай вақт ажратиб, Тошкентдан бу ерга махсус келдим.

Бу ишга дахлдор бўлган раҳбарлар, лойиҳачи ва қурувчилар билан ёдгорлик мажмуасини янгитдан бунёд этиш масаласини шу жойнинг ўзида муҳокама қилганимизда бошқа иншоотлар билан бирга, мана шу янги айвоннинг қасрда ва қандай шаклда бўлишини ўз қўлим билан чизиб берган эдим.

Одамни ҳайратга соладиган томони шундаки, қурувчилар шу лойиҳа бўйича иш бошлаганда айнан шу пайтда белгилаб берилган жойдан илгари мавжуд бўлган эски айвоннинг кўмилиб кетган пой-девори чиқибди.

Буларнинг барчаси мана шу масканнинг илоҳий хосиятидан, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг руҳи барҳаётлигидан яна бир далолатдир, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласизлар.

Қадрли ватандошлар!

Мен бугун Абдулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаларини обод этишда бутун мамлакатимиздан келиб қатнашган қўли гул уста ва меъморларимизга, моҳир қурувчи ва муҳандисларимизга, пудратчи ва лойиҳачи ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларига, шу хайрли ишларга хизмати сингган барча-барча инсонларга ўз номимдан, эл-юртимиз номидан ташаккурлар билдираман.



Халқимиз даҳоси билан яратилган бетакрор обидаларни, мана шундай қутлуғ зиёратгоҳларни минг йиллар давомида асраб-авайлаб келаётган муҳтарам Бухоро аҳли олдида таъзим қиламан.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, 360 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони барпо этиб, шартнома-режасини муваффақиятли бажарган вилоят пахтакорларини, барча меҳнаткашларни чин қалбимдан қутлайман.

Ҳаммангизни бағримга босиб, қўлингиз дард кўрмасин, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим, дейман.

Ишончим комилки, Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби пири комилларимиз қолдирган бебаҳо маънавий меросга эга бўлган, ҳамиша пок ният билан яшайдиган халқимиз ўз олдига қўйган юксак мақсад-муддаоларига етишади, иншоаллоҳ. Ушбу ҳосиятли кунда буюк аجدодимизнинг табаррук қадамжосида туриб, эзгу ниятлар қилайлик.

Улуғ боболаримизнинг руҳи поклари шод бўлиб, охиратлари обод бўлсин!

Она Ўзбекистонимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

2003 йил 27 ноябрь.



ТАДБИРКОРЛИК ВА ИЗЛАНУВЧАНЛИК ЮКСАЛИШ АСОСИ

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқдан

Самарқанд замини Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Хожа Ахрор ва Махдуми Аъзам каби мусулмон оламида машҳур бўлган алломалар, азиз-авлиёлар хоки ётган табаррук масканлари билан ҳам муътабардир.

Соҳибқирон Амир Темуր ўз салтанатининг пойтахти этиб танлаган, нафақат буюк тарихий обидалари, балки Улуғбек ва Али Кушчи каби улуғ мутафаккирлар ўзининг дунёни ҳайратга солган ўлмас кашфиётларини яратган бу юртни бетакрор муъжиза десак, асло хато бўлмайди.

Шу боис асрлар давомида маърифат зиёсини таратиб келган Самарқанддаги илму фан ўчоқлари, қадимий мадрасаларда яратилган буюк мерос ҳар биримизга гурур ва ифтихор бағишлайди. Самарқанд бугунги кунда ҳам ўзининг илмий кашфиёт ва ютуқлари орқали жаҳонга танилган ўнлаб олий ўқув юртлари ва илм-фан даргоҳлари билан, ўзининг истеъдодли зиёлилари, юксак салоҳиятга эга бўлган илмий жамоатчилиги билан дунёда обрў-эътибор топмокда.

2003 йил 16 декабрь .





2004

1990 - 2005

Январь — "Меҳр ва мурувват йили"га бағишлаб Ўзбекистон му- сулмонлари идораси ва "Экосан" халқаро жамғармаси ҳамкорлиги- да "Кўшни-кўшнига" шиори остида меҳр-мурувват кунлари ҳамда республика танлови ўтказилди.

27 январь — Вазирлар Маҳкамасининг "Қурбон ҳайитини ни- шонлаш тўғрисида"ги 42-сон қарори қабул қилинди.

2 февраль — Мустақиллик йилларида мамлакатимизда диний соҳада эришилган ютуқлар ва Тошкент ислом университети фао- лиятига бағишлаб маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситала- ри вакиллари учун брифинг ташкил этилди. Анжуман иштирокчи- ларига ўзбек ва рус тилларида "Ўзбекистонда диний ҳаёт: рақамлар ва далиллар", "Тошкент ислом университети: рақамлар ва далиллар" номли маълумотномалар тақдим қилинди ҳамда университет ҳақидаги "Зиё маскани" фильми намойиш этилди.

20-21 февраль — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов раҳбарлигидаги делегация Ан- қара шаҳрида Евроосиё стратегик тадқиқотлар маркази (Туркия), Р.Никсон ҳамда Этика ва маъмурий сиёсат марказлари (АҚШ) ҳам- корлигида ўтказилган "Диний экстремизм мафкурасини фош этиш: Терроризмга қарши кураш "Ҳизбут таҳрир"га ҳам тааллуқлими?" ном- ли семинарда "Марказий Осиёдаги янги таҳдид ва унга қарши кўри- лаётган чоралар" мавзуида маъруза билан иштирок этди.

23 февраль — Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университетида "Давлат ва дин" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

1 март — Вазирлар Маҳкамасининг "Диний таълим муассалари- нинг фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 99-сон қарори қабул қилинди.

12-19 март — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш.Миноваров, Ташқи ишлар вазир- лиги бошқарма бошлиғи Р.Тўхтабоев таркибидаги делегация Фран- цияга ташриф буюрди ҳамда ЮНЕСКО Бош дирекцияси, Франция дипломатик ва стратегик тадқиқотлар маркази, Сиёсий ва диний изланишлар олий институти, Тошкент ислом университети ва Ўзбе- кистоннинг Париждаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Ўзбекистон ва Францияда динлараро бағрикенглик", "Ўзбекистон ва Франция халқаро муносабатлар тизимида" номли халқаро ан- жуманларда иштирок этди.



25 март – Вазирлар Маҳкамасининг "Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги 143-сон қарори қабул қилинди.

30 март – Тошкент ислом университетида Франция дипломатик ва стратегик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда "Марказий Осиёдаги бағрикенглик ва мутаассибликнинг ўзига хос кўринишлари" мавзuida халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

23 апрель – Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 196-сон қарори қабул қилинди.

Май— «Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» Абдулазиз Мансур томонидан тайёрланди ҳамда «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмасида 25 минг нусхада чоп этилди.

5 май – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада Конфессиялар ишлари кенгашининг таъсис йиғилиши ўтказилди.

17 май – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида "Виждон эркинлиги ва бағрикенглик: халқаро ва миллий тажриба" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

25 май – Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 3434-сон Фармони қабул қилинди. Фармонга биноан фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди.

27 май – Вазирлар Маҳкамасининг "Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида"ги 244-сон қарори қабул қилинди.

30 июнь – Вазирлар Маҳкамасининг "Навоий шаҳридаги Рус Православ черкови мажмуини Тошкент ва Ўрта Осиё Епархиясига бегараз асосда доимий фойдаланишга берилиши ҳақида"ги 415-ф-сонли фармойиши қабул қилинди.

2 июль – Тошкент ислом университетида "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти томонидан нашр этилган "Ислом" энциклопедиясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

10-17 июль – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснидинов, Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази директори З.Мунавваров, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими З.Абдул-



лаев таркибидаги делегация Буюк Британияда сафарда бўлиб, Мудофаа вазирлиги Ҳарбий академияси, Мудофаа тадқиқотлари Қироллик инетитути, Стратегик тадқиқотлар халқаро инетитути ва Лондон университетининг Марказий Осиё тадқиқотлари факультетида "Ўзбекистон Республикасида дин ва давлат муносабатлари", "Ўзбекистон ва халқаро терроризмга қарши кураш" ҳамда "Диний экстремизм ва Марказий Осиё хавфсизлиги" номли анжуманларда иштирок этди.

16 июль – Вазирлар Маҳкамасининг "Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш туғрисида"ги 337-сон қарори қабул қилинди.

23 август-5 сентябрь – АҚШдаги ўзбек ватандошларнинг "Туркистон – Америка ассоциацияси" президенти Абдулла Хужа бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида меҳмонлар Дин ишлари бўйича қумита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Тошкент ислом университети раҳбариятлари билан учрашувлар ўтказдилар ҳамда республикамиздаги табаррук зиёратгоҳларга ташриф буюрдилар.

1-3 октябрь – Тошкент ислом университети, Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида "Мусулмон мамлакатларида давлат ва дин муносабатлари" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

3-11 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А.Баҳромов, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси приотерейи Н.Рибчинский ҳамда Ўзбекистон яҳудийлар жамоаси раҳбари Б.Шимоновдан иборат делегацияси Америка Қушма Штатларида хизмат сафарида бўлди ҳамда Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонаси ва Р.Никсон номли марказ ҳамкорлигида ўтказилган "Ўзбекистон: давлат, дин ва конфессиялараро тотувлик" номли семинарда маъруза билан иштирок этди.

Шунингдек, сафар давомида Оқ уй, Давлат департаменти, Конгресс, АҚШ сиёсатини шакллантирувчи доиралар, тадқиқот марказлари вакиллари, Канада ва АҚШ бухоро яҳудийлари конгресси, Америкадаги Туркистонликлар ассоциацияси ва Нью-Йоркдаги исломий ташкилотлар раҳбариятлари билан учрашувларда Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, амалга ошириляётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилиб, ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

8 ноябрь — Вазирлар Маҳкамасининг "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги 528- сон қарори қабул қилинди.

9 ноябрь — Тошкент ислом университетида "Бобур ижодида диний-маърифий масалалар талқини" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

16 ноябрь — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида "Давлат ва дин: баркамол авлод тарбияси йўлидаги яратувчан ҳамкорлик" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

1 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

17-18 декабрь — Самарқанд шаҳрининг "Ёшлар маркази"да Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган "Ҳожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни" номли илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ҳожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш доирасида Самарқанд туманидаги Ҳожа Аҳрор Валий ёдгорлик мажмуасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамкорлигида: жами 280 млн. сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

21 декабрь — Ўзбекистон мусулмонлари идорасида кўзи ожизлар учун Брайл ёзувида нашр этилган 8 жилдлик Қуръони каримнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Миср ва Тунисдан кейин жаҳоннинг учинчи мамлакати — Ўзбекистонда нашр этилган мазкур китоб меҳр-мурувват йилининг якунида ногирон юртдошларимиз учун бебаҳо тўхфа бўлди.

ШОҲИ ЗИНДА ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИДА ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий меъморчилигимизнинг ноёб дурдонаси – Самарқанд шаҳридаги Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Маданият ишлари вазирлигининг Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Шоҳи Зинда жамоатчилик фондиди (бундан кейин «Фонд» деб юритилади) тузиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин. Фонд Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориладиган даврда фаолият юритиши белгилаб қўйилсин.

Фонднинг Васийлик кенгаши таркиби 1-иловага ҳамда унинг ижрочи дирекцияси тузилмаси 2-иловага мувофиқ маъқуллансин. Васийлик кенгаши бир ой муддатда ижрочи дирекция раҳбарияти ва ходимлари таркибини тасдиқласин ҳамда у ўз вазифасини бажаришга киришсин. Мажмуада амалга ошириладиган ишларни бошқариш ва мувофиқлаштириш вазифаси Фонд ижрочи дирекцияси зиммасига юкланиши қайд этилсин.

2. Қуйидагилар Фонднинг асосий мақсад ва вазифалари этиб белгилансин:

– ноёб тарихий-меъморий иншоот ва муқаддас қадамжо ҳисобланган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш;

– мазкур мўтабар масканнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг қўламдаги зиёратларини уюштириш;

– ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиш тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

– диний-маърифий ишларни ташкил этишда, айниқса, ёшларни миллий гурур ва ифтихор, Ватанга садоқат, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг буюк меросидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фондни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.





Шоҳи Зинда – Самарқанд сайқалини дунёга кўрсатувчи ёдгорликлардан бири.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Фонд маблағлари Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, ҳукуматга қарашли ва ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотлар, хорижий фуқароларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил топади; Фондга тушадиган маблағлар солиққа тортилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш учун Фондга 2004 йилда 300,0 млн сўм маблағ ажратсин ҳамда тасдиқланган давлат бюджети кўрсаткичларига тегишли ўзгартиришлар киритсин;

2005 йилги давлат бюджетида мажмуада юқорида кўрсатилган ишларни давом эттириш учун Фондга тегишли маблағлар ажратишни режалаштирсин.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг бу хайрли ишга жорий йилда 50,0 млн сўм ва кейинги йилларда 100,0 млн сўм миқдоридан маблағ ажратиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

6. Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини бажариш учун Фонд ягона буюртмачи бўлиши белгилаб қўйилсин.

7. Самарқанд шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда Фондни бино билан таъминласин.

8. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасини қайта тиклаш, таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, бу ердаги обидалар тарихини ўрганиш ишларини олиб боришда Фондга доимий ёрдам кўрсатсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатишга ҳамкорлик қилишда Фондга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

10. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлигига республика ва хорижий оммавий ахборот

воситаларида Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси*

И.КАРИМОВ

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк ватандошимиз, ўз даврида диёримизда тинчлик ва аҳилликни қарор топтиришга, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшган ва бой маънавий мерос қолдирган улуг мутафаккир Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Амир Темур жамгармаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан биргаликда:

Хожа Аҳрор Валий асарларининг қўлёзмалари манбаларини кенг, ҳолисона талқин ва ёндашувлар асосида ўрганиш, алломанинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги замонавий тадқиқотларни тўплаш ва нашр этиш;

Самарқанд шаҳрида «Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар белгилансин.

4. «Ўзбеккино» миллий агентлигига алломанинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий-ҳужжатли фильмни суратга олиш топширилсин.

5. Маданият ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Хожа Аҳрор Валий Самарқанд туманидаги меъморий мажмуасини таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширсин.



6. «Ўзбектуризм» компаниясига Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда Хожа Аҳрор Валий номи билан боғлиқ қадамжоларга юртдошларимизнинг зиёратларини ташкил этиш вазифаси топширилсин.

7. Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хуснидинов зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси*

И.КАРИМОВ



ЁВУЗ КУЧЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

2004 йил 29 мартда Ўзбекистон телевидениеси учун берилган махсус интервьюдан.

Аввалтамбор, руй берган мудҳиш воқеаларда бегуноҳ қурбон бўлганларга, ҳалок бўлган милиция ходимларининг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзиямни изҳор этиб, ярадор бўлганларга ўз ҳамдардлигимни билдирмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳаллаларда, турар жойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, бе-парволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак.


Мана шундай мураккаб вазиятда мен кўпни кўрган, машаққатли синовларда ўзининг мардлиги ва матонатини намоён этган, эл-юрт учун ўзини аямасдан хизмат қилаётган маҳалла жамоатчилигига, барча маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, менинг болаларим, фарзандларим бўлган маҳалла посбонларига алоҳида мурожаат қилмоқчиман, деди Ислоҳ Каримов. Ишонаманки, сизлар бундай гаразли хуружларга қарши ўз қатъий фаолиятингиз, жонкуярлигингиз билан халқимизни бирлаштиришга, бир мушт бўлиб ёвуз кучларга қарши зарба беришга қодир эканингизни бу сафар ҳам амалда кўрсатасизлар.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна сололмайди, халқимизнинг иродасини буколмайди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошидан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган. Шунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бундай жирканч, ёвуз бало-қазоларни таг-томири билан юлиб ташлашимиз, бизга ато этилган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлашимиз зарур.

Мен мана шундай вазиятда 1999 йили Олий Мажлис минбарида туриб айтган гапларимни яна такрорламоқчиман. Биз манфур террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз, уларни маблағ билан таъминлаётган манбаларни, одамларни дин ниқоби остида чалғитиб, мудҳиш жиноятларга йўллайётган куч ва марказларни албатта аниқлаймиз. Ўз халқига, ўз ватанига қўл қўтарган, бегуноҳ инсонларнинг умри-





«Хизбут-тахрир» ғоялари ортидаги жиноятларнинг мудҳиш манзараси.

га зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, халқимизга кўрсатамиз, деди пировардида Президент Ислон Каримов. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам албатта етади.

ВАТАНИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ЎЗ КУЧ-ҚУДРАТИМИЗГА, ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАМЖИҲАТЛИГИ ВА БУКИЛМАС ИРОДАСИГА БОҒЛИҚ


*Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
XIV сессиясидаги нутқдан*

Мамлакатимизни демократик тамойиллар, илм-фан ютуқлари, юксак технологиялар асосида модернизация қилиш билан бирга, муқаддас динимизни, миллий ўзлигимизни асраб-авайлаб яшашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун юртимизда мавжуд бўлган салоҳият ва бойликларни ишга солиш, улардан оқилона фойдаланиш, аввало, ўз куч ва имкониятимизга, ота-боболаримиздан қолган бебаҳо мерос, миллий урф-одат ва анъана-наларга суяниш, кадриятларимизни тиклаш, бир-биримизга елкадош бўлиш эҳтиёжини халқимиз бугун ҳар томонлама тушуниб етди. Айни вақтда умумбашарий ютуқларни ўзлаштириш, ёш авлодни шу асосда тарбиялаш, дўстни ганимдан ажратиш, бизга қўл узатаётган хайрихоҳ шериклар билан ҳамкорликда эртанги кунимизни кўриш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга қаратилган олий мақсадларимиз ҳақида бугун ортиқча тарғибот олиб боришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ва мана шундай ҳолатни, яъни оддий фуқароларимизнинг умумий ва сиёсий савияси нақадар ўсганини юртимиз кейинги даврда эришган ютуқларнинг энг муҳими, деб ҳисоблайман.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: бизнинг танлаган йўлимиз кимларга ёқади-ю, кимларга ёқмайди? Бу саволларга жавоб топиш ва тегишли хулосалар чиқаришга кўпни кўрган, донишманд халқимизнинг ақли ва қурби етади, деб ўйлайман.

Барчамизга аён бўлиши керакки, ганимларимизнинг асосий нияти — Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга қираётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш,





Президент Ислам Каримовнинг Кувейт давлатига таширифи.

юртимизда, минтақамизда ўз манфаати, ўз сиёсатини ўтказишдан иборат.

Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чағитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга, унинг асл қадрият ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан гаразли ниятларда фойдаланади. Охирги тўрт-беш йил давомида тўпланган маълумотлар шуни кўрсатадики, бундай мараз ва қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган. узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, шуни ҳам таъкидлашимиз керакки, энг замонавий восита ва имкониятларга эга. Улар узининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида, ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғояларни, шу жумладан, "Ҳизбут-таҳрир" оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватларини ишлатади.

Нима эмиш, барча мусулмон динига мансуб халқлар халифалик деб ном олган ва битта халифа бошқарадиган ягона диний давлатга бирлашиб, бизнинг асосий Қомусимиз — Конституция ва қонунлар ўрнига, ўрта асрларда ҳукм сурган ақида ва одатларга итоат қилиш асосида яшаб, кун кўришимиз керак эмиш. Давлатни бошқариш, унинг хўжалик ва иқтисодиётини тебратиш у ёқда турсин, оддий оиланинг даромад ва буромад ташвишларидан — ниманинг қаердан ва нима ҳисобидан, қандай меҳнат эвазига келишидан хабардор бўлган ҳар қандай ақли расо одам бундай ғояларнинг сохталигини англаши, уларнинг ҳақиқий баҳосини бериши мумкин. Бундай сохта замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало бугун биз XXI асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва ҳозирги ўт. мураккаб, шиддат билан ўзгариб, тараққий топаётган. компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қила олади.

Ҳеч қайси давлат, жаҳоннинг қайси қитъасида жойлашганидан қатъи назар, бугун дунё бозори ва халқаро ҳамжамиятдан ажралган ҳолда ва замон талаб қилаётган қонунларга итоат қилмасдан туриб, уз келажагини куролмайдди. Бу ҳақиқатни исботлаб беришга ҳожат йўқ, деб уйлашман.

Ахир, ҳаммамизга маълум: тарих гилдирагини орқага қайтариб бўлмайдми-ку! Шу нуқтан назардан қараганда, барча мусулмон давлатларини ягона халифаликка бирлаштириш мақсади ҳам ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган афсона, десак, асло хато бўлмайди.



Халифаликлар қачон бўлган? Халифаликлар қайси минтақа ва худудда, қайси даврда ва қайси асрларда бўлгани ва тарихда қолганини ким билмайди? Шундан сўнг неча йил, неча асрлар ўтди?

Савол тугилади: бу қанақаси бўлди? Вақтни тўхтатиб бўладими? Ҳаётни тўхтатиб бўладими?

Қандай қилиб минг йиллар олдинги шароитни XXI асрга олиб келиш мумкин? Буларнинг ҳаммаси ўта содда, керак бўлса, барча уйдирмаларга лаққа тушадиган одамларга қаратилган ва буни тушуниши қийин эмас.

Минг афсуски, биз бу нарсаларга етарли эътибор бермаймиз. Ҳа, кимдир шу уйдирмаларни ўртага қўйса-қўйибди-да, бу бизнинг ишимиз эмас, биз бугунги Ҳаёт билан яшаяпмиз, деймиз. Лекин бу — катта хато. Чунки биз битта халқмиз, кимки шундай даъватларга, ёлгон ғояларга алданиб қолса, улар учун ҳам биз жавобгармиз. Чунки улар ҳам бизнинг юртдошларимиз, бизнинг болаларимиз.

Аслида мана шундай тажовузлар нимадан бошланади?

Авваламбор, улар ёшларни ўз таъсирига олади, онгини заҳарлайди. Ақл-хушини йўқотган мана шундай одамларни тайёрлаб, кейин кўлига қурол беради. Уларни ўз Ватанига, ўзини одам қилиб вояга етказган эл-юртига қарши қўяди.

Шунинг учун мен матбуот орқали ҳам, хориж сафарларида ҳам доимо такрорлайман — террорга қарши курашиш керак.

Лекин террорчилик ҳаракатлари мана шундай ақидалар найзасининг заҳарли бир учи, холос. Биринчи галда, террорчиларни тайёрлайдиган заминга, ғояга, мафкурага эътибор бериш, шуларга қарши курашиш керак. Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги кунига мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз қурол билан эмас, ғоя билан курашишимиз зарур. Бизнинг ғоямиз кучли бўлиши лозим. Авваламбор, ўзимиз, ҳаётнинг ўзида синалган ўз ғоямизга ишониб майдонга чиқишимиз даркор. Ғаламисларга қарата, агар ғоянг зўр бўлса, бугунги ҳаётга тўғри келса, яъни қандай қилиб халифаликни Ўзбекистонга ёки Ўрта Осиёга жорий этиш мумкинлигини исботлаб бер, дейишимиз керак.

Минг афсуски, биз бундай уринишларнинг зарарли афсона эканини тушунтириб беришга иккинчи даражали масала, деб қараймиз.

Агарки, биз юртимизда тинчликни сақламоқчи бўлсак, бир халқ, бир миллат, бир мушт бўлиб яшамоқчи бўлсак, бу адашган одамлар ҳам ўзимиздан чиққанини унутмаслигимиз, уларга шу кўз билан қарашимиз керак. Булар бегона эмас, бир вақтлар ўзимизда тугилган, ўзимизда тарбия топган, шу тупроқнинг сувини ичиб,





2004 йилда Қуръони каримнинг кузи
ожизлар учун брайл ёзувидаги нашри
ҳамда «Ислам энциклопедияси»нинг
чоп этилиши маънавий-маърифий
ҳаётимызда муҳим воқеадир.

тузини еб вояга етган. Шундай экан, фақат баландпарвоз гаплар билан уларни қоралаш, бундай гаразли кимсаларни янчиб ташлаймиз ва ҳоказо, деб ҳайқариш билан масала ҳал бўлмайди. Эй, барака топкур, бунақа даъватлар билан, бунақа интилишлар билан қаёққа борасан?

Яна бир масала. Ўзларини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деб атайдиган халқаро ташкилотларнинг вакилларида шундай бир қараш бор: нима эмиш, "Ҳизбут-таҳрир" оқими вакиллари — бу тинч ҳаётни кўзлайдиган, адолатга интиладиган, мусулмончилик тарафдори бўлган одамлар эмиш. Бу масалада барчамиз огоҳ ва сезгир бўлишимиз даркор. "Ҳизбут-таҳрир" каби диний оқимлар аҳолининг ичида, маҳалла ва қишлоқларда ташвиқот ишини бошлаб, ўз сафига аввало ёшларни тортаётган пайтда найранг ишлатиб, ўзини мусичадек беозор, фақатгина адолат ўрнатиш тарафдорлари деб кўрсатишга уринади. Лекин тажриба шуни тасдиқляптики, улар кучга кирганда ўзининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади.

Ўз сафидан жангариларни майдонга чиқариш учун ҳар томонлама замин тайёрлаб турган бу оқим вақти-соати келганда, ҳокимиятни, қонуний тизимни ағдариш мақсадида тинч ҳаётни бузиб, ур-йиқит, портлатиш, қон тўкишдек мутлақо зўравонлик ва тажовузкорлик ҳаракатларига ўтиши ҳеч гап эмас. Бундай оқимлар ва уюшмаларнинг низоми ва қоидалари кимки уларнинг қараш ва гоёларини қабул қилмаса ёки уларга қўнмаса, буларнинг пешонасига "кофир", "диндан қайтган" деган тамғани босиб, уларга қарши жиҳод эълон қилиш, ҳатто ота-онасидан ҳам воз кечишни талаб қилади.

Мен шу масала бўйича бир саволни ўртага қўймоқчиман. Агарда, бу оқим биз бугун яшаётган Конституцияга қарши, қонунларга қарши бўлса, Конституция деган, дунёвий давлат деган тушунчаларни бутунлай инкор этса, маърифий ҳаёт тарзини, башарий тараққиётни мутлақ рад қиладиган бўлса, асло қабул қилмаса, бугунги ҳаётни ағдаришга даъват этадиган бўлса, буни қандай баҳолашимиз мумкин? Айтайлик, булар эртага ўзининг ана шу гаразли гоёларини татбиқ қилишга киришса, ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлса, қанча-қанча қон тўкилади, юртимиз вайронага айланиши, ҳаётимиз юз йилларча орқага кетиши муқаррар. Бугун шуни тушунмайдиган, англамайдиган одам борми?

Боз устига, бу оқим тарафдорлари ўзининг чақириқ ва бақириқларида бошқа дин ва миллат вакиллари Узбекистондан, шу минтақадан ҳайдаб чиқаришга, уларни умуман йўқ қилишга



Тошкент ислом университетида Ўзбекистон—Кувейт дўстлик хонасининг очилиш маросими.



«Тошкент ислом университети» наизриёт-матбаа бирлашмаси томонидан 2004 йилда чоп этилган Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири.

даъват этадиган бўлса, бундай ҳаракатлар охир-оқибатда нималарга олиб келиши мумкин?

Тарихдан маълумки, халифаликни тузиш у ёқда турсин, икки мусулмон давлатини бирлаштириш, мисол учун, ўтган XX асрнинг 50-йилларида Миср давлатининг Сурия ва Ливия каби араб мамлакатлари асосида ягона давлат қуриш ҳаракатлари нима билан тугагани барчамизга аён. Ёки Афғонистонда толиблар зўрлик билан жорий этган тизимни минтақамизда, Ўрта Осиёда кўришни истайдиган бирорта одам йўқ, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз, деб ўйлайман.


Лекин ҳар қандай қўпоровчилик ва тажовузкорликнинг олдини олиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз. Эл-юртимизни, унинг шаънини, унинг келажагини, болаларимиз тақдирини ўзимиз ўйлаб, ўзимиз ҳимоя қиламиз. Бу йўлда кимки бизга хайрихоҳлик қўлини узатадиган бўлса, албатта, ўз миннатдорлигимизни билдириб, уларнинг олдида қарздорлик туйғусини доимо ҳис этиб яшаймиз.

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, мантиқий бир хулосага келишимиз мумкин. Буларнинг барчасини сохта гоёларни тарқатиш, содда фикрлайдиган одамларни чалғитиш йўли билан бугун минтақалар ва дунёнинг харитасини ўзгартиришга, тинч яшаётган халқларни разолат ва жаҳолат замонига қайтаришга, ўз манфур мақсади йўлида ислом динини қурол қилиб олишга уринаётган ақидапараст "доҳий"ларнинг маккорона ва ўта хавфли ўйини десак, асло хато бўлмайди.

Лекин бундай мудҳиш режаларни бизнинг юртимизда амалга ошироқчи бўлганлар қаттиқ адашади. Биз қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз. Биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккир ва саркардаларнинг ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқмиз. Бизга қарши ёвуз ният билан юрган қўпоровчи, бузғунчи кучлар шуни қулогига қўргошиндек қуйиб олсин: Ўзбекистон давлати ўз халқини, ўз заминини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилишга қодир. Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон унутмаслигини хоҳлардим.

Ҳурматли депутатлар!

Юртимиз бошига иш тушган ташвишли кунларда жаҳондаги кўплаб нуфузли давлатлар, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари халқимизга ҳамдардлик билдириб, бизни қўллаб-қувватлаганидан, ўйлайманки, жамоатчилигимиз яхши хабардор. Шулар қаторида, мусулмон давлатларининг раҳбарлари, ислом оламининг кўзга



Истиқлол йилларида ҳукуратимизнинг муттасил ёрдами туфайли ҳаж зиёратини намунали ташкил этиши борасида муайян тизим шаклланди.

кўринган сиёсат ва дин намоёндаларининг бу масалага холис ва соғлом ёндашуви эътиборга сазовор.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Мисрда чиқадиган "Ас-сиёсий" газетасида сиёсатшунос Муҳаммад Салома Ўзбекистондаги воқеалар муносабати билан алоҳида бир мақола чоп эттирган. Бу мақоланинг таржимаси яқинда "Халқ сўзи" газетасида босилиб чиқди. Муаллиф, содир бўлган воқеаларни таҳлил қилар экан, жумладан, бундай деб ёзади: "Бирон-бир давлатнинг мустамлакаси бўлмаган, диний ва дунёвий илм олиш учун барча шарт-шароитлар тўлиқ таъминлаб қўйилган бу озод юртга қарши жиҳод қилиш — ўзини 90 фоиздан ошиқ аҳолиси мусулмонлардан иборат бўлган Ўзбекистоннинг мўмин халқига қарши қўйиш демакдир".

Муаллиф экстремистларнинг халифалик қуриш ҳақидаги даъволарига тўхталиб: "Бу тўдага бутун мусулмон уммати номидан бундай сиёсий чақириқларни ўртага ташлашга ким ҳуқуқ берди? — деган саволни қўяди. — Агар Ўзбекистон мисолида уни талқин қиладиган бўлсак, ҳар қандай йўл билан ўз нафсини қондиришга уринаётган бир гуруҳ лўттибозлар эмас, балки 25 миллионлик мамлакат аҳолисининг амри вожиблигидан келиб чиқиш керак. Бу халқ ўз хоҳиш-иродасини мамлакат раҳбари ва халқ номзодлари сайловларида яққол намоёиш этган ва бугунга келиб, ўзи олий ваколат берган шахслардан Ўзбекистон халқининг тинчлиги ва тотувлигини таъминлаб беришни талаб қилишга ҳаққи бор".

Ўйлайманки, бундай холис ва ҳаққоний фикрларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Мана шундай маърифатли, оқ-қорани танийдиган инсонлар тимсолида мусулмон дунёси бу террорчилик ҳаракатлари динимизга мутлақо ёт, бегона эканини ҳар томонлама исботлаб, уларни қаттиқ қораламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, эл-юртимиз ўз бошидан огир синов кунларини кечирган бир пайтда бизга ҳамдард бўлган барча инсонларга, чет эллардаги дўстларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат этгайсиз.

Ҳозирги кунда диний экстремизм мафқурасига, кўпоровчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа — аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана, ёшлар ўсяпти. Албатта, ҳали уларнинг тажрибаси кам. Лекин мен ишонаман, ёшларимиз орасида, мен халқимни, юр-

тимни ҳимоялашга тайёрман, мана, мен борман, жаноб Президент, деб майдонга чиқаётганлар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Айнан шу ҳақиқатни инобатга олиб, буларнинг орасида олиб борилаётган ўта масъулиятли ишда шираси, таъсири йўқ, умумий, ҳавоий гаплардан воз кечиб, ақидапарастликнинг ўзи нима, диний экстремистик оқим ва ҳаракатларнинг асл мақсади нималигини, уларнинг эл-юртимизга, ота-боболаримиздан қолган асл динимизга қандай катта зарар етказишини тушунтириб бера олишимиз даркор. Шундагина алашганларни йўлидан қайтариш, бундай машъум ҳодисаларнинг олдини олиш, юртимиз ва миллатимизни асрашимиз мумкин.

Албатта, биз бугун таълим-тарбия соҳасида, маънавий-маърифий соҳада кўп-кўп ишларни амалга оширмоқдамиз. Юзлаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, замонавий спорт масканларини барпо этдик ва барпо этмоқдамиз. Айни пайтда мактабларга, айниқса, қишлоқ мактабларига эътиборни кучайтирмоқдамиз.

Биз яқинда мактабларнинг моддий-техникавий базасини яхшилаш масаласи бўйича давлат дастурини қабул қиламиз. Ва ушбу беш йиллик дастурни амалга оширгандан кейин, ишонаман, мактабларимиз ҳам лицей ва коллежлардан асло қолишмайдиган бўлади. Болаларимиз шундай замонавий мактабларда ўқиб, таълим-тарбия олади, албатта.

Юртимизда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, тили, дини, миллатидан қатъи назар, шу заминдаги барча инсонларнинг ўзаро меҳр-оқибатли бўлиб яшashi, жамиятимизда ҳеч ким, биринчи галда. ёрдам ва кўмакка муҳтож бўлган инсонлар ўзини ёлғиз сезмаслиги учун барчамиз ҳисса қўшишимиз керак.

2004 йил 29 апрель.





Талабалар тахсил олиш билан бирга ўз илмий-ижодий салоҳиятини оширишлари учун Тошкент ислом университетида барча шароитлар яратилган.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Республика «Маҳалла» хайрия жамгармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига:

худудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларда:

таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маданий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бирга-ликда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, аҳолига, биринчи навбатда ёшларга соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларига ижобий таъсир ўткази оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизларни тайинласинлар.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти Фармонидан*

2004 йил 25 май.



БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ислом оламининг беназир намояндаси Баҳоуддин Нақшбанднинг жаҳон тафаккур хазинасига ва муқаддас динимиз ривожига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, унинг меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик, маънавий комилликка чорловчи гоёларини ватандошларимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда буюк алломалар ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Бухоро вилоятида мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Қайд этилсинки, ушбу Марказ таркибига Абдуҳолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаси ҳам киритилади.

Марказ фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш, белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган Бошқарув кенгаши таркиби иловага мувофиқ маъқуллансин.


2. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилангани маълумот учун қабул қилинсин:

– ноёб меъморий иншоот ҳисобланган Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдуҳолиқ Ғиждувоний ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш;

– ушбу муқаддас қадамжоларнинг мусулмон дунёсидаги нуфузини янада ошириш, бу ерга маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг кенг қўламдаги зиёратларини уюштириш, зиёратчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

– Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асарларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, маънавий баркамоллик каби азалий қадриятларни халқимизга етказиш:

– диний-маърифий ишларни ташкил этишда айниқса ёшларни меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг ҳаётбахш ўғитларидан самарали фойдаланишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.



*«Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган пурҳикмат даъват
бугунги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган.*

3. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига бир ой муддатда Марказ Низомини тасдиқлаш, уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш тавсия этилсин.

4. Марказнинг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бухоро вилоят бўлимида очиладиган ҳисоб рақами Ўзбекистондаги юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар ва хорижий фуқароларнинг хайрия маблағлари учун очиқ экани қайд этилсин.

Мазкур маблағлар Марказ фаолиятини ташкил этиш ва доимий такомиллаштириб бориш, ёдгорлик мажмуаларини талаб даражасида сақлаш, асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, уларнинг инфратузилмаларини ривожлантириш учун йўналтирилиши кўзда тутилсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдуҳолиқ Гиждувоний ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш, жорий таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишда Марказга тегишли ёрдам кўрсатсинлар.

6. Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Дин ишлари бўйича кўмита ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларнинг Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасига зиёратларини ташкил этиш бўйича нуфузли халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилишда Марказга ҳар томонлама кўмаклашсинлар.

7. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлигига республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларида Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шоғирдлари маънавий меросининг аҳамияти ва моҳиятини очиб бериш, бу улуг зотларнинг ҳаётини ўрганиш, номларини улуғлаш, эзгу ўғитларини тарғиб қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларни янада кенгроқ ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳуснидинов ва Бош вазир ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

*Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси*

И.КАРИМОВ



ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

2004 йил 21 июнь куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлисдаги нутқидан

Биз бир нарсани ҳисобга олишимиз даркор. Ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини — ҳаммамиз учун муқаддас, халқимизнинг асосий қисми шу динга эътиқод қилади. Шу дин билан боғлиқ урф-одатларга мусулмон фарзандлари сифатида барчамиз ҳам риоя қиламиз. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, маҳаллалар хотин-қизлари орасида ана шу урф-одатларга тўла амал қилинаётгани ҳам — бор ҳақиқат. Бунни кўрмаслик ва сезмаслик мумкин эмас. Шу сабабли бундай аёлларга зарур ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватлаган ҳолда, уларни маҳалла бошқаруви таркибига киритиш, жойларда ҳокимликлар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари, диний ташкилотлар улар билан ҳамкорликда иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бу борада бизнинг ҳаёт тарзимизга, миллий-диний қадриятларимизга зид бўлган носоглом қарашларга, жангарилик, мутаассиблик кайфиятларининг тарқалишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

ҲУШЁР ВА ОГОҲ БЎЛИБ ЯШАШ ҲАЁТИМИЗ ҚОИДАСИГА АЙЛАНДИ

2004 йил 30 июль куни рўй берган фожиали воқеалар хусусида

Аввал хабар қилинганидек, Тошкентда содир этилган террористик ҳуружлар муносабати билан 2004 йил 31 июль куни Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилигидаги ҳукумат комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Кўпчилиكنи қизиқтирадиган иккинчи масала шундан иборатки, бу ёвуз кимсаларнинг мақсад-муддаолари нималардан иборат бўлган? Албатта, ҳукумат комиссияси, унга жалб этилган прокуратура ходимлари, хавфсизлик хизматчилари, Ички ишлар вазирлиги терговчилари, умуман, бу ишга дахлдор бўлган барча масъул одамлардан иборат мутахассислар гуруҳи бу масаланинг таг-томирига етиб бориш учун барча ишларни қилади. Ишончим комилки, бу ма-



сала ҳам, албатта, ўз ечимини топади. Бунинг учун барча маълумотларни тўплаб, ўзаро солиштириб, авваламбор, ашёвий далилларнинг ҳаммасини жой-жойига қўйиб, тегишли хулосалар чиқариш лозим бўлади. Мутахассисларимиз бунинг исбот қилиб беришлари учун озгина вақт керак. Мен дастлабки маълумотларга таянган ҳолда, портлашлар натижасида қўйидаги учта мақсадга эришиш кўзда тутилган, деб айта оламан.

Биринчи мақсад — халқимизни кўрқув ва ваҳимага солиш, содда одамларда, ҳали-бери бизда куч бор, ҳали-бери биз кураш майдонидан тушганимиз йўқ, деган хомхаёлдан иборат тасаввурларни уйғотишдан иборат. Эсингизда бўлса, Олий Мажлиснинг 14-сессиясида, мен Президент, давлат раҳбари сифатидаги ваколатимга таяниб, агарда мана шундай ёвуз йўлга мияси заҳарланиб, алданиб кириб қолган одамлар ўз хатосини англаб, қилмишидан пушаймон бўлиб, ўз айбига иқроор бўлиб, шу йўлдан қайтмоқчи, ота-онаси, оиласи ва маҳалласининг бағрига қайтмоқчи бўлса, уларни кечирамиз, афв этамиз, деб ваъда берган эдим. Давлатимиз томонидан кўрсатилган ана шундай инсонпарварлик бугун амалда ўз натижаларини бермоқда.

Чунки инсоният тарихи шуни кўрсатадики, ким ўз халқига қарши курашмоқчи бўлиб, аҳмоқона йўлга ўтган бўлса, ҳеч қачон, ҳеч қаерда ўз мақсадига эришмаган ва жувонмарг бўлган. Бу ўринда айнан жувонмарг бўлади, деб айтиш тўғри булади. Нега деганда, азал-азалдан ўз ота-онаси ва эл-юртига қарши қўл кўтарадиган фарзанд "оқпадар" деган лаънатга учраб, жувонмарг бўлганини кўп-кўп мисолларда кўришимиз мумкин.

Шу нуқтаи назардан баҳо берадиган бўлсак, жуда огир жиноятларга қўл урмасдан туриб, ўз вақтида эс-ҳушини йиғиштириб олиш, хатарли йўлдан қайтиш имконияти бўлган инсонлар бунинг учун ўзларида куч топиб, худо берган ақлини ишлатиб, шу йўлдан қайтадиган бўлса, уйлайманки, улар ҳам одамлар қаторида яшаш, ўз қадрқимматини тиклаш, фарзандларининг кўзига тик қараш бахтига эришади. Бу ҳаёт шундайки, кимдир ота-онаси, аёли, фарзандлари, ёру биродарларининг кўзига тик қараса, кимдир тик қарай олмайди. Чунки бўйнида айби борлиги туфайли бунга журъат қилолмайди. Яъни, бунинг учун ўзининг маънавий ҳаққи йўқлигини ҳис қилади. Қани, айтинг, дунёда бундан ҳам огир фожиа борми? Шунинг учун нафақат жинорий йўлга адашиб кириб қолганларга, балки уларнинг қилмишидан хабардор бўлган одамларга ҳам шуни айтмоқчи-манки, ҳали ҳам кеч эмас, бундай одамларни биз ёмон йўлдан қайтаришимиз керак. Нега деганда, улар ҳам кимнингдир бола-



*Нақибандия тариқатининг пири муршиди Хожа Убайдуллох
Ахрор ҳазратларининг обод этилган мажмуаси.*

си, жигарбанди, улар ҳам ўзбек оиласидан чиққан йигитлар. Буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз ва халқимизни жипслаштириш, фарзандларимизни асраш йўлидаги бир даъват, деб билишимиз керак.

Албатта, бу даъватнинг маъносини тўғри тушуниб, бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлиб, бир-биримизга суяниб, бир-биримизга елкадош бўлиб, баҳамжиҳат ҳаракат қилсак, ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкинки, бизнинг ҳаётимизга ҳеч қандай ёвуз куч четдан туриб хавф сололмайди. Мана шундай ҳаракатлар ҳозирданоқ ўз натижасини бераётганини қилмишидан пушаймон бўлган йигитларнинг ота-оналари билан бирга милиция ва прокуратура идораларига афв этишни сўраб келаётгани мисолида кўришимиз мумкин. Ота-онаси, маҳалла оқсоқоллари уларнинг нотўғри йўлдан қайтгани, энди бошқа бу йўлга кирмаслигига кафил бўлмоқда. Ўз айбига иқрор бўлиб, бундан буён қонун асосида яшашга ваъда берганларни албатта кечирамиз. Чунки биз ҳеч қачон, ҳеч кимга ашаддий ва абадий душман бўлмаганмиз. Бош эгиб келганларни жазолаш бизнинг қонунларимизга ҳам, миллат сифатидаги менталитетимизга ҳам тўғри келмайди. Лекин бизнинг мана шундай сиёсатимиз, унинг натижалари кимларгадир ёқмаяпти. Кунин кеча содир бўлган воқеалардан кўзланган яна бир мақсад ана шу жараённи йўққа чиқаришга қаратилган.

Террористларнинг учинчи мақсади ҳақида гапирганда, 30 июль воқеалари содир бўлиши биланоқ жаҳондаги айрим ахборот воситаларининг дарров дунёга жар солиб, бу жиноятларнинг орқасида "Ўзбекистон исломий ҳаракати" деб аталадиган ташкилот турибди, у масъулиятни ўз бўйнига олди, деган гапларни тарқата бошлаганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Нега деганда, бундай ахборот хуружлари ҳам бежиз эмас. Боя айтганимдек, ҳозир Ўзбекистон Олий судида март-апрель ойларида содир этилган жиноятларга алоқадорликда гумон қилиниб қўлга олинган 15 нафар шахс устидан суд бўляпти. Суд мажлисларида уларни ким йўлдан ургани, ким қўлига қурол бергани, қаерда тайёргарлик кўргани, ким моддий ёрдам бериб тургани, кимнинг тарғибот-ташвиқоти уларни шу жиноят йўлига бошлагани ҳақида айбланувчилар очик гапирмоқда.

Бунинг натижасида бизнинг минтақамизда яширин фаолият олиб бораётган кўпгина диний экстремистик оқимлар, жумладан, "Ҳизбуттаҳрир" оқимининг ғаразли мақсадлари фош бўлмоқда. Биз бу оқимнинг асл мақсадлари ҳақида кўп гапирганмиз. Бу оқим вакиллари нафақат Ўзбекистон, балки Покистон ва Афғонистон бўладими,



Ҳожа Аҳрор Валий ёдгорлик мажмуаси ҳамиша зиёратчилар билан гавҷум.

минтақамиздаги қўшни республикалар бўладими, умуман, бутун му- сулмон давлатларида халифат тузишдек пуч даъволар билан юргани тўғрисида кўп гапирганмиз. Бу ҳақда ҳозир ортиқча тўхталиб ўти- ришнинг ҳожати йўқ. "Ҳизбут-таҳрир"чилар ўз гоёларини зўравон- лик билан амалга ошириш учун террорчиларни ўз сафига жалб қилиш, уларга гоёвий замин яратиш, ёшларнинг миясини заҳарлаш, ўз хал- қига, мавжуд конституциявий тузумга қарши қурашга чорлаётгани ҳам ана шу суд жараёнида ўз исботини топмоқда.

Айтинглар, бу кимга ёқади? Дунёда ўзини "инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари", деб эълон қилган шундай одамлар ва кучлар, уюшма ва ташкилотлар борки, уларнинг баъзилари "Ҳизбут-таҳрир"чилар- ни ўз ҳимоясига олиб, уларни беозор, бегуноҳ кўзичоқдек кўрса- тишга уринади. Уларнинг фикрича, "Ҳизбут-таҳрир" фақат диний оқим эмиш. Ўзингиз ўйланг, бу диний оқим мана шу Ўзбекистон заминада ҳозирги мавжуд конституциявий тузумни ағдариб, қан- дайдир халифат тузмоқчи бўлса, халқимиз асрлар давомида кура- шиб эришган эркин ва озод ҳаётни тақиблаб, шариат асосидаги тартибни жорий этмоқчи бўлса, бунга қандай қилиб тинч йўл билан эришиш мумкин? Бу қабиҳ ниятга қон тўкмасдан, минглаб одам- ларни хонавайрон, сарсону саргардон қилмасдан эришиб бўлади- ми? Бу аслида ғирт хомхаёл эмасми? Улар бугун ҳали мияси, онги ва дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ёшларимизни ўз таъсирига ола- ётган бир пайтда ўз гоёларини беозор қилиб, ниқоблаб кўрсатиб, уларни тинч йўл билан амалга ошириш ҳақида гапиряпти. Лекин улар эртага ҳокимиятни қўлга оладиган бўлса борми, бу ваъдалар- нинг ҳаммаси аслида ҳийла-найранг экани аён бўлади.

Улар қандай қилиб ўз мақсадига тинч йўл билан эришишмоқчи? Бу — биринчи масала. Иккинчи масала шундан иборатки, биз, ўз бошидан тарихнинг қанчадан-қанча синов ва машаққатларини ўтқа- зиб, халқ бўлиб, миллат бўлиб шу ёруғ кунларга етиб келган одам- лар қандай қилиб яна минг йиллар орқага, яъни ўрта асрларга қай- тишимиз мумкин? Қандай қилиб телевидениедан, замонавий ахбо- рот ва коммуникация воситаларидан, бутун дунё, умумбашарий цивилизация натижасида шаклланган алоқаларимиздан бутунлай воз кечишимиз мумкин? Бутун дунё юксак технологиялар даврида яшаётган бир пайтда қандай қилиб фақат мутаассиб ақидалар ҳукм- рон бўлган тузумда яшаш мумкин?

Бугун одамларимизни безовта қилаётган, керак бўлса, қийнаёт- ган яна бир масала шундан иборатки, қандай қилиб бундай ёвуз жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг бошқа такрорланишига

бул куймаслик мумкин? Қандай қилиб тинч ҳаёт кечириш, ўз мақсад-муддаоларимизга эришишимиз мумкин? Бу саволлар шу Ватан учун, шу юрт, барчамизни боқадиган бетакрор шу замин учун куйиб-ёниб яшайдиган барча юртдошларимизнинг қалбида жаранглаб турибди. десак муболага бўлмайди. Нега деганда, тинчлик бўлмаса, бирон-бир гоёни, бирон-бир мақсадни амалга ошириб бўлмайди.

Албатта, эртага яна шунга ўхшаш жинойтчилар пайдо бўлмайди, деб, ҳеч ким кафолат бера олмайди. Ҳаёт дегани бу албатта курашлардан иборат. Лекин биз ўз кучимиз ва имкониятларимизга қатъий ишониб, белимизни маҳкам боғлаб, халқимиз жуда яхши тушуниб қабул қилган, бугун ҳаётимизга сингиб кетган "Ўз уйингни ўзинг асра", деган даъватни янада чуқурлаштириб, керак бўлса, уни бойитиб "Ўз уйингни ўзинг асра, ўз юртингни ўзинг ҳимоя қил" деган умуммиллий шиорга айлантиришимиз зарур. Нафақат марказда, балки узоқ туман ва қишлоқларда ҳам одамларимиз шу гоёни ўзига қурол қилиб, шу даъват асосида яшаса, бундай бало-қазолар остонамизга келиши мумкин эмас.

Уйлайманки, халқимиз, жамоатчилигимиз, бугунги мураккаб ҳаётнинг талабларини тўғри тушуниб, доимо хушёр, доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашни ҳаёт қондасига айлантиради.





«Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда».



2005

1990 - 2005

2005 йил

3-5 январь — Брюссел шаҳри (Бельгия)да бўлиб ўтган "Раввинлар ва имомлар тинчлик учун" мавзуидаги анжуманда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани бош имом-хатиби Р.Обидов маъруза билан иштирок этди.

6-7 январь — республикамиздаги христиан черковларида Рождество байрами нишонланди.

9 январь — Рус драма театрида Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси томонидан Рождество муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

12 январь — Вазирлар Маҳкамасининг "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги 14-сон қарори эълон қилинди.

21 январь — республикамизда муборак Қурбон ҳайити кенг нишонланди. Жойларда ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, савдо, тиббиёт, транспорт хизматлари байрамнинг тартибли ўтиши, ҳайит намози ўқиладиган масжидлар, қабристон ва бошқа қадамжолар ҳудудини ободонлаштириш, кўчаларга байрамона оройиш бериш ҳамда ёритиш ускуналари созлигини таъминлаш, ёши улуг кексаларга эҳтиром, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва ногиронларга алоҳида гамхўрлик кўрсатилишини таъминладилар.

5 январь — 2 февраль — 4144 нафар фуқароларимиз "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг "Боинг" русумли янги авиалайнерларида, аввалги йиллар ва бошқа давлатлардан фарқли — имтиёзли равишда, Тошкентдан тўғри Саудия Арабистонининг Мадина шаҳрига сафар қилиб, ҳаж ибодатини адо этдилар.

"ИМПЕРИЯ ДАВРИДА БИЗНИ ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ОДАМЛАР, ДЕБ ҲИСОБЛАШАР ЭДИ"

"Независимая газета" мухбири В.Панфилова саволларига жавобдан

...Энг қизиги, бундай қараганда жавоб талаб қилмайдиган ушбу саволга Қозоғистон МХКнинг юқори мартабали вакилларида бири жавоб берди. Унинг баёнот беришича, бу одамлар "шаҳидлар", экстремистлар, улар Қозоғистонга эмас, айнан Ўзбекистонга қарши иш кўрмоқда. Гўёки бунинг сабаби Қозоғистонда эътиқод эркинлиги ва барча демократик меъёрлар амал қилмоқда, шу боис ашаддий жангариларнинг бу мамлакатга қарши даъвоси йўқ эмиш...

Умуман, галати бир мантиқ юзага келмоқда: экстремистлар бизга қарши, чунки биз уларни таъқиб қилиб, фаолиятини авж олдиришга йўл қўймаймиз. Буни қоралаш эмас, маъқуллаш керак! Ҳозирча эса юқори мартабали генерал расмий нуқтаи назарни билдирапти, деган таассурот қолмоқда. Бу эса ташвиш уйғотмасдан қўймайди...

Араб, мусулмон давлатларидаги айрим мафкурачилар минтақамизда мафкуравий бўшлиқ вужудга келганлигини пайқаб, бу ерга келиб, масжидлар қуришга киришди, гўёки одамларга динимизни қайтара бошлашди. Бу эса, тўғриси айтиш керак, бу ердаги аҳолининг мусулмон бўлмаган қисмини муайян даражада ташвишга солиб қўйди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мен мусулмонман ва ҳеч қачон отабоболаримнинг муқаддас динидан юз ўтирган эмасман. Бироқ ислом динида иккита йўналиш бор. Анъанавий, маърифий ислом билан бирга, минг афсуски, ислом ниқоби остидаги тажовузкор оқим ҳам бор ва у тобора кучайиб бормоқда. "Ҳизбуттаҳрир". "Ат-Қоид", "Мусулмон биродарлар" каби ташкилотлар ҳам шу оқимга мансуб. Бу энг ашаддий, жангари оқим бўлиб, у анъанавий ислом динига эътиқод қиладиган бир ярим миллиард мусулмонни ўзига бўйсундириб олмоқчи. Бу қабиҳ ниятли кучлар иймон-эътиқодни снәсат билан алмаштиради, ҳаммани ўзининг ортидан кўр-кўрона эргаштиришни, ислом динидан христианлик ва бошқа динларга қарши курашишда қурол сифатида фойдаланишни истайди. Улар жуда узоқни кўзлайдиган ғаразли мақсадларга эга. Афсуски, бунга камдан-кам одам аҳамият беради. Америкаликлар бу ёвуз балонинг хавфини энди тушуниб етмоқда ва унга эътибор қаратмоқда. Улар ислом динининг ичида кураш бораётганлигини англай бошлади. Инсоният келажаги кўп жиҳатдан бу курашда қайси тарафнинг устун келишига боғлиқ.





Янги бунёд этилган Сенат биноси Ўзбекистоннинг кўҳна ўтмиши ва буюк келажagini ўзида мужассамлаштирган.

Таассуфки, ислом олаמידан ташқарида динимиз ҳақида ниҳоятда сохта, ибтидоий тушунчалар ҳам мавжуд. Мусулмончиликни террорчилик билан тенглаштириш, бен Ладенни бутун ислом намояндаси деб кўрсатишга уриниш ҳоллари ҳам учрайди. Бундай қараш ва талқинлар ислом дини ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади ва бутун дунёда унга нисбатан таҳликали муносабатни келтириб чиқаради.

Менинг нуқтаи назаримга кўра анъанавий исломнинг жаҳолат ва реакцион оқимлар устидан ғолиб чиқиши учун ёрдам бериш ва шу орқали террорчилик илдизига болта уриш керак дарвоқе, биз шу мақсадда мусулмонларнинг тинчлик ва эзгуликни ёқловчи ислом динининг асл моҳиятини чуқур ўрганишлари учун беш йил аввал Тошкент ислом университетини ва унинг қошида лицей ташкил этилди.

"Халқаро терроризм" тушунчаси 2001 йилнинг 11 сентябридан айниқса урф бўлди. Бироқ бундан анча аввал ҳам Италияда "Қизил бригадалар" ва Германияда Баадер-Майнхоф гуруҳи бор эди... Бу ҳақда бугун Европада эслашни ёқтиришмайди. Нима учундир фақат ҳозирги кунга келиб Афғонистоннинг наинки Европани наркотиклар билан таъминлайдиган асосий манба эканлигини, балки энг ашаддий террорчиларни тайёрлайдиган полигон ҳам эканлигини ҳамма бирданига англаб етди. Ҳолбуки, мен бу масала ҳақида анча илгари гапирганимда, менга лоқайдлик билан "Бу сизнинг муаммонингиз", деб жавоб беришган эди...

Террорчиликка қарши курашда бизнинг принципиал нуқтаи назаримиз ўзгаргани йўқ. Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг (МОҲТ) Душанбеда бўлиб ўтган сўнгги йиғилишида МДХ худудида ва хусусан, МОҲТ худудида мавжуд бўлган террорчилик гуруҳларини қонундан ташқарида деб эътироф этиш мақсадида уларнинг рўйхатини тузиш ҳақида қарор қабул қилдик. Бу жиддий тadbир бўлиб, ўз амалий самарасини бермоқда: Германия, Покистон, 16 та араб мамлакати "Ҳизбут таҳрир"ни ноқонуний деб топди, Россия ҳам, кейинчалик МОҲТ нинг бошқа давлатлари ҳам бу қарорга кўшилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, террорчилик мафкураси бошқа динларни инкор этиш мафкураси асосида шаклланади. Бунга бир пайтлар тинчликни тарғиб қилувчи ташкилот сифатида майдонга чиққан, бугунга келиб эса энг ашаддий террорчилар, қотиллар ва зўравонларни етказиб берадиган ташкилотга айланган "Ҳизбут таҳрир"ни мисол қилиб келтириш мумкин. Шу сабабли ҳам бизнинг ишончимиз комилки, авваламбор, террорчилар томонидан ёшларнинг онгига сингдирилиб, уларни гайриқонуний ишларга тортадиган ёвуз мафкурага қарши кескин кураш олиб бориш керак.

2005 йил 14 январь.



БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ – ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДИР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқдан

Ақидапарастлик эса, у қандай қиёфада бўлишидан қатъи назар – бу диний ақидапарастлик бўладими ёки коммунистик ақидапарастлик бўладими – ўз мафқурасига, ҳаётга қарашларига мос келмайдиган ҳамма нарсани инкор этади ва "кимки биз билан эмас экан, у бизга қарши" деган тамойил асосида ҳаракат қилади.

... биз тадрижий, яъни эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришлар тарафдоримиз. Фақат бу янгиланишлар ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ўзгариши, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилиши даркор.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишини ташкил этади. Айни пайтда ушбу кўрсаткич, масалан, АҚШда – 715, Россияда – 584, Украинада – 416, Қозоғистонда – 386, Қирғизистонда – 390, Эстонияда – 339 кишидан иборат.

Ўтган ўн йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача қисқартирилди.

Эндиликда фақат террорчилик ва оғирлаштирувчи вазиятларда қасдан одам ўлдирганлик учунгина ўлим жазоси берилиши кўзда тутилган. Айни вақтда қонунчилигимиз ўлим жазосининг хотин-қизларга, вояга етмаганлар ва 60 ёшдан ошган шахсларга нисбатан қўлланилишини ман этади.

Бугунги кунда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда. XXI аср вабоси бўлган ушбу иллатга қарши жаҳон ҳамжамиятининг мурасимсиз курашини Ўзбекистон тўла қўллаб-қувватлайди.

Айни пайтда, биз фақат терроризмнинг ташқи кўринишларига, беғуноҳ одамларни гаровга оладиган, портлатадиган ва ўлдирадиган кимсаларга қарши курашиш билангина бу офатни бартараф этиб бўлмаслигини бир неча бор таъкидлаганмиз. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, авваламбор, ушбу бало-қазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркор.



Яъни, ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдинини қирқиб ташлаш керак.

Бугун мана шу минбарда туриб, яна бир бор таъкидламоқчиман: биз халқаро терроризмни ота-боболаримиздан қолган муқаддас динимиз — ислом дини билан боғлашдек хавfli ният ва уринишларни кескин қоралаймиз. Бундай оқибати ўйланмаган ва ифвогарона хатти-ҳаракатлар биринчи галда "Ал-Қоида" ёки "Ҳизбут-таҳрир" каби энг ашаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотларга қўл келади.

Барчамиз бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимиз керак — бугун ислом динининг ичида кескин қарама-қаршилик мавжуд. Шу муносабат билан бор куч ва салоҳиятни сафарбар этган ҳолда, маърифатли, бағрикенг ислом динига мусулмонликни ниқоб қилиб олиб, унинг устидан ҳукмронлик қилишга уринаётган жангари, мутаасиб кучларга қарши курашишда ёрдам бериш даркор.



Биз наркогрессия, халқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм учун ҳеч қандай "транзит" мамлакат йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисоблаймиз. Ишончим комил, бундай тажовузор кучлар билан "ўйин" қилиш, уларга қарши курашдан ўзини четга олишга ҳар қандай уриниш катта хатодир.

Тошкент, 28 январь.

Ислам КАРИМОВ



**НАША ГЛАВНАЯ ЦЕЛЬ –
ДЕМОКРАТИЗАЦИЯ
И ОБНОВЛЕНИЕ ОБЩЕСТВ
РЕФОРМИРОВАНИЕ
И МОДЕРНИЗАЦИЯ СТРАН**

"ЎЗБЕКИСТОН"

Ислам КАРИМОВ



**БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗ –
ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ВА ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДИР**

"ЎЗБЕКИСТОН"



OUR GOAL – DEMOCRATIZATION AND
REFORMATION AND
MODERNIZATION OF THE COUNTRY

ADDRESS

PRESIDENT OF THE REPUBLIC
UZBEKISTAN ISLAM KARIMOV
DURING THE 1ST JOINT SESSION OF THE LEGISLATIVE
AND THE SENATE OF OLIY MAJLIS
(THE PARLIAMENT)

January 28, 2003

СУНГСУЗ УРНИДА

Халқимиз бир асрдан ортиқ мустамлакачилик асоратида, етмиш йил давомида эса даҳрийлик, моддиюнчилик, яратганни инкор этиш каби манфур гоялар тузуми авахтасида яшади. Авахта сузида галат йўқ, гарчандки, ҳали-ҳануз унда-бунда маҳкумлиқ салтанатини қўмсашларни эшитамиз. «Ана, Иттифоқ даврида ундоқ эди. бундоқ эди. Хўш, энди-чи? Истиқлол нима берди ўзи?» дея муздек-муздек шивирлайдилар ана шу қўмсашлар, атрофга норозилик. қора шубҳалар сепадилар.

Қийинчиликлар йўқ эмас. Мамлакат сарваридан тортиб оддий деҳқонгача кўриб. билиб турибди, уларни энгиш учун ҳаракат қилаяпти. ишлаяпти. Чунки дориломон кунларга маҳкумлиқни қўмсаш, оқ-воҳ чекиш. ҳаракатдаги биродарини гийбат қилиш олиб бормайди. Ўтиш даври экан — давлатимиз учун, ҳаммамиз учун кўп нарса янги. синаб. ўрганиб кетишимиз учун фурсат керак. Муаммоларни, вақтинча етишмовчиликларни бартараф этишнинг йўли бомба портлатиб. беғуноҳ одамларнинг қонини тўкишми? Мусибатзада миллатни яна мусибатларга, қаҳатчиликка, фуқаролар уруши чоҳига гирифтор қилишми?

Ўша фаровонлик нималарни бой бериш ҳисобига қўлга киритилганини унутиш мумкинми? Тарозининг бир палласига нисбатан арзончилик бўлган даврларни-ю, нариги палласига ҳеч бўлмаса Кўқон мухториятини қонга ботириш кунларида шаҳид бўлган ўн минглаб юртдошларимизнинг жонларини қўйсинлар эди! Она юртидан ажраб «Ватан-ватан!» дея қорачиқлари қонли ёш билан оқиб тугаган муҳожирларнинг ҳасратини, миллатнинг қатағон йилларида қатл этилган асл фарзандлари тақдирини, Қодирийнинг жовдираган кўзлари-ю, «Олий жазо беринг менга!» деган илтижоларини, тузумнинг калондимоғ-у калтабин раҳнамолари сабаб бўлиб бошланган уруш йиллари муҳорабада, фронт орқасида завол топган миллионлаб одамларнинг ҳаётини қўйсинлар эди! Ниҳоят!.. Ёқиб юборилган, дарёга оқизилган китобларимизни. молхонага, омборга, шароб корхонасига айлантирилган масжидлар. мадрасаларни қўйсинлар эди, қани, қай бири оғир келаркин!.. Наҳотки, бу ҳамма айтилган улуғ йўқотишлар бўлса бўлар, қорним тўқ-у эгним бут юрсам бас дегувчилар топилса! Ўша нисбий фаровонлик даврида мунофиқлик, риёкорлик, порахўрлик каби гуноҳларнинг роса авжига чиққанини унутиш



мумкинми! Динимиз, унинг арбоблари, одат-таомилларини таъқиб этишлар, ҳайдалган виждон, ҳар қадамда хўрланган адолат, ўкситилган туйгуларни-чи!

Алқисса... Маҳкумлар нажоткори, мазлумлар халоскори яна Унинг ўзи экан — қудрати шуъласи билан асрлик зулматни куйдирди — офтобга чиқдик, хўрлик саодатига молик бўлдик... Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ биз иқтисодий тизимни қайтадан, юзага келган сиёсий-ижтимоий шарт-шароит тақозосига биноан қурмоққа киришиб эдик. Бу жабҳада фахр этса арзигулик ютуқларимиз ҳам бор, ҳозиргина эътироф этилганидек, ҳал қилиниши зарур муаммоларимиз ҳам.

Бироқ, биз мазлумликдан фориғ бўлиб, озодлик остонасидан хатлаганимиз онларданоқ иқтисодни мустаҳкамлаш бурчи, вазифаси билан баробар, балки ундан ҳам аҳамияти улуғроқ, асти кечиктирмай бажаришимиз зарур бошқа бурчимиз борлигини ҳис этиб, тушуниб, ана шу бурч, вазифанинг даъвати, иродаси, фармону хоҳиши солган завқу иштиёқ билан тўлиб тошиб турардик.

Дунёнинг кейинги ўн беш йиллигини қамраган тарихи яратилар экан, қайд этилиши муқаррар: Ўзбекистон Республикасида мана шу йиллар мобайнида юз берган оламшумул ўзгаришлар, алалхусус, дини исломни тиклаш, ривожлантириш борасидаги хайрли, улуғвор ишларнинг барчаси халқимизнинг буюк фарзанди, асл йўлбошчиси Ислом Абдуғаниевич Каримов номи билан боғлиқдир.


Азизлар, шукур айтайлик, ҳамд айтайлик парвардигорга! Ҳар бир шаҳар, ҳар битта қишлоқ ёки маҳалла аҳолиси шу ҳудудда турбати ётган валоят ва каромат аҳлининг қабрини обод қилиб олди, қадамжога, зиёратгоҳга айлантирди.

Зеро, ота-бобонг, аждодларинг, табаррук пирларингнинг қабри хор бўлиб ётаркан томогингдан луқма ўтадимини!.. Ўқимасанг мукаммал одам ҳисобланишга ҳаққинг йўқ китобларинг унутилиш қабристониде кўмилиб ётса бойлигингнинг нархи қанча? Масжидинг, мадрасанг, мактабларинг шумтираб, муҳтожлик, чорасизлик гўшасига айланиб турса ҳашаматли уйлар қурганинг тўғрими?!.

Азизлар, шукрилиллоҳ дейлик... Атроф-жавонибимизни алп тоғлар, боботоғларгина ўраб, боғларимизга азим чинорларгина файз бериб турганлари йўқ. Тогдек суянчиқларимиз, азим чинорларимиз, улуғларимиз, табаррукларимиз қайтганлар, ҳар саҳар

қуръон тиловат қилиб, Аллоҳ таолодан ва улуғларимиздан қуввату мадад сўрамоқдамиз. Улар ҳар эзгу ишимизнинг бошида борлар, дуо қилиб, омад тилаб турибдилар. Илоҳим, ҳазрат Мир Алишер айтганларидай, бу «муборак зотларнинг баракоти бу миллат бошидан кам бўлмагай».

Иншоаллоҳ! Азизларимизнинг дуолари мустажоб бўлгай. Иншоаллоҳ, эътиқоди бутун, иродаси метин, ишончи бақувват бу халқ бор экан Ҳақ назари табарруқ этган бу заминга дориломон кунлар келгани боқий бўлгай!



ИСЛОМ ЗИЁСИ ЎЗБЕГИМ СИЙМОСИДА

(Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри)

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент — 2005

Масъул муҳаррир: Зухриддин Ҳусниддинов

Таҳрир ҳайъати:

Зухриддин Ҳусниддинов, Ҳамидулла Кароматов, Уйғун Фафуров,
Аҳаджон Ҳасанов, Абдулҳай Абдуллаев, Зоҳиджон Исломов,
Ортиқбек Юсупов, Аброр Адҳамов, Неъматулло Муҳамедов.

Нашр учун масъул *Н. Муҳамедов*

Бош муҳаррир *О. Раҳимов*

Мусахҳиҳ *У. Инсонбоева*

Бадий муҳаррир *Ш. Ҳасанов*

Китоб дизайнерлари *А. Арутюнов, Ш. Шарипов*

Техник муҳаррирлар *Ж. Бекиева, Н. Сорокина*

Расмлар муаллифлари *Ф. Қурбонбоев, Р. Шарипов, К. Ахунов* ва бошқ.

Теришга берилди 12.12.2004 й. Босишга рухсат этилди 09.03.2005 й.
Бичими 70×100 $\frac{1}{16}$. «TimesUz» гарнитурасида офсет усулда босилди.
Босма табағи 22,5. Нашр табағи 21,85. Адади 1000 нусха.
Буюртма №1264/11. Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси,
700011, Тошкент А. Қодирий, 11. Шартнома № 09-08-05.

МЧЖ «Ношир» босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.



